


ШОТУРСУН  
ҒУЛОМОВ

---

# ТОЗА ҲАВО

ҒИССАЛАР

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1978



Ғуломов, Шотурсун.

Тоза ҳаво: Қиссалар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

Ҳассос шоир, истеъдодли журналист Шотурсун Ғуломов кўплаб шеър, ҳикоя, қисса, очеркларнинг муаллифи эди.

Унинг поэтик лиризм билан йўғрилган «Тоза ҳаво» қиссасидаги Қодир ўз қишлоғи, она юртига зўр меҳр қўйган пок инсон сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади.

Шотурсун Ғуломов деярли барча асарларида қишлоқ кишиларининг маънавий қиёфасини, мустақил ҳаёт йўлига дадил қадам қўйган ёшларнинг орзу-интилошларини ёрқин ифодалаб берган.

Истеъдодли адиб, агар ҳаёт бўлганида, бу йил эллик ёшга тўларди. Мазкур тўплам марҳум ёзувчининг шу қўтлуг санасига бағишлаб нашр қилинмоқда.

Гулямов Ш. Чистый воздух. Повести.

Ўз 2

70303—192

Доп. 78

## БИРИНЧИ БОБ

## 1

Атрофи пастак девор билан қуршалган чоғроққина парникнинг панжара дарвозаси ғирчиллаб очилди-ю, ундан олдин қўш отли арава, кетидан икки киши чиқди: бири қўнжи қайтарма этигу ёқаси гулли кўйлак, кўк бос-тондан костюм-шим кийган, иккинчиси, иш кийимида бўлса ҳам келишган, қошу кўзлари зулукдеккина йигит. Башанг йигит қўлидаги тол чивикни этигига ширтилла-латиб урганича ёқимли бир куйни ҳуштакда хирғойи қилиб борарди. Шериги унга зимдан нафратли қараб қўярди.

Парник деворлари дам ўтмай илиқ кўклам шабадаси қучоғида тебранган яланғоч тутзор новдалари орқасида қолди. Қизариб бўртиб келаётган аспм туп ўриклар бутоғида, букри олмалар шоҳида чирқиллашиб, учиб-қўниб юрган саъва, жиблажибонлар нағмаси борлиқни тутганди. Ии қидириб, бетиним учиб-қўниб юрган жиблажибон жуфтига колхозчи йигит бир нафас завқли тикилди. Шериги ариқ лабида, майсалар орасида қуёш парчасидек йилтиллаб турган уч-тўрт қоқи-гулни этиги билан эзиб ўтди-да, нима учундир биттасини энгашиб қўлига олди. Дастасини эзиб, тилда баргчала-рини битталаб юла бошлади.

— Қўчатлари яхши-а?— деди колхозчи йигит шеригидан кўз узмай.

Унинг шериги ариқ лабидаги барра майсалар тўшига хивичи билан ширтилла-латиб савалаб борар экан: «Ҳа,

яхши, яхши»,— деб қўйди. Иккаласи ҳам бир-бирига яна тумтайиб олишди.

Колхозчи йигит оғир-оғир қадам ташлаб, шудгордан кесиб ўтган сўқмоққа бурилаётган эди:

— Тўхтанг,— деди шериги,— у ёқни кейин кўрармиз.— Лунжини ғалати қимирлатиб, йўлни чойхона сари солди у. Катта кўча бошига чиқишлари билан эса чор атрофга аланглаб машина қидира бошлади.

— Фермаларга бормоқчи эдик-ку,— ҳайрон бўлиб қолди колхозчи йигит. Шериги дўпписини қоқди:

— Зарур иш бор эди, эсимдан чиқай деган экан.

Самоварчи уларни деразадан кўриб қолиб қичқирди:

— Э, Одилжон ука, соғмисиз? Бу томонларга бир келиб қолган экансиз, ўтиринг, чой қилай!

Одилжон, деб чақирилган иккинчи йигит қўлини кўксига босиб:

— Раҳмат, ака, иш зарур эди,— деди. Шу орада қаёқдандир енгил машина пайдо бўлди, меҳмон унга ўзини липпа уриб, тишининг оқини кўрсатганича, жўнаб қолди.

Иш кийимидаги йигит этигининг чангини қўли билан шарт-шарт уриб қоқиб, чойхонага кирди. Қўкламги иш мавсуми бошланганлиги учун чойхонада деярли одам йўқ эди.

— Қодиржон ука, қалай, куёв бола маъқул қилиб кетдилармикан?— деди чойхоначи унинг олдига чой олиб кела туриб.

— Қанақа куёв бола?

— Ие, вой, ука-эй, шунақа гўлварсан-да! Қилиб юрган холис хизматингдан ҳали ўзинг беҳабармисан?!

Йигитнинг кўзлари катта-катта очилиб туриб қолди.

— Яшавор-эй,— семиз лунжлари ёйилиб кулди чойхоначи.— Икки дунёнинг қовушмай турган ишини қовуштириб юрибсану бундан ҳали ўзим беҳабарман дегин, қойил-э!

— Қанақа қовушмай турган иш экан у?

— Тўй, тўй иши-да, ука, ёқлик иши! Икки ёшнинг

юлдузини юлдузига тўғри келтириб, қовуштириб қўйиш осон деб ўйлайсанми ўзи! Бурунги вақтларда қиз билан йигит бир-бирини кўрсин, хоҳласин деган гаплар бўлмас эди, совчилар қиз тарафни кўндирса, бола боққанлар рози бўлса бас эди, олиқ-солиғини қилиб, тўйини бошлайверарди. Ҳозирги замонда энди қиз билан йигит бир-бирини кўрмаса бўлмайди, ЗАГС ўтказмайди!

Йигит ўз қулоқларига ишонмаётгандек чойхоначига тикилиб турарди. «Бу аблаҳ унга одам кўрмаган ёввойидек бунча тикилади десам, ҳали гап бу ёқда эканда!»— дерди ичида ўзича. Ҳозир парникда бўлишганида унинг расадчи қиз Тоҳирага худди мол кўраётган бозор жаллобидек атрофдан айланиб қарашлари, қизнинг эса ҳирсли қарашлардан ҳазар қилиб, тутақиб, ўзини ҳар ёққа ургани, қанақа шармсизни бошлаб келдингиз бу ерга дегандек, ер тагидан гина, ғазаб аралаш ўзига тикилганлари кўз олдидан ўтди. Ўзи бошлаб борган одамнинг ҳаёсизлигини танасига сиғдира олмаган йигит қизлар олдида уятдан қора терга ботганди. Қизлар «меҳмон»га жаҳл қилиб парникдан чиқиб кетишаётганда ҳам, орқаларидан лаби осилиб тикилган ҳамроҳига: «Кўчат у ёқда эмас, бу ёқда»,— деб зарда ҳам қилганди. Шубҳага борганди-ю, яна баъзилар, шунақа келишганроқ аёлни кўрса кўзини лўқ қилаверади, бу шунақаларданми дейман, бошқа жойда ҳам шунақа қилса, бир боплайман, деб келаётганди.

— Оббо сиз-эй, ҳазил-ҳузул билан тўйбоши бўлиб қолганимдан ҳам хабарим йўқ денг! Яшанг-э! Бу ёқда бутун маҳаллада каттаю кичик Тоҳирахоннинг ҳол-васини ейдиган бўлиб қолдик, деб томоғи тақиллаб юрибди-ю!

— Қовушмаган гапни қўйсангиз-чи,— деди зўрға қўл силтаб йигит.

— Нимаси қовушмаган гап!— лаби бурушди чойхоначининг.— Ишонмаяпсанми! Ахир Муслима ая бугун эрталаб бизникига чиқиб аёлимга: қўшнижон, эрин-

тизга тайинлаб қўйинг, бугун-эрта райондан Одилжон деган йигит қизим Тоҳирани кўргани парникка келмоқчи, чойхонада кўз-қулоқ бўлиб турсинлар, тагин келиб кетганини билмай юрмайлик, дебди-ку!

— Йўғ-э,— ўтирган столи ғижирлаб кетди йигитнинг.

— Ҳеч бўлмаса, Одилжоннинг юриш-туришига қарамайсанми, ҳеч вақтда колхозга иш билан келган одам ғарчиллама этигу, бостом костюм-шим кийиб келади-ми?— маҳалланинг муҳим ички бир сиридан ҳаммадан олдин хабар топганлигини йигитга билдириб қўйиш учун куйиниб таъкидларди чойхоначи. Йигит изтиробга тушиб қолди. У чойхоначига сир бой бермаслик учун пиёладаги чойни шошиб ҳўплаган эди, оғзи куйди, кўзларидан ёш чиқиб кетди. У:

— Ҳали шунақа денг!— деди-ю, кўчага отилди...

## 2

Қодиржон институтни битириб, ўзи туғилиб ўсган колхозига ишга келган эди. Шу йили кузга бормаёқ колхозлари қўшни «Қизил юлдуз» билан бирлашди, Қодиржон экономист қилиб ишга тайинланди. Иккала колхоз ҳам районнинг энг қолоқ хўжаликларидан ҳисобланарди. Иккала колхозда ҳам раис тез-тез алмашиниб турарди. Улар бирлашганидан кейин ҳам «Қизил юлдуз»нинг раиси қишгача раислик қилди, холос, йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида уни олиб ташлаб, ўрнига илгари колхозларда раислик қилган ва кейинги вақтларда район партия комитетида ишлаб турган биров раис бўлиб келди. Янги правление олдида колхозни қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан кўтариш вазифаси турарди. Бирлашишдан кейинги дастлабки ҳафталардаёқ, Қодиржонга колхознинг юксалиш планини ишлаб чиқиш топширилди. Бу иш учун раис бош-

чилигида махсус комиссия тузилган бўлса ҳам, унинг барча ҳисоб-китоб қисмларини тузиш — йиллик тараққиёт хомчўтларини ишлаб чиқиш Қодиржоннинг зиммасида эди.

Бу план устида у мана бир ярим ойчадан бери бош қотирар, район ва областнинг умумий тараққиёт планида ўз колхози қандай ўрин эгаллашини, унга эришиш учун колхозда ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги йил оша қандай ўсиши лозимлигини аниқлар, йиллик даромад-буромадлар хомчўтини белгиларди...

Бугун эрталаб ҳам Қодир идорага келиб, шу план устига эндигина ўтирган эдики, раис чақириб: «Бу киши райондан келган, парникларни, фермаларни кўрсатинг, далани айлантинг»,— деб, Одилжон исмли йигитни танитганди.

Қодиржон Тоҳирани икки колхознинг бирлашишига бағишланган йиғилишида кўрганди. Дастлаб Тоҳира билан 10-синфни битириб, институтга кетаётганида танишганди. Қўшни колхоздаги етти йиллик мактабни битирган бир гуруҳ болалар ва қизлар саккизинчи синфга келганида улар орасида Тоҳира ҳам бор эди... Институтда ҳам яхши қизлар кўп эди. Улар билан дарс тайёрлашишди, киноларга бирга тушишди, шаҳар истироҳат боғларида кезишди, имтиҳонларга бирга тайёрланишди. Баҳслашишди, жанжаллашишди, ҳатто баъзан бир-бирларидан хафа бўлиб юришди. Аммо бу яқинликларнинг ҳаммаси ака-укалардек бўлиб, дўстликдан нарига ўта олмади...

Қишлоққа диплом билан қайтгандан кейин, у яна Тоҳирани учратди. Қиз икки колхознинг бирлашишига бағишланган йиғилишда қизлар даврасининг олдида дугоналари билан бирга ўтирарди. Қизнинг тимқора кўзлари колхоз йириклашишининг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлаётган нотиққа қадалганди. «Тоҳира-ку,— кўнглидан ўтказди у, қизни узоқдан кузатиб.— Жуда бошқача бўлиб кетибди...»

Тоҳира «Қизил юлдуз»да бош табелчи экан. Колхоз қўшилгач, бир ярим ой бирга ишлашга тўғри келди. Улар иккала колхознинг бухгалтерлари билан биргаликда мулкларни қайта ҳисоблаб, ягона рўйхатга ўтказишди. Тоҳира бирам одобли, ҳушёр, меҳрибон қиз бўлибдики! Пешинда ҳаммадан бурун туриб чой қўяр, зарур нарсани дарров муҳайё қилар, баъзи қизларга ўхшаб бўлар-бўлмас ҳиринглаб кулавермас, доим ўз одобида, иззатида тура биларди.

Қодиржон қизнинг мафтуни бўлди-қолди. Аммо юрак дардини қизга сездира кўрмади — ўз қўли остида синглиси қатори бўлиб ишлаб турган қизга муҳаббат изҳор этишни ўзига эп билмади.

Қайта ҳисобга олиш ишлари тугагач, бухгалтерия ходимлари қисқарди. Тоҳира бригадага чиқиб, табелчи бўлиб ишлай бошлади. Ҳозирги кунда эса парникка қарашиб юрганди.

Қодиржоннинг кўнглида Тоҳирага нисбатан пайдо бўлган туйғуни бухгалтерияда бирга ишлашган Саврихон исмли жувон сезиб қолган экан. У бир куни қармоқ солиб:

— Тоҳирага бугун-эрта совчи юборарсиз?— деб қолди.

Қодиржон қизариб кетди, кейин:

— Олдин бунга Тоҳирадан изн сўрайлик,— деди ўзини босиб.

— Унинг изми аллақачон қўлингизга ўтган,— дея кулди жувон. Ёигитнинг юраги гуп-гуп ура бошлади...

Шу куни кечқурун Қодиржон Тоҳираларнинг кўчасидан «Саодат бир-ла ҳамда бир ажойиб боғ-роғим бор», деб бошланувчи ашулани айтиб ўтди. Эртасига ниманидир баҳона қилиб парникка борди. Тоҳиранинг яқинига борганида тили гўлдираб, узоқлашганида келишган қаддига зимдан қараб-қараб, қизнинг атрофида айланиб юрди. Яқин борганимда нега бу даража ҳаяжонга тушаман-а, дерди ўз-ўзига. Кейинги куни



парникда бажарилган ҳафталик меҳнат ҳисобини топшириш учун идорага Тоҳиранинг ўзи келди. Тоҳиранинг ҳафталик меҳнат табелини вазифасига кўра Саврихон қабул қилиб олиши керак эди. У иши кўплигини баҳона қилиб табелни Қодирга оширди. Бир-бирига қарай олмай, қизаришиб-бўзаришиб турган ошиқ-маъшукларга зимдан кўз югуртириб, лабини тишлади-ю, ичдан пиқ этиб кулиб, лип этиб эшикка чиқиб кетди. Бош бухгалтер ҳам чойхонага чиқиб кетганди. Хонада Тоҳира билан Қодир қолишди...

Қодиржон қизлар билан гаплашишга уқувсиз эди. Қўлидаги ручкани дам сиёҳга ботирар, дам чаккасини ишқарди. Тоҳира унинг ёнида жимгина кутиб ўтирарди.

— Тоҳира, кечирасиз, сизни ўзимга яқин билиб...— деди Қодир тўсатдан.

Қизнинг узун киприклари бежо титраб кўтарилди. Шахло кўзлари, биламан айтмоқчи бўлган гапингизни, дегандек чарақлади. У уялиб ерга қаради, олдига тушиб турган узун қора соч тутамининг учини силаган бўлди... Йўлакдан одам шарпаси келди.

— Кейин, Қодиржон ака, кейин...— дея олди у шошиб. Жавоб ҳам кутмай кулиб тез чиқиб кетди. Эшикдан кафти билан пешанасини ишқай-ишқай бош бухгалтер Сулаймон кириб қолди. Унинг орқасидан ҳар хил справка ва қоғозлар тутган уч-тўрт колхозчи хонага кириб келишди... Шундай қилиб, севги аҳди кетга сурилганди. Ниҳоят, бундан бир ҳафтача бурун улар парник чайласи ёнбошидаги букри жийда тагида бир-бирларига рўбарў келишди.

— Қодир ака, анави куни айтмоқчи бўлган гапингиз нима эди?— деди қиз йигитдан садо чиқавермагач, ўзи гап бошлаб.

— Билмайсизми?— деди йигит ҳам мийиғида кулиб.

Қиз ялт этиб йигитга қаради, шахло кўзлар билан, дегандек ёниб турарди. Йигит беихтиёр қизнинг қўлини ушлади. Тоҳира худди қўлига чўғ тегиб кетган-

дек, сапчиб ўзини четга тортди. Кўзлари, шунақа шўх-мисиз ҳали, дегандек, ғалати табассум ҳада қилди. Иигитнинг ёноқлари ёнди...

Узоққа чўзилмаган шу дақиқа қалблардаги ишқ оташини кўзлар ҳукми-ла муҳрлади. Шу боқишлар, шу оддийгина сўзлар биланоқ соф кўнгиллар бир-бирига жуда кўп нарсани айтган, кўп нарсаларни ваъда қилганди...

\* \* \*

Қодиржон идорага қайтиб, стулига ўзини ҳолсизгина ташлаб улгурмасиданоқ, бош бухгалтер кўзойнагини пешанасига кўтариб, чағир кўзларини қадади:

— Меҳмон қани?

— Кетди.

— Дарров-а?

— Иши битибди-да.

— Йўғ-э,— бош бухгалтер Қодиржонга ажаблангандек қараб қолди. Кейин «ҳеч нарсага тушунмадим» дегандек, лабини бужмайтириб, столи устидаги чўтга қўл чўзди.

Қодиржон ҳафсаласизлик билан тортмани очиб, ишларини қўлига олди, чақ-чуқ қилиб чўт қоқаётган бош бухгалтерга, столга бағрини бериб бир даста фактурани санаётган ёрдамчи ҳисобчига тикилди. Негадир қўли ишга бормасди...

### 3

Шу пайт ҳовли томондан шарпа кўринди. Қодиржон ўғирлиб қаради. Идора эшиги олдида тогаси Низом билан Тоҳиранинг отаси Раҳмат турардилар. Раҳмат Низом тогага қандайдир гапларни тайинлаб, кира қо-

линг ичкарига, дегандек елкаларидан итариб пайпаслар, Низом эса қўлини пахса қиларди. Қўп ўтмай Низом очиқ эшик тўғрисидан Қодиржонга рўпара бўлди... Уни бош бухгалтер ҳам, ёрдамчи ҳисобчи ҳам кўришмасди. Низомжон ака Қодиржонни боши билан бу ёққа чиқ, деб имлади. Қодиржон қоғозларининг устига газета ташлаб чиқди.

— Бир гапим бор эди,— Низом атрофга олазarak бўлиб холироқ жой излади. Комсомоллар хонасида ҳеч ким йўқ экан. Низом ака у ерга ўзини олди. Кетидан Қодиржон кирди. Тоға эшикни орқаси билан бекита туриб:— Жиян, ўзимиздан чиққанлигининг асқатадиган жойи келди,— деди.

— Нима гап экан?— унинг оғзига тикилди Қодиржон.

— Раҳматжонни биласану, Раҳматжонни! Баҳоси йўқ одам. Бурноғи йили Россияга мол олиб борганда шу бечоранинг бўйнига озроқ қарз тушганди.

— Кўриб эдим. Озроқ эмас, бир минг тўққиз юз сўм.

— Бу одамнинг колхозга бир минг тўққиз юз сўмдан кўпроқ хизмати сингган. Кечиб юборишса ҳам бўлар эди-ю, ҳа, майли, у ёғи бир гап бўлар... Сен ҳозирча бу ёғини бир бало қилгин.

— Нимасини?— тоғасига тушуна олмай қолди Қодиржон.

— Эрталаб прокурор раисга телефон қилибди: эски йилги қарзини тўламаган дўкончи-растратчиларнинг рўйхатини юборинг, дебди. Жиян, сен бир эвини қилиб шу Раҳматнинг актини олиб қоласан-да!

Қодиржон тисарилиб бориб столга ўтирди. Тоғанинг кўзлари сичқонни чалғитаётган илоннинг кўзларидек жалангларди. У кўпни кўрган одам, оғзи куймаса, оловни ейдиганлардан. Раҳмат аканинг гарданидаги қарз ҳам оз эмас. Бу иш ўз вақтида терговчига ошганида бўларди-ю, лекин собиқ «Қизил юлдуз»нинг раҳбар-

лари юз-хотир қилишган-да. «Бўлар иш бўлибди, майли, ҳаммамиз бир одаммиз, қарзни тўлаб қутулсин», дейишган. Шунга ҳам мана бир йил бўлиб қолди-ю, қарзни тўлаш Раҳматнинг хаёлига келгани йўқ.

— Мен қандай қилиб эвини қиламан,— деди Қодиржон.

— Қарз дафтари сенда туради-ку, ҳойнаҳой, қарздорларнинг рўйхатини ёзиб бер, деб раис сенга буюради. Шунда Раҳматжонни рўйхатга киритмайсан-да, бу ҳеч гап эмас!— Қодиржоннинг тепасига келиб, энгашиб олди тоға.

— Билиб қолиб, сўраса-чи?— ерга қараб ўтирарди Қодиржон.

— Раис янги одам, қаёқдан билади, ўн-ўн беш қарздорнинг рўйхатидан палончи тушиб қолмадимикин, деб қараб ўтирармиди. Мабодо, билиб қолиб сўраганда ҳам, менга қарашли одам, уч кун ичида тўлайман, деди десаинг вассалом! Бош бухгалтерингдан сира ғам ема, уни пишитиб қўйганмиз.

Қўлга тушишини сезган ўғри ўзини қил кўприкка уриб, борини таваккалига тиккандек, тоғалар ҳам жон талвасасида ўзларини янги жиноят ўтига урмоқда эдилар. Бу қарзнинг таги анча ишларга бориб тақаларди. Колхоз қўшилмасдан бир йилча бурун «Қизил юлдуз» ўзининг экспедитори Раҳмат акага бир вагон узум, икки вагон тарвуз, яна аллақанча сабзавотни бериб, Урал томонлардаги бозорларга олиб бориб сотиб келишни топширганди. (У вақтларда колхоз узоқ бозорларда молини ўзи бемалол юбораверарди.) Раҳматга ёрдамчи қилиб ферма бошлиғи Низом ва собиқ колхоз дўкончиси Яраш қўшиб жўнатилганди. Улар молни сотишгану Тошкент нархида уч минг сўмлик мол бузилиб кетди, ташладик, деб акт кўтариб келишган...

Бу актга биров ишонди, биров ишонмади. Наҳотки, шунча нарса ачиб-сасиб кетади? Лекин нима бўлди-ю, бу масала правлениега ҳам қўйилмай, вақтида талаб

қилиб қарз ҳам ундириб олинмади, бугун-эрта билан қолиб кетди. Бу орада колхоз қўшилиб, қарздорлар яна тинчлана бошладилар.

Сабзавот ва мева Раҳматнинг номидан юборилган, уни колхознинг асосий жавобгар вакили, деб билингани учун қарз ҳам, актлар ҳам ҳаммаси унинг номига ёзилган экан. Шундай қилиб, бу орада Раҳматнинг ўзи ва қизи ишлаган бир йиллик меҳнат кунига бир минг бир юз сўм пул чиқиб, колхоз уни қарз ҳисобига босиб қолибди. Қолгани гарданида. Қодир бу актлар тагида катта қаллоблик борлигини одамлардан эшитганди. Бир талай фактура қогозлари, актлар, кассага ўтказилган пул ордерлари ва бошқа ҳужжатлар ҳаммаси бир папка бўлиб унинг қўлида турарди. Уни сўраса, раисга ёки бош бухгалтерга бериши мумкин эди. Тоға прокурорнинг номини ва Раҳматнинг қарзини тилга олиши биланоқ Қодирнинг кўзи олдиға Тоҳира келганди. Тоғани албатта унинг отаси юборган. Севикли қизи Қодирнинг бу: «Мен қандай эвини қиламан»ига нима дейди?! Бунинг устига, тоға, унинг орқасидан яна қанча қариндош-уруғлар унга қараб туришибди. Тоға хотини томонидан Раҳматга узоқ бўлса ҳамки қариндош. Тагини ҳисоблаганда, бутун колхоз одамлари уруғ-аймоғ бўлиб, бир-бирига чапишиб кетган. Улар нима дейишади. Ўз қариндошининг ёнини олмадингми, дейишмайдими?! Тоға ҳам, ахир, бу ерга шуларни назарга олиб келган-ку! Лекин, унга қулоқ солса, айтганини қилса кўпчилик колхозчилар нима дейди: «Ҳақимизни бир кўзбўямачи шилиб кетаверади-ю, ўқитиб, инониб хизматга қўйган одамимиз ўз мансабидан фойдаланиб, юлғични ҳимоя қиляпти, диёнатини ютяпти», демайдики! Колхоз шундай ошна-оғайнигарчилик, хешу ақраболик деб, ўз нафсини кўзлаб келганларнинг жатига чўкиб ётибди-ку! Ошна-оғайнибозлар колхозни кўтариш ўрнига, кўпроқ ундан ўзлари учун ёғли думбани каттароқ юлиб олиш ҳақида ўйлашади-ку! Нима, энди Қодир ҳам юрагидаги

соф интилишларни четга йиғиштириб, «сен менга тегма, мен сенга тегмай», қабалида яшайвериш учун юлғичларга шерик бўлсинми? Шу йўл яхшими? Бу бармофингни кессанг униси оғрийди!.. Қодиржоннинг бутун хаёллари остин-устун бўлиб кетди. Рости, у колхозга келганидан бери шундай руҳий тўлғоқлар тўлқинида яшарди. Қай соҳилга ўзини отишни билмасди! Ҳозир ҳам шундай бўлди. Тепасида тикилиб турган тоғасига зўрға кўзини кўтариб қаради-ю, бошини чайқаб қўйди. Анчадан кейин:

— Бўлмайди, тоға, бўлмайди, мен бу ишни қилолмайман,— деди.

— Нима?! — тоғаси сапчиб тушди.

— Яхшиси, удалай олса, бугун-эрта пулни тўласин.

— Нима, бир вақтлар ачиб кетган узумнинг пулини ҳозир у қаердан олади?!

— Бўлмасам уни яшириб қолдириб, нима қилмоқчисиз?

— Кейин бир гап бўлар, правлениега қўйдириб, кечтириб юборамиз. Акти бор-ку ёнида!

Қодиржон тоғанинг чақчайган кўзларига тик қаради.

— Бўлмайди.— деди.

— Нима?— жиянини еб қўйгудек бўлиб тикланди тоға.

— Сичқон ғажиб кетган актдаги қарзга нега бунча юрагинг куяди, тихирлик қиласан, сен бола! Еки Асад-пасадга ўхшаган ҳақиқатпараст сени пуфляяптими-а! Кўзингни оч! — дағдағага ўтди Низом.

— Мен гўдак эмасман, кўзим очиқ, ҳамма нарсани равшан кўриб турибман.— Киприкларини қоқмай тоғанинг кўзига кўзини қадади Қодир.— Асад ака асил одам, унга тил теккизманг!

Тоға унга сари ёниб кетди:

— Гўдаксан, кўзингнинг юмуқлиги, шу кимнинг

қанақалигини билмайсан. Асад колхозда бир вақтлар туппа-тузук дўкон очиб кассага пул тушириб турган одамлар бошига қанақа туҳматлар ёғдирганидан беҳабарсан, галвар! Асил одам бировга ёмонлик қиладими?

— Биладан, ҳаммасини биладан,— деди совуққонлик билан Қодир,— Раҳмат аканинг қарзи учун сиз нега бу даража куйиб-ёнаётганингизни ҳам, Сибирга у билан бирга борганларингизни ҳам биладан. Ҳа, асил одам яхши билан ёмонни, ўғри билан тўғрини фарқ қилади!

Тоға бежоланиб қолди. Жиянининг бу гапини биров эшитиб қоладигандек, ҳеч ким йўқми, деб атрофга аланглади. Лабларини тишлаб жиянини гажигудек бир важоҳатда депсинди, қўлини пахса қилганича Қодирни яна гўдакдан олиб гўдакка солиб, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келаверди. Унинг гапи Қодирнинг қулоғига кирмас, шаҳарлик Одил билан борганларида Тоҳиранинг бетоқат питирлаган қиёфаси, ғазабли қарашлари кўз олдидан нари кетмасди. Орада шундай бемаъни қарз ғалваси чиқиб турганида унинг эшигида совчиларнинг изғиб қолганини, онасининг уларга олти қулоқ бўлиб тикилганини қаранг! Лекин, бари бир, қизнинг қалби менда, калит менда-ку! Ўзига таскин берарди Қодир.

Худди шу пайт ҳовли томондан партком Асаднинг кимгадир қаттиқ-қаттиқ гапиргани эшитилиб қолди. Кўпириб ҳамлага ташланаётган тоға тўсатдан псайиди, деразадан ҳовлига мўралади. Кейин овозини секинлашиб, дағдаға қилганича, эшик томон шошиб юрди:

— Айтганимни қилмай кўр-чи, кунингни кўрасан! Ҳали авлодимиздан бировга чоҳ қазиган одам чиққан эмас, қадамингни ўйлаб бос, бола, олди-орқангга қара!

У Асадга дуч келиб қолишдан қўрқди шекилли, клубнинг орқа эшигидан чиқиб кетди. Қодир бухгалтер-

рия хонасига қайтиб кириб келаркан, бош бухгалтер ишидан бошини кўтариб, нечундир:

— Қаёқда эдинг? — деб сўради.

— Ташқарида эдим, — деди Қодир деразани очиб, — баҳор ҳавоси, тоза ҳаво бирам яхши, айланиб келдим...

Бош бухгалтер ниманидир билиб олмоқчидек, кўзойнаги тепасидан Қодирнинг юз-кўзига узоқ тикилди.

#### 4

Бир жуфт мусича ҳар йили баҳорда Одилхонларнинг айвонидаги қалин тўсинлар орасига ин қўяди. Она мусича ёзда икки-уч жуфт жўжанинг қанотини қотириб учиради. Қишга боргач, ўзи ё мушукка ем бўлади, ёки совуққа қотиб, бўғотдан тошдек думалаб тушади. Эндиги йили баҳорда эса яна бир жуфт мусича худди ота-оналари ўрмалаб ўтган тўсинлар орасидан бориб, эски жойга ота-оналари ясагандек қилиб ин ясашади, бола очиб учирма қилишади. Ҳар йили шу ҳол такрорланади. Одилхон уларнинг ҳар йили тумшуғида дон ташиб жўжа боқишларини кузатар экан, қуш инида кўрганини қилади, деб шуни айтар экан-да, деб қўйди.

Бурноғи йили ёзда она мусичалар болаларини эндигина учирма қилиб, инидан олиб чиқа бошлаганда, Одилхоннинг чолу кампирлари ҳам ҳаракатга тушгандилар.

— Ўғилни уйлантириб қўйиш ота учун ҳам фарз, ҳам қарз, — деган эди дадаси. — Катта ўғлимиз мана худога шукур, уйли-жойли бўлиб, ўзидан тиниб қолди. Энди кўзимиз тириклигида кенжамизнинг ҳам бир бошини иккита қилиб олсак.

— Қани энди, — деди кампирнинг чехраси ёришиб. — Ўғлингиз шу бугун уйлантириб қўйсангиз, шу бугун йўқ демайди.

Ота калта соқолини бармоқлари билан титкилаб-титкилаб қўйди. Она ўз дарди ғамига кўчди.



— Катта келинингизни бошқа қилиб чиқардингиз-  
юбордингиз. Ҳовлингизда яна ёлғиз ўзим қолдим. Ахир  
менга ҳам супурар-сидирарга, куйдирар-пиширарга  
битта-яримта дастёр керак.

Ота тўғри, дегандай, бош ирғаб қўйди.

— Майли, қиз топ.

— Қиздан кўпи бор эканми,— енгини шимарди она.

Шу кундан бошлабоқ кампир паранжини қийшиқ  
ёпиниб ўғлига қиз қидиришга тушди.

Бу вақтда Одилхон қишлоқ хўжалик техникумининг  
охирги курсида ўқир эди. Тақсимот пайтида акаси  
укасини яқин қишлоқ райони бўлими ихтиёрига ёзди-  
риб қўйди. (Бўлимдагилар аниқ ишни таклиф қилиша  
олмади-ю, бизнинг рўйхатимизда турсин, яқин орада  
бирорта колхоздан ўрин чиқиб қолса, юборамиз дейиш-  
ганди.) Мана шундан бери Одилхоннинг уйдагилар  
қиз қидиришадди. Онанинг кавуш сургаб кирмаган те-  
шиги, қоқмаган эшиги қолмади. Бир қиз онанинг ди-  
дига ўтирмаса, иккинчиси ўғлига ёқмасди. Учинчи қиз  
яхши бўлса ҳам, ҳовли-жойи маъқул бўлмай, она: «Ўғ-  
лим куёв бўлиб кириб борганга яраша данғиллама  
жойга кирсин-да»,— деб айнаб келарди. Шу орада ни-  
ма ҳам бўлди-ю, Ярашхон ака колхозда дўкон очган  
йили омборчи бўлиб ишлаган дўсти Раҳматнинг бўйи  
етган қизи борлигини эслаб қолди. Эртасигаёқ у қизи-  
ни ва туриш-турмушларини кўриб келиш учун хотини  
билан катта келинини юборди. Улар Раҳматларники-  
дан оғзи қулоғига етиб қайтишгач, индинига украинча  
гулли кўйлак устидан бостон костюм кийиб, қўқон дўп-  
пини чаккага қўндириб олиб, Одилхон қишлоқ сари  
«район одами» бўлиб жўнагандилар...

— Ўғлинг маъқул қилса бўлди. Раҳмат сирдош  
оғайним, бориб ишни бир галда пишириб келаман,—де-  
ди Ярашхон ота. Одилхон қизни ёқтириб қайтди.— Те-  
мирни қизигида бос, деган,— деди ота шайланиб.—  
Юлдузи юлдузига тўғри келиб қолганга ўхшайди. Бу-



гунги ишни эртага қолдириб нима қилдим. Эртами-индинга яна хотинлар тугун-пугунини кўтариб бориб, ҳай овсин, сизларникига совчиликка келдик, деб чўзилиб юргунича, бугун ўзим шиппа бориб кела қоламан,— деди...

Одилхон гоҳ уйга кириб, гоҳ кўчага чиқиб, отасининг йўлини пойлади. Кунботарга яқин ота қўлида кичик тугунча билан қишлоқ автобусидан тушди.

— Бўримисиз, тулки?— деди кампир, у ҳовлига қадам қўймасиданоқ.

— Ҳеч бўри бўлган вақтпмиз ҳам бормиди...— деди узунчоқ юзлари ёришиб эр. Аммо ечиниб келиб айвон четига чўнқайгач, кафтларини ишқаб қолди. Одилхон уйда, деразанинг олдида дўпписининг кизагини тортиган бўлиб, қулоғини динг қилиб турар эди. Отасининг бугунги енг шишаришларидан хабар топиб, аллақачоноқ етиб келган ака айвон устунига суянганича отанинг оғзига тикилганди. Она ҳам ҳовли юзида чап муштини кўксига тираганича эрининг батафсил жавобини кутарди.

— Раҳмат дўстим, бола-чақасининг бахтига ишқилиб омон бўлсин. Тунов кун сизлар борганларингиздан кейиноқ эр-хотин гаплашиб, гапни бир ерга тиндириб қўйган экан. «Майли, Ярашхон ака, сиздан бир эмас, ўнта қизим бўлса ҳам аямайман, қизимни берсам сизникидек жойга бераман-да, ўзимизникисиз,— деди қуллуқ қилиб. — Лекин ҳозирча битта лекинлик ишим бор», деб ер чизиб қолди бечора.

— Нима лекини бор экан!— отага томон энгашиб ака. Одилхон ҳовли томонга бўйинини чўзди.

— Бечоранинг бўйнига озроқ қарз тушиб қолган эди. Ўша қарзни бугун колхоз қистаб қолибди. Ҳатто йўлда бошқа бировдан эшитишимча, икки-уч кун ичида бермасанг, ишингни прокурорга оширамиз, дейишибди. Оғайним бечора шунга боши қотиб, ўн беш кун бурун келганингизда ҳам, ўша кунгидек фотиҳасини қи-

либ, бир ҳафта ичидаёқ ўраб-чирмаб бериб юборган бўлар эдим. Энди, Ярашхон ака, шу бошимдаги ғалваларни бир ёқлик қилгунимча ярим ой қараб турасиз, деди.

— Унгача фотиҳа қилиб қўя қолайлик демабсиз-да? — деди ака.

— Буни ҳам айтдим. Лекин Раҳмат, ҳозир кўнглимга қил ҳам сиғмайди, сиз менга ишонаверинг, деди. Хўп, менинг бахтим сенинг бахтинг, фалокатдан қутулиб ол,— дедим.

Ота сиртдан сир бой бермасди-ю, нчини ит таталаб борарди: «Қасофат, сени тезроқ тинчитиб қутулиб қўя қолай, деб бориб, ғалвага тумшугимдан илиндим-а! Раҳматнинг иши ўнгиб кетсин-да, ишқилиб», дерди ичида ўғли Одилни яниб.

Аслида бундай бўлганди. Сибирга Раҳмат бош, Низом, Яраш — уч киши колхознинг уч вагон молини олиб боришди. Борган кунлариданоқ бозор юришиб кетди. Ҳар куни қўллари қўлларига тегмай, Тошкент бозорида қирқ-эллик тийиндан зўрға сотиладиган узумни икки сўмдан, килоси ўн беш тийинлик тарвузларни эллик тийиндан пуллашди. Чамадон-чамадон пул: кўп қисмини почта орқали колхоз кассасига жўнатишди ҳам. «Шунча молни олиб келиб, пул қилиб, ҳаммасини колхозга жўнатамизми, ярмини ўмарсак ким билиб ўтирибди?» — деган фикр туғилди Ярашда. Бу дардини у Низомга айтди.

— Қандай қилиб ўмариб бўлади, йўлни айтинг,— деди кўзи ёниб юрган Низом.

— Сен Раҳматни кўндир, мен йўлни топаман,— деди Яраш. Раҳматни олдин Низом, кейин Ярашнинг ўзи йўлга солди. Экспедиторлигида унча-бунча эгри ишга қўл уриб юрган Раҳматнинг ҳам ичи куйиб турган экан. Яраш бозор паттачисига бир оз пул тутқазиб, акт ёздирди, унда молнинг бир қисми бозор касод бўлиб ўтмай қолиб сасиди, деб дўндириб кўрсатилди. Бу

актга пул қистириб бозор бошлиқларининг ҳамда ахлат ташувчи машина шоферларининг қўлини қўйдирди. Даста-даста пул орада бўлинди. Албатта, кўпроғини ишбоши Раҳмат олди. Ярим вагонча тарвуз ва қисман узум пулини бозорда молни сотиб келганларидаёқ Низом билан Яраш чўнтакка урганди. Раҳмат уларга ёғнинг дея олмади Шу билан улар: «Бошқа бозорларга бориб келганларга қараганда биз яхши пулладик, мана, ярим молни яхши пуллаб келдик, лекин ачиган-сасиган узум, тарвузлар бизни роса қийнади»,— деб кириб келдилар...

Нима қилсин? Маҳалла-кўйда Яраш номи Ярашхон қорига айланиб, мачитга ҳам домла-имомлар қатори кириб-чиқиб, тўй-маъракаларда тўрда тилини бир қарич қилиб юрганида, энди яна эски кир ўранинг оғзи очилиб шарманда қилмаса эди.

Раҳматнинг ҳам ҳоли тангга ўхшайди, ҳоли танг бўлмаса, бу қарзда сизнинг ҳам «хизматингиз» бор, энди қимирланг, деб томоқ қирмас эди. У шу гапни Низомга ҳам айтибди: «Бу ёғини энди икковларингиз тинчитинглар, бўлмаса, қамоқни ҳам бўйнимга оламану, сизларни ҳам омон қўймайман», дебди. Феъли айниганга ўхшайди. «Энди ўзини четга олган ҳам номард, шу Раҳматнинг қизини олмаган ҳам. Қизига яхшигина мол қилган, дейдилар. Эҳ-эҳ, не туйнукларни кўрмаган бош шу арзимаган ғалвани ёпди-ёпди қилишдан кўрқиб, шунча нақд дунёни бой берадими?! Йўқ, асло! Молу дунё, бойлик — фароғат калити-ку! Ахир, бутун умрини бойлик, бойиш йўлига тикмадими! Ҳаёт жилвасини, умр файзи-ю, бахт қушини бу бойликларнинг мавжида кўрмадими! Лекин қандай тинчитса бўлади. Лорсилламай кеткур Низом ҳам шу бир гўдак жиянини йўлга сола олмапти-да! Э, сатқайи савлат-эй». Даладан шаҳарга қайтиб келгунча минг хил фикрга борганди Яраш. У ғалвани тинчитишнинг миллион хил йўлини излаганди. Қолхоз идорасидаги одамлар бу қарз-

ни пайқамай турганида, енг ичида гум қилиб кетди ҳеч гап эмас эди-ю, лекин дўстинг мингта, душманинг битта бўлса ҳам қўрқ, деганлари бежиз эмас. Қолхоз активлари орасида Ярашнинг душмани бор. Бу — илгари колхозда бригадирлик қилган, Яраш дўкониди ўғринча мол сотяпти, деб уч-тўрт човук солган Асаддир. У фалокатнинг келиб-келиб шу нозик пайтда колхозга партком бўлиб қолганини айтмайсизми?! Ҳам партком, ҳам бир қолоқ бригаданинг бригадирлигини олганмиш. Яраш ҳеч кимдан қўрқмаса ҳам, шу Асаддан қўрқарди. Ёмон ўлди деса инон, тузалди деса инон-ма, деган-ку, ахир. Шум шумлигини қилмай қўяди, деб ким айтди.

Ота дўпписини олдиға қўйиб олганди. Она чолининг гап чайнашини кўриб тажанг бўларди.

— Уни кутиб ўтираминми? Уша савил фалокати икки-уч кун ичида битмас эканми?— ошхонаға кета туриб деди она. Одил эшикни тарақлатиб очиб ҳовлиға чиқди. Ота қовоғини осиштириб, бир ўғлиға, бир хотиниға қаради. Уларға қўлини силтаб, ўдагайлашға чоғланган эди ҳамки, катта ўғли чалғитди.

— У иши бир ой-ярим ойда битмаса нима бўлади? Ўзи ҳам қалтис иш экан. Мабодо, лаял этиб, тойиб кетса, нима қиламиз, кутиб-кутиб оҳ-воҳиға шерик бўламизми?!

Ота дўпписини ёниға олиб қўйди. Дўнг пешанасини кафти билан ишқади:

— Ўзи ҳам шу томонларидан чўчнди шекилли, раисимизға сирдошроқ бўлган бирор таниш-панишнингиз йўқми, гаплаштириб берсангиз, девди.

— Сиз нима дедингиз?— ҳовлида турган еридан гап қотди Одил.

— Нима дер эдим, қудалашадиган одаммиз, қараб турмаймиз, иложини қиламиз... Янги гап топган замоним сенға етказаман,— дедим.

— Ҳмм,— чимирилиб қўйди катта ўғил.— Бир ҳи-

собда яхши айтибсиз. Ҳам яқин танишингиз, ҳам бир томони мана, эрта-индин қудалашамиз деб турган бир қариндошдай гап. Яхшилик ерда қолмайди, дейишган машойихлар.

— Ғалвасини қандай қилиб тинчитасиз,— ҳовлида турган жойида даҳани очилди Одилнинг.

— Сабр қил, ўғлим, сабр қил,— деди Яраш босиқ овозда.— Битар ишнинг бошига — пирлар келар қошига, ажаб эмас, тезда чораси топилса!

— Э, ука,— деди ўрнидан қўзғалиб ака,— ҳар қандай тўғри қўл авлиё-амалдорингнинг ҳам орқасида қаттиқроқ тегиб кетса узиладиган нозик ипи бўлади. Шунақасини топиш керак, топамиз ҳам. Мен у Саъди акани яхши танийман.

— Ҳа, баракалла, ақлингга балли, ўғлим,— ёришиб кетди Яраш.

Шу пайт айвон тўридаги тўсинлар орасига ин қўяётган мусичалар тумшуқларида хас билан ҳодалар устидан ўрмалашиб ўтиб қолди. Бирининг тезаги деворга суяниб ўтирган Ярашнинг ялтироқ пешанасига чалп этиб тушди. Ота бошига тушган ахлатни қўли билан ушлаб кўрди.

— Э, қуриб кеткур, сенга ин қўйишга бошқа жой қуриб қолганмиди, падарингга лаънат,— ёнидаги дўппини қўлига олиб, қушларга қараб силкита бошлади у.

— Ҳай, дадаси, қўйинг, қўйинг, нима қиляпсиз Маккаю Мадинадан келган табаррук қушни безовта қилиб,— деди она.— Ахир, ота-оналари бултур бола очган жойига ин қўяябди, булар ҳам. Ҳайдаманг, гуноҳ бўлади!

Ота кишт-киштлар, она юлқиниб уни шаштидан қайтаришга уринар, қўл етмайдиган жойга қўниб олган қушлар эса уларга қараб-қараб қўядилар. Ўғиллар орқаларини ўгиришиб олганича пиқиллашиб кулишарди...

Тоҳира парникдан қош қорайганда қайтди. Ойиси бплан дадаси ҳовлидаги супа четига омонатгина чўнқайишган, гарданларини эгиб гаплашиб ўтиришарди. Дадаси кафтлари билан пешанасини чангаллаб олганди.

Қизи эшикдан кириши биланоқ, она кўйлагини қокчиб, ўрнидан турди.

— Келдингми, қизим,— деди у Тоҳирага бошдан оёқ тикилиб. Она қизига илгари ҳеч бунақа қарамаганди: қизининг чиройли елкаларига, соч ўримига, чаккаларида буралган қоп-қора жингалакларига боқиб, кўзларининг юлдузи жилваланди. Қиз уйга кирар экан, она орқасидан унинг белига тушган қалин қоп-қора сочларига, самбитдек келишган қаддига тикилди.— Кўз тегмасин, туф-туф,— деб қўйди.

Ота индамай ўрнидан туриб кўчага чиқиб кетди. Тоҳира уйдан кийимини алмаштириб чиқди. Уйда киядиган одмигина кўкиш кўйлаги ҳам қизнинг тўлишган қаддига ярашганди. Илк баҳор офтоби қизартирган кулчадек юзлари, чарақлаб турган тимқора кўзлари, ҳатто ўзига ярашадиган даражада хиёл пучуққина бурни ҳам бошқа кийимда янгича латофат кашф этганди.

— Парникка бегона одам бормадимми?— ўчоқ бошидан кулинкараб овоз қилди Муслима ая. Қизнинг қошлари кўтарилди. Бир нафас жавобсиз туриб қолди. «Рост гапиряпсизми?» дегандек кўкрагини ушлади. Кейин бўшашиб супа четига ўтирди. Она яна овоз қилди.

— Гўшт кўрмаган кучукка ўхшаб кўзини лўқ қилмай ўлсин, борди,— деди қиз овозини чўзиб. У молҳолларга қарашни мўлжаллаб уйдан чиққан эди. Она-

сининг саволи томир-томирларни бўшаштириб юборди. Тунов кун иккита аёл кўча эшикда уни учратиб, одам кўрмаган маймундек бақрайишганда ҳам, бугун парникка борган олифта йигит тикилавериб жонини ҳиқилдоғига келтирганда ҳам, «ўзини тутолмай йилт этганга ағрайаверадиган аҳмоқлардан булар», дейишдан бошқа хаёл бошига келмаганди. Онасининг саволи кўз олдини қоронғилаштириб юборди. У: «Қодиржон ўзимга ҳам, уйдагиларга ҳам жуда муносиб йигит, илми ҳам, одоби, ақли ҳам мақтаса мақтагудек. Вақти келганда дадам ҳам, ойим ҳам тихирлик қилмайди,— деб ўйлаб юрарди.— Ҳаётим текис оқади,— деб хотиржам эди. Томдан тараша тушгандек онаси нима деди ўзи?.. Улар ўзларининг бобокалонларидан боболарига, ундан оталарига, оталаридан мана ўзларига раем бўлиб ўтиб келган одатга кўра, Тоҳирандан сўрамаёқ ишни пиширишган, ундан кейин, сўлагинг оқмай ўлгур, оёгини олти қилиб парникка келган...» Тоҳира ошхонада, қозон-товоқлар устида куйманаётган онаси томонга қараб-қараб қўйди.

Она капгир билан мошкичири қирмочини кўчирар экан:

— Ҳадеб қарайверган бўлса, қизим, ёқибсан-да, ёқибсан,— деди.

Тоҳира ранжиди. Қодиржонни севмаганида онасининг гапига балки қулоқларигача лавлагидек қизариб, кулиб қулоқ солармиди, ичида «кўнглимдагидек келишган йигит экан, дўпписининг бир четидан жингалак қилиб чиқариб қўйган сочлари бирам ярашганки ўзига», дермиди...

Қодиржон билан учрашгунга қадар Тоҳиранинг бошида севги ҳақидаги ҳар хил тушунчалар чувалашиб ётарди. Бир вақтлар ёшлигида намозхон кампир буви-сининг: «Яхши кўриш, севиш — бузуқлик, ҳаром-хариш донлашиб юриш бўлади, бир пиёла суву бир лаган ош билан никоҳ ўқитиб, покиза бўлиб, юз кўришмагандан



кейин, одам бўлиб қаёққа борди унақалар...» деган гапларини кўп эшитганди. Тўққизинчи синфда ўқиб юрганида ўнинчи синфда ўқийдиган бир йигит билан бир қиз севишиб қолиб, бир-бирлариға ёзган хатларини ўқитувчилар қўлга тушириб, уларни шарманда қилганларини ўз кўзи билан кўрганди. Бунинг устига, дадаси ҳам унга инонмагандек: «Қаёққа бординг, қаёқдан келдинг, нега кеч қолдинг, кимлар билан бирга эдинг?»— дея ҳар қадамида тергаб турарди. Шуларнинг оқибати бўлса керак, Тоҳира йигитлардан ўзини олиб қочиб юрар, ҳатто дугоналари бир-икки гал: «Палончи сени яхши кўриб қолибди»,— деганларида, уларни жеркиб ташлаганди.

Йиллар ўтди, мана, колхоз бирлашди-ю, Қодиржон рўбарў келиб қолди. У билан илк учрашган вақтларида кўп қизларда бўладигандек, «келишган йигит экан», дегандан бошқа фикр етти ухлаганида тушига ҳам киргани йўқ. Ҳатто Қодиржонга тикилиброқ қаргани ҳам ийманади. Ҳар кун эрталаб одатдагидек идорага чиқарди. Кун бўйи бир хонада ўтириб колхоз мулкларини ҳисобга олишарди. Гоҳ-гоҳда дафтар қўлтиқлашиб, фермага, омборга бирга боришди. Ҳамжиҳатлик билан яхши ишлашди. Одамларнинг кўнглига тағин бирор гап келиб юрмасин, деб кўпинча Қодиржондан ўзини четроқ олиб юрди ҳам. Аммо, бора-бора, Қодиржондан ўзини қанчалик четга тортишга уринса, кўнгли унга шунчалик кўпроқ интилаётганини сездди. Баъзан бошқа-бошқа жойда ишлашга тўғри келиб, уни бирор кун кўрмай қолса, юраги қўмсайди, кўргиси келаверади. Кўпинча тунларн ҳам юлдузларга боқиб уни ўйлаб чиқади. Қодирнинг номини эшитса ёки овози қулоғига чалинса, юраги «шиғ» этиб кетадиган бўлди. «Севиб қолдимми, ростдан севдимми-а, севги шундай бўладими, вой ўлмасам, одамлар эшитса нима дейди», деган хаёлларга борди. Қодиржоннинг олдида хизмати, одоби буюрганидан бошқа қилиқ қилмади. Аммо Қо-

диржоннинг баъзи агроном ва ўқитувчиларга ўхшаб ўзини баланд тутмаслигини, ҳамма билан ҳам юракдан жуда самимий ва дўстона гаплашишини, ишга доимо бажонидил берилишини, одамларга меҳрибонлигини бир-бир меҳр ипига тизиб борди. У доим шу йигитнинг руҳи билан яшайдиган бўлиб қолди. Охири, «одамлар гап қилади, онам билса, эрсираб қолдингми, деб сочимни битталаб юлади», деган андиша пардаси чок-чокидан сўкилди. Севги ғолиб келди. Юрагини Саври опага очди... Шундаи бери борлиқ минг жилва қучоғида боқар эди унга. Аммо ҳозир кутилмаганда ҳиқилдогидан хиппа бўғилди. Бошидаги рўмолини сидириб олиб, қўлида бураб эзганича, қотиб қолди. Она ошхонадаи қарабоқ, қизининг кайфиятини пайқади. Бунинг кўпчилиқ қизларнинг тўй дарагини эшитгач, ярим қўрқув, ярим қувонч аралаш қиладиган безанглаши деб билиб, ошхонадан чиқди.

— Сенга шипшитиб ҳам қўёлмовдим, қизим.— Юмшоқ гапирди она.— Тўсатдан келиб қолишди. Қанақа одам экан ўзи, меига қарайверадиған, деб ҳайрон ҳам бўлгандирсан-а!

— Ҳайрон бўлдим эмас, тикилишдан номусга ёндим.— Қизнинг овозидан хафалиги сезилиб турар эди. Она ялпизлашга тушди:

— Сенинг бахтингни ўйламасмидик, қизим! Ёмон жойини сенга раво кўрармидик? Адаиғ яхши биладила, тағли-жойли, топарман-тутармон одамлар. Куёв ўқиган йигит экан...— Она куёвнинг яна анча-мунча сифатларини санади, аммо бу гаплар Тоҳиранинг қулогига кирмас эди. У индамай боққа чиқиб кетди. У ерда молларга қараган бўлди. Қайтиб кириб, кўчадан тўполончи укаларини чақириб келди, юз-қўлларини ювди, кийим-бошларини янгилади. Илиқ баҳор шамоли ҳали уйқудан кўз очмаган боғларни, мевазорларни қитиқлаб кезиб юрар, Тоҳираларнинг ҳовлисида янги қурилган уйга таъзим қилаётгандек эгилиб ўсган кекса олма

новдаларини бетиним силкитар, майса ҳиди димоққа уриларди. Укалари шўхлик қилишар: бири ёстиқни от қилиб олиб кишнар, иккинчиси радиони баланд қилиб, гир айланиб ўйнар, учинчиси курсининг устига чиқиб ирғишларди. Тоҳира уларни уришиб берди. Бари бир, тўполон тинмади. Шу орада дадаси кўчадан қайтиб келди. У Тоҳиранинг қалбидагиларни билиб қолиб: «Ҳали сиз шунақа йўлларга кирганмидингиз?»— дея ичдан бўғилаётгандек, ёнаётгандек, қовоғини кўтармади. Она овқатини сузиб келди. Тўполончилар яна ўшандай қийқириқ билан курси атрофига ёпирилишди. Овқат устида она:

— Ҳа, дадаси, гапга кирдимми? — деди қўрқа-писа.

— Йўқ,— деб бош чайқади ота. Кейин: — Бор будшудимни сотсам ҳам тўлаб қутулиб қўя қолар эдим, лекин...— У ямланиб, қизига сездирмай қараб олди. Она бунн тушунди: бунга не ниятлар билан қилинган молни сотиб бўлармиди? Ота сотмайди ҳам. Қиз сеп билан чиройлик-да. Молн кўп келиннинг тили узун бўлади. Ота-бувадан қолган удум-ку бу!

Она нечукдир шуларни ўйлаб, лабини нохуш буриб қўйди. Бир эрнга, бир Тоҳирага қараб чимирилди.

— Қуриб кетсин, ўқиган, эсли-хушлигина бола экан, деб ҳавасим ҳам келиб юриб эдим-а, унга! Одам боласининг ичидагини билиб бўлмас экан-да! Тоғасининг гапини ерда қолдирибдимики! Бундай одамдан алҳазар! — Четга қараб уф тортиб ҳам олди она.

— Янги-да, ўзидан қўрққан у ҳам.— Бошпни кўтармади ота. Тоҳира гап нима ҳақида кетаётганига тушунмади. У ишга саҳарлаб чиқиб кетгани учун уйларида бошланган янги гулгуладан беҳабар эди.

— Қўрқмай ўлсин, кетини ўйламайдимми! Бир жойнинг одамимиз, нима қиламан бировга жабр қилиб, кейин юзига қандай қарайман демайдимми? — лаби-лабига тегмай бобиллади она.— Ўзининг одаммаслиги-да, бу! Институтни битириб келдим, колхозда амал тегди,

кимсан, экономист Қодиржонман, деб димоғ пайдо қилиб, кўнглига келганини қилаверармиди одам бўлса? Ёнидан кетармиди? Ҳали ҳам ўша Ярашхон аканинг пайдан бўлинг, ваъда берибди-ку, бўладиган куёвимиз ўтли-шудликкинага ўхшайди, ўша бир эвини топади.

Онанинг охирги сўзлари Тоҳиранинг қулоғига ўқдек кирди.

— Нима, нима гап ўзи, нимани гаплашяпсизлар? — бир онасига, бир отасига қаради.

— Адангни қарзлари бор эди-ку! — тушунтира бошлади она. Тоҳира бу қарзлардан хабардор эди. — Қодиржон, шуни икки-уч кун ичида тўласанг тўла, тўламасанг ишингни прокурорга ошираман, дебди. — Она Қодиржонни қарғар, ота уф тортарди.

Тоҳира бир ойисига, бир дадасига бежо боқди. Бу орада чарчаган тўполончилар ухлаб қолишди. Тоҳира уларни олиб жой-жойига ётқизди. Отаси овқатдан қўлини артиб, яна кўчага чиқиб кетди. Қиз қалбидаги бўронлардан бежабар она афсус чекарди.

— Орадан бу ташвиш чиқиб, аданг қисталанг қилиб келган совчиларни ҳам: «Тўхтаб туринглар, бошимдаги ғалвани даф қилиб олай», деб қайтардилар-да, бўлмаса ҳафта ичига қолмай тўйинг бўлиб кетарди-я!

## 2

Тоҳира дастурхонни эндигина йиғиштириб турган эдики, эшикдан Саври кириб келди. Одатича, у бир гапириб, ўн куларди.

— Омон-эсон ўтирибсизларми, Муслим опа! — дея Муслима опа билан эркакчасига кўришди-да, кейин, — ҳар замонда бўлса ҳам бир келиб, ҳай идорачилар, яхши юрибсизларми, диққинафас бўлиб кетмадингизларми, деб эски ҳамкасбларингдан хабар олиб ҳам кетмайсан-а, — дея Тоҳирага қош учирди.

— Даладагилар идорадагиларнинг олдига келармиди, қайтага идорадагилар чиқиб хабар олиб туриши керак,— ҳазиломуз кулди Тоҳира.

— Гиналарнинг бошқача-ю,— чимирилди Саври дугонасини ҳозиргина исканжасига олган изтироблардан беҳабар, ўзича куларкан, Муслима опанинг елкаларига қоқиб, аврай кетди у: — Жон Муслима опа, Тоҳирага икки соатгагина жавоб беринг, менга бирпас қарашсин, мен ҳам эртами-индин келиб тўйларингизда хизмат қиламан. Ҳозир квартал охирлаб, бирам ишларим кўпайиб кетдики, ҳеч у ёғи йўқ. Икки кун ичида отчёт топширишим керак, ҳали ишимнинг ярми ҳам битгани йўқ, жон Муслима опа, хўп денг, Тоҳира чиқиб бирпас қарашсин.

— Майли, чиқиб қарашса қараша қолсин,— деди она.— Лекин кечга қолманглар, кечаси тагин қиз бола кўрқиб юрмасин...

— Йўқ, йўқ, у томондан хотиржам бўлинг. Идорада Сулаймон акам ҳам борлар. Атиги икки соатча қарашса бўлади, кейин Сулаймон акам қўйиб кетадилар,— онанинг кўнглини тинчитди Саври...

Ғувиллаб ёмгир шамоли эсар, осмонда юлдузлар кўринмас, кунботар уфқини қалин булут қоплаганди.

— Куёв кўрардан ўтибсиз, муборак бўлсин! — елкалари буралиб беҳосдан пичинг отиб қолди, кўчага чиқишганида Саври. Бу Тоҳирага оғир ботди:

— Сиз кесатмасангиз ҳам бўларди.

— Кесатганим йўқ,— қизнинг алаmidан беҳабар дилига озор бериб қўйганини билиб, шахтидан тушди Саври.— Ҳазил, опаси.

— Келиб-келиб уни яна парникка Қодир акам бошлаб борганини қаранг!

— Севгингизни синаб кўрмоқчи бўлгандир!

— Шунча вақтдан бери синамаган эканларми? Саври қоронғида қизнинг башарасини кўролмаса

ҳам, «нима бўлган бунга ўзи?» дегандек қайрилиб қараб қўйди.

Идорада фақат бухгалтерия хонасидагина чироқ ёнарди. Қўпчилнк аллақачоноқ ишини тугатиб тарқаб кетганди. Саври коридордан ўта туриб йўлакай комсомол хонасини ҳам очиб, чирогини ёқди. Ўзи Тоҳирага тушуниб бўлмайдиган бир тарзда жилмайиб, сен киравер, дея бухгалтерия хонасига имлади. Бу хонани Тоҳира яхши билади, илгари ёрдамчи ҳисобчи бўлиб унда икки йилча ишлаган ҳам. Эшикни очиб, бемалол ичкарига кирди. Хона жимжит. Бош бухгалтернинг жойи бўш. «Саври опам уни шу ерда деб эди-ку», деган хаёл дилидан ўтди. Қуйидаги столда эса Қодир-жон қўлини энгагига тираб ўтирарди. У Тоҳирани кўриб:

— Келдингизми,— деди-ю, ўрнидан турди.

Тоҳира Саврининг макрини дарров тушунди. Мийнигида мамнун жилмайди, шу зумда қовоқларига араз, зарда чизиқлари чопди, юзини четга ўгириб олди.

Қодир кулгидан ўзини аранг босиб турарди.

— Қойилмақом иш қилибмизу, қойилмақом,— дерди Тоҳирага стул суриб.

— Сиз шунақасиз-да, доим қойилмақом ишлар қилиб юрасиз!— ҳақиқ лабига югурган кулгини яширди қиз.

Юраги зардобга тўлиб турганида севгилиси билан бундай учрашишни кутмаганди қиз.

Йигит қизнинг «доим қойилмақом ишлар қилиб юрасиз!» деган гапи тагидаги бошқа бир маънога тушунганди.

— Таъна қилаверманг, Тоҳирахон,— деди.

— Сизга-я, сизга таъна қилмайми, индамайми? Сиздан ўпкаламайми-а?— деди кўзига ёш келгудек бўлиб,— менга етти ухлаб тушимга кирмаган «яхшиликлар»ни қилиб қўйибсизу, тагинам индамайми-а?

Қодир туриб қолди. Ҳаммадан ҳам қиз гапидаги «одам севган кишисини шундай қиладими», деган маъ-

но оғир ботди. «Тоғамни ранжитганим бунга наҳотки шу даража тез етиб борган»,— деди ўзича. Унга ўз юрагини қандай тушунтиришни билмасди.

— Кечирасиз, Тоҳирахон, сиз нотўғри эшитганга ўхшайсиз,— деди қўлини ўйнаб. Тоҳира шахдам ўгирилди.

— Раҳмат ака қарзини икки-уч кун ичида тўласа тўласин, бўлмаса бўлмайди дебсиз. Хўш, бу нима деганингиз, тўламаса прокурорга ошираман деганингизми?— қиз йигитни кўпдан бери ўзиники ҳисоблаб юрарди. Шунинг учун ҳам, менинг қадрим шу бўлди ҳа-ли, деган маънода зарда қилаётганди...

— Тоҳира, ўзингиз биласиз-ку, мен кўзбўямачилик қилолмайман, ёлгон гапиролмайман,— дерди йигит қийналиб.— Кўпчиликнинг пули, ахир! Тўлашсин, ўларининг ҳам юзлари ёруғ бўлади, бизнинг ҳам дедим! Наҳотки, сиз ҳам мени тушунмасангиз!

— Шу кўпчиликнинг ҳақи деб куйинаётганингизни биров билса экан.

— Бошқа гапдан гаплашайлик, қўйинг буни,— деди йигит қўзғалиб.— Ўйингизга совчи келаётган эмнш.

— Совчи келаётган бўлса, мен тоқчадаги заранг қоса эмасман, сўраганга олиб бериб юборадиган.

— Нияти бошқанинг қадам олишидан қўрқ деган, ахир!

— Сиз ундан эмас, ҳозир қилиб турган ишингиздан қўрқинг!

— Колхозда бунақа қарздорлар кўп. Мен сизнинг отангизникини яширсам...— Қодир яна бўғила бошлади.

— Бир вақтлар Асад ака ҳам сизга ўхшаб юлғичларни қўймайман, колхозни кўтарамиз, деб чиққанди. Иккинчи йилга ўтмаёқ, ўзи ўғрига, юлғичга чиқиб, қамалиб кетишига сал қолди...— Қодир бу воқеани эшитганди. Тоҳира туфлисининг учи билан полни чизиб, ниманидир айтишга иккилангандек, бир нафас ерга қараб турди, сўнг: — Мана энди сиз бу ёқда ҳақиқатни

амалга ошираман, колхоз ҳақини ундираман, деб юриб-сиз. Улар отамнинг олдига келиб, хотиржам бўлинг, қарзингизни ўчиртириб юборамиз, деб юрган эмиш,— деди.

— Отангизнинг кўнглини олиш учун шундай деганда!

— Йўқ, сиз қараб туринг, раисни йўлга солишади ҳам. Жуда қув чол у.

— Йўлга солмайди.

— Йўқ, йўлга солади.

— Йўқ, солмайди, раис унақа одам эмас.

— Йўқ, кўрасиз ҳали.

— Йўқ, сиз менга инонинг,— жону жаҳди билан ури-нарди йигит.

Иккаласи ҳам ўз гинасида қолганди: «Сиз мени нотўғри тушунапсиз», дерди қиз. «Сиз мени нотўғри тушунапсиз», дерди йигит. Кўзлар: «Кўрамиз-кўрамиз ҳали, яна нима бўларкин», дерди. Лекин қалблардаги муҳаббат ҳарорати эса орадаги ўр-жарни йўқотиб, икки ёшни бир-бирига талпинтира бошлаган эди.

Шу орада йўлакдан кимнингдир шахт билан катта-катта қадам босгани эшитилди-ю, эшик тарақлаб очилди. Остонада Тоҳиранинг отаси Раҳмат ака пайдо бўлди. У ўз кўзларига ишонмаётгандек, дам Тоҳирага, дам Қодиржонга тикилар, хонага аланглаб, кўринишидан учинчи бир одамни — Тоҳира менга қарашсин, деб уни олиб чиққан Саврини изларди. Тоҳира турган жойида тараша бўлиб қотиб қолди, ранги докадек оқариб кетганди.

— Мен... мен...— дер эди гоҳ Қодиржонга, гоҳ отасига қараб. У Қодиржон билан бирга турганимни кўриб, энди уради, сўкади деб эмас (Қодиржон учун бошига тушадиган ҳар қандай калтаклардан ҳам тап гортмас эди), йўқ, менинг бу бирга турганимни бошқача тушуниб, бемаъни хаёлларга боради, Қодиржонга ҳам ноўрин гапларни қилади, деб чўчирди.



— Келинг, Раҳмат ака,— деди Қодир ўрнидан туриб. Раҳмат аканинг оғзидан «келдим» дейиш ўрнига «аҳмоқ» деган сўз юлқиниб чиқди.

— Идорада Саврига қарашадиган ишинг шумди?— деди қизига ўдағайлаб у.— Ҳаёсиз, мени шарманда қилмоқчимидинг?!— Қизнинг қулоғи тагига тушириб қоладиган важоҳати ҳам бор эди-ю, яна Қодиржондан хавфсиздими, кўтарилган қўлини силтаб қўя қолди.— Туш, олдимга!— Изтиробда қизариб турган қизини эшик томонга нтарди. Тоҳира сўзсиз бош эгиб, қалтираганича чиқиб кетди. Раҳмат ака Қодиржоннинг бетига қарашни ҳам, унинг бирор оғиз гапига қулоқ солишни ҳам истамасди. Орқасидан шарақлатиб эшикни ёпди, сўкинди. Қодир остонада қотиб туриб қолди. У ўзига келиб, кўчага чиққанида, ота-боланинг қораси аллақачоноқ зулматга шўнғиганди.

### 3

Раҳмат аканинг қизи Тоҳирага: «Мени шарманда қилмоқчимидинг»,— деб ўдағайлагани Қодирнинг бағри-бағридан ўтиб кетганди. «Тоҳиранинг мен билан бирга бўлиши шармандаликмиди? Уни севишим шармандаликмиди?» Қодир тун зулматида гандираклаб уйига етиб боргунича шундай чигал ўйлар исканжасида эзилди. «Ҳали Тоҳирани уйга олиб боргач, қанчалар койир бу одам. Мен туфайли Тоҳира ҳам роса гап эшитади».

Қодир Тоҳиранинг уйидагилар Одилнинг совчиларига шартта оқ ўратиб юбормасдан олдинроқ ҳаракат қилиш — эртагаёқ совчи киритиш, булар орқали қизнинг ота-онасига ҳам орадаги севгини шипшиттириш режасини тузганди. Тоҳиранинг кўнгли менда, бас, бошқаларнинг қаршилиги қаёққа борарди, деб ўйларди. Аммо Раҳмат аканинг қилиғи, қизнинг гаплари унинг тарвузини қўлтиғидан тушириб қўйди, тараддудга солди. Бундай ота юборган совчиларининг юзига эшикни

шартта ёлиши ҳеч гап эмас. Нима қилсин, тагида катта жиноят излари яшириниб ётган қарзни яширсинми? Йўқ, яширмайди. Эртага раис ҳам икки-уч кун ичида пулни ўрнига қўйишса қўйишсин, бўлмаса судга ошириб юборамиз деса, кўзлари очилади, ҳаракатга тушиб қоладилар. Қодир билган экан, дейишади. Раис бундай қинғир ишларга ён босади деган гапни Қодир хаёлига келтирмасди. Қодир уйда вақт ярим кечадан оққанда хиёл кўзи илинган экан. Саҳарга борганда ҳовлидаги азим тул ўрик новдалари орасида ётган майна сайраб, уйқусини ўчириб юборди. Сапчиб ўрнидан турди. Тонг ота бошлаганини кўриб, қувониб кетган майнанинг шохдан-шохга сакраб, тинмай сайрашини бир нафас томоша қилди. Қизғиш ўрик гуллари тонгги ғира-ширада барқутга ўхшаб товланарди. Ҳовли юзида бабақ-хўроз сўрини аллақачон тарк этган бир гала товукни қуқулаб эргаштириб юарди. Боғ томондан чопонини елкасига ташлаб чиққан отасининг енгил-енгил йўталгани эшитилди. Қодиржон юзини ювиш учун ҳовлидан ўтган ариқ тепасига борди. Юқорироқда сувни кимдир полизига бўлган шекилли, ариқда сув йўқ. Катта ариқдан юва қолай деган хаёл билан кўчага чиқди. Анҳор ёқасига ўтди. Барра ялпиз ҳиди димоққа урилди.

Қуйроқда, анҳор бўйида отлар ўйноқлаб кишнар, фермада ишлайдиган Зоҳид Чиғалоқ лақабли йигитнинг отларини чуқчуллагани эшитиларди.

— Э, чуқ тур-э, шу вақтда сувни шалолатиб тепинишга бало борми? Сувингни ичсанг-чи!

Қодиржон юзини муздек сувга ювди. Дастрўмолига артиниб, Зоҳидга яқинлаб борди... улар мактабда саккизинчи синфгача бирга ўқишганди. Зоҳид тўполончилиги учун мактабда ўқитувчиларнинг даккисини кўп ерди, йиғилишларда у ҳақда кўп гап бўларди.

Бир кун синф эшигига кимдир бўр билан уятли сўз ёзиб қўйибди. Буни илмий бўлим мудири кўриб қолиб, бутун синфни оёққа тургазди. «Ким ёзди буни?»—

деб бирма-бир сўради. Ҳеч ким чурқ этмади. Охири ҳамма ўғил болаларга ёзма дафтарларини олдиларига олиб қўйишни буюрди. Дафтарларни бирма-бир ўзи қўлга олиб, эшикдаги ёзувга таққослаб чиқди. Гал Зоҳидга келганда хиппа ушлади.

— Бу сенинг ёзувинг!— деди. Зоҳид шолғомдек қизариб-бўзариб турар эди. Илмий мудир уни доска олдида тик турғизиб, қойий кетди. Бундан олдинги соатда ҳам уй ишини бажариб келмагани учун математика ўқитувчиси турғизиб қўйиб, роса қизартирган эди. Алам ўтиб кетдими, қизиққонлиги устун келдими, жим туролмади: ўзини деразадан ташлаб қочиб қолди. Шу бўйича уни мактабга қайтариб олиб келиша олмади. Ярим йилча қўшни райондаги узоқ қариндошлариникида қочиб юрди. Ундан келиб, колхозга ишга чиқиб кетди. У отни яхши кўрар эди. Уқувчилик вақтида ҳам саҳарлаб отхонага келиб, отбоқарларга от суғоришиб юрарди. Колхозда ҳам бир йилча бригадада ишлади, кейин арава минди. Мана, икки йилдан бери молхонада. Икки колхоз қўшилгач, Қодиржоннинг экономист қилиб ишга тайинланганини эшитиб жуда қувонди.

— Ўзимизнинг оғайнимиз экономист бўлибди-ку, кам бўлма-э, бизлардан ҳам чиқар экан-у,— деган эди у Қодиржоннинг кифтига уриб.

Қодиржонни қорасидан танибоқ, бақириб қолди:

— Ҳа, оғайни, каттаконлар ярим кечагача йиғилиш қилиб, эртасига пешингача ухлаб ётишарди-ку! Нима қилиб сан саҳардан туриб қолдинг?

— Сен билан от суғоришай деб чиқиб келяпман, оғайни,— Қодир кайфсиз деди.

— Воҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа,— тонгги тиниқ ҳавода, анҳор устида узоқ-узоқларга жаранглаб тарқалди Зоҳиднинг беғубор қаҳқаҳаси.— Ўзингни сипо кўрсатиш учун олифта гапни оладиган бўлиб қолибсан-а, сен ҳам! Олдин, оғайни, молхонага кундузи келиб, хабар олишни ёлчининглар!

— Упақа айнима, огайни, ҳали келавериб чарчатамиз ҳам,— Зоҳиднинг кулгиси Қодирнинг бир оз руҳини ёзганди.

— Қачон? Туянинг думи ерга теккандами?— Сувга қониб анҳордан чиқаётган отининг қорнига қўш оёқлаб ниқтаганича, шатирлатиб чоптириб кетар экан, қичқирди Зоҳид. Қодир унинг орқасидан кулиб, бош чайқаб қолди...

Уйга қайтиб кириб, Қодир радиодан тонгги концертни эшитган бўлди, нонушта қилди. Кейин яна кўчага чиқди. Шарқ уфқи тандир оғзидек яллиғланиб келарди. Нима учундир идора томонга боришга оёғи тортмасди. «Қани, кирсам кириб чиқай-чи», деб йўл-йўлакай Зоҳид ишлайдиган молхонага бурилди. Бу— собиқ «Қизил юлдуз»нинг икки колхоз чегарасида жойлашган эски молхонаси ва отхонаси эди. Юзга яқин қорамол ва ўттизга яқин от шу ерда боқиларди. Колхоз қўшилгач, иккала хўжаликнинг молхонасини бир ерга кўчириш ҳақида гап бўлди-ю, жой бўлмагани учун гап гаплигича қолганди.

— Танқидим дарров ўзларига кор қилибди-да, а, яхши, яхши, иш бундоғ бўпти, огайни!— молларга қараб юрган жойиданоқ Қодирга қичқирди Зоҳид. Қодир-жон отхона ва молхонани айлана бошлади. Тўрт-беш аёл ичкарида сигир соғишарди. Думалоқдан келган, икки юзи қип-қизил аёл тўлган пақирларни бидонларга ағдарарди.

— Қалай, молхоналаримиз ёқадими?— белидаги қийғини ечиб пешанасидаги терларни артар экан, кесатик аралаш сўз қотди Қодирга Зоҳид.

— Еққанда қандоқ,— деди Қодир ҳам унга.

— Хаҳ!— дўстининг ясама мамнунлиги нашъа қилиб қийқирди Зоҳид.— Тунов кунининг бир мухбирининг билан юрибсан, деб эшитиб эдим, бўтга келсаларинг, раис-пансларининг бир иўстагини қоқадиган гапларни айтиб бераман деб мўлжалловдим, келмадин-

гизлар-да! Сен ҳам газетадан келган мухбирни ёлғон яшиқ билан алдаб, секингина бир четдан жўнатиб юборишни раисдан ўрганиб олганмисан-а! Парникнинг ўзи-даноқ ишни битказиб, қайтариб юборибсан?

Қодиржон зўрға жилмайди. Гапни чалғитиш учун бўлса керак:

— Нега сен бунча раисга ёпишиб қолдинг?— деди.

— Раиснингга ёпишиб менга нима, эсимни ебманми, янги сайланаётган пайтидаги гапларни эшитиб, раисга энди ёлчийдиган бўлибмиз, деб хурсанд эдим. Шундан бери биз томонларга бир келса, молхонамизнинг аҳволини кўрсатсам, анави ёқда товукхона, чўчқахоналар ҳам ремонт талаб бўлиб ётибди, шуларни айтсам, менинг ҳам дилимда туккан режаларим бор, тушутирсам, деб юриб эдим, келмади... кейин ўзим бордим пкки марта, банд деб, олдига киритишмади. Кўчада кўриб қолиб, салом бериб олдига ўтган эдим, бош ирғаб саломимга алик олган бўлди-ю, кимсан, нега олдимга келдинг, деган гапни хаёлига ҳам келтирмай, бурилди-кетди, чунон ҳафсалам пир бўлди, чунон ҳафсалам пир бўлди...

— Сени танимагандир-да, олдин кўрмаган бўлса.

— Э, балони танимайди, колхозчини юриш-туришдан танимаган раҳбар раҳбарми?— силтаб ташлади дўстини Зоҳид. Унинг дилида гина-кудурати анчагина бор эди.— Ўзимиздан чиққан, ўзимизга қайишади, деб суюниб юрсам, сен ҳам раисингнинг ёнини оляпсан-а, ҳалитдан!

— Қўй, бунақа гапдан фойда йўқ,— деди Қодир.— Вақтингни топиб, бугунми, эртами чиқ идорага. Раиснинг олдига олиб кираман, молхонанинг аҳволини айтсамиз, гаплашамиз. Янги молхона керак экан.

— Э, мен бўлдим,— ҳафсаласиз қўл силтади Зоҳид, молхона ичига кириб кетар экан, қўшиб қўйди:— У товук чала туққан тухумга ўхшаб, бу ёғини айлантди-

риб қарасанг ҳам орқаси, у ёғини айлантириб кўрсанг ҳам орқаси ўгирилиб қолаверади диган бошлиқдан иш чиқармиди. Бориш бўлса борганман.

## УЧИНЧИ БОБ

### 1

Кейинги куни Қодиржон идорага одатдагидан анча барвақт келди. Бош бухгалтер унга эшик олдда рўбарў келиб, қўл бериб кўришар экан:

— Нима қилди, тобинг қочдими, Қодиржон? Рангларинг саргайиб кетибди,— деди.

— Йўқ, ҳечқиси йўқ, хиёл шамоллаганман шекилли,— киртайган кўзлари йилтиради Қодиржоннинг. Хонага киришгач, Қодиржон ўз столига ўтириб, тортмаларини титкилай бошлади. Кейин иш ва ҳужжатлар шкафини очиб, қарздорлар рўйхати дафтарини, акт папкаларини олди.

— Нима қиляпсан?— деди бош бухгалтер ўтирган жойидан, кўзойнагини пешанасига чиқариб.

— Прокурор кеча сўратган рўйхатни тузмоқчиман,— деди Қодиржон.

— Ҳмм...— Бош бухгалтер кўзойнагини яна бурни эгарига қўндириб ишига берилди.

Уч чизиқли дафтар саҳифаларига, ҳар хил катта-кичик қоғозларга рангли қаламлар, сиёҳлар билан эгри-бугри қилиб қачонлардир ёзилган актлар саргайиб, айримлари бир-бирига чаплашиб ҳам кетган. Уларнинг ҳар бирида колхоз ўтмишига доир қанчадан-қанча жанжалли ва жанжалсиз воқеалар, ички олишувлар иппи чувалашиб ётарди. Балки колхознинг қолоқлиги сирлари ҳам шу қоғозлар орасидадир. Виждонига ишониб топширилган қонун ва йўл-йўриқларни тортмалар тағига яшириб қўйиб, ўз билганича иш қилган қалби қашшоқларнинг разилликлари йўқмикин буларда!

Қодиржон қарздорлар рўйхатини уч марта ёзди, уч галгисини ҳам ёйимлаб ташлади. Уч гал ҳам у рўйхатдан Раҳмат аканинг номини тушириб қолдирди-ю, аммо ўзининг бу ишига виждони тоқат қилолмай, уни янгитдан ёзишга тутинди. Бироқ, яна навбат Раҳмат аканинг қарзларини ёзишга келганда, ҳиқилдоғига бир нараса тикилаётгандек қийналди, кўзларининг олдини қора парда босди. Бу орада раис енгил машинасини гувиллатиб келди-ю, идора олдида тушиб, ўз хонасига ўтиб кетди. Омборчи келиб, уруғлик картошка учун ёзилган уч-тўртта фактура хусусида бош бухгалтер билан бир оз ади-бади айтишиб олди. Партком Асад кириб, ҳамма билан бир-бир ҳол-аҳвол сўрашгач, ўз хонасига ўтди. Ердამчи бухгалтер раиснинг олдида қоғоз кўтариб, икки бор кириб-чиқди ҳам. Қодиржон бўлса прокурорга юборилиши керак бўлган қарздорлар рўйхатини тузар, яна йиртиб ташлар, тузар, яна йиртиб ташларди. Пешаналарида майда-майда тер йилтирарди. Шу пайт, кўзойнак таққан, бағбақалари осилган, баланд бўйли қориндор бир кишининг олдида кеккайиб одим отганича хонага Яраш ака кириб келди. Унинг қарилик ажинлари тизилиб сўлжайган лунжларни, калта соқолли энгаги, ўсиқ қошлари бетиним қимирлаб турарди. У қўлини кўксига босганича ўтирганлар билан, ҳатто Саври билан ҳам бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқди. Шериғи эса ўзи каби семиз папаксини икки қўллаб қорнига босиб, эшик кесакисига суяниб турарди. У бош бухгалтергагина бош лиқиллатиб қўя қолди...

— Раис келганмилар, Сулаймонжон?— бош бухгалтер билан эгилиб саломлашгач, сўради Яраш ака.

— Шу ердалар, шу ердалар,— ўрнидан хиёл кўтарилиб тавозе қилди бош бухгалтер.

— Озгина маслаҳатли гапимиз бор эди,— эшик сари бурилди Яраш ака. Шу пайт эшикни тўсиб турган семиз одамнинг орқасида партком Асаджон кўринди,

Унга кўзи тушар-тушмаёқ Яраш аканинг авзойи кескин ўзгарди, питирлаб қолди:— О, Асаджон ука, соғ-саломат бормисиз, омон-эсон юрибсизми? Бир келиб кўрай деб, неча бор чоғландим, тирикчилик қурсин, қўлимни боғлаб...— Яраш овози гўлдираб гапирар, бош чайқарди. Саври унга қараб, оғзини бекитиб кулди, авзойидан шайтон бўлмай ўл, деяётгандай эди.

Асад ҳам у билан нима учундир жуда қуруқ қўл олишди. Соғлиқларини, уй ичларини сўради.

— Оббо сиз-эй, тупроқдан ташқари юрибман денг,— елкаларига қоқди. Унинг овози ҳам Қодиржоннинг қулоғига одатдагидан бошқача, сунъийроқ эшитиларди.

Раиснинг хонасига кирмоқчи бўлиб турган Яраш ака Асадни кўргач, тайсангланиб чаккасини қашиб йўлакда қолди. Асад унга :

— Келинг, хизмат?— деган эди, ўзгариб :

— Йўқ, шундоқ ўзим, Асад ука, эски оғайниларни кўрарман деб айланб...— дея чайналди. Қодир янги, идорага келганидан бери бу ерда энди биринчи бор кўраётган одами Яраш акани танимаганди. Унинг бунақа товланиши важиға тушунмасди.

Асад кабинетнинг тўрида ўтирган бош бухгалтернинг олдиға ўтиши билан Яраш ака лип этиб ўзини раиснинг эшигига урди. Орқасидан шериги кирди.

— Ярашхон ака ҳозир нима иш қилади?— деди Асад бош бухгалтерға.

— Билмадим, колхоздан бултур кетганича қайтиб кўрмаган эдим,— ручкасини қўлида ўйнар эди бош бухгалтер.

Асаднинг қовоқлари пирпиради. У Сулаймон акадан кундалик дала ишларига доир бир қанча қоғозларни сўраб олди-да, ўз хонасига чиқиб кетди. Орадан хиёл ўтмай Қодиржонни раис хонасига чақириб, прокурор айтган қарздорларнинг рўйхати ва акт делоларини сўради. Қодиржон уларни олиб кирди.



Раис тўрда орқасига қора кунгурадор суянциқлар ишланган стулга чўкиб ўтирарди. Яраш ака билан семиз киши стулнинг икки ёнбошига тирсак тирашганди. Қодиржон рўйхат ва актларни раисга узатди-да, гап шулар хусусида бўлса мен ҳам қатнашим керак деб ўйлаб, ўтиришга чоғланаётган эди, раис :

— Бўлди,— деди. Бу сизнинг хизматингиз битди, кетаверинг, деган маънони ифодаларди. Яраш ака билан семиз киши ҳам Қодиржонга, тезроқ чиқиб кета қолсачи, дегандек, бежо қараб-қараб қўйишарди.

Қодиржон лоҳас тортиб чиқиб кетди. Ҳали у нима гаплигини билмасди, Яраш акани ҳам биринчи бор кўриб туриши ахир. Лоп этиб эсига Тоҳиранинг тунов куни : «Сиз мана бу ёқда тўғрилиқ қиламан деб ҳаммага ёмон кўриниб юрибсиз, кўзинг ялтонгламай ўлгурлар эса...» дегани тушди.

Қодир хонасига илдам кириб Саврига энгашди. Ҳамма нарсани сезиб турган жувон:

— Яраш шу, юриши бежо,— деди бош бухгалтерга эшиттирмай шипшитиб. Қодирнинг пешанаси тиришди. Столига зўрға ўтирди, ишга қўли бормасди, у раиснинг эшигига тикилди. Раис: «Бўлди», деса, чиқиб кетавердим, нега : «Мен ҳам бу ишга аралашим, нима бўлишини билишим керак, деб ўтириб олмадим-а, энди нима бўлади-я?»— дея ўз-ўзини койирди.

## 2

Бир вақт раиснинг хонасидан юз-кўзлари оловдек ловиллаб қизариб Яраш ака чиқиб келди. У бош бухгалтернинг ёнидаги бўш стулга «уф, худога шукур-э», деб ўзини ташлади, қўлидаги рўмолча билан юзларини елпиди.

— Ишингиз битдими?— деди унга бош бухгалтер Сулаймон.

— Битади, битади, Сулаймонжон ука, битади, дунёда битмайдиган иш борми?— деди Яраш ака ҳорғин.

— Ҳа, яхши,— деди бош бухгалтер чўзиб. Кейин Қодир ва Савриларнинг кўзлари олазарак тикилишиб турганини сезиб, Ярашга ҳеч нарсa билмаган кишидек, яна хаёлпаромуш гап қотди:— Ўзи қанақа иш эди?

Яраш ака унинг кўзойнагини пешанасига суриб, чўзилиб гапиришиданоқ дарров пайқади. Чунки нима иш билан келганидан бош бухгалтер хабардор эди-да! Ҳушёр тортди. Кўзлари муғамбирона кулиб:

— Йўқ, шунчаки арзимаган иш, ўзингиз биласиз-ку, Сулаймонжон, ўғлимиз Одилхон ўқишни битирди. Шунингизларга иш-пишга гаплашиб кела қолай, деб келган эдим,— деди.

— Яхши, яхши,— лаблари очилиб, қип-қизил милк-лари кўринди Сулаймоннинг.— Гап бу ёқда экану, тунов кун боласи тушмагур райондан келдим, деб бизнинг ўтакамизни ёраёзди.— Икковни осмонга қараб кулиб олишди. Бош бухгалтер яна ўзлари тушунадиган тилда,— қалай раиснинг сўзини ололдингизми?— деди.

— Ҳў, олганда қандоқ, кўз оғриғига дори бўлдингиз, зоотехник керак эди, эртаданоқ ишга келаверсин, дедилар. Ҳа, худога шукур, тинди, тинди ҳаммаси,— эчки соқолини маъноли силкитиб қўйди у.

Қодир иккиюзламачи, қаллоб одамлар ҳақида кўп ўқиган, кўп эшитгану, аммо бундайлар билан сира бетма-бет ўтирмаганди. Ғалати туюларкан. Яраш ака ҳам дўстимни қутқариб қолиб яхшилик қиляпман дейди, лекин шу олижаноблиги юлғичлик, пасткашлик эканини ўзи сезиб, нурдан қўрққан кўршапалакдек биқинади, одамларни чалғитишга уринади, юзига хушфеъллик, яхшилик ниқобини тортади. Тракторчилар, бригадирлар, оддий колхозчилар идорага кириб-чиқиб туришарди. Яраш ака эса мушукдан хавотир олган сичқондек нима учундир дам-бадам эшикка олазарак бўлиб қарар,

безовталаниб раиснинг эшигига тикилиб қўяр эди. У гап орасида Савридан :

— Саврихон, иним Асаджон шу ердамилар?— дея ўсмоқчилаб сўради. (Саври Асаднинг хотини эди.)

— Ўзларининг кабинетларидалар. Ишнингиз бормиди?— деди Саври ҳам.

— Йўқ, ўзим шунчалик,— питирлади Яраш ака.

Унинг ташвишини Саври яхши сезиб турарди. «Қўр-ялпизми», дегандек Қодирга қараб-қараб қўярди. Шунинг устига, қўлида қамчин ва катта чарм папкасини ўйнатиб, далага чиқиш учун отланган Асад кабинетидан чиқиб келиб қолди. У раиснинг кабинетига кириб кетадигандек, Яраш ака ўрнидан сапчиб турди-ю, эшик олдида йўлини тўсиб гапга тутди. Шу пайт раиснинг эшиги очилди-ю, ёнбоши билан сурилиб чиқиб келаётган жойида раисга гап уқтираётган семиз кишининг гавдаси ва папкаси кўринди. Яраш ака баттар питирлади.

— Актлари бор экану бўлди-да, правлениега қўйиб олсангиз бас,— дерди семиз киши.

— Ҳа-ха-ха,— кулди унга орқасидан чиқиб келаётган раис.— Қолхознинг нозик йўлларини биласан-а! Бўлди, бўлди, тинчитамиз дедиму тинчитамиз,— кейин у дўстига ҳазил аралаш синовчан тикилди.— Янги бошқармалар тузилармиш, сени ҳам у ерга ишга тавсия қилишмоқчи, деб эшитдим. Олдиндан табриклайверайми?— деди.

— Ҳа, мугамбир, девор бўлмаса кўчани кўрасан-а, сен ҳам,— такаббуруна ўқрайди семиз папкали.— Шошма ҳали!

Уларнинг гапини Қодир эшнтиб турар, ўз қулоқларига ишонмасди.

Семиз папкали одам Яраш аканинг дам қўли билан оғзини бекитиб, дам Асадга қараб қўрқиб жонсарақ бўлиши маъносига тушуна олмай :

— Нима? А, мана илтимосларингиз ҳам, Яраш ака худо хоҳласа, ўринлайдиган бўлди,— деди.

— Ҳм, ҳм, ҳм,— миннатдорчилик билдириш ўрнига, довдираб қолган одамдек ерга қараб нималарнидир қилдирган бўларди Яраш ака. У олдинга тушиб пилдирганича ташқарига қараб юраверди.

Асад ҳайратда эди. Хотинига қараб, ҳеч нарсани туншунмаяпман, дегандек лабини буруштириб қўйди, раис ва семиз папкали билан сўрашгач, ланж қадам қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Саври Яраш акани яна идорада кўриши билан эрининг дарғазаб бўлганини билиб турарди...

Қодир эса раиснинг оғзидан ўз қулоғи билан эшитган гапларни ҳам, ўз кўзи олдида бўлаётган юз хил қилпанглашлар маъносини ҳам англаб ололмай ҳайрон эди. Унинг бутун ўйлаганлари остин-устун бўлиб кетганди: «Актлар бор-ку — бўлди. Бу қанақаси? Бу нимаси?— Боши қотарди унинг.— Юридик томони тўғри бўлса, бас, бошқа томонини каламушга едирган бўлса ҳам унинг иши деганими бу?» Наҳотки, Қодир шунчалар ишонгани раис билан кўринишдан каттагина ишда ишлайдиган у кўзойнаклининг оғзидан шу гап чиқди! Қодир олтин деб олиб юрган буюми мис чиқиб қолган одамдек тўлғоққа тушиб қолганди. Эшикка чиқар, хонага кирар, эшикка чиқар, хонага кирар, ўзини қўйгани жой тополмай: «Бу қанақаси ахир?»— дерди зўр бериб. Қўйлақларининг ёқасини очиб ташлаган, сочларини ҳурпайиб кетганди.

— Нимага бўйилб қолдинг бирпасда?— деди бош бухгалтер ишидан бошини кўтармай.

— Э, ўзингиз ўйланг, бу нимаси ахир, колхозчиларнинг салкам юз минг сўмлик мулкини талон-торож қилган юлғичлардан пулни ундириш ўрнига, уни правленнега қўйиб, ўчиртирамиз, акти бор экан, бас-да, деб ваъда қилишяпти, ахир.

— Нима? Нима?— кўзойнагини пешанасига сур-

ди бош бухгалтер. Саври ҳам уларга тикилиб гурарди.

— Бу ахир бориб турган ошна-оғайнигарчилик, бе-маъниликнинг ўзи-ку! Раисга бир нарса бўлдимми?!

Бош бухгалтер гап нима устидалигини энди тушуниб, кўзойнагини бурни охирига яна оҳиста туширди. Индамай ишга бошини эгиб, чўтга қўлини чўзди. Қодир тинчланавермагач:

— Э, ука, сенга нима-я, бунча тутакиб, тўғри иш қилса ҳам ўзи жавоб берар экан, нотўғри иш қилса ҳам,— деб елка қисиб қўйди.— Билганини қилмайди-ми!— Қодир ҳозир бош бухгалтер билан гап талашса, жанжаллашиб қолишини билиб, ўзини босди, эшикка чиқди.

Боғлари этагидан оқиб ўтадиган катта ариқ бўйига Тоҳиранинг дадаси қачонлардир икки-уч қатор қилиб тол эккан эди. Ҳар йили баҳорда толзор кўм-кўк барг ёзади. Ўғил болалар унинг поячаларидан кесишиб чиллакчўп ва ҳўштак ясашар, қиз болалар баргагини териб, қирққокил соччамбар қилишарди. Тоҳира ҳам каллакларни катта тоғорадек-тоғорадек бўлиб ерга қапишиб кетган эски толдан баргак олиб, орқаси билан битта қилиб, серкиллатиб ўйнаган болалик кунларини ҳали ҳозиргидагидек эслайди. Ана бир тўда ўғил ва қиз болалар боғ этагидаги пастак девордан ошиб келиб, бировлари яна чиллакчўп олишяпти, бошқа бировлари талашиб чувиллашганларича баргак теришяпти. Тоҳира бўлса ишком оралаб чиқиб келиб, ариқ бўйида ўйга толганча, уларга тикилиб турибди. Чаккаларига тизилган соч жингалакларини силаб-ўйнаб, читти гулли оқ кўйлагини сулув қаддига ёпиштириб, майин елпиб қочаётган шўх елнинг ўйинини ҳам пайқамаётганга ўх-

шайди у. Баъзи қиз болалар, уришмасмикин, дегандёк хуркагич кўзларини жавдиратиб, унга қараб-қараб қўйишарди. Ўғил болалар эса уришса, лип этаману девордан ташлаб қочаман-кетаман, деган хаёл билан бемалол йўл-йўл қилиб таёқ ясашади, ҳуштак қилиб чуриллатишади. Толзор ичи қий-чувга, болалик шўхликларига тўлганди. Ариқда сув айқириб оқиб ётарди. Кузда бу сув шиша каби тиниб, зумраддек товланиб оқади. Баҳор келиши — табиат янгилана бошлаши билан у лойқаланиб кела бошлайди. Ҳаёт ўзи шунақами, баҳорда, бошланишида лойқаланиб, кейинроқ тинадими? Шу лойқа сувли анҳор тойчоқдек ўйноқлаб бориб, Қодиржонларнинг кўчасидан ҳам ўтади. Унинг бир шохобчаси бурилиб, шилдираганича Қодиржонларнинг ҳовлисига кирази, ҳовлиларида даста-даста бўлиб барг ёзаётган атиргул, духобагулларнинг танасига қон бўлиб сингийди, япроқларига кўрк бахш этади. Қани энди Тоҳиранинг ҳам қўлидан келса-ю, шу сув ўрнида оқиб бориб, ўша атиргуллар ёноғида жилваланса, Қодирнинг атрофида тебранса...

Шу он ҳовли томондан кўча эшикнинг тақиллагани ва кимнингдир:

— Раҳматжон, ҳў, Раҳматжон,— деб чақирган бўғиқ овози эшитилди.

— Лаббай,— дея ичкаридан жавоб қилди отаси. Шу дақиқанинг ўзида қизнинг қўлоғига:

— Тоҳирахон,— деган таниш овоз кирди. У атрофга аланглади.

Тоҳира таниш овоз эгасини қидириб топди: толзор ёнбошидаги наъматак орқасида Қодиржон турарди. Иигитнинг кўзлари қизга хомуш тикилганди. Худди шу пайт қасдма-қасдига олгаидек, боғ эшиги олдидан онасининг: «Тоҳира-ю, қаёққа йўқ бўлиб кетдинг, ўтинингги олиб кела қолмайсанми?»— деган овози эшитилди. Қиз шошиб қолди. Қодиржонга: «Ҳозир, ҳозир чиқаман»,— деди-ю, бир қучоқ чўпни олиб, уйга югурди.

Айвондан ўтиб, остонага борган жойида ичкаридан нотаниш овоз эшитиб тўхтаб қолди. Ромли эшикнинг чала тортилган пардаси тирқишидан уй тўрида чўкка тушиб ўтирган калта соқол, от юзли бировнинг башараси кўрнди. Кичик уйга бурилди. Бу ерда онаси гардин ясатмоқда эди.

— Яна ўша қурумсоқ чолми?!— деди Тоҳира онасига таъби кир бўлиб.

— Овозингни ўчир!— биров эшитиб қоладигандек энгашиб шипшиди она.

Тоҳира чимирилиб айвонга чиқди.

— Чой дамла,— орқасидан буюрди она. Қиз шкафдан бинафша гулли чойнакни олиб чайди, қуруқ чой ташлаб, пиёлаларни артган бўлди. Чойнакни айвон четига — катта уйнинг эшиги рўпарасига келтириб қўйиб, ўзи яна шкафни титиб, Қодирдан ўтган кун олган китобини қидира бошлади. Муслима опа катта гардинини инқиллаб-синқиллаб кўтарганича эшикдан Раҳмат акага узатди. Ота чойни ҳам олди-ю, эшик қия очиқ қолди. Она қулоқ тутарди.

Бир вақт у қизининг олдига оғзи қулогида кирди.

— Мана, мана, раис ўчириб бераман, дебди-ю, қарзини. Мана энди Қодир нима деган одам бўлди. Қариндошларининг олдида ҳам юзи ерга қаради. Шунчаликка баланд кетиб... ўзининг ўнгмаслиги-да бу!

Тоҳира ҳам ўз-ўзича : «Ана, мен ҳам шунақа бўлади, девдим-а, Қодир акам менинг гапимга инонмай, ўзларини ҳам беъътибор қилдилар, мени ҳам»,— деди эсини йўқотиб.

— Ярашхон ака, отангнинг ҳурматини қилиб, қолаверса, сен билан ўша бир ўғлини деб елиб-югуриб, битмайдиган ишни битказиб, отангни чоҳ оғзидан қутқариб қолибди-ю, сен ноз қиласан-а, болам. Бизни шарманда қилиб, ўша ғаламисга тегмоқчимисан-а. Адангни қорақон қақшатмоқчи бўлганга-я?! Хў, бола,

эсингни йиғ! У қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб олгинки, аданг сени унга бергунча ўзини-ўзи бўғиб қўя қолади. Унинг жаҳлини биласан-ку! Аданг тагинам сени кеча у билан кўриб қолганидан кейин уриб ўлдирмаганига шукур қил! Тентак бўлма!

Тоҳира онасининг қаттиқ гапларини кўп эшитган, дагал муомалаларига кўникканди. Аммо ҳар қандай бўлганда ҳам она яна юмшар, яна бағрига оларди. Бугун эса, умуман, ота Тоҳирани узатиш тараддудига тушгандан бери ўзгариб қолган, ситами кундан-кунга ошиб борарди.

Тоҳира Раҳматнинг биринчи хотинидан қолган қиз эди. Она олдин Ҳасан-Ҳусан туғиб берди. Аммо гўдакларнинг умри қисқа экан — ёшига етмади. Улардан кейин Тоҳирани чақалоқ қолдириб оламдан ўтди. Гўдакни ён қўшни жувон Муслима бағрига олди. Ўзи сут илтиб бериб, ая топиб эмизиб, қора эчки боқиб, соғиб ичириб, катта қилди. У бола баҳона Раҳматнинг ҳам меҳрини қозонди. Тоҳиранинг онасининг ҳайити ўтмай, ота Муслимани никоҳлаб олди. Муслима эрига яхши кўриниш, умуман, унинг ҳурмати учун ҳам Тоҳирани ўз боласидек суйди, юшиб-таради, авайлаб ўстирди. Шунинг учун ҳам Тоҳира уни ўз онаси ўрнида қабул қилди. Бошқа онам бўлган, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмади.

Фақат кейинги вақтда Муслиманинг ўз болалари ҳам бўй етиб, айниқса, эри ўғилларига яхши кийим-бошлар олиб бериш ўрнига, қизига кўплаб мол-дунё қила бошлаганини кўргач, Тоҳира кўзига ёмон кўрина бошлади. Эрига сездирмай, қизга зарда қилиш одатларини чиқарди.

— Топган куёвингизга ҳам тегмайман, бошқасига ҳам!— ётган жойида пиқиллади Тоҳира.

— Нима, нима дединг?— Кўзлари ёнди онанинг. Енгларини шимариб, ташқарига чиқар экан, ўшқирди:

— Шошмай тур, ўз қадрини билмаган сен тентак қизга мен бир кўрсатиб қўяй ҳали.



Тоҳира талвасага тушганди: мана булар Асад ака билан Қодиржоннинг бирор ёққа кетган пайтини мўлжаллаб туриб, правление мажлисига отасининг қарзини қўядилар ҳам... Ундан кейин нима бўлади? Тоҳира у ёғини кўз олдига ҳам келтира олмасди. Аксига олгандек, тўполончи укаларининг ҳам бири мактабга, иккинчиси моллар изидан далага чиқиб кетишганди. Уйнинг жимжитлиги ҳам қизни эзарди. Қодирнинг олдига қандай чиқишини билмасди.

Тоҳира дадасининг онасидек қаттиқ сўкиб-қоймаслигини биларди. Бироқ ота бўлгани учунми, қиз унга тик қарашдан қўрқар, ҳатто унинг учуриқнамо гаши ҳам суяк-суягидан ўтиб кетарди. Меҳмон ҳам кўзгала бошлаганига ўхшади. Қиз отасининг заҳар томиб турган башарасини кўрмай қўя қолдиш ва турган бўлса Қодирга учрашиш учун ўрнидан туриб, боққа чиқди...

Толзорда чувалашиб юрган болалар ҳам, Қодиржон ҳам аллақачоноқ кетиб қолган экан. Боғ этагидаги наъматак бутоғида бир қорашақшақ шохдан-шохга сакраб, думини ликиллашиб бетинини шақиллар, поя-бағаз ишкомлар баҳор елида оҳиста қисирлаб қўяр, ариқ тўла сув боягидек шарақлаб оқиб ётарди... Тоҳира пастак деворлар орқасида ястаниб кўриниб турган кенг далаларга, зумрад либос кияётган боғларга, мактаб томондан қувалашиб чиқиб келаётган болаларга узоқ, ғамгин тикилди... Наҳотки, кетиб қолди. Мендан хафа бўлдимми? Қайтиб келармикин?

4

Қодир қўли устунлигига ишониб ўтириб, қиморини бой бериб қўйган аламзада одамдек ҳис қиларди ўзини. Кўз олдидан раиснинг гоҳ майна қилаётгандек тиржайган, гоҳ шум ниятли одамдек хўмрайган, гоҳ даҳанини ярақлатиб ясама шижоаткорлик билан нутқ сўз-

лаган башараси нари кетмасди. Илгари бу башаранинг қовоқ уйиб қараши ҳам, нутқи, кулиши ҳам унга ёқимтой кўринарди. Энди эса... Қодир чигал ўйлар ичида дала айланиб юриб Тоҳираларнинг боғи этагига, қиз билан учрашиб турадиган жойга келиб қолганини билмай қолди.

Толзорда болалар чуввос солар, Тоҳира эса ариқ лабида бир қўли билан тол поясини ушлаб, суянганича оқаётган сувга термилиб турарди. Қизнинг қалин қўнғир сочи, кўк кўйлаги енгил шабадада силкинарди. Қодиржон унга наъматак орқасидан анча вақтгача унсиз тикилиб турди... «Тоҳира тунов кунги гапларида ҳақ экан-да. Колхоздаги ярамасликларнинг илдизи ҳалп маҳкам экан!.. Уларга қарши чиқиш учун Асад аканинг қисматига ўхшаган қисматни бўйинга олиш лозимми?— деган фикр бир нафасда хаёлидан ўтди.— Наҳотки, мен бу ерда тўғрилиқ қиламан, деб ўз муҳаббатимнинг бировлар томонидан юлинишига имкон яратиб берсам-а?! — хаёлининг тагига ета олмас эди у. — Наҳотки, Тоҳира ҳам мени тўғри тушуна олмаса... Тоҳира билан энди узил-кесил бир гаплашиб олишим лозим... Биргалашиб бир чора излашимиз керак. Йўқ, мен ота-онамнинг қулиман деса, ноилож бахт тилашдан ўзга иложим йўқ...» Қодиржон беихтиёр: «Тоҳира-хон!» — деб овоз қилди. Қиз бoshiни кўтарди... Худди шу дақиқада уй томондан ҳам устма-уст овоз келди. Онаси кетма-кет чақирди. Тоҳира Қодиржонга қўл силкитиб, келаман, дегандек табассум қилди-ю, чопиб уйга кириб кетди.

Қодиржон хийла вақт туриб қолди. Қиз болаларга бир-икки баргак эгиб берган ҳам бўлди.

Болалар толзордан оладиганларини олиб, бировлари ёғоч отларининг «човига» саваб, гижинглатишганича, бировлари орқалари тўла зумрад сочларини селкилатишганича олднма-кетин чиқиб кетишди. Қодир далага ўтди.

Қодирнинг ўзи ақушқачилар олдидан бўлса ҳам, кўзлари Тоҳираларнинг боғида эди. «Мабодо чиқиб қолмадими?! Мени изламаяптими-а?!» — дея алангларди. Умид кишига қанотдир, дейдилар. У билан одам ҳар қандай мушқулларни енгиб чиқади, у билан юксакликларга кўтарилади. Қодир ҳам узилай-узилай деб турган ишонч, умид ипларига маҳкам тирмашиб, ортига қарарди: боғда кўринмаяптимикин? Наҳотки, наҳотки! Ана, хайрият! Наъматак орқасида унинг келишган гавдаси пайдо бўлди. Бу томонга тикиляпти, излаяпти, ҳаракатлари бежо... Қодир дарахтлар орқаси билан боғ томон яна илдам одимлади.

Қизнинг маъюс қарашларидан, хўрсиниб-хўрсиниб қўйишларидан йигит, энди нима дейсиз, менинг гапимга ишонмагандингиз, мана қув чол айтганини қилибди-ку, деганга ўхшаш оғир кинояни уқиб борарди.

— Ярашхон ака идорадан чиқиб тўғри бизларнинг уйимизга келди,— деди Тоҳира Қодирга ер тагидан қараб.— Сиз ҳам идорадамидингиз?

— Ҳа,— деди Қодир. Қиз, бу ёғи энди нима бўлди дегандек, унинг кўзларига тикилиб қолди.— Бир масалада сиз ҳақ экансиз, Тоҳирахон,— деди Қодир,— ялтироқ гапларга қараб ҳукм чиқариб юрган эканман.

— Кейинги пушаймон одамнинг ўзига душман бўлиб қолиши ёмон-да.

— Мен ҳеч нарсадан пушаймон еяётганим йўқ. Менинг нима қилишимни энди кўрасиз!— деди.— Мен бунақанги ярамасликка тоқат қилиб туролмайман.

— Нима қиласиз? — қизнинг қошлари учди.

— Тоҳирахон, сиз отангиз хусусида хотиржам бўлинг. Унинг иши тўғрилиқ билан битишига қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Лекин колхознинг яна илгаригидек ошна-оғайничилик гирдобига тушишига қараб туролмайман...

— Нима қиласиз?

—Қўлимдан келганини қиламан, бу Яраш акага ўхшаган тулкилар колхозни қачонгача кемиради!

Қиз индамай яна бошини эгди. Елкасидаги рўмолини секин сидириб олиб қўлига ўради. У Қодирини қиз-ғанарди.

— Нега маъюс бўлиб қолдингиз, Тоҳирахон? Уйингиздагилар сизни унинг қўлига топширмоқчи бўлсалар, эргашиб кетавермассиз, ахир!

— Қўлимдан нима келарди. Отамни ўзингиз биласиз, қанақа жоҳил! Онам...

Қодир қизнинг кўзларига кўзини қадашга уринди. У ўпкалагандек ер сузди. Тунов кунн отасининг қарзи хусусида гап кетганида сўз бермаган қиз, бугун ўз қисмати, ўз бахти ҳақида гап бошлаганда ғамга тўлди. Қодир унга: «Йўқ, Тоҳирахон, ҳозир сиз маҳкам туришингиз керак, уларга йўл бермаслигингиз лозим. Шундай қилиб, уларнинг оёғини тийилтириб турсангиз, кейин, у ёғини...»— дея гап уқтиришга уриниб турганди, уй томондан Муслима аянинг яна: «Тоҳира-ю, Тоҳира, қаёққа гумдон бўлдинг яна?»— дея қичқиргани эшитилди. Қиз сапчиб туриб:

— Вой, ўлай, бу ерда сиз билан ўтирганимни билса икки ямлаб бир ютади,— деди-ю, рўмолини ҳилпиратганнча ишқомлар орасидан пилдираб кетди. Дам ўтмай у ишқом бошида Қодирга бир қайрилиб қаради-ю, кўздан йўқолди.

5

Ҳар кундагидек Саври идорадан ҳаммадан олдин чиқди. Йўл-йўлакай узайтирилган купли мактабга кириб ўғлини олди. Она-бола йўлда кулишиб, чопишиб кета туриб, катта ариқ бўйида дўпписига ялпиз тераётган Асаджонга кўзлари тушиб қолди. Ота уйга ҳар кун ҳоҳ ярим кечада, ҳоҳ икки хуфтонда келарди.

— Нечук, нечук? Қаёқдан кун чиқди? — деди Саври бугун эрининг барвақт қайтаётганига суюниб.

— Серялпиз бир мошхўрда ичгим келди,— эрта қайтиш сабабини айтгиси келмай ялпизга ишора қилди эр. Саври унинг қорача юзлари, кўзларида, табассумида қандайдир гайритабиийлик сезди.

— Идорадан яқинда чиқиб кетиб эдингизу,— деди Асаджонга.

— Ҳа, далада ҳам тургим келмади.

Эри гапни тугатмасданоқ Саврининг эсига ндорага келиб кетган Яраш тушди. Ҳаммасини фаҳмлади. У Ярашнинг қабоҳати туфайли эрининг бошига тушган кунларни, воқеаларни яхши биларди. «Хаҳ,— деди юраги увушиб:— Яраш нпма ҳунарлар кўрсатмаган!..»

Асад МТСдан механизаторлигини ташлаб, колхозга ўз ихтиёри билан бригадир бўлиб ўтди. Биринчи йили ёқ пахта экиб, пландагидан икки ҳисса ошнқроқ ҳосил олди. Бригада ерларини янги ерлар ҳисобига кенгайтди. Келаси йили эса колхоз шаҳарга яқин бўлгани учун бригадаси ерларининг ярмига сабзавот экинлари бўйича план беришди. Пахтаси ҳам, қовун-тарвузи, помидор, картошкалари ҳам яхши бўлди. Одамлар орасида ҳатто Асад бу йил Қаҳрамон бўлади, деган гаплар тарқалди. Лекин... Саври эрининг феълини яхши билди. Ўзи тўғри, иши тўғри бўлгани учун ҳам ҳамманинг ҳам тўғри бўлишини истарди. Қиттак нуқсонни кўриб қолса ҳам тена сочи тикка бўларди. Яраш ҳам шу кезларда шаҳарда колхоз учун дўкон очганди. Асад бир куни раис Ярашнинг дўконига ўзи учун қовун тушириб сотиб, пулини олганини эшитди. Правление мажлисида унинг астар-аврасини ағдарди, маншатпарастликда айблади. Ревизия комиссияси бу ишнинг тагини очиш учун бел боғлаган эди, уддалай олмади: раис учун сотилган қовун-тарвузнинг бригадир қўлидаги фактуралари ҳам, бухгалтериядаги, ҳатто дўконга берилган қоғозлари ҳам йўқ қилиб улгурилган экан.

Баъзилар:

— Ҳа, раис икки тонна қовуннинг пулини еса ебдида,— дейишди. Асад баттар қизишди. Бир йиғилишда эса Ярашхон келиб Асаджонни:

— Колхоз раҳбарларини обрўсизлантиришга уринувчи, колхозчиларнинг бирлигини бузувчи,— деб роса чалпиди... Раиснинг ўзи бирор қаттиқ сўз айтмади-ю, фақат Асадни кўрганида қовоқ-тумшугини осилтирадиган одат чиқарди. Бу раис ҳақида илгарилари орқаворатдан ҳар хил гаплар юрарди-ю, Асад унга ишонмас, рад этарди.

...Кеч кузга борганда Асаднинг уйини беҳосдан тинтув қилишди. У гектарига 22,5 тоннадан картошка топшириб, планини 160 процент бажаргач, келаси йилга эртаги уруглик учун, деб қирқ тонна картошка олиб қолганди. Бунга ҳам колхоз омборига чиқариб кўмсақ, эндиги йил баҳорда бунга эгалик қиладиганлар кўпайиб кетади, деган хаёл билан ўз боғига, ишкомлар орасига кўмдирганди. Ўғирлаб кўмилган, деб акт қилинди. Колхоз раҳбарлари гўё ҳеч гапдан хабарлари йўқдек, ўзларини четга олиб турдилар.

— Нега боғингга кўмдинг, нега омборга олиб чиқиб қўймадинг? Бу ўғирлик,— дейишди. Бу туҳматдан ўзини оқлаб олгунча Асаднинг тинкаси қуриди. Кейинчалик маълум бўлишича, уруглик картошкани ўғирлаб кўмган, деб Яраш маълумот берган экан.

Эрининг дилини ҳозир қандай изтироблар тимдалаётганини Саври биларди:

— Яраш нимага келганини раис сизга айтдимиз? — деди уй эшигини оча туриб Саври.

— Ўғлини колхозга ишга олишимизни сўраб келибди, шекилли.

Ялпиз тўла дўппини димоғига босди Асад. Саври эрининг юзига тикилди. Ялпиз ҳидидан роҳатланган эрининг юзига тикилиб, ўзича: айтмаяпти, деган фикрга келди. Хотинининг сирли индамай қолишига тушун-

мади, уйга шўхлик билан кирган ўғлидан кўзини олмай:

— Бошқа иши ҳам бор эканми? — деди.

— Икки қуёни бирдан мўлжалга олмаса келадими у чол,— деди тўсатдан Саври.— Раис айтмадимми?

— Йўқ,— хотинига ўгирилди Асад.

Саври билганларини эрига қандай айтиш иложини тополмай қолди. Раиснинг бутун правление аъзоларини, шу қатори партком ва бригадир бўлган эрини ҳам менсимаганлиги унинг нафсониятига ботганди. Бу ҳақда гап очса, ўғлининг шўхликларига боқиб ҳузур қилиб ўтирган эри дарров ёнади, суйган овқати — серялпиз мошхўрда ҳам татимайди.

— Иккинчи қуёни нима экан? — қистади Асад. Саври ўзи гап учини чиқариб қўйганидан, айтмаслик иложини тополмади.

— Раҳмат аканинг қарзи,— деди.

— Нима қилар эмиш у қарзни?

— Раис билан гаплашиб, тўлатмайдиган қилиб, прокурорга оширмай, правлениеда ўчиртириб юбормоқчи.

— Ҳо, ифлослар-эй, бекорга овора бўлишади бу гал!— хуноб бўлди Асад.

— Ия,— илжайди Саври.— Улар мушукнинг кана сўрган жойини қашиб туриб, офтобга чиқариш йўлини тополмайди, деб ўйлайсизми?

— Раис уларнинг йўлига юради, деб ўйлайсизми сиз ҳам?

— Юради, — Саври ичига сиғдирилмай билганини айтиди. Асад бунга ишонгиси, раис ҳақида анчадан бери кўнглига тугила бошлаган шубҳаларнинг энди ростга айланишини истагиси келмас, боши қотарди.

Қозонда мошхўрда биқирлаб қайнар, қийматахтада Саври пичоқ билан оҳиста тикиллатиб майдалаётган ялпиз ёқимли ҳид таратарди. Энди Асаднинг димоғига у кирмас, ўғлининг шўхликларини ҳам кўрмасди. Унинг калби нафрат-алам тугёни билан банд эди.

Қизғиш шафтоли гулларида асаларилар ғужғон ўйнар, ариқларда бўтана сувлар айқириб оқарди. Қодиржон идорадан чиқиб, қайси бир фермагадир бориб келиш учун отланиб турган эди. Олдидан Асад чиқиб:

— Қаёққа кетяпсиз? — деди.

— Фермага.

— Менинг ҳам озроқ ишим бор эди, битқазай, бирга борармиз,— дея Қодирни йўлдан қайтарди Асад.

Бу парткомнинг ажойиб табиати бор-да! Муомалада анча қўпол, тўнгроқ бўлса ҳам, тўғри сўз, тик. Баъзан бошлиқларга ўхшаб ишга, одамларга юқоридан салобат билан қарашни, савлат тўкиб муомала қилишни ҳам билмасди. Мен амалдорман, колхозчидан ўзимни баландроқ олиб юришим керак, деган фикр унинг табиатига ёт эди. Ҳеч нарсани кўнглига олмас, нотўғри топилган ишнинг тагини очиб ташламагунча сўзидан ҳам, ҳаракатидан ҳам қолмас эди.

Асад колхозни юксалтириш масаласида ҳам аниқ таклифларни ўртага ташлаганди.

— Районимизда учта колхоз бор,— деган эди у райкомда бўлган бир мажлисда.— Илгари қирқдан ортиқ эди. Ўшанда ҳам фақат уч колхоз илғор эди. Қўшилишдан кейин ҳам ўша илғор колхозларга бирилашган хўжаликлар тузалиб, кўтарилиб кетди. Бошқалари ҳамон қолоқлигича қоляпти. Ҳақиқатдан кўз юмиб нима қиламиз, ўртоқлар, тўғриси шу-да!— деганди мажлис аҳлига бир-бир қараб.— Биз кўпинча палон колхоз қолоқ, палони планни бажармади, раҳбарлари ёмон ишлади, деб шовқин кўтарамизу, лекин шу қолоқликнинг асил сабаби нимада деб жиддий ўйлаб кўрмаймиз. Баъзи ўртоқлар, илғор колхозлар, биринчидан, ях-



ши раҳбарларга эга, иккинчидан, орқаси мустаҳкам, суягини қотириб олган, давлатдан қарз сўраб юрмайди, дастмояси кўп, дейдилар. Бу ҳам кўп жиҳатдан тўғри албатта, аммо мен қолоқ колхоз ва совхозларда тез-тез алмаштирилаётган раҳбарлар орасида ишбилармони, яхшиси йўқмиди, деб сўрамоқчиман? Ёки ўтган йили, масалан, бизнинг собиқ «Қизил юлдуз»да кўк-ламги ишларни бошлаш учун дастмоя йўқмиди?! Бор эди. Лекин кузга бориб дастмоя зарарларни қоплай олмай қолди. Шунинг учун ҳам колхоздан қолоқликнинг бошқа туб сабабларини қидиришимиз керак, деб ўйлайман,— деганди у.

Асад янги раиснинг чалкаш босилган илк қадамини кўрганми ёки эшитганми, ишқилпб, ёноқларидаги туклар ҳурпайиб юарди.

— Ҳозир,— деди-ю, дастлаб у ўз хонасига бурилди. Қодир бухгалтерияга кириб, Асад чиқиб қолар, дея эшикка тикилганича столига омонат чўнқайганди, қўлида қоғоз билан раис кириб келиб қолди. Хонада Асад ҳам пайдо бўлди. Бу ерда Саври ҳам, секретарь ҳам, кассир ҳам йўқ эди. Тўрдаги столда бош бухгалтер Сулаймонгина чўт шиқиллатиб ўтирарди. Асад стол қиррасига кафтини қўйганча, раиснинг башарасидан нима демоқчилигини билиб олмоқчи бўлгандек, унга тикиларди.

— Кеча янги зоотехник олдим,— деди раис парткомга қарамай.

— Янги зоотехник? Қим экан у? — жонланди Қодир.

— Райондан,— деди раис қуруқ қилиб.— Эрта-индин ишга келади.

Қодир ялт этиб бош бухгалтерга қаради. Унинг кўзлари мамнун йилтираб турарди.

— Ярашнинг ўғлими? — деб сўради Асад.

— Ҳа, райондан ҳам тавсия қилишди.— Бошини кўтарди раис. У, сизлар билиб қўйишингиз керак бўл-

ган гап шу эди, деган қиёфада эшик сари юрганди, Асад уни гапга тутди:

— Ярашнинг яна колхозга аралашиши яхши бўлмапти!

— Нима? — тўхтаб қолди раис. Асадга баланддан тикилди:— Эски адоватларни ташланг, эски адоватларни!

— Қанақа эски адоват?! — чаккаси тортишиб кетди Асаднинг. У Яраш билан ўзи орасида бир вақтлар дўконда қалбаки фактура билан ўгринча сотилган қовун-тарвуз хусусидаги жанжални раисга гапирмаганди. Бунга уни ким, қандай тушунтирди?! Қизиқ!

— Ташланг, ташланг, бунақа гапларни! — олдингидан қаттиқроқ бақариб чиқиб кета бошлади раис.

— Йўқ, Саъди ака, юлғичларга ён босишни сиз ташланг!

— Нима? — эшикка қадам қўйган жойида тўхтади раис. У орқасига қайтди. Бош бухгалтер ўтирган ўрнида қалт-қалт титрарди. Асаднинг ғазабдан қалтираб, тилига гап келмай қолганини кўрган Қодир атайлаб:

— Қарздорлар масаласи нима бўлди? Прокурорга рўйхат юбориш керак эди,— дея орага суқилди.

— Прокурор билан ўзим гаплашаман! — уни ҳам жеркди ранс.

— Бу ёқда кассада уруғлик картошкага ҳам бир тийин пулимиз йўқ, шуларни тезроқ ундириб олмасак, қаёқдан пул оламиз?— деди Қодир.

— Оламиз, оламиз, уруғликсиз қолмайди колхоз,— овозини кўтариб деди раис.

— Зўр келганда, давлатдан қарз кўтариб, қора карошкани қимматга олгандан кўра, ҳозир ҳаракат қилиб, нақд тўлаб, қўшнилardan қайроқи-пайроқи олиб экканимиз тузук-да.

— Ҳеч қанақа зўр келмайди, ҳовлиқаверма,— Қодирнинг гапини назарга олмай, қайтариб ташлади раис.— Давлатдан қарз кўтариб, уруғлик картошка олсак, за-

рар қиламиз, деб ким айтди сенга? Қаердан олдинг бу бемаъни гапни?

— Бу бемаъни гап эмас, ҳар йилги бўлаётган гап,— деди Қодир.

— Қўй, қўй! — оғзини очирмади раис. У Қодирга пўписа қиларди-ю, Асадга ўқрайрди. У билан ади-бади айтиб ўтиришни раислик шаънига эп билмас, шунинг учун ҳам қай юлғичга ён босибман, деб ҳам сўраб ўтирмади. Асад эса ҳамон қўли белида, жавоб кутиб турарди. Умуман, колхоз раҳбарларининг тўсатдан бундай гапи бир-бирига тескари келиб қолиши хунук эди.

— Э, қўйинг, Асаджон, бунақа гапларни қўйинг, қўйинг-э,— орага тушиб, уни қийин кетди шу пайт бош бухгалтер.

Асаднинг одатда заҳрини сочиб, жаҳлини тўкиб бўлганидан кейин бўшашиб, алам ичида айтган гапидан пушаймон қиладиган одати бор эди. Чаккасини ушлади.

Эшикдан омборчи билан бир бригадир йигит кириб келиб қолди-ю, икки раҳбар нафасларини ичларига ютишга мажбур бўлдилар. Раис хонасига чиқиб кетди. Бригадир билан омборчини жўнатгач, бош бухгалтер яна бобиллади:

— Нега бунақа қиласизлар? Нега жаҳлини чиқарасизлар-а? Нимага керак бу?!

— Мен ҳам билмайман нимага кераклигини,— деди Асад тумшайиб.— Колхозни юксалтириш учун тadbирлар кўриш керак бўлган пайтда юлғичларга ён босиш керакмиди? Қани, сиз айтинг-чи, кимга керак бу?

— Э, ўзидан сўранг,— пасайиб қолди бош бухгалтер.— Ғалвадан фойда чиқса, боринг, ўзидан сўранг!

Асад хонадан чиқди...

Қодир ҳам пешанасини тириштириб, таъби хира ҳолда Асаднинг ортидан чиқди.

Раис учун бу тўқнашув мутлақо кутилмаган бир туғён эди. У тилда халқ, партия менга ишонч билдирди,

катта хўжаликни кўтаришдек оғир масъулиятни юклади, деса ҳам, дилда раислик кўп йиллар давомнда қилган уринишим, ошна-оғайниларимнинг қўллаши натижасида қўлга киритган омадим деб билар, қўл остидагиларнинг қўйган ўрнида шахмат донасидек қимпрламай туришини, буюрганини қилаверишини истарди. Парткоми билан экономистининг баъзп қилиқлари меъдасига ўтирмай юрган бўлса ҳам, улардан бу даража гап чиқади, деб кутмаганди. «Қўнглида бир шум нияти бўлмаган одам ўз бошлиғига шунақа қиладими? Қаёқдаги қарзларни суриштиради,— ўйларди раис, Раҳматнинг қарзи хусусида...— Одамлар бунн қалбаки деса деяверар, у ёқда нима бўлгани билан менга неча пуллик фойда-зиёни бор, текширтириб нима қилдим, бу ёғи илтимос билан келган оғайним — керакли одам, ахир раисликка кўтарилишимда тегишли жойларга озмунча югурдим?! Унинг сўзини ерда қолдирсам яхши эмас.— У қора кунгурадор стулга суянганича ўйга ботди.— Уруғлик картошкани орага тикади...»

Ташқарида қуёш чарақлар, шафақ ранг шафтоли гулларида асаларилар ғужгон ўйнар, раис ҳамон кабинетидан чиқиси келмасди.

## 2

Ҳовлидаги гуллар ҳам, боғ тўридаги кўчатлар ҳам қорайиб кўрина бошлади. Қовоғинн уйиб тун кириб келмоқда эди. Қодирларнинг уйида, айвон четида тумшуқлари осилиб кетган Низом тоға муштини энгагига тираганича кўча эшикка тикилиб ўтирарди. Ичкари уйда эса Қодирнинг онаси, нима учундир, коса-пиёла-ларни зарда билан бир-бирига тарақ-туруқ уриб тахларди. Қўринишидан опа-ука яхшигина жиқиллашиб олганга ўхшардилар.

— Олдин айтганимни қилмади, хўп, майли. Қилганида сен ҳам жим, мен ҳам жим, олам гулистон эди.

Энди нега тинчитганда тумшуғини тикади у тентак! —

деди тоға.— Раисга текширилсин, қарз ундирилсин, деб ақл ўргатишнинг нима кераги бор унга?! Раиснинг ўшанчалик ақли йўқ эканми?! Жимгина ўзининг ар-васини тортавермайдими!

— Битта жиянингни кўзини очирмадинг, очирмадинг! Сенинг гапингга юрса — одам — одам эмас экан-да! — Бўш келмасди она ҳам...

Шунинг устига кўча эшик ғийқиллаб очилиб, ҳовлида Қодир пайдо бўлди.

Остонага чиқиб турган она:

— Нега келдинг, болам? Бу ерда сени тоганг икки ямлаб бир ютаман деб ўтирибди,— деди.

— Нега унақа дейсиз?— деди Қодир. Уйга кириб кийимини ечаётган жойида тоғасининг онасига зарда қилиб:

— Билсангиз, опа, мен ўғлингизни эмас, ўғлингиз мени, менга қўшиб ҳатто ўзининг яхши кўрган қизининг отаси Раҳматни икки ямлаб бир ютмоқчи. Мен жияним ундай-бундай деб Раҳмат акага мақтанмоқчи бўлиб юрибман-а! — деяётганини эшитди.

Она ўзини тутиб туrolмади:

— Э, сен одам, жиянинг одам эмас, нима қиласан уни бировларга мақтаб?! Нима қиласан у ёмоннинг уйига келиб?! Бор кет! Йўқол кўзимдан, яхшиси.

Диёнатдан айрилганнинг бети қалин бўлади, дейди-лар — тоға ўқрайиб ўтираверди.

Қодир опасини койиган, юнатган бўлиб нариги уйга киритиб юборди. Кейин ўзи секин келиб, тоғасининг ёнига тиз чўкди. Иккаласи ҳам миқ этмасди. Шу ал-фозда узоқ ўтирдилар. Ичдан ёниб-куяётган тоғанинг қулоқлари қимирлаб-қимирлаб қўярди.

— Сен, жиян, шу даражага бориб етганми-динг-а?! — деди туриб-туриб у.— Сенга нима-я, уни қанақанги қилса қилиб тинчитиб, олган-олмаганда-я! Сенинг ҳамёнингга тушадиганн тушмай қоладими-а! Ўзи қанақангисан! «Ундирилсин, шу пулга уруғлик картошка олинсин», дермишсан зўр бериб.

— Ким айтди сизга бу гапни?

— Ким айтгани билан нима ишинг бор!

Қодир тиззасига тираниб қолди.

— Ҳа, ҳўш, мен ҳеч кимга сездирмай, гумдон қилиб юборинглар дейми? — деди.

— Дема, дема, ҳеч нарсa дема! Сеннинг бир нарсa дейишининг ҳеч ким сўраётгани йўқ,— бақириб берди тоға. Кейин тўсатдан овозини пасайтириб,— бу ёқда ютганим ўзимники, чайнаганим гумон бўлиб турибди-ю, унақамас бунақа дейсан! Ҳаққонийлик билан узоққа боролмайсан! Қанақасан ўзи! — деб тўнғиллади тоғаси. Қодир тоғасининг бу гапига ҳайрон бўлиб, тикилиб қолди: «Нима, ютганим ўзимники, чайнаганим гумон?» У кўпдан бери тоғасини тушунолмай юрарди. «Оғзимдаги гумон» эмиш! Бу ҳали ҳам жамият бойлигини, кўпчилик фаровонлигини ўз фаровонлиги, ўз бойлиги, бахти деб билмаган, кўп нарсаларнинг умумлашишидан талвасага тушган кимсанинг вазвасаси-ку. У ҳозир ҳам юрагини жияним ўзимники билиб очяпти, аламинин оляпти. Бошқа жойда бўлганида ҳиҳилаб кулиб: «Жияним ҳақ талабни қўйибди, ҳақиқат бўлгани яхши»,— дерди. Қодир ҳозир у билан гап талашиш бефойдалигини тушуниб турарди.

— Қўйинг бундай бемаъни гапларни, тоға! — деди Қодир зўрға.

Тоға бунга қулоқ солмади, жиянини букиб, раис олдида оғиз очмайдиган қилиб қўйиш, пайти келпб қарз хусусидаги актлар правление мажлисига қўйилганда, ул-бул деб яна «подани булгатиб» юрмаслиги иложини қилиш учун ўзи билган талай гапларни гоҳ баланд чиқиб, гоҳ паст тушиб вайсади. Дўқ қилди, қўрқитди, насихат қилди, ялиндди ҳам. Қодирдан у кутган садо чиқмасди.

— Сенинг учун қариндош-уруғ ҳам уч пул, колхознинг раиси ҳам, шундайми? — деди у ниҳоят, яна ғазабга минпб.

— Йўқ, тоға, мен бировга ёмонлик қилмоқчи эмасман,— жуда босиқлик билан мулойим гапирди Қодир.— Мен сизга ва ўша ифлос ҳамтовоқларингизга ўхшаб виждонимни ютолмайман, халқнинг қаҳр-ғазабидан қўрқаман, холос.

— Э, бўлди,— ўрнидан туриб кетди тоға.— Сен ҳам тўтиқушдек сайрашни ўрганиб олибсан. Қараб тур! Халқ ғазабидан қўрқаман, эмиш-а! Халқ сени еб қўяр-миди!

У Қодирларнинг ҳовлисидан гандираклаб чиқиб кетди. Укасининг кейинги гаплари қулогига чала-ярим чалиниб, ичкари уйдан югуриб чиққан она, орқасидан:

— Ниятинг ўз бошингга еткур, нима гап қилиб кетди яна? Беш қўлни бирдан оғзига тиқмаса-ку, ўзига ҳам бало йўқ эди, бошқаларга ҳам,— деб қарғаб қолди. Кейин:— Ёлғондан бўлса ҳам гапига хўп-хўп, деб қўя қолмайсани, сен ҳам у гарданинг узилгурса,— деб Қодирни койишга тушди.— Тоҳиранинг отасига бориб, жияним шунақа девотти, деса худо кўрсатмасин, Раҳмат олди-орқасини ўйламай, тўнини тескари кияди-олади.

Раҳматнинг бусиз ҳам тўнини тескари кийиб олганидан она беҳабар эди. У тез орада совчи юборамизу, қизини ўғлимга унаштирамиз-оламиз, зап ўғлимга муносиб қизи бор-да, ўғлим ҳам зап топган-да! Раҳмат ҳам, хотини ҳам қизнинг Қодирим билан гаплашиб юрганидан беҳабар, беҳабар бўлгани маъқул. Совчилар борганида, мабодо, ул-бул деб тихирлик қилса, қиз билан йигитнинг дили бир, деб кўндиришади, дея режалар қилганди. Укасининг ўғлига ўчакишиб қолганлиги уни ташвишга солиб қўйди. «Ёмон, ёмон укам, ҳар қанақа балодан қайтмайди», дерди хуноби ошиб.

Қодир эса бошини панжалари орасига олиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлиб ўтирарди...

Яна тонг кулди, янги кун жилмайиб боқди. Бухгалтерия ходимлари эндигина келиб, ишга шўнғиганди. Ташқаридан машинанинг гуриллагани эшитилди.

— Раис келди,— деди Сулаймон ака деразадан бошини чўзиб қараб. Раис, одатнча, ўз кабинетига ўтиб кетавермай, бухгалтерияга бурилди. Унинг бўйнидаги қават-қават бағбақаларни, халтум-халтум гўшт йиғилган лунжлари, йўлда зўриққанидан бўлса керак, қизариб кетганди. Қисик қора кўзларида, боқишларида кўп бошлиқларга хос бўлган жиддият ва салобат чизиқлари қотганди. Гирдиғум гавдаси эшикдан ёнбошлаб кириб келди. Қодиржон у билан кўришиш учун ўрнидан турди-ю, раиснинг қора галифе шим ва кителли йўгон гавдаси орқасидан хонага оҳиста кириб келаётган Одилга кўзи тушди. Унинг дадасиникига ўхшаган узунчоқ башараси Қодиржонга ёқимсиз кўриниб кетди. Раис амалдорона сиполигини бўзмай, ўтирганларга Одилни таништирди:

— Янги зоотехникимиз Одилхон Ярашхонов, танишинглар!

— Таниймиз,— деди бош бухгалтер илжайиб. У жилмайса тепа лаби қочиб, соқоли кам тарашланадиган сердоғ, қуруқ чакак юзлари бурушарди. Бу башара Одилхоннинг меъдасига ўтиришмади шекилли, Сулаймон аканинг эгилиб илжайишларига сўз билан эмас, кўз қирида ўйнаб йўқоладиган табассум билан ҳам жавоб қилмади. Ўтирганларга ёнбоши билан келиб, қўл учини чўзди.

Раис бош бухгалтердан у-бу ишни суриштирган бўлди, кейин Қодиржонга:

— Зоотехникни ҳозир машина-пашина топиб, фермаларга олиб борасиз, ишлар билан таништириб келасиз,— деди.



— Ишим кўп,— қогозларга ишора қилди Қодиржон. Раис бунини ўзига нисбатан ҳурматсизлик, кечаги маҳмадоналикнинг давоми деб билиб четнаб кетди:

— Эрта-пертага қиласан ишингни,— деди у сенсирашга ўтиб. Кейин тез бурилиб кабинетига чиқиб кетди. Қодиржон қараса, оқибати жанжалга айланадиган, ижирганиб ишини йиғиштиришга тутинди.

— Машина шу ерга келадими? — деди эшикка чиққан жойида Одилхон.

— Агар бор бўлса,— ланж жавоб қилди гаражга кета туриб Қодиржон. Гаражда икки шофер бир бузуқ машинанинг тагига ётиб олишганича, тикирлатишмоқда эди. Улардан бошқа на машина, на бирор кимса бор эди бу ерда.

— Бу яқин орада машина бўлмайди, ҳаммаси ҳар қаёққа иш билан тарқаб кетган,— дейишди шоферлар. Қодиржон гараждан умидини узиб чиқиб кетаётган эди, кўчадан автокачка аравани шалдиратганича Зоҳид ўтиб қолди.

— Ҳа, «Победа» керак бўлдим, Қодиржон? Менинг «Победа»мга чиқа қол.— Қўлида тизгинини ўйнатиб деди у.

— Молхонага кетаётган эдик,— деди Қодиржон. Зоҳид бошқа томонга кетаётган эди.

— Бизга борсанг, бедани нариги саройга ташлаб, ҳозир қайтишда олиб ўтаман.— Отларига қамчи босди у.— Тебратавериб, ичагимни узади деб, қўрқмасанг бўлди...

Икки йигит кўча юзига чиқиб, чор-ночор Зоҳиднинг аравасини кутиб туришди. Иккаласи ҳам бир-бирига миқ этиб гап қотмас, Одилхон ҳуштакда қандайдир куйни хиргойи қилганича белини ушлаб, у ён-бу ён юрар, Қодиржон қўлларини қовуштириб қорнига қўйганича кўча четида тизилган теракларнинг майда йилтироқ баргларига тикиларди.

— Раиснинг машинаси бекор турибди-ку! — деди Одилхон идора олдига турган енгил машинага қараб.

Қодиржон «у фақат раисники», деб қўйди. Шу пайт раис ичкаридан чиқди, катта-катта қадам ташлаб, машинасининг олдига борди. Одилхон ферма томонга борса, бизни ҳам ташлаб ўтар, деган плинжда бир раисга, бир Қодиржонга қарарди. Қодиржон тескари қараб олганди. Раиснинг машинаси йигитларнинг олдидан ғирллаб ўтди-ю, фермалар жойлашган участка сари йўл олди.

Қарши томондан отларини елдириб Зоҳид келмоқда эди. Унинг ёнида Қодиржоннинг тоғаси Низом ака ўтирарди. Арава гаражга буриладиган кўча оғзига келганида, ундан Низом ака тушиб қолди, Зоҳид Қодиржонга, ҳозир чиқаман, деб қўл силкитиб, гаражга кириб кетди.

Низом ака югуриб келиб Одил билан икки қўллаб кўришди. «Тўйлар бўлай деяётган эмиш,— деб ялтоқланиб ундан ҳол-аҳвол сўради.— Раҳмат қизини сиздек йигитга бермаса кимга беради, у-бу дейдиган бўлса бу ёқда биз турибмиз, бўлдирмай қўймаймиз»,— деди Қодирга эшиттириб, Одил ҳам:

— Биз ҳам сизга инониб келдик-да, раҳмат, раҳмат, ака. Дадам сизни менга кўп мақтаганлар,— дея талтайди.

Қодиржон эшитганларини эшитмаганга олди.

— Бу йигитни дастлаб биринчи фермага олиб бориш керак,— деди Қодиржон аравага чиқа туриб, тоғасига ҳам, Зоҳиднинг ҳазил-ҳузулли гапларига ҳам эътибор қилмай.

— Ким ўзи бу йигит?

— Янги зоотехник.

иснинг мана бу ишига борман. Эски зоотехник ишдан кетгандан кейин мана бир ой ўтмаёқ янгисини топиб-

— Янги зоотехник?! — жонланиб қолди Зоҳид.— Ради, молодец, фермаларда қанча ишлар йиғилиб турган-

ди...— У аравадан тушиб Одилхон билан қўл олишди.— Ўзим ҳам шу идорага келиб, қачон янги зоотехник топасизлар, деб тўполон қилмоқчийдим.

Зоҳид янада очилиб кетди. Қодирни ҳам четга суриб: «Сен ҳам овора бўлмай қўя қол, идорага кириб планингни чиз, мен ўзим айлантираман фермаларни, сен барибир уларни менчалик билмайсан-ку»,— деди.

Зоҳиднинг очиқ чеҳраси, қувноқлиги Одилхонга маъқул тушганди.

— Майли, қола қолинг,— деди Қодиржонга. Қодирнинг кўнглидагидек бўлди. Зоҳид Одилхонни аравага қўлидан тортиб чиқариб, ёнига ўтиргизди.

— Бўлар-бўлмасга ҳадеб бўғилаверманг, умрингиз қисқариб кетади,— отларига қамчи босар экан, тоғага қичқирди Зоҳид.— Ундан кўра, тутиб олиб уринг, бу ўзбошимча жиянингизни!

4

Кабинетидан турли хаёллар билан чиққан раисга узоқроқдан тузукроқ назар солсак зарар қилмас...

Раиснинг отаси ўтмишда бир московчи бойнинг дўконида гумашталик қилган, дердилар. У умр бўйи катта бойлик тўплаш, «Московчи бой», «Заводчи бой» деб ном чиқаришни орзу қилиб ўтган экан. Шу мақсадда у ўзини минг кўчага урган. Таниш савдогарларнинг пинжига кириб, Россия томонларига ҳам қатнаган, дўкон-пўкон очишга кўп уринган. Лекин сира омади келмаган. Фақат НЭП даврида сал омади келгану, аммо яна кўпга бормай, бир ёқдан катта солиқлар ва иккинчи ёқдан шафқат билмас рақиблар қақшатган. Бу аҳволдан додга келиб, ҳатто ўзини осиб қўйишига оз қолган, дейдилар. Кейин узоқ вақт қандайдир идорада югурдак ҳам бўлиб ишлаган эмиш.

67

Самарасиз урпнишлар важидан бўлса керак, Саъди эсини таниганидан бери отасининг очилиб-яшнаб юрган вақтини сира билмасди. Қачон кўrsa у, «рахмсиз фалак»дан нолигани-нолиган, дунёни бошидан-оёқ ифлосга, бузуққа чиқариб, сўкингани-сўкинганди. «Бу дунёда қил устида турасан киши, имонингни ютмасанг, дўзахга кетишинг ҳеч гап эмас»,— деб кечаю кундузи фигон чекарди.

Қишлоқларда коллективлаштириш бошланган дастлабки йили отаси тўсатдан вафот этди. Саъдининг бу вақтда бўйи чўзилиб, суяги қотганди. У маҳалладаги мактабга қатнарди. У гапга чечан эди, ўзини катталар олдида камсуқум, кичиклар олдида эса билпмдон қилиб тута биларди. Синфда доим олдинги қаторда ўтирар, ўз ўрнини ҳеч кимга бермасди. Ўзи эса ўқитувчилари кўрсатганидан бошқа китобни қўлига олмасди. Мактаб битгач, институтга ўқишга бориш хаёлига келмади, тузуқроқ иш, каттароқ обрў ва пул топиш ҳаракатига тушиб кетди. Отасининг эски ошиси соясида қўшни қишлоқ район ижроия комитетига секретарнинг ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. У ердан қандайдир қишлоқ хўжалиги ходимлари тайёрлаш курсига бориб ўқиб келди.

Шу орада тўсатдан уруш бошланиб қолди. Пихини ёриб қолган Саъди дўпписини ерга қўйди: умумий сафарбарликдан четда қолиш учун йўл излади. Айрим қишлоқларда шу пайтларда шаҳардаги катта заводлар учун махсус ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилина бошлаганди. Уни кимдир шулардан бирига тажрибали қишлоқ хўжалик ходими деб, тавсия қилди. Иш бошқарувчи бўлиб ишга ўтди. Ёрдамчи хўжалик ишларини тез жонлантирди. Саъди тепа жойларга чархпалаклар ишлатиб сув чиқартирди... Бироқ орадан икки-уч йил ўтмай, бу ердаги ишлари юришмай қолди. Ёрдамчи хўжаликдан олиб яшириқча соттирган картошка ва қарамлари қўлга тушмади-ю, лекин баҳорда барча эрта-

ги бодрингларию помидорларини совуқ уриб кетди. Заводнинг шу орада алмашган янги раҳбарлари унга ишончсизлик билан қарай бошладилар. Уни ишдан четлатдилар. Кунларнинг бирида унинг қўлига повестка топширишди. Бошқа кўчага ўзини уриш иложи қолмаганди, фронтга кетди. У машқларни тугатиб боргунча, уруш ҳам тугай деб қолганди. Чап қўлидан яраланди. Уруш битгач, уйга қайтди. Районда уни яна қишлоқ хўжалик бўлимига ишга олишди... Саъди кимга қандай муомала қилишни яхши биларди. Отадан ўтиб томир-томирига сингиб қолган «мерос» — ҳаётга маълум даражада шахсиятпарастлик кўзи билан қараш, ташқи таъсирга сиртдан усталик билан мосланишга одатлантирганди. У китобни қўлига олмас, газета ва журналларни эса хизмат юзасидан мажбур бўлганлиги учун истар-истамас кўздан кечиарди. Лекин бирор мажлис ёки умумий йиғилишда муҳимроқ давлат ҳужжати юзасидан гапириш, лекция ўқиш талаб этилиб қолганида, у мактабда ўқиганида домла тайинлаганларини ёдлаб юрганидек тўтиқуш бўлиб кетарди. Қўлини мушт қилиб столга тираб олганича, кўзларини залдан олмай, узоқ ва жиддий гапириш санъатини эгаллаганди.

Шундай кунларнинг бирида унинг маърузасини райком секретари эшитиб қойил қолди.

Бундан олдин ҳам райком секретари билан бир-икки ўтиришда бирга бўлганди. Ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ҳам кўрсата билганди. Орадан кўп вақт ўтмай Саъдини райкомга бўлим бошлиғи қилиб ишга олишди. Бу ўринда бир йилча ишламай, уни раиси ишдан бўшатишган колхозга юборишди. Район партия комитети биринчи секретарининг ўзи бориб уни колхознинг умумий йиғилишида раисликка тавсия қилди. Саъди бу колхозда икки йилча ишлади. Колхоз бир оз кўтарилганга ўхшади ҳам. Ёиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида колхозни бошқаришда йўл қўйган қатор-қатор хатоларини очиб ташлашди. Саъдининг ўз ўрнида қо-

лиш учун қилган уринишлари бефойда кетди, у яна райкомга — эски ишига қайтарилди.

Раисликдан кетгач, Саъди ўзи колхозда йўл қўйган хатолари ҳақида ўзича мулоҳаза юритди: «Биринчи галда менга қарши бош кўтариши мумкин бўлганларни пайқамаяним, уларнинг танобини тортиб қўймаганим бўлди. Шу хато менинг бошимни еди»,— деди ичнда. Саъди мана янги бирлашган колхозга раис бўлиб келди. Энди бошидан бошлабоқ илгариги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслиги, бутун ишларнинг жиловини қаттиққўллик билан қўлга олиши керак эди.

Парткоми билан экономистининг тўғри талабидан нотўғри хулоса чиқариб «Москвич»ни далага дарғазаб бурдирганига, юрагидаги шу кинлари сабаб бўлганди.

## 5

Раиснинг кўкиш «Москвич»ни иккинчи молхона олдидаги катта ер бошига келиб тўхтади. Асаджон бригадасининг ерлари ҳам худди шу молхона ёнбошидан бошланарди. Далада меҳнат қизгин. Бригаданинг ҳамма аъзолари бугундан бошлаб, эртаги қарам кўчатини экишга киришганди. Кенг шудгор боши қий-чув. Қиз-жувонлар енгларини шимариб, шўх-шўх кулиб, ҳазиллашиб эгаларга зумрад кўчат маржони тизишади. Асад одамлар қошида. Гоҳ парникдан машинада кўчат ташиб келаётган Тоҳирага: «Қам бўлма, Тоҳирахон синглим!» — дейди. Гоҳ кўчат эка туриб, шўхликка берилиб кетганларга: «Экаётган кўчатингнинг ҳам кулгиси чиқиб қолмасин, кўзингга қара»,— дейди. У раисни эгат бошида қарши олди.

— Бўлиб қолдингларми? — деди раис, ишни кўздан кечиришдан бурун. Асад раис ҳазиллашмаяптими, дея унинг қовоғига қаради-да:

— Бугун бўлмасак ҳам, эртадан қолмайди,— деди.

— Нега эртага қолади? Эртага бошқа ишингиз йўқми?

— Бор, албатта,— деди Асад эгат оралаб одимлай бошлаган рансинг орқасидан тушиб.— Лекин имкон йўқ-да!

Раис йўгон бўйинини зўрга қайириб, унга бир қаради.

— Эрталабдан бери шуни экдингларми?— деди у кўм-кўк карам кўчатлари тизилган эгатларни кўздан кечириб.— Бунинг ҳам кўплари кўкариш ўрнига сўла бошлабди. Бунни қаранг, бу нима? Қанақа эяпти одамларингиз ўзи?— раис барглари шалвираб ётиб қолган икки-уч туп карам кўчати устига зўрга чўнқайди, япроқларини кафтига қўйди: — Одамларнинг ишини назорат қилиб турасизми ўзи!

— Нами камроқ тупроққа тушиб қолган экан-да, ҳозир ариққа сувни хиёл кўпайтириб қўйсак, ўзини туптиб олади.— Эгат бошидаги чимларни мушти билан эзиб, сувни кўпайтира бошлади Асад.

Раис бошқа эгатлардан ҳам уч-тўртта шунга ўхшаш сўлнқираган кўчатларни топди. Улардан иккита-учтасини юлиб олди.

Раис кўчат экаётган қиз ва жувонлар тепасига зарда билан борди. Эрталабдан бери чағир-чуғур қилишиб, чақчақлашиб, кулишиб ишлаётган ёш-яланлар шудгор бошида рансинг қораси кўриниши биланоқ жим бўлиб қолишганди. Ҳамма камроқ гапиришга, кўпроқ ишлашга ҳаракат қиларди. Раис уларнинг ишларига бир чек-кадан разм солди.

— Илдизи буралиб қолмасин, илдизи,— икки-уч қизга уқтирди раис,— кўп чуқур эхма, илдизи буралиб қолади,— баъзиларга дакки ҳам берди у.— Бунни кўринглар, бунни, шунақа сифатсиз экилгани учун сўлиб қолган,— деб қўлидагиларни силкиб кўрсатди.

— Чуқурроқ экса бақувват бўлади,— эгатдан бошини

кўтармай жавоб қилди лўппигина бир жувон. Аммо раис бу гап атрофда сочилиб ишлаётган қиз-жувонлардан қай бирининг оғзидан чиққанини билолмай қолди. Заҳрини атрофида пилдираб юрган табелчи йигитга сочди:

— Қараш керак! Одамларнинг ишини кузатиб туриш керак!

— Қараяпмиз, қараяпмиз,— деди табелчи ҳам, «қиладиган ишларини ўзлари ҳам сизу биздан яхши билишади», дейиш ўрнига.

Кейин раис Асадни шудгор четига тортди.

— Ишларингиз яхши эмас,— деди бир қўлини ер бошидаги тут танасига, бир қўлини кўксига қўйиб.— Бу аҳволда бугун экиб бўлмайсиз бунни!

— Ўзи ҳам бир кунга эмас, икки кунга мўлжалланган. Эртага кечқурун тугатамиз.

Раиснинг калта гардани тортишиб кетди.

— Олдингизда турган вазифалар қанақалигини биласизми? Нима қиласиз орқага суриб. Ҳозир кунлар, соатлар учун талашиш керак.

— Икки кунлик пшини бир кунда қилиб бўлмайди, сифат бузилади.

— Баҳона қиламан деган одам ҳар қандай қилиб ҳам баҳона топаверади. Эртадан пиёз септирасиз. Эртаги картошкага ер тайёрлатасиз, бодринг эктирасиз. Шу ишларнинг ҳаммаси беш-олти кун ичида бажарилиши керак. Ҳаво ғанимат,— ёнга қараб, башарасини буруштирди раис. Ў яна талай ишларни тайинлади.

Раиснинг топшириқлари қаттиқ эди: «Тўрт кун ичида эртаги экинларни экиб бўлинганлиги ҳақида рапорт менга ёзилсин, одамларни кечаси ҳам ишлатинг, бошқа ғиринг-пиринг деган гапни эшитмайман! Рапорт ёзилмас экан, бошқа қатъий чоралар кўраман!» Уруғлик картошка ҳақида оғиз очмасди.

Умумий иш манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда раис албатта талабчанлик билан тўғри иш қила-



ётганга, ўринли буйруқлар бераётганга ўхшарди. Аммо ҳар қандай буйруқ, талаб ҳам имкониятни ҳисобга олиши керак, ахир! Асад хуноб бўлди.

Раис яна талай буйруқлар бериб, даладан чиқиб кетди.

6

Ер бошидаги ариқдан ҳатлаб ўтаётган жойида раиснинг кўзи ўт чимдиб, янги экилган карам картаси сари сурилиб бораётган учта ориқ сигирга тушиб қолди. Буни колхозчиларники, деб ўйлади. Ариқ лабига яхши илинмай қолган калта оёғи сирпаниб кетди. Ҳартугур ариқда сув йўқ эди. Иккинчи ҳамлада ўзини юқорига олди-ю, молларга қараб югурди. Катта кўчада эса ёнига Одилни ўтқазиб олган Зоҳид тўрт филдиракли аравасини шалдиратиб елиб келмоқда эди.

— Ушла, ушла, анави ҳаром ўлгурни, ушла! — Одилжонларга қараб ҳайқирди раис. Зоҳид аравадан ўзини ташлаб, молларга қараб югурди. Табелчи йигит ҳам сигирларга кесак отиб, ҳайҳайлаганича чопиб кетди. Улар молларни қайтариб четга олиб чиқмасларида-ноқ, бағбақаларига тизилган терларини дастрўмолни билан арта-арта раис етиб борди.

— Обор, обор, кимники бўлса ҳам гўштга топшириб юбор, у падарлаънатиларни обор, ориқ-пориқлигига қарама, одамлар молини бунақа ҳайдаб қўйверса, колхознинг экини қоладими?! — калта қўлларини пахса қиларди раис.

— Қолхозники бу сигирлар,— деди Зоҳид.

— Нима, колхознинг сигирлари? — башараси бурушди раиснинг.— Қолхознинг сигирларини шунақа бебош қўясанларми?!

— Сув ичиб келсин, деб молхонадан чиқариб юборилганди, ўтлаб кетибди.— Раиснинг ҳурматини қилиб, қимтинди Зоҳид.

73

— Роса худо берган экан, суғоргани олиб чиққан сигирларинг кўчада қолиб кетса,— Одилхон келиб сигирларининг бўйинларини, тўшларини пайпаслаб кўра бешлади.

— Эсиз, эсиз, мазаси қочиб қолибди.

Раис ҳам сигирларнинг атрофини айланиб, уларни кўздан кечирди, энгашиб елинларига қаради-да:

— Этларини суягига ёпиштириб юборганларингни қара, нима иш қияпсанлар ўзи бу ерда,— деди. Зоҳид ўзини тутиб туролмади:

— Пашша қўриб ўтирибмиз,— деди лабини чийириб. Кейин Одилхонни, четга чиқ, дегандек кифти билан туртиб ўтди-ю, сигирларни олдинга солиб ҳайдади: — Молхоналаринг қай аҳволда, ем-хашак етарлими, деб сўраш ўрнига гапларини қара бу хўжайиннинг?

Раис бу муомалани кутмаганди. Битта шунақа бурнидан юқори гапиргандан шубҳага тушиб, ишини қўриб қўйиш учун келганида, иккинчи бирининг, яна келиб-келиб бир оддий молбоқарнинг дашномини эшитиш раис учун осон деб ўйлайсизми? Нима, бу колхоз одамларининг ҳаммаси раисга қарши тил бириктириш-яптими?

— Ким ўзи бу бемаъни? — деди раис. Табелчи йигитдан аниқ жавоб олгач,— ҳали молхонада шунақа ўзини тутмаганлар мол боқяптими, худо берган экан! — деб сўкинди. Кейин Одилга тайинлади: — Бугун ишни шу молхонадан, аҳволни пухта ўрганишдан бошлайсиз. Кейин менга буни алоҳида далажит қиласиз!

— Хўп-хўп, бўлади,— икки букилгандек бўлди Одил.

Раис «Москвич»ига суқилаётган жойида атрофга аланглаб, Қодир эсига тушиб қолди:

— Экономист йигит қани?

— Идорада қолди,— тисарилди Одил.

— Бу қанақаси энди, мен унга янги зоотехникни фермаларга олиб бориб, иш билан таништир дегандим-ку! — кабинадан қайтиб чиқди раис. У ҳозир игна те-

гиб кетса ёрилиб кетгудек бир важоҳатда эди. Табелчи йигитни югуртирди:— Бор, участка марказига чиқ. Телефон қил. Ҳозироқ етиб келсин. Бу қанақа ўзбошимчалик!

Раиснинг машинаси катта кўча четида тизилган тераклар орасидан ўтиб, пахтакор бригадалар томон йўл олиши биланоқ, шудгорда кўчат ўтқазаётган қиз ва жувонлар даврасида қувноқ хандалар қанотланди, кимдир ашула ҳам айта бошлади. Гўё далага тўсатдан тушган совуқ қуёш йилт этиб юз кўрсатиши биланоқ эриб кўтарилиб кетганга ўхшарди. Одиҳон ҳам пилдираб молхонага кириб кетди.

## БЕШИНЧИ БОБ

f

Раис чақпрганини эшитгач, ноилож гижина-гижила йўлга пиёда чиққан Қодиржоннинг хаёлини орқасидан гуриллаб етиб келган машина бўлди. У машинанинг қайси кўчадан чиққанидан беҳабар, тўхтатиш учун қўл кўтарди.

— Молхона томонга борасизми, кузовга чиқинг,— деди шофер. Кабинада парникда ишлайдиган бир аёл ўтирарди. У қўзғалиб, Қодир учун жой бўшатмоқчи эди, шофер аёлнинг қўлидан босиб, кўзини қисиб қўйди. Қодиржон сапчиб кузовга чиқди.

Қодиржон ўзини ўнглаб, кузов бурчагида кўчат тўла яшиклар орасида ўтирган қиз болага кўзи тушди. Қиз юзларини рўмол билан тўсиб ўтирарди. Қодиржон унинг яқинига ўтди-ю, кўзлари Тоҳиранинг ҳуркович тоғ оҳусидек жалаңглаган кўзларига тушди.

— Тоҳирахон! — деди кузовга ёпишиб.

— Қодир ака!— хумор боқиш билан унга талпинди қиз. Бу иккаласи учун ҳам кутилмаган учрашув эди.

Идорада устларига келиб қолганидан бери Раҳмат қизини кўчага чиқармайдиган қилиб қўйганди. Далага ишга чиққанида ҳам ортидан пойлаб юрарди.

Икковлари яшиқлар орасига ўтириб олдилар. Бир-бирига қараб жилмайишар, учрашишганига суюнишарди.

— Яна келдилар у тўрам колхозга доимий ишлашга,— деди Қодир.

— Ким? Э, анавими, башараси қурсин!

— Ҳа,— дея бош чайқади Қодир.

Дам ўтмаёқ машина қиз-жувонлар гангур-гунгур қилишиб қарам кўчати экаётган далага етиб борди.

Аллақачон молхонага кириб чиққан, ундан кейин ҳатто йўл устидаги дўкончага бориб, «қиттак отиб» келишга ҳам улгурган Одилхон тут соясида турарди. У Қодиржоннинг кузовда ўтирган қизга энгашиб, алланималар деганини узоқдан кўриб турган эди.

Тоҳира машинадан бошини кўтариши биланоқ, Одилжонни кўриб қолди-ю, тезгина кузов панасига ўзини олди, юзларини рўмоли билан тўсди. Кабинадан чиққан дугонасига:

— Шоферга айт, нарироққа олиб бориб тўхтатсин,— дедди. Дугонаси эса унинг нега бунақа деяётганига тушунмай тўнгиллади...

Одилхон помидор экаётган қизларга аланглаб, Тоҳирани кўрмай қолди. Кўчат олиш учун эгат бошига чиқиб келган лўппигина бир жувоннинг хушбичим қоматига ютиниб кўз югуртирди. Қодиржон Одилхоннинг авзойини кузатиб турарди. Одилхон колхоз экономисти кутиб турганини ҳам унутиб, ўша жувоннинг олдига борди ва:

— Кўчат олишиб берайми?— деб сўради. Жувон унинг қарашларини узоқдан ҳис қилганди.

— Олдин ўпкангизни босиб, сўлагингизни артиб олинг,— деди шаддодлик билан.

— Ие, ие, шунақа эмас-да, агар беодоблик кўчаси-

га ўтган бўлсак...— кўчат олишган бўлди. Машина олдида кўчат туширишаётган қизлар уни кўриб пиқирлашиб кулиб юборишди.

Одил қўли кўчатда-ю, кўзларни ҳамон жувонга ютишиб тикиларди. У ўзининг бу колхозда янги одамлигини ҳам унутганди.

— Мени шу ерга ташлаб кетсангиз бўлар экан. Жаннатни ташлаб, молхонага бориб нима қилдик,— деди у кутиб турган Қодиржонга. Қодиржонни ичдан титроқ босмоқда эди. Қишлоқ қизларининг орияти оғир бўлади, улар олдида одоб доирасидан ташқари бирор оғир сўз айтсангиз, ёки ножўя ҳаракат қилсангиз — тамом, бирпасда қип-қизил майна бўласиз қоласиз. Сизни бу даврага олиб келган одамни ҳам аяшмайди улар.

— Кечга қолмайлик!— нафрат билан тикилди Қодиржон.

— Э-ҳа, борамиз-да!— гандираклаб қизларга кўчат узатди Одилхон.

— Ие, унга нима қилди! Араваси ариққа тушиб қолбди-ку! — шудгордан чиқиб келаётган Асад молхона томонга қараб қичқирди шу пайт.

Зоҳид аравага беда ортиб, нарни отхонага яна элиб ташлаш учун йўлга чиққан эди.

Қатта кўчага бурнлишда арава гилдираги беҳосдан ариққа тушиб, отлар тортолмай қолди. Зоҳид ирғиб ерга тушди. Аравани шатакка олмай ёки орқасидан хари қўйиб, кўплашиб итармай чиқариб бўлмасди. Босилган беда бир ёққа қийшайган, отлар беҳуда уринарди. Атрофдан одамлар йиғилиб келишди. Отхонадан молбоқарлар югуриб чиқишди. Олдинма-кейин Қодиржон билан Одилхон ҳам етиб борди. Кимдир йўғон хода топиб келиб арава гупчаги тагига тикди, кимдир гилдирак тиралган ерни белкурак билан ўйиб очди. Қодиржон ҳам костюмини ечиб қўйди-ю, Асаднинг ёнига тушиб, аравани итарди. Кўпчиликнинг мадади қўл келди,

отлар бир талпиниб, тортиб чиқиб кетди. Ҳамма енгил нафас олди. Асад кийимини қоқиб: «Тушган жойини қара, кўплашмаганимизда чиқаролмас эканмиз»,— дея бош чайқарди. Зоҳид арқонларни қайтадан маҳкамлаб олиб, одатича, қийқириб отларга қамчи босди.

— Юринг-э, молхона-полхонага кейин борармиз,— деди Одилхон оғир юмушни бажариб ҳориган одамдек,— олдин ановн дўкончага бориб, қиттак-қиттак қилиб олайлик.

— Йўг-э, ярашмайди!— четга тисарилди Қодир.

— Э, нимаси ярашмас экан, ким билиб ўтирибди, Сиз билан биз бир учрашиб қолибмиз-ку! Юринг,— ҳол-жонига қўймай қистади у Қодиржонни.

— Мен ичмайман!— деди Қодир кескин тарзда.

Шу орада кўчат олиб бориб қайтган юк машинаси олдиларидан гуриллаб ўтиб қолди. Тоҳира кабинада эди. У дўкон олдида тик туриб, стаканни шимираётган Одилхонни узоқданоқ кўрган шекилли, юзларини рўмол билан тўсиб олганди.

## 2

Раҳматнинг қарзи ва Яраш ҳақида раис билан талашганидан бери, айниқса, раис бригадасига бориб ўн кунлик ишни тўрт кунда бажаришни буюриб келганидан бери Асад хуноб эди. «Ишни тезлаштириш хусусида қилинган буйруқми бу?! — дерди у ўзича.— Қани, имкон бўлса тўрт кунда ҳамма эртаги экинларни экиб қутулсак, бизга ҳам яхши-ю! Аммо ҳали эртаги картошка уруғининг дарағи йўқ, бу ҳақда раисда ташвиш кўринмайди. Йўқ, юрагида ёмон ниятлари бор бу одамнинг».

Шу орада Асад район марказига колхознинг партиявий-сиёсий ишлари ташвиши билан борганида, райкомга киргиси келди.

— Таваккал, иккинчи секретарнинг олдига кирай,— деб ўйлади.

қўйиши биланоқ, секретарь қиз:

Асад секретарнинг қабулхонаси остонасига қадам

— Бандлар,— деди. Асад қараса, анча вақт кутиб қоладиган. «Бошқа ишларимни битказиб келай, кейин кирарман»,— деб чиқиб кетди. Пешинга яқин қайтиб келса, секретарь қиз энди:

— Обкомга чиқиб кетдилар, сизнинг келганингизни айтган эдим, иши зарур бўлса, Латиповга учрай қолсин, дедилар,— деди.

Латипов учинчи секретарь эди. Бир ҳисобда унга учраша қолса ҳам бўларди... Асад Латиповнинг кабинетига кириб борди. Ҳозир учрашаману, гарчи шикоятчилик меъдамга ўтирмаса ҳам, барчасини айтаман, деб ўйлади. Эшикни очиб, бошини суқса, Латипов ҳам кабинетидан қаёққадир чиққан экан. Не кўз билан кўрсинки, тунов кунин Яраш билан Раҳматнинг аризаси хусусида илтимос қилиш учун борган баланд бўйли, кўзойнакли семиз киши, қўлларини чўнтагига тикиб, у ёқдан-бу ёққа юриб турарди.

— Латипов ҳозир ташқарига чиқиб кетди, ўтира турунг, келиб қолади,— деди у остонада тўхтаган Асадга бошини кўтариб, Асаднинг таъби хира бўлди. Дўпписини пешанасига суриб, бошининг орқасини қашиди-ю, қайтди.

Райкомнинг гиштин биноси орқасидаги чорраҳада шинамгина буфет очилганди. Асад буфетдан тамадди қилиш ниятида ўтиришга жой қидириб турган эди, кимдир чақириб қолди:

— Асад, бу ёққа кела қол!

Асад аланглаб бурчакда ўтирган эски мактабдош дўсти Мажидга кўзи тушди. Мажид «Октябрь» колхозида бухгалтерлик қиларди. Райондаги йиғилишларда учрашиб туришарди. Мажид ҳол-аҳвол сўрашиб:

— Райкомга келганмидинг, тинчликми ўзи?— деб сўради.

— Тинчлик, ака! — Мажид каттароқ бўлгани учун сизсираб гапирарди Асад.

— Ҳали Латиповнинг кабинетига кириб кетаётгандек бўлиб эдинг, нима, сени ҳам янги тузилган территориял бошқарма вакили чақирганмиди? — бошини орқага ташлаб, устма-уст кофе ҳўплар экан, сўради Мажид.

— Йўқ, қанақа вакил?— тетикланди Асад. Мажид қўллари билан семизлигига, кўзойнакларига ишора қилиб кўрсатди:

— Латиповнинг хонасида ўтирибди-ку, эрталабдан бери.

Асад бу одамнинг янги бошқарма вакили бўлиши мумкин, деган фикрни хаёлига келтирмаганди.

— Сизни у чақиртирганмиди? — деб сўради.

— Ҳа, колхозимиздан шикоят тушган экан.

— Қанақа шикоят? Нима деди?

— Одатдаги гап,— ёноғини учирди Мажид.— Фермада бир-икки номаъқулчилик бўлган экан, мен беҳабарман, одамлар раисга айтишибди. У қулоқ солмаган экан, тўғри юқорига ёзишибди. У ёқдан бунга...

— Нима деди бошқарманинг одами? — шошди Асад.

— Жуда ақлли гапларни айтди,— маза қилгандек тамшанди Мажид. Асад ҳеч нарсага тушунмасди.— Бу хатдан кўренишича, раиснингиз ўзбилармонлик, ошна-оғайнигарчилик кўчасига кирибди, деди. Уни албатта бу ёққа чақириб, кўзини очиб юбориш мумкин. Аммо бунинг фойдаси кўпга бормаиди, деди. Яхшиси, сизларни қийнаса ҳам, танқид қилганларнинг яхши, колхозчиларнинг ўзи йўлга солгани маъқул! Бунинг самараси яхши бўлади, деди. Тузалмаса, кейин ўзимиз у билан бошқача гаплашамиз, ҳозир шундай ишлайдиган вақт келди, деди. Менга ёғдек ёқди бу гапи, ҳозир олдидан семириб чиқдим.



— Мана буниси ажойиб, мана буниси ажойиб.

— Бўлмасам-чи, ўғил бола гап шу-да! — тинмай бидирларди Мажид.— Сен ҳам шу иш билан келган бўлсанг, киравер олдиға.

Асад дўпписини яна пешанасига суриб, устма-уст кофе ҳўплади. Мажид чаккаларига тизилган терларни дастрўмол билан арта-арта гапини маъқулларди.

— Тўғри, ҳали колхозчиларимиз унча уюшқоқ эмас, одамлар орасида юз-хотирчилик кучли. Лекин шундай бўлса ҳам колхозчиларни коллектив манфаатини ўйлаб иш тутишга ўргатиш керак. Қачонгача арзир-арзимасга фарёд уриб юқорига чопиб юрамиз.

— Бу гапинг тўғри,— деди Асад оҳиста.— Лекин колхоз раҳбарларининг ўзлари дастлаб колхозчиларга намуна кўрсатишлари керак-да. Қолхозчилар ҳар хил талаб ва таклифлар билан чиқаверса, раис парво қилмай, ўз хоҳлаганидек иш тутса, жанжал чиқишидан бошқа гап йўқ-да!

— Бу гапинг тўғри,— деди стулга суяниб Мажид.— Нима бало, раисингиз ҳаммани нўхталайман деганлар хилидан эканми дейман, дастлаб раисларни йўлга солиш керак, деб қолдинг.

— Йўқ, ўзим шунчаки айтяпман-да!

Улар райижрокомга ҳам бирга бордилар, ундан район маданият бўлимига тушдилар. Асад яна Латиповнинг хонасига борганди, эшикдан мўралаб, унинг ҳамон ўша кўзойнакли одам билан ўтирганини кўрди, ҳафсаласи пир бўлиб, эшикни секин ёпди-да, чиқиб кетди...

### 3

Бутун қилиқни дала бошида Одил қилди-ю, изтиробда Тоҳира лов-лов ёнди. Унга Одилнинг қилиқлари эриш ботар, одамларнинг келиб-келиб шундай яхши

қиз бемаъни бир йигитга эрга тегишга рози бўлибдими ҳали, дея афсусланишлари эсига тушиб, тер босарди. У номусдан бошини кўтаролмай, уйга келгач, аламдан ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Онасига: «Шу балони даф қилинг, ойижон, отамга айтинг, уларни бизникига келмайдиган қилиб юборсин»,— деб ялинди.

Муслима опа ундан-бупдан суриштириб, даладаги гапни билиб олди.

— Куёвингиз анови кунни далада шўхлик қилган экан, қизингиз шуни кўрганидан бери...— чимирилди она.

— Уин ишга чиқармаслик керак эди,— лунжлари қимирлаб кетди отанинг.— Унаштирилай деб турган қиз далага чиққанидан кейин...— у гапининг давомини айтмади. Лекин айтмаса ҳам Муслима опа унинг нима демоқчи эканини тушуниб турарди: — Шунақа бўлади-да, битта-яримта у-бу дейди. Бировларнинг гапига лақиллаб, шарманда қилиб қўйиши ҳеч гап эмас...

#### 4

Шу ҳафта орасида қўшнилардан бириникида тўй бўлиб қолди. Уйланаётган йигитнинг синглиси, одатга кўра, никоҳ тўйидан икки кун бурун дугоналарини зиёфатга чақирди. Қизлар даладан қайтишди-ю, уйда бағри хун бўлиб ўтирган Тоҳирани ҳам қўярда-қўймай зиёфатга тортқилаб олиб чиқиб кетишди. Қизлар очилиб шўх-шўх кулишар, ҳазиллашар, тўйхона парилар маконига ўхшарди. Шоҳи-атлас кўйлакларда минг очилган қизлар навбат-навбати билан бир-бирларини тортиб, ўртага ўйинга тушишар, даврада товусдек сузишарди.

— Кам бўлманг, сингилжон,— сулув қадларга мафтун бўлиб қийқиришарди ёш жувонлар. Қизлар орасида ўйин билмайдигани йўқ экан. Далада қимтнинг,

тортиниб юрадиган қизлар тенгдошлари даврасига тушгач, чунонам очилиб, чунонам яйраб-яшнаб кетишдики... Тоҳирани ҳам икки-уч бор ўртага тортишди, лекин у чиқмади, қизнинг қалбидаги дард бунга имкон бермасди...

— «Қодиржон акам шу ердалигги учун чиқмаяпти»,— дейишди қизлар. Қодиржон яхши дутор чертарди. Шунинг учун ҳам зиёфат эгаси бир-икки машқ қилиб берасиз, деб қўярда-қўймай олиб келганди. Жўрабоши қиз Тоҳиранинг дардини яхши тушунарди, усталик қилди:

— Қодиржонга дутор чалдириб, Тоҳирани ўйинга тортиш керак,— деди шерикларига. Ўзи бориб Қодиржондан «Муножот»га чалишни илтимос қилди. Бошқа қизлар бориб, Тоҳирани ўйинга тушинг, деб қистай бошладилар. Тоҳира бу гал ўртага чиқа қолди. Дугоналари суюниб чапак чалиб юборишди.

Куй мунг билан қанот ёзди. Дилларни титратди. Қиз куй мақомига монанд муқом қила кетди. Куй эзиб оқар, оқ батист кўйлак қучган қўллар, чиройли елкалар унга ром бўлиб, кўзларни маст қилиб, бир текис силкинарди. Куй пардама-парда кўтарилиб борар, унга мафтун бўлган вужуд эса минг тўлқинга тушиб ечилар, очилар, фарёд чекарди.

Мен баҳорман, мен муҳаббат,  
Мен ҳаёт ошuftаси.  
Мен наҳорман, мен садоқат,  
Мен тоза кўнгил саси.  
Гуллар сочинг, қучоқ очинг,  
Ошиқнинг бахт боғига,  
Эзгу ишқим отилмасин  
Фурбат, ғам қучоғига,—

деяётгандек туюларди бу рақс Қодирга. Ўзи ҳам куйдан, ҳам жилвагар рақс хандасидан эриб борарди.

Унга сари қиз оқ ҳарир кўйлагини товус қанотидек ёзиб, чиройли бошини бир ёнга эгганича майин қадамлар билан даврада сузилиб тебранар, кўзларни ҳам, ўзларни ҳам, сўзларни ҳам сеҳрларди.

Дутор қиз қалби латофатининг юқори пардаларини ҳам синамоқчидек, оҳиста кўтарилиб, майинлашди, энг нозик ва таранг торлар чертнлиб авжга чиқди. Аммо қиз қалби бунга бардош бера олмади. Камондек эгилиб, ечилиб турган жойида кўзларидан дув-дув ёш тўқди-ю, лабларини қаттиқ тишлаганича даврадан югуриб чиқиб кетди. Соз энг нозик пардасида узилди. Ҳамма данг қотиб қолди...

— Ҳай, ҳай, сенга нима бўлди?

— Тоҳира, жоним,— қиз орқасидан югуришди дугоналари. У эса йўлини тўсганларнинг ҳаммасини силтаб, итариб ташлаганича кўчага, ундан уйига отилди.

Бу фарёд маъносини фақат Қодир тушунарди. Дуторини ҳам ташлаб беихтёр санчиб ўрнидан туриб кетди. Орқа томондан айланиб ўтиб, қиз изидан кўчага чиқди. Кечикканди: қиз уйига кириб кетиб бўлган, кўча эшик олдида эса Раҳмат ака турарди.

## 5

Даладан қайта туриб Асад чойхона олдида Раҳмат акага дуч келди.

— Бормисиз, Раҳмат ака, қаёқларда юрибсиз, кўринмайсиз? — кўришди Асад.

— Нима эди? Мен шу ердаман,— кейинги вақтларда чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган бўлиб қолган Раҳмат Асаднинг огзига хавотирланиб қаради.— Прокурор истаб қолдимиз? Ёки қизим...

— Қани, юринг-чи! — деди Асад қоши билан идорасини имлаб. Раҳмат тахтадек қотди, оёқлари чалишди. «Нима гап?» деб сўрашга тили бормасди. «Бошимга

шундай кун тушибди-ю, энди сен мени энгагинг билан имлаб, орқангдан лўкиллатадиган бўлиб қолдингми ҳали! Қани, гапини эшитай-чи...»

Парткомнинг кабинетига киришлари биланоқ Асад одатича али йўқ, бали йўқ:

— Сизга ўзи бир нима бўляптими, Раҳмат ака?!— деб қолди.

— Нима? Нима қилибди?— Асаднинг қишлоқи дўлвор бақироқлик феълини яхши билган Раҳмат стол қиррасини ушлаб тик туриб қолди.

— Ўқиган, колхозда обрўли бир одам бўлсангиз. Бу нимаси?! Қизингиз тегмайман деганга қарамай, Ярашнинг ўғлига бермоқчи эмишсиз!— Асад дангалчилардан эди.

— Шунга чақирганмидингиз?— деб сўради Раҳмат ранжиганини яшира олмай.

— Хўш, сизнингча, бу аралашмайдиган масалами? Қизингизнинг ваъдалашгани бўлмаса, бошқа гап эди.

Раҳмат энгагини оғир ишқаб қолди... Асад бошқа ҳар қанақанги ички иши ҳақида гап очганда ҳам унга ҳозиргидек алам қилмасди. У қизи ҳақидаги гапни оиласининг ор-номуси, шаъни ҳақидаги гап деб билар, бошқаларнинг аралашиб, сўз чуватиб юришини истамасди. Айниқса, Асаднинг «қизингизнинг бошқа ваъдалашгани», дегани уни мижиғлаб юборди. «Қизим ҳали ота-она раъйига қарамай, бошқаларга ваъда ҳам берадиган бўлганмиди, бу гап эл оғзига ҳам тушдимиди...— қўли лунжида, дили алангада эди, Раҳматнинг.— Ҳали эл олдида бошимни ерга қаратиб қўймаса эди. Нега Яраш аканикидан одам келган куниёқ, эрта якшанбада тўйини қилиб олиб кета қолинг, дея қолмадим-а! Дод-войига қулоқ солмай, эртагаёқ даф қиламан энди!»

— Ҳа, нега индамай қолдингиз, гапиринг!— деди уни қистаб Асад.

— Энди қизимизни сизнинг буйруғингиз билан эрга берамизми?

— Мен буйруқ бермоқчи эмасман, лекин қизни бировга зўрлаб бериш замони ўтиб кетган. Яна қоқилманг деяпман,— куфри чиқа бошлади Асаднинг.

Раҳмат, қизимни нима қилишимни ўзим биламан, дегандек, стулга оёғини чалиштириб ўтириб олди.

Шу орада эшик очилиб, секретарь Асадга, сизни райондан телефонга чақиришяпти, деб қолди. Телефон бухгалтерия хонасида эди.

— Мен ҳозир, ҳозир...— Раҳматга, кетиб қолманг, деб ишора қилиб шошиб чиқиб кетди Асад. Раҳмат ҳам анойнлардан эмас эди. «Сенинг дағдагангни эшитиш учун ўтираманми ҳали кутиб, бўлди, тушунарли ҳаммаси...»— деди-ю, фурсатни қулай билиб, жўнаб қолди...

## ОЛТИНЧИ БОБ

### 1

Айни саҳар. Хўрозлар силкиниб-силкиниб ерга тушишга чоғланиб турарди. Низом ҳам уйдан пишиллаб чиқиб, ҳовлида бомдод учун эндигина таҳорат олишга ўтирганди. Кўча эшик тақиллади... «Ким бўлди бу? — чўчиб тушди Низом.— Шу маҳалда-я?!» Ҳаллослаб уйга кириб, ўғлини туртиб уйғотди.

— Тур, болохонага чиқиб секин қара, эшикни биров тақиллатяпти.

Ўғли кўзини уқалаб, зўрга ўрнidan турди. Низом жонини ҳовучлаганича унинг болохонадан қайтиб тушишини пойлади. Бўйнида гуноҳи борнинг оёғи қалтирайди деганларидек, у шу топда ўзини йўқотиб, турли хаёлга борганди. «Раҳматнинг қарзи масаласи яна кўтарилиб, райондан эшигимга милиция келдими, шу

вақтда бошқа ким келарди?» — дея ваҳима босганди уни...

— Ярашхон амаким,— деди ўғли яна ётиш учун уйга бурила туриб.

— Тўхта, тўхта! Ярашхон амакинг нега келади шу вақтда. Олдида одам йўқми? Бу бетавфиқ чол бирор фалокатни бошлаб келган бўлмасин! Олдида одам йўқми?

У Ярашнинг шайтонга пир бўла олишини биларди. Зимдан иш қилншга шундай устаки бу «авлиё» тушмагур. Керагини дўндиргач, тагин хамбанинг қопқоғини бекитиб, «гўшт ўғирладинг» деб нотўғри турткиланган мушукдек ожиз миёвлаб, кўзини мўлтиллаб туривери-я! Сибирга ҳам мол олиб боришганда ҳам ҳамма ҳийла шундан чиқди. Ярашга нисбатан тоға ўзини фаришта ҳис қиларди. Майли, бу гал ҳам тинчитиш йўлини топди-ю, тинчитса, тинчитсин-чи, кейин бир гап бўлар, дерди. Низом ўглини яна болохонага чиқариб, яхшилаб қара, олдида бошқа одам йўқми, деб буюрди. Бу орада эшик яна икки-уч бор тикиллади. Ёлғиз ўзлари, фақат битта буқачани етаклаб олганлар, деди. Шундан кейингина тунов куни Одилга ўзи айтган гапи эсига тушиб, Низомнинг этига сув югурди. «Ким?» — дея кўча эшик сари пилдиради...

## 2

Яраш тезгина ўзини ичкарига олди. Низом буқачани молхонага боғлашни мўлжаллаб турганди, буқачанинг колхоз фермасига элтиб қўйгунича бу ерда ейдиган ем-хашаги кўзига жўриниб кетди шекилли, бу фикридан қайтди.

— Ҳой, меҳмонхонани оч, жой қилиб бер амакингга! Сиз кириб оёғингизни узата туринг, мен ҳозироқ эл оёғи қўзғалмасдан, буқачани ўзим гириллатиб олиб бо-

риб молхонага қўйиб кела қолай. Ўзим олиб бормасам, молбоқар боланинг мазаси йўқроқ, болалар олиб борса, тихирлик қилмасин тагин!

— Хўп, яхши, хўп, — деди Яраш ҳам.

Бомдоддан ҳам кечиб, тонгги ғира-ширада йўлакдан чиқиб кетган Низом узоқ ҳаялламай қайтиб келди.

Тонг ёришган, меҳмонхона тўрида эса лўлага ён-бошлаган Яраш мизғиб қолганди. Эшикда Низомнинг овози эшитилиши биланоқ, қуш уйқусидан сапчиб кўзини очди.

Низом аканинг ўғли меҳмоннинг олдига дастурхон ёзиб, ёнига жиғиллаб қайнаб турган самоварни қўйиб кетиши биланоқ, меҳмоннинг ўзи ёрилди.

— Раҳмат бизни осиб қўйди, — деди Яраш. — Элга маълумоши бериб, қизини фотиҳа қилиб қўйсак, бўлар эди-ю, у бўлса, шу қарз ғалвасидан қутулай, кўнглим тинчисин, деб кетга суряпти. Мана, иншоолло, қарзидан ҳам қутуладиган бўлди-ю, лекин ҳали ҳам...

— Яхши эмас, худо кўнглига солиб, қизимни бераман, деб гап қилдими, орқага суриш гуноҳ. — Низом ўйланиб қолди: «Нима бало, қизи севганим бор, бошқасига тегмайман, деб жанжал қиляптими. Шундан қўрқиб юрибдими! Қизининг севгани жиянимми! Пайти келганда, нонкўр бу жиянни бир қақшатайки, қараб турсин». Хезланиб қолди. Яна дунё кўзига кўришиб, қўрқувларни унутган, ичидаги қора илон ғимирлай бошлаганди. — Раҳмат беғамни бир чимчилаб қўяйми, дейман? Тўйингизни бошлаб юборайми? — деди.

— Қани эди, савоб иш қилган бўлардингиз! — ер тагидан кулди Яраш.

Кўп ўтмай Низом тараддудланди.

— Ўтиринг, ўтира туринг! Болалар бир чимдимгина ош дамлашяпти. Ўтини тортгунча, ғирилаб бораману гаплашаман-келаман, — деди елкасига одатда тўй маъракаларга киядиган читти гулли авра тўнини ташлаб...

Яраш эски ҳамтовоғининг бу енг шимаришидан



мамнун бўлиб қолди. Қўп борткелган, кўп «қутлуғ» зиёфатларни еб ўрганган меҳмонхонада бемалол оёқ узатиб, орқасига ёстиқ тахлади. Салласи михга илинганди...

Орадан икки чой қайнарчалик ҳам вақт ўтмай, ҳовлида яна Низомнинг: «Худоё, ўзингга шукур, худоё, марҳаматингга шукур,— деб ихрагани,— ҳой, молларни сугордингми?!»— деб бақиргани эшитилди.

Низом, албатта, Раҳматни уйида учратганди. Меҳмонхонасига кириб, юмшоқ духоба ёстиқни бағрига босганича, пойқадами боисини тушунтирганди Раҳмат дўпписини ерга қўйиб ўйланиб қолди.

— Яраш акамга гап қилдигу, албатта, бу ёғини сургаб юришимиз ярашмайди, деди. Узоқ чайналди. Бизга шунчалик яхшилик қилган, етти ёт бегона рансини ийдиролган Яраш акамга бир эмас, ўн қизимни ҳам ҳозир деса ҳозир беришга тайёрман. Ўзим ҳам қийналиб кетдим. Лекин бу қарз ғалвасининг тағи узилмай туриб, фотиҳа ошини берсак...

Унинг нима демоқчилигини Низом тушуниб турарди. «Бу ёқда ўзи чап бўлиб турган жиянингиз кўтарилса, у ёқда қизим оҳ-воҳ қилиб идорага чнқиб қолса, ҳаммаси расво бўлмасин, деб қўрқаман!» Асаднинг Раҳматга қилган дўқларини эшитганди. Шунингдек, Одилхоннинг кўчат экаётган қиз-жувонлар олдида шармсизлик қилгани ҳам қўлоғига чалинганди. Ҳозир Раҳмат тилида ул-бул деяётган бўлса ҳам, дилида иккиланиб тургани, қизининг беорлигини, бор, фотиҳасини қилиб юбора қолай деса, яна ҳар хил андиша ва мулоҳаза қилиб турганини тоға тушунарди. Ахир бу Раҳмат Ярашга ҳам, кони ноилож қолганидан, бу қарз ғалвасини тинчитишига умид қилиб, қизимни бераман, деб ваъда қилганди-да! Бўлмасам, у Ярашнинг кимлигини, олдин колхозда, кейин Сибирь бозорларида кўрсатган ҳунарларини билмайдими? Билади ҳаммасини. Эрта-индин қарз ғалвасидан қутулса, бир вақтлар Яраш кўп

панд бергандек, бу ҳам ул-булни баҳона қилиб, қизини четга чиқариб қолиши ҳам мумкин. Ҳозир зан-жир боғланса боғланди, бўлмасам кейин қийин бўлади...

Тоға мукка тушиб олиб Раҳматни аврашга тушди. Жиянини ёмонлади ҳам; Ярашнинг ўғлини кўрганини, бунақа йигит оламда йўқлигини, ўғил болалигидан дала бошида шўхлик қилганини, бу ёғи Одил янги раис билан ота-боладек бўлиб олгани-ю, энди ишлари илгаригидан ҳам яхшироқ юришажаги, Ярашнинг жуда керакли одам эканлигини ҳам қолдирмай мақтади.

— Кетга сурсанг, гуноҳ бўлади. Ярашхон ака шу бир оғиз сўзингга муштоқ. Бугун қарзингни ўчиртурса, раисга айтиб, эртагаёқ колхозга омборчи қилдириб қўяди,— деди.

Тўлғоқ, қўрқув, сиқув ичида мяси қотиб юрган Раҳматга Низомнинг жаврашлари кор қилди, ке, фотиҳани қилиб қўйсам бундай гап-сўзлардан ҳам қутуларман, деб ўйлади. Нариги уйга чиқиб, хотини билан ҳам маслаҳатлашиб келди.

— Фотиҳа бўлаётганини билиб, қизнинг тўполон қиладиган бўлса, узоқроқ қариндош-париндошларникига юбориб қўй,— маслаҳат берди Низом.— Вақтни қўлдан берма. Ҳамма оналаримиз, оналаримиз, сингилларимиз ҳам тақдирларига йиғлаб-йиғлаб кўникканлар. У ҳам, тўйигача секин-секин кўникиб қолади.

— Хўп-хўп. Бўлди-бўлди,— деди боши говлаб кетган Раҳмат.

— Яраш акамга айтинг. Индинга фотиҳа тўйини олиб келаверсинлар. Омин оллоҳу акбар!

— Ҳа, оғайнижон, гап бундоғ бўлибди, гап бундоғ бўлибди,— суюниб юзига фотиҳа тортиди Низом ҳам. У қолган-қутган маслаҳатлар ҳақида сайраб, эшикка чиқар экан, дилида: «Жиянжон фотиҳани эшитгач, қанақа ўйноқлар эканлар,— деб лаби қочар,— ҳа, у нокас энди умр бўйи бахтсиз бўлиб ўтсин», деб ёнади.

Низом меҳмонхонага оғзи қулоғида кириб, Раҳматни кўндирганини айтгач, иккови бу ерда яна талай фурсат отамлашишди.

— Бир вақтлар Асад бир эпкинингизга келганда, биратўла оттириб юбормай олиб қолганингизнинг мана фойдаси тегяпти.

— Эпкинига келгандай менга ўхшатиб оттириб юбормаганиз, деяписизда-а! — кулди Яраш.

— Мана, раис акам ҳам омбир билан секин бир биқинидан қиса бошлабдилар, гиррангизга тўғрилаб берсалар, энди отарсиз.

— Воҳ-хоҳ-хо-хо... Оғиримизни енгиллатдингиз, энди худо хоҳласа индинга ўзингиз бош бўласиз,— тайпнади Низомга у.

— Иншоолло, иншоолло,— дерди Низом шод.

### 3

Қодир Раҳмат аканинг Асадга айтган гапларини, қабулдан қочганларини эшитиб, бешбаттар хуноб бўлди. Правление мажлисини ахир қачонгача кутади, қачонгача бор гапни шунда ўртага соламан, деб юради. Тоҳира билан тил бириктириб, шартта Янгиер-пангиерларга кетиб қолайми, деб ҳам ўйлади. Аммо Тоҳира бунақангиларга юрадиган қиз эмас. У эл орасида ёмон гап тарқамай, ўз иззатимиз билан қовушайлик, қочиб кетиб, умр бўйи ота-онамининг бошимизга оғир кун тушганда шарманда қилиб қочиб кетди, деган гапига қолайми, дейдиганлардан. Раҳмат аканинг бошида ҳозир қарз ташвиши бўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Қодирнинг қўлини ҳар хил андишаларнинг кўринмас ипи боғлаганди. Ўзини шундай минг ёққа уриб турган кунларининг бирида олдига эски синфдош оғайниси келиб қолди. У Раҳмат акалар оиласига яқин эди. Ўтган йили Тоҳиранинг тенгдош холасига уйланганди.

Оғайниси Қодирнинг қўлидан ушлаб, чойхона сари бошлади.

Гулга ишқибоз чойхоначи гулзорга садарайхон кўчати экканди. Ўзини эндигина тутта бошлаган гуллар юмшоқ эгат тўшида икки-уч нозик баргини аранг кўтариб, қуёшга мунғайиб қараб турардилар. Қодир уларга хомуш тикилди, унинг ҳам қалбида умид япроғи бош кўтариб турарди.

Дўсти эгилган садарайхон қаддини кафти билан оҳиста кўтара туриб:

— Ҳаммасидан хабардорман, атай келдим,— деди. Кейин у Раҳмат аканинг кунини шу Ярашлар, Низомларга тушириб қўйган худодан нолиганини, бўлажак куёвининг ахлоқидан ор қилаётганини, қани, пул, ҳеч бўлмаса қарз топилса ҳам тўлаб, бутун фалокатни бошидан даф қилишни истаб, оҳ чекканини хотиним менга айтди. Бечора поччамга қийин бўлибди, Тоҳирага ҳам деб, ачинганини айтиб берди. Сўнгра у:

— Оғайни, сенга маслаҳат шу, бир илож қилиб пул топу Раҳмат акага етқиз. Қарзингизни ўрнига қўйинг де, мен ҳам ёрдам берай сенга. У жон-жон деб олади, бу ёғига бутун иш ўзгаради,— деди. Бу хабар, маслаҳат Қодирга катта қувонч бахш этди. Ҳали гуллари очилиб, чирой топмаган гулзор ҳам унга бир чаманистон бўлиб кўрина бошлади. Дўстининг қўлини сиқди. Қоронғи тушиб қолганди. Алангалана бошлаган умид учқунлари уни уйга шошилтирди.

Унинг назарида Тоҳиранинг ҳам юзидаги аламли ғам тарқагандек, ўзига суйкалиб: «Мен учун шу ишни қилдингизми, раҳмат!» — дея табассум билан кўзларига тикилаётгандек бўлиб туюларди.

Уйга келиб онасини излади. Она далада эди, кеч қайтди. Қайтган заҳотиёқ унга бор гапни тушунтирди. Онасида яхши-ёмон кунлар учун жамғарилган пул бор эди.

— Ўғлим, тўйингга атаган эдим бу пулни. Ихтиё-

ринг. Келинга мол ҳам олиб қўйган эдим,— деди она. У ўглининг бутун дарду аламини биларди.— Пул топилади, болагинам, одам топилмайди,— деди.

4

Угай онасп Тоҳирани фотиҳа тўйидан бир кун илгари, Низом ўргатганидек, қўшни колхозга узатилган кичик холасиникига юборганди. Ота ҳам, она ҳам эртага фотиҳа тўйн эканини айтишмаганди унга.

Холаси Тоҳирадан икки ёшгина катта бўлганлиги ва деярли тенгдош дугоналардек бирга ўсганлиги учун қизнинг сирларини билар, дардларига тушунарди. Унинг эри ўнинчини бир вақтлар Қодиржонлар билан бирга битирган, колхоз идорасида ишларди.

Тоҳира холаси билан айвонда дардлашиб ўтирган-ди, ичкари уйда соқол олаётган кўев йигитнинг гаплари қулоғига кириб қолди.

— «Ўзбекистон»даги Қодирми? — деб сўраб қолди у, ўтирган жойидан.

— Ҳа,— деди хотини,— дарров эшита қолдингизми-а?

— Ҳали шу ерга келиб эди-я!

— Нега келганди? — Тоҳиранинг кўзларида пайдо бўлган учкунни кўриб, қайтариб сўради холаси.

— Нега дейсизми? — узоқдан Тоҳирага кўз қприни ташлаб олиб, муғамбирона кулди кўев.— Айтганим ҳақиқига нима берасизлар?

Тоҳиранинг сабри чидамай қолди. Унинг юраги яхши гап кутиб хавфсираётганини кўрган хола:

— Нима тилайсиз? — деди.

Кўев Тоҳирага сездирмай, хотинига қараб кўзини қисиб, кулиб қўйди. Хотини ҳам кулди. Шу пайт юзини ойнага чўзиб, устара юргизаётган жойида у сапчиб қолди.

— Ҳа, нима бўлди? — деб юборди, вужуди қулоқ бўлиб уни тинглаётган Тоҳира. Назарида, Қодиржонга бор нима бўлгандек туюлганди.

— Лунжимни кесиб олдим.

— Вой ўлмасам,— деб хотини чопди унга.

— Ошна-оғайнилар энди хотининг тимдалабди, деб калака қиладиган бўлди-да.

— Қодир нимага келибди, айта қолинг!— Тоҳиранинг бетоқатланаётганини кўриб, қистади у.

— Қодирми? — кўпикларни эринмай қоғозга суриб, ярасига долчин суркаб сўради куёв.— Қодир менга маслаҳатга келувди.

У Тоҳиранинг кўнглини билиб олмоқчи эди.

Куёв Тоҳирага, шошманг ҳали, деб кулди-ю, хотинини ичкари уйга чақирди. Эшикни бекитиб, унга бор гапни батафсил тушунтирди.

Тоҳира эса айвонда юраги така-пука бўлиб, бу эшик қачон очилади, деб бетоқат тикиларди. Ниҳоят, эшик очилди, майин кулиб, икки юзи лоладек қизариб, дугона-хола чиқиб келди. Индамай Тоҳирани кучди.

— Бахтинг бор экан. Сенинг учун жонини ҳам аямайдиган йигитни топган экансан,— деди. Сўнгра Қодирнинг Раҳмат аканинг қарзини тўлаш тараддудига тушганини айтди...

Тоҳира бир нафас ўз қулоқларига инонмай туриб қолди, кўзлари чарақлаб, ўзини қичқириб юборишдан тийиш учун лабларини кўкаргудек қаттиқ тишлаб, холасини кучди.

— Мактабда бирга ўқигандик, Қодир асил бола! Кўнгли тоза! — Қодирни мақтарди куёв.

— Яхши бола дейишади-ю, лекин шу қарз тўғрисида отамни қийнади-да,— деди Тоҳира жўрттага. Унинг уйга қушдек учгиси келиб қолди. Аммо холаси бугун кетишига йўл қўймади.

— Озиб-ёзиб келдинг. Ўзим соғиниб юргандим. Эр-

тага қайтасан! — деб туриб олди. Тунн билан улар гаплашиб чиқдилар.

— Отамнинг кўзи мошдек очилади. Қизим ёмон одамни танламаган экан, дейди. Энди анови шилқим даф бўлади,— дерди севинчн ичига сигмай. Қўз олдида янги бахт дунёси жилваланарди.

— Сенга ўхшаб минг очилнб юраман, уйингга меҳмон бўлиб бирга келамиз.— Қиз оламга сигмасди. Бошида ҳали ғам булутлари борлигини сезмасди. У эртаси куни пешингача шу шодлик билан яшади...

5

Бугун эрталаб қуёш қорли тоғ бошига қўниб олгандек ҳурпайиб турган булут увадаси остидан мўралаб юз кўрсатди. Оқшомда вужудини баҳор ёмғири тозалаб ўтган табиат бош ювган келиндек жилваланарди. Япроқлар лабида, майсалар тўшида шудринг томчилари йилтирарди. Янги кун, янги умид нашидаси қалбига шукуҳ бахш этган Қодир идорага томон ошиқиб келарди...

— Ҳозир бориб чақиртираман, пулни тутқазаман,— дерди у.

Идорага шошиб кирди, қоровулга Раҳмат акани бош бухгалтер чақиряпти, деб айтиб келишни буюрди. Ўзи хонада ҳаёлфаромуш ўтирди. Ҳали идора ходимларидан ҳеч ким келмаганди. Деразалар очик, бош бухгалтернинг столи устида папирос қолдиқларига тўлиб турадиган кулдон ҳам топ-тоза, қоғозлар, турли ҳисоб дафтарлари айқаш-уйқаш бўлиб ётадиган стол усти, сиёҳдонлар ярақлайди. Фаррош аёл яқиндагина келиб ҳамма ёқни тозалаб, саришталаб кетганди.

Эшикдан атрофга аланглаб Раҳмат кириб келди. У бош бухгалтерни изларди. Қодир унга салом берди.

— Сизни Сулаймон ака эмас, мен чақиртирган

95

эдим,— деди у, стул сүриб. Раҳмат ака Қодирнинг қўлидан пул олмаслиги аниқ эди. Шунинг учун Қодир ўйлаб туриб: — Қарзингиз масаласида прокурор кеча яна телефон қилди,— деб гап бошлади (ҳақиқатан ҳам прокурор икки-уч кун илгари телефон қилган, нега қарздорларни маълум қилмаяпсизлар, деб сўраган эди).— Тоғам билан маслаҳатлашдик, мажлис-пажлисига ҳали анча бор, кейин тоғам мана бу пулни бериб юбордилар, иморат сотган эканлар.— Қодир Раҳматнинг олдига пулни қўйди.

Раҳмат ўз кўзларига ҳам, қулоқларига ҳам ишонмай қолганди. У Низомдан икки дунёда ҳам бундай одамгарчилик чиқиши мумкин эмаслигини билар, ҳеч нарсага тушунолмаётган турарди. Қодир Раҳматдаги таҳликани пайқади.

— Ўша вақтда ҳамма жарима сизнинг бўйингизга ёзилиб қолгани ғалати бўлган-да. Тоғам шуни ўйладилар,— деди.

Раҳматдан садо чиқмасди. Олдида стол устида нақд минг тўққиз юз сўм пул турарди. Унга қўл чўзишини ҳам, чўзмасини ҳам билмасди.

— Вой Қодиржон-эй, ука-эй,— деди ниҳоят ўзини ўнглаб.

— Ҳозир кассир келиб қолади,— деди Қодир жойига ўтиб ўтираркан.— Топширинг-да, кейин кириб, рансдан актларингизни олинг, ёптириб қўя қолайлик.

— Раҳмат, раҳмат, ука,— деди жилмайиб.— Кассир ҳозир келиб қолар-а?

У пулни қўлига олиб, бирпас унга қараб турди. Бир неча кундан бери юзини қора булутдек қоплаб ётган тундлик ғойиб бўлгандек кўринди. Ахир, у шу пулни излаб, кимларга сарғаймади!

Уйига, сизни идорага чақиришяпти, деб одам борганида у қизининг бугунги белгиланган фотиҳа тўйи учун қозон қурмоқда эди. «Тағин фотиҳа тўйини ҳам заҳарга айлантирадиган бирор гап чиқиб қолдими?» — дея



бу ёққа чопганди. Бошини кўтариб Қодирга қаради. «Бу йигит ҳам менга бу олижанобликни қизим учун қиляпти. Нега шу пул жониворни бундан икки кун бурун олиб келмади-я! Ахир, ҳозир қизимни Ярашнинг ўғлига бердим ҳисоб. Бу йигитга қизимни бермаганимдан кейин...— икки ўт ичида таҳликада тебрана бошлади унинг вужуди.— Бугун фотиҳа деб одам айттирмаганимда ҳам бошқа гап эди...» У пулни Қодирнинг олдига сурди.

— Ҳали ҳам кассирдан дарак йўғ-а?! — деди ўридан туриб.— Қодиржон ука, пул сизда турсин. Мен уйга бориб келай, қарзга доир бир қоғоз бор эди. Ёнимда пул олиб юришим яхши бўлмас,— эшикка томон юрди у.

— Хўп,— деди Қодир соддадиллик билан.— Тезроқ келинг, хўпми.

Дам ўтмай идора ходимларп кириб кела бошладилар. Қодир одатдагидек, таннарх ҳисоб-китобига шўнғиб кетди. Ҳар замонда эшикка қараб, Раҳмат акага нима бўлди, кечикиб кетди, бошқа иши чиқиб қолди шекилли, дерди ичида...

6

Раҳмат акаларникида фотиҳа тўйи. Ҳамма ёқ супурилган-сидирилган. Тўй тегишлиники, дейдилар. Айниқса, фотиҳа тўйига ҳамма келавермайди. Куёв томондан икки-уч вакил, келин томондан уч-тўрт қариндош. Шуларга яраша ош-нон, қуюқ-суюқ. Ярашхон аканинг ўзи:

— Бисмиллоҳу раҳмону раҳим... Омин оллоҳу акбар,— деб фотиҳа ўқиб, махсус тайёрлаб келтирилган патир нонни ушатди. Шу билан Раҳмат аканинг қизи Тоҳирага нон ушатилади. Демак, Одилхон билан Тоҳиранинг ҳаёти ва қисмати бир умрга ушатилади. Энди иккаласига бирга яшаш ва бирга қаришдан бошқа

турмуш йўли йўқ. От қайси кўчадан юрса, той ҳам шу кўчадан бориши керак. Қадимдан қолиб келаётган таомил шу.

— Қўша қаришсин!

— Ували-жували бўлишсин!

— Фотиҳа — худонинг муҳри! — Сулаймон ака ҳам бошқалар қаторида кафтларни юзига сурди. Орада бошқа гап бўлгани йўқ. Чаккаларидан, бўйинларидан шовдираб оққан маржон терларни дастрўмол ва қийиқларга арта-арта олдиларига кетма-кет келтириб қўйилган таомларни тановул қилишди. Куёв ва келин ҳақида гап юритиш, улар бу ўқиладиган фотиҳалар ҳақида қандай фикрда экан, деб ўйлаб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Ота-она рози — демак, худо рози.

Қоринлар тўйгач, юмшоқ ёстиқларга суянишди-ю, олиқ-солиқ машмашасига тушишди. Таомил бўйича, Раҳмат ака ўз измини яқин қариндошларидан бирига берганди. Унга тўқсон-юз кило гуруч, думбасида 10-12 кило ёғи бор иккита қўй, тўрт қоп ун, шунга яраша қанд-курс, олти юз сўмча пул, деб ўз олиқ-солиқ мўлжалларини тайинлаганди. Ярашхон ака ҳам олиқ-солиқ хусусида тортишиш учун маҳалланинг энг пишиқ, устомон ва юлдузни бенарвон урадиганларидан бирини бошлаб келганди. Гап олиқ-солиқ устига кўчиши биланок, у Сулаймон акани имлади-ю, секин ташқарига чиқиб кетди.

Фотиҳа тўйи ўтаётган ҳовли эрта-индин катта хурсандчиликлар бошланадиган фойзли тўйхонага эмас, енг ичда ўғринча савдо иши пиширилаётган хавотирли қиморхонага ўхшарди. Қизи Тоҳира икки-уч кундан бери юрагини хун қилгани учунми ёки қуда бўлмишларнинг иззатини қилибми, ҳар доим шақ-шақ қилиб гапириб турадиган Муслима опа ҳам дамини ичига ютганди. Ошхона тепасида куйманишиб Муслима онага қарашаётган қўшни аёллару қўлини қовуштирганича

ҳовлида меҳмонлар хизматиға ҳозир бўлиб турган Раҳмат ака ҳам бир нарсадан хавотир олаётгандек, пичирлашиб гаплашишарди. Раҳмат ака катта уйга киритилаётган чойни қайтариб кўриб, яхши дамланмаган бўлса хотинига дўқ қилар, лаганларда сузилган норинлар устидаги қазини каттароқ қўй, кўпроқ-кўпроқ суз, деб зарда қиларди. Қолган борди-келдиларни Низомга топшириб, Сулаймон билан Ярашхон ака бирга боққа ўтиб кетншгач, катта уйдаги меҳмонлар орасидан тетик овозлар ва аҳён-аҳёнда кулгилар ҳам эшитила бошлади. Раҳмат ака этаги билан ўзини елпиб қўйди. Тоҳиранинг катта укаси Шукур ҳовлида самоварга қарашиб турарди. Ҳаммани гўё сиқиб бораётган пичир-пичирлардан унниг юраги ёрилгудек бўлди. Отасининг ҳовли ўртасидаги олмага суюнганини, онасининг ўчоқбошига чўнқайганини кўриб, кичик уйга кирди.

— Бу нима, азахонага ўхшайди,— деди ўзига-ўзи жаҳли чиқиб.— Тўй бўладиган бўлса, тўйхонага ўхшаб турсин-да.— У токчада турган радиоланинг қулогини бурадн. Уйни қандайдир бир мақолани берилиб ўқиётган дикторнинг овози ларзага солди.

— Ўчир, ўчир!— ошхона томондан имлаб қўл силтади Муслима опа. Ўғил унга тескари қараб турди-да, шкаф бурчагида анчадан бери қўйилмай чанг босиб ётган пластинкаларни олди. Радиони ўчириб, пластинка қўйди. Шўх музика садоси янгради.

— Бормисан!— деди катта уйда ўтирганлар орасидан кимдир. Шукур яхши кўрган музикаларини устмает қўяверди. Халқ севган ҳофиз овозини қўйиб авжига чиқарди:

Қарға бўлбул бўлолмас,  
Гулнинг қадрини на билсин...  
Саҳрода ўсган бир қуш  
Қўл қадрини на билсин...

— Яшавор! — деди катта уйда ўтирганлардан яна бир серзавқи. Шукур ҳам ўзидан мамнун бўлиб кулиб қўйди. Ҳовлига бир оз тўйхона руҳи кирди. Катта уйдаги олиқ-солиқ музокарачилар гоҳ қизишиб, кўтарилиб кетишар, гоҳ пастлашиб қолишар, боғда ариқ лабига чўққайишиб олган Ярашхон билан Сулаймон ҳамон пичирлашарди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### 1

Идорада чўт қоқавериб чарчаган пайтларида Қодир клуб орқасидаги олмазорга чиқиб айланишни, баҳор қучоғида яшнаб, очилиб бораётган далаларга, олисдан зангори гиламдек товланиб кўзни олувчи барра беда пайкалларига, дарахт гулларига тикилишни севарди. Олмазор четидаги сўқмоқ йўлдан туриб Тоҳираларнинг кўча бетидаги уйига ҳам тикилиш, мабодо, қиз лип этиб чиқиб қолса бир кўриш, иложини топса, чақириб гаплашиш илинжида ҳам бўларди. Тоҳира ҳақида ўйлаганида доим йигитнинг қалби ажиб бир сурур билан тўлар, ҳаёт кўзларига беҳад гўзал кўринар, қиз берган баъзи озорларни ҳам унутарди. Қодир олдин олмазорни айланди. Раҳматнинг шу вақтгача келмагани уни ташвишга сола бошлаганди. Атрофда қушчалар бетиним учиб-қўниб чирқиллашар, асаларилар гўнгилларди. Баҳор бўйи дилни қитиқлар, Тоҳира билан бир ҳафтача бурун тутзорда учрашганлари, қизнинг ердан чўп олган бўлиб, ўзига уялиб-уялиб қараган жоду кўзлари тубидаги муҳаббат ёлқини, худди жонон пиёла жарангидек тиниқ титроқ овозидаги шўх музика наволарига ўхшаб кетадиган ўша ёқимли оҳанг, ҳатто чиройли елкаларига тушиб турган майда ўрим қора соchini эркаланишлари ҳамма-ҳаммаси яна эсига тушар, уни соғинтирарди. Майин шамол қаёқдандир пешинги

дам олиш вақтида берилаётган шўх концерт оҳангини қулоғига олиб келиб урди. Қодир севган лирик куйни чертиб, баҳор ҳуснига монанд куйларди у:

Қўнглим гулдай очилгай, жонон, бир бора кулсанг,  
Ўзингга мен боқардим, дердим, сен зора кулсанг.  
Чаманлар барқ урарди, боғингда кулганинга,  
Ғунча лабин очарди, боқиб гулзора кулсанг.

Қодир майсалар бошида тўхтаб, куйни бир нафас ҳузур қилиб эшитди-ю, кейин ўзи ҳам қўшилишиб куйлади.

Чехранг узра кўринди, кўксингдаги қувончлар,  
Яшаргай ой жамолинг, сен бора-бора кулсанг...<sup>1</sup>

Қодир олмазор орасидан чиқиб Тоҳираларнинг эшиги томон қаради-ю, қотиб қолди. Ундан янги тўн кийиб олган тоға пилдираб чиқиб келяпти. «Нима қилиб юрибди у ерда?» — тикилиб қолди Қодир. Кетидан яна икки-уч одам, Сулаймон, Яраш қўлларида тоғора билан чиқишди. Кўча бетида «Волга» турибди. Ҳаммадан кейин Раҳмат чиқди, қўли кўксиди. Қодирнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлди. У ўз кўзларига инонгиси келмасди. Қодир суяниб турган ёш олма кўчатининг кўм-кўк барг ёза бошлаган шохидан алам аччиғида бир шохча юлиб олди.

Сулаймон, Яраш ва Низомлар тишларини бамайлихотир кавлашганича, идора томонга гаплашиб келишарди...

Қодир ўзича: «Нима гап, нима бўлди Тоҳираларникида? Наҳотки, Раҳмат ака бизни алдади? Тоҳира қани? Наҳотки, у бунга индамади? Ё бошқа бир маросим ўтдими у ерда? Унда, нега мен эшитмадим? Яраш то-

---

<sup>1</sup> Пўлат Мўмин шеъри.

гора кўтариб нима қилиб юрибди. Тоғам-чи, Сулаймон-чи?»— дерди. Раҳмат аканинг ҳали олдидан галати бир ҳолатда чиқиб кетганини эслади. Кўзи тинди.

Қодир кўча юзига чиқиб турган эди, фотиҳа тўйидан қайтаётган тоға ўтиб қолди.

— Ҳа, жиян,— деди у ош ёғидан ялтираган мўйловини силаб.— Ҳақиқатни пойлаб турибсанми ҳали ҳам?

Қодир, бетингни кўрмай, дегандек четга ўгирилди. Тоғаси атай яқин келиб шипшиди:

— Мана, ҳақиқатни қидириб, Асаднинг ноғорасига ўйнаб, Раҳматнинг қизидан ҳам қуруқ қолдинг.— Кўзи ёнарди унинг.

Қодир орқасига қарамай кетаверди. У қабиҳ тоғани ҳозир нимталагудек бир вазоҳатда эди, ўзини зўр билан босиб турарди. Тоғаси эса ўлганнинг устига тепган қилиб, орқасидан қолмай заҳар сочарди:

— Суянган тоғингни ҳам кўрасан, эрта-индин патафига қурт тушиб қолади ҳали! Ўзингга эҳтиёт бўл бола!

Қодир пинагини бузмай кетаверди.

## 2

Тоҳира холасиникидан қайтиб келди-ю, уйга қадам қўйиш билан йиғиштирилмаган хонтахтага, унинг устидаги патпр нон бурдаларию ҳолваларга, атрофидаги кўрпачаларга кўзи тушди. Юраги беихтиёр шиг этиб кетди. Онасидан, ким келди, деб сўрашга ҳам тили бормади. Қўлидаги тугунини айвон четига қўйиб турган эди, укаси югуриб келиб:

— Опа, амақимдила телишди, сиз эйда беямушмиза,— деди, нима деяётганига ўзи ҳам тушунмай. Муслима опа ичкарида эди. Тоҳира ўз бошга тушган фожиани энди англаганди. Авраб жўнатиб, орқасидан фотиҳа қилдириб юборишганлари унга алам қилди. Кўзларига ўша калта мўйловлари осилиб турадиган

отаси ҳам; «айланай қизгинам, яхши бориб келдингми, холанг яхши юрибдиларми?» — деб олдидан пешвоз чиққан онаси ҳам мутлақо ёт, бегоналарга ўхшаб кўриниб кетди.

— Юришибди, — деди зарда билан.

Она қизининг ҳамма нарсани пайқаганини, шукур қил, қизим, дегудай бўлиб бир оғиз юлатиш ҳам бошига мушт туширгандек бўлишини билиб, ясама кулгидан нарига ўтмади.

— Уйга кир, кийимларингни алмаштира қол, — деди, холос.

Тоҳира оёғини сургаб босиб уйга кирди. Ечинмай, укасининг каравоти четига чўнқайди-ю, энгагини каравот панжарасига тираб, бурчакка маъносиз тикилиб қолди.

Меҳмонлардан кейин кўчага чиқиб кетган отаси бемаҳалда қайтиб келди. Нариги уйга кириб, хотиндан:

— Қизинг келдими? — деб сўради. Муслима опа овоз чиқармай, ҳа, деб имлаганининг ўзидаёқ қизининг авзойини билиб олди. Бошқа гап сўрамади ҳам. Меҳмонларга ёзилганича турган кўк шойи кўрпачага чўзилб: — Этигимни торт, — деб оёғини узатди.

Тоҳира қўшни уйда ўтирган жойида отасининг овозини эшитган, унинг шарпасини сезган бўлса ҳам у ёқ-бу ёққа бориб келганидан кейин қиладиган одатнча, олдига чиқиб салом беришни хаёлига келтирмади. Қизининг кўзларида милт этган ёш кўринмас, киприклари қимирламасди. Табиати ёқтирмаган одамнинг номини эшитганда ҳар кимнинг вужудида ҳам нафрат, ғазаб пайдо бўлади... Катта укаси унинг аҳволини билди, олдига кирди, лекин опа сизга нима қилди, деб сўрамади, маънос чиқиб кетди...

Бир вақт Муслима опа кириб:

— Қорнинг очдир, овқатлан, — деди. Қизининг жавоб бермаганини кўриб: — Нима, холанг жуда сийлаб

тобордими дейман? — деди. Бу саволига ҳам Тоҳирандан жавоб ололмагач, ўзича мен ҳам бир вақт эрга тега-сан дейишганида шунақа икки кун аза тутгандим, кўникиб қолади, деб ўйлади, чиқиб кета туриб: — Ўрнингни солиб ёт,— деди остонада.

Аммо Муслима опа эрталаб кириб, қизининг жой ҳам солмай, ўтирган жойида каравотга мукка тушиб ухлаб қолганини, бошига икки буклаб қўйган ёстиқчаси кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлганини кўрди. Унга дам раҳми келди, дам одам шу даражада ношукур бўладими, уни чолга ёки моховга бераётганимиз йўқ-ку, дея жаҳли чиқди. Замонлар бўлган, шўрлик қизлар кексаларга берилганда ҳам миқ этмай, пешанамга ёзгани шу экан, деб кетаверган-ку!

Тоҳиранинг ота-онаси қиз билан йигит бир-бирини кўрсин, яхши кўргани яхши, десалар ҳам, амалда, қиз бола ҳам, ўғил бола ҳам гўр бўлади, уларнинг турмуш қуриш ишларига биз аралашиб турмасак бўлмайди, ўзлари ҳозир севишсалар ҳам, ҳар қандай одамни бир кўрганда билиб бўлмайди. Мана, яхши деган йигит Қодир ҳалиддан нима ишлар қилди, деб фикрлардилар. Шунинг учун ҳам, ўз бахтини ўзи билмаяпти бу кўрнамак ҳали, кейин биздан хурсанд ҳам бўлиб юради, деб ўзларини юпатардилар.

Тоҳира китобларда ота-онасининг хоҳишига қарамай, севганига теккан ёки у билан қочиб кетганлар ҳақида ўқиганди. «Менга ўхшаш ночор аҳволда қолишганда ота-она юзига оёқ босиб қочиб кетишарканда!» — ўйларди қиз.

Ўртанча укаси кутубхонадан ҳар хил суратли китобларни олиб келиб ўқиб юрарди. Шундай китоблардан бири стол устида очиқ қолиб кетган экан. Тоҳиранинг кўзи тушди. Китоб саҳифасида бадбашара бир эркакнинг кўкрагига бир аёл пичоқ ураётгани тасвирланганди. Укаси кеча ғинғиллаб ўқиганда, зўрлик билан олмоқчи бўлган эркакни аёл пичоқлаб ўлдиргани



ҳақидаги воқеа тафсилоти қулоғига кирганди. Тоҳира суратга тикилиб туриб: «Булар ҳозир пичоқни менга қадашяпти, нега мен уларга қадай олмайман,— деди.— Йўқ. Бунақа ишни мен қилолмайман, қилмайман. Ўзимга пичоқ қадасам қадайманки, бошқа бировга... Йўқ, йўқ...» деб кўнглидан ўтказди...

### 3

Шу кунларда Одилдан кўра бахтиёрроқ, Одилдан вақти чоғроқ кимса йўқ эди, деса бўлади. Отаси ҳам бир қармоқ ташлашда яхши бир қизни илинтириб берди. Қиз мени ёқтирдими, тўйга ўйнаб-кулиб розилик бердимикин, деган гап етти ухлаб тушига кирмасди. Ота-онаси тиқилинч қилаверганликлари, қолаверса, кўнгли хотин тусаб қолганлиги учун уйланиш фикрига тушганди. Мана кутган кунларининг шабадаси ҳам эсиб қолди.

Фотиҳа тўйидан икки кун бурун Низом жаллобга олиб келган буқачани Одил иккинчи молхонага олиб борди, рансга қўлбола қазни қилдириб бериш учун боқтираётган зотли қашқа тойнинг ёнига боғлади.

— Ўн беш кунда сарипиёз қилиб семиртириб бераман,— деди.

— Ҳали уч пақирли иш қилмасдан бунақаси чиқяптими,— деб бақириб келган Зоҳидга ҳам Одил ҳозирча индамади.

— Ем-хашак мўл, камайиб қолмайдн, аралашма,— деб жеркиб ташлади уни Низом. Зоҳид тўнғиллади. Одил эса бунга маза қилиб кулди. У буқадан хабар олиш учун бу ерга тез-тез келадиган, ҳар замонда Тоҳиранинг йўлини пойлайдиган бўлиб қолди.

Колхозда қиладиган ишининг тайини йўқ, у-бу снгир-бузоқни қандайдир касалга қарши эмлаган бўла-

ди, дўпписини яримта қилиб, мотоциклини патиллатиб, у ер-бу ерда лақиллаб юради. Дунёда бундан яхши даврон бўладими!

## САКҚИЗИНЧИ БОБ

### 1

Раис белгилаб берган тўрт кун ўтиб кетди. Асаднинг бригадасидан рапорт келиш у ёқда турсин, эртаги экинлар экиб бўлингани ҳақида хабар ҳам қулоққа чалинмади. Айрим бригадалар: «Қора картошка уруғини эртагига экмаймиз, баҳор иссиқ келяпти, ҳосил тўкмайди»,— дейишар, «Маккажўхори эккандан кўра бизга қовун-тарвуз фойдалироқ»,— деб тўполон қилиб юришарди. Раиснинг боши қотганди: «Бригадирларнинг маслаҳатига кирай, қора картошка уруғини эктирмай қўя қолай деса», давлатдан олпинган қора картошкадан бошқа уруғлик йўқ. Бунинг устига юқоридан эртаги картошкани экиб бўлдингларми, қачон рапорт берасизлар, деб тикилинч қилишгани-қилишган.

Эктираверай деса, айрим бригадирлар: «Пландаги ҳосилини олиб беришни биз ваъда қилолмаймиз, ҳукумат қарорида эртагига маҳаллий уруғдан топиб экинсин, дейилган, топиб беринглар»,— дейишадди. Кўпчилик қаторида Асад ҳам шундай тўполон қилиб юрибди. Уруғликни баҳона қилиб, кўрсатмани бажармаган. Раис кабинетида тажанг эди. Чекмайдиган одам устмас-уст папирос буруқсатишга тушганди. Маккажўхоридан гектарига камида уч юз-тўрт юз центнердан кўкпоя йиғилмаган тақдирда, ишнинг оқибати хунук бўлиши мумкинлигини, бу колхоз шароитида эса бригадирлар гектаридан юз центнердан кўкпоя олиш амримаҳоллигини айтишганди. Қатор чигал масалалар чувалашиб ётарди. Кўп тракторларга запас қисмлар етишмас, ай-

римлари яхши ремонт қилинмаган, фермаларда соғилаётган сут эса, моллар еган ем-хашакни ҳам қопламапти. «Нега одамлар жўхоридан гектарига минг центнердан кўкпоя олганда, сизлар ололмайсизлар, ўзларингиз дангаса, яхши ишламайсизлар. Чорвани ҳам яхши боқмай сутни камайтиргансизлар; қора картошкани нега бошқа колхозлар ғиринг демай экяпти-ю, сизлар дод-вой кўтарасиз»,— дея қўл остидагиларнинг оғзини очиргани қўймасди. Қолоқлик, камҳосилликнинг асил сабабларини ўрганиш, уларни тугатиш, одамларнинг умумий ишга муҳаббатини ошириш асосида колхозини юксалтириш режаларини тузиш йўлини излаш раиснинг қўлидан келмасди.

Раиснинг наздида қўл остидагиларнинг ҳаммаси ўзига қарши бош кўтараётгандек, ҳаммаси чекка-чеккадан хўмрайиб ёмон кўз билан қараб тургандек, атайлаб ишларни бузаётгандек бўлаверарди.

## 2

Раис бош бухгалтерга еттинчи бригада ишининг қандай кетаётганини текшириш ҳақида буйруқ берганди. Қодир бош бухгалтердан раиснинг янги топшириғини эшитиб, ҳайрон қолди.

— Улар ҳозир ер тайёрлаб, уруғлик дардида тинчмай, ташвишлари бошларидан ошиб-тошиб ётганида, биз бориб текшириб бошларини қотирсак ярашармикин? Фойдаси тегармикин? — деди.

— Фойда-зарари билан нима ишинг бор, топшириқни бажаришни билсанг-чи! — уни жеркиб ташлади бош бухгалтер.

Бунақа ўринсиз ишлар меъдасига тегиб, бунинг устига кеча Тоҳираларнинг уйида беҳосдан фотиҳа тўйиб бўлиб ўтганини эшитганидан бери олам кўзига тор кўриниб юрган Қодир бош бухгалтернинг орқасидан зўр-

ға кўзгалди. Улар эшикка чиқишаётганда ҳовлиқиб Саври келиб қолди.

— Қаёқда қолдинг? Квартал ҳисобини ҳам тугатиб бермагансан ҳали!— унга тўнғиллади бош бухгалтер.

— Уйда эдим. Муроджоннинг мазаси йўқ. Эртага тугатиб бераман.— Саврининг кўзлари бежо эди. Бош бухгалтер эртадан қолмасин, деб қадам қўйиши биланоқ Саври Қодирнинг енгидан тортиб ичкарига имлади.

— Эшитдингизми, Раҳмат ака ўлгур, Тоҳирани холасиникига юбориб, орқасидан фотиҳа берибди. Келиб эшитиб, ўзини юлаётганмиш! Менга ҳозир қўшнисининг қизи келиб айтди. Эшитдим, бу ёққа югурдим.

Кеча дилнга тушган жумбоқ мана бугун ечилди. Нима қилиш керак?

— Хў, Қодир, қаёқда қолдинг? — ташқаридан бақирди бош бухгалтер. Лекин Қодир қулоқ солмади.

— Мен ҳозироқ Раҳмат аканинг олдига бораман. Бу нимаси? Гаплашаман,— деди бетоқатланиб Қодир.

— Йўқ, тўхта, қизишма,— костюмининг баридан тутди Саври.— Бунақада ҳамма ишни расво қиласан. Улар шу даражада бидъатчи одамларки, Тоҳирани яхши кўраман, деб орага суқилишининг ўзидаёқ капалаклари учиб, қиз бечорани бешбаттар кунга солишадди... Энди бундай қил.— Ўз билгича йўл ўргата бошладди Саври.— Уша унаштиришгани Одилни топиб, очик гаплаш... Йўқ, бу ҳам бўлмайди. У бунақа гапни тушунадиган йигит эмас. Лекин, бир ҳисобда унга, Тоҳирани мен яхши кўраман, деб айтганинг маъқул-а. Бунақанги чапани олифталар, қиз боланинг биров билан севишганини эшитса, ярамас, бузуққа чиқариб, айниб қўя қолади, нима дейсан?.. У Тоҳира қақида тухмат гап-сўзлар тарқатиши ҳам ҳеч гап эмас...— Саври ўзича минг кўчани излар, бетоқатланарди.— Энди нима қилдик-а, Тоҳирани кўндирайми, бирга қочиб кетасизларми? — деди ниҳоят худди бир минут кечикилса, қиз-

ни зиндонга ташлаб юборишадигандек ташвишланиб.— Йўқ, Тоҳира бунга кўнмаса керак. Ота-онасининг бошини ерга қаратгандан кўра, ҳар қандай оғирчиликни бўйнига олишни афзал кўрадиганлардан...

— Ҳа, Қодир, юрмайсанми?—кўча томондан Сулаймон аканинг хириллаган овози эшитилди.— Нима қил-ясан ўзи? Машина қараб қолди.

— Ҳозир, ҳозир, кетаверинг,— сўнг Саврига ўгирилиб,— Тоҳира билан гаплашинг, шу бугун кечқурун қандай қилиб бўлса ҳам бог этагидаги толзорга чиқсин. Ўзи билан бир гаплашай. Айтинг, албатта чиқсин,— деди.

— Хўп, албатта, етказаман,— деди Саври.

— Қош қораяр-қораймас толзорга бораман. Шунн тайинланг,— кўча томон тез одимлай туриб деди Қодир. Бош бухгалтернинг орқасидан лўкиллаб бораркан: «Бунча қисталанг қилмасанг, кошки бирор муҳимроқ ишга бошлаётган бўлсанг одамни», деб гижинди.

### 3

Саври Тоҳираларнинг уйига худди пайтини пойлагандек, Муслима опа қаёққадир чиққанда кириб борди. Тоҳира ўртанча укаси билан қолганди. Саврини кўрди-ю, ўпкаси тўлди.

— Қаёқда эдингиз, қаёқларда қолиб кетдингиз,— дерди зўр бериб. Укасини кўчага чиқариб юборди. У Саврининг юзига қай кўз билан қарашни билмасди.— Энди ўзимни қай кўчага урдим. Менинг розилигимсиз ҳеч нарса қилиша олмайди, деб юрувдим, гафлатда қолдим,— зирилларди қиз.

— Нима қилардинг! Қизлар ноилож қолиб, ўзларини томдан отадиган вақтлар ўтиб кетган. Тўртта чол йиғилиб, омин оллоҳу акбар дегани билан тақдиринг ҳал бўлиб кетибдими! — унга далда берди Саври.— Ҳозир Қодиржон билан учрашдим, кечқурун толзорга

чиқсин, ўзи билан бир гаплашиб олай, кейин нима қилишимни ўзим биламан, деди.

— Кечқурун толзорга? Адам билан опам келса, бир қадам ҳам жилдирмайди. Ҳозир қани, ҳозир қаёқда?

— Ҳозир еттинчи бригадага кетди, ўшанақаси иккинчи молхонага Зоҳиднинг олдига ҳам киради шекилли,— борасанми, дегандек боқди Саври.

— Ҳозир онам йўғида бориб гаплашиб олмасам, келиб қолишса, кўчага ҳам чиқазишмайди. Бораман, кейин нима қилса қила қолишсин!— тараддудланиб қолди қиз.

Тоҳиранинг вазоҳати Саврини ташвишга солиб қўйди. Покиза қалбнинг нафрати тошни парчалагудай. Онасининг ўғайлиги ҳам энди сезилганга ўхшайди.

Қиз боғ айланиб йўлга тушганда, Саври:

— Кўчадан борма, аданг кўриб қолади. Улар ҳали далада кўп юришади, кечиксанг ҳам даладан паналаб кетавер, ҳеч ким кўрмасин,— деб тайинлади.

Унинг шудгор этагида, ариқ бўйидаги дарахтлар орасида кўздан йўқолган қаддини излаб узоқдан тикилarkan, Саври ўзича:

— Тўғри иш қилдимми? Ишқилиб, иккаласи ҳам ниятларига етсин-да,— дерди, шу билан бирга қизнинг соф, ёнқ севгисига ҳавасланарди ҳам.— Мен ҳам шундай севолганмидим?

#### 4

Қодир ўйлагандек, Асаднинг бригадасидагилар қизнинг меҳнат билан банд эди. Асаднинг ўзи ҳам эртаги картошка уруғи ташвишида қаёққадир кетган. Юраги ташвишда ёниб турган Қодир, бекорга овора бўлиб келдик-да, деб уф тортди. У бош бухгалтернинг орқасидан ноилож оёқ сургаб борарди.

— Текширилиши керак бўлгани ҳам худди мана

шу.— Бош бухгалтер ён дафтарчасини чиқариб: «Бригадир иш бошида йўқ. Ҳали кўп ер қайта шудгор қилинмаган», деб ёза бошлади.

— Булар атайлаб шундай қилаётгани йўқ-ку! Уруғлик чатоқ, у ёқда тракторларимизнинг кўпи бузуқ. Ўзимиз сабабчи,— деди Қодир.

— Бригадир қани? — сўради бош бухгалтер бир аёлдан.

— «Коммунизм»га уруғлик картошкага кетди,— қулочкашлаб кетмон ураётган жойида, аёлниң ўрнига жавоб қилди барваста йигит Ҳожнакбар.

— Қимдан рухсат олиб кетди? Раис-паис билан гаплашган эканми?

— Билмадим,— ишдан қолмади Ҳожнакбар.

— Ўзбошимчалик. Бу ёқда ўзимизда тайёр уруғлик турсин-да, у ҳеч сўрамай-нетмай бошқа колхозга уруғ қидириб кетсин!

— Тайёр уруғлигингиз қора картошка-да,— деди Самиғ ака деган колхозчи гапга аралашиб.— Бу йил кўкламнинг қуруқ келиши кўриниб турибди, меҳнатчимизга кўйиб, юрак ҳовучлаб кутиб ўтирамизми? Хирмонни кўтаришга келганда яна ўзларингиз, биз нобол уруғлик бергандик, шунинг учун шунақа бўлди, дейиш ўрнига, план тўлмади, ёмон ишладингизлар, деб калтаклашга тушасизлар.

— Қора картошка уруғини мен берганим йўқ, район берган. Планни ҳам мен кўрсатмадим, район кўрсатди,— тўсатдан ёноқлари учиб овози қалтиради бош бухгалтернинг.— Буни тушунасимиз ўзи?

— Бўладиган гапни районда очиқ айтсак, столдан ажраб қоламиз деб қўрқасизлар-да,— деди Ҳожнакбар.

— Сен унақа дема! — жаҳли чиқиб, юқори лаби уча бошлади бош бухгалтернинг.— Биз ўтирадиган стол мингта, ҳа. Лекин сен бир нарсани тушун, баланд кетма! Район бизга планни осмондан олиб бермайди, би-

ласанми, шаҳарда қанча одам бор? Бир миллион, бир миллиондан зиёд. Бир одам суткада йигирма граммдан картошка еганда ҳам бир ёзда бир миллион одамга қанча картошка керак бўлишини биласанми? Бу картошкани ким етказиб беради? Биз. Район планни шунга қараб тузган. Биз фойда кўрмаймиз, экмаймиз десак, оқибатн нима бўлади?

— Ахир, бу тарзда мўлжалдаги картошканинг тўртдан бирини ҳам етказиб беролмаймиз-ку! Раз шундай бўлгандан кейин...— гапдан қолмади Ҳожиакбар.

— Яна гапирди-я!

— Йўқ, сизлар келмасдан олдин ўзимизча ҳам гаплашиб эдик,— Ҳожиакбарнинг хатосини ўзича тўғрилашга, тўлатишга уринди Самиг ака.— Мана қўшнимиз «Коммунизм», эшитишимча, ўтган йили қайроқидан уруғликни ғамлаб олган экан, планини боплаб экиб олибди. Асаджон ҳам ҳали шу қайроқидан қолмаганикин, деган илинжда кетди. Бизда бўлса, ҳақни айтсанг— урарлар, хушомадни суярлар, дегандек, рост кўчани айтсанг, паст кўчадан айлантприб, гарданингга мушт туширишади.

— Менинг тўғри гапим сизга паст кўчанинг мушти бўлиб туюлдими?— ялтироқ пешанасини кафти билан ишқашга тушди бош бухгалтер.

— Уларнинг гапи тўғри-ку,— деди Қодир.— Қора уруғнинг эртагиси ҳақиқатан ҳам кутган ҳосилни тўкмайди, колхоз бундан катта зарар кўради. Шунин билан туриб, нега яна экаверамиз? Нега район раҳбарлари билан бу ҳақда гаплашмаймиз?

— Кичкина болага ўхшаб, Қодиржон ука, сен ҳам айлантирасан шу гапни-я!— юзлари бурушди бухгалтернинг.— Ҳамма гап шунда, ҳамма фалокат район раҳбарлари билан талашишда-да, ука! Бу уруғ хусусида талашиш бўлса, раис ҳам бир бор талашиб кўрди!

— Сиз, ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан дейсиз-да?— деди жаҳл билан Қодир.



— Йўқ, ҳали ҳам тушунмаяпсан менга. Мен колхознинг зарар кўришини билмаяпманми, колхозчиларнинг гапини тушунмаяпманми? Ҳаммасини сизлардан ўн ҳисса яхшироқ кўриб-билиб турибман. Лекин нима қилиш керак? Указаниени бажар, сен бир солдатсан. Шундан бошқа талаб бўлмайди.

Бош бухгалтернинг юрак қопқоғи энди очилди. Қодир уни энди чинакамига таниётгандек тикилиб қолди. Ёш бўлса ҳам кўримсиз юзини босган майда ажинлар, доим вақтидан кечикиб олдирадиган соқолига бевақт оралаган оқ, ялтироқ пешанасидаги қават-қават чизиқлар — ҳаммаси алоҳида-алоҳида маънога эгадек кўзга ташланди. «Ҳа, бу ҳар доим ҳаётда курашлардан қочиб, кун ўтса бўлди, дунёни сув босса ҳам менга тегмаси бас, дейдиган кимсанинг қалтироқ башараси. Кураш яшартиради, қўрқоқлик қаритади, деб шуни айтадилар-да!» Ундан яна гап олиш учун бўлса керак, Қодир атайлаб:

— Ҳамма нарса кишининг ўзига боғлиқ, қилаётган иши, гапи ҳақ бўлса, уни ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди,— деди.

— Қизиқ гапни гапирасан-а,— чўчиб тушди бош бухгалтер. Бош бухгалтер Қодирнинг олдида кучли жала бағрини ўпириб ўтган девордек зўрға турибди. Колхозга катта зарар келтириши аниқ бўлган бир ёқлама ишни кўриб турибди-ю, унинг олдини олиш ўрнига, юқоридан юзимга тарсаки тушмасин, деб қўрқиб титраяпти.

Доим қўрқув, таҳлика, иккиланиш исканжасида яшагани учун бош бухгалтерда юрак ҳам йўқ, бор юраги ҳам занф, колхозчилар билан озгина гап талашиб бўғилганининг ўзидаёқ ранги оқариб, дарахт тағида узоқ ўтириб қолди.

Нафасини ростлаб олган бош бухгалтер бригаданинг бошқа далаларини ўзи айланди. Ён дафтарига яна аллақанча нарсаларни ёзди, чизди. Колхозчиларнинг ол-

дига бориб, талай нарсаларни суриштирди. Тракторини шудгор четида тўхтатиб дам олаётган тракторчи йигитни, нега ёнбошлаб ётибсан, деб уришди. Кейин колхозчиларга: «Меннинг келиб кетганимни бригадирларингизга айтиб қўйинглар, картошкани бугун экишга киришса киришди, бўлмаса ёмон бўлади»,— деди-ю, кетмончилар олдида ҳангомалашиб юрган Қодирга ҳам қайрилиб қарамай, ўзи жўнаб қолди. Тўғри саволлари, гаплари унга ботганини Қодир англаганди...

5

Қодир бош бухгалтернинг мураккаб феълига тушунолмай, кўча четида у ён-бу ён юриб машина кутар, бунақа одамлар билан ишлаш оғир, бир нима қилиш жуда оғир, деб хуноб бўларди. Қодир кафтини кафтига ишқаб бетоқат машина кутиб турганда катта юк машинасида қўшн томондан Асад келиб қолди.

— Ҳа, Қодиржон! — деди у, шофернинг ёнидан чаққон сакраб тушиб.

— Келиб эдик, сиз йўқ экансиз. Бригадани айландик...— руҳсиз қўл чўзди Қодир.

— «Коммунизм»га кетган эдим, картошкаси бор экан, олиб келяпман, қулинг ўргилсин қайроқи,— лаблари қочиб машинага ишора қилди Асад. Қодир кузовга қаради. Ўрадан янги олинган тухумдек-тухумдек тоза, қип-қизил қайроқи картошка унинг кўзларини қувнатди.— Мана энди раисингиз бизга эктирмоқчи бўлаётган уруғлигини шаҳарга олиб бориб соттиравсин.

— Кўп эканми?— жонланиб қолди Қодир.

— «Коммунизм»да бунақа уруғ борлигини ўзим ҳам кеча тасодифан эшитиб қолдим. Уч кун бурун борганимизда... аттанг. Улар ўзлари эртагини аллақачон экиб бўлиб, қолганини қўшниларга беришибди... Эшит-

диму, югуриб-елиб бориб, аранг йигирма тоннага илиндим.

— Эҳ, аттанг,— бош чайқаб қолди Қодир.

— Идорага кетяпсизми? Юринг, буни тушириб, машина билан яна одам юборайлик, мен ҳам бораман. Қилган ишини рансга гапприб қўяй бир!

Қодир унга яна ноилж эргашди. Ўзига қолса, шу ерда окшом пардасини тушириб, толзорга учишни истарди, идора унинг юрагига сиғмасди.

Қодир Асадга йўлда раиснинг топшириғи билан бригадасидаги аҳволни ўрганишга келганини хижолат ичида айтиб берди. У Асад энди одатича: «Ноҳақлик, мен бу ёқда қўлим қўлимга тегмай, ўпкамни қўлтиқлаб юрай-да, ёрдам бериш ўрнига бу...»— деб тутақиб кетади, деб кутиб турганиди, йўқ, кутганининг акси бўлди. Иши ўнгидан келиб, кўзлаган уруглигини ундириб олиб келгани учунми, Асаднинг юзи ёришди. Кўзлари чақнади.

— Ўҳ-ҳў,— деди.— Яхши гапу, ҳақиқий аҳволни билдингларми ишқилиб?

— Ҳа, энди қасд қилиб келгандан кейин қўямизми! — қулгига олди Қодир.

— Жуда яхши. Қани, бор гапни чиқиб правлениега қўйинглар! Аҳволнинг қанақалигини кўпчилик билсин, кўрсин. Менинг пўстагимни қоқишса ҳам майли, ҳақиқий аҳволни билишса бас!— ечилди Асад.

Бунга Қодир тушунолмаб қолди: калтак еса маза қиладими бу?!

— Кети хунук ҳам бўлиши мумкин-ку?!

— Кўпчилик правление аъзолари бунинг орқа-олдинни ўйлайди, биламан. Олдинлари шундай ўйласа ҳам, нафаси ичида, бошини ҳам қилиб кетаверарди. Энди ундай қилишмайди. Бунинг бригадасида аҳвол ёмон, дейди, сўкади. Нимаси ёмон? Ҳосил тўкмайдиган қора картошка ўрнига қайроқини олиб келиб эккани ёмонми, дейди. Раис қаёққа тартаётганини-ю, мен нима қи-

лаётганимни билишди. Колхоз учун ҳозир худди шуниси керак. Колхозни битта-иккита каттанинг «жонкуярлиги», «ишбилармонлиги» билан «кўтариш» вақtlари ўтиб кетди, ука. Газета ўқияпсанми ўзи?

Қодир Асадга ҳам таажжуб, ҳам қойил қолиб, тан бериб тикиларди.

— Сен мажлисда раиснинг қўли баланд келиши мумкинлиги, ҳатто Раҳматга ўхшаганларнинг қарз-парзларини ўчиртириб олишидан ҳам қўрқма,— қуйилиб келган юрак тўлқинини боса олмай тўлиб-тошиб давом этарди Асад.— Бунақалар ҳозир баъзи ўринларда қўли баланд келишидан фойдаланиб, айрим бемаъни қарорларини ҳам қабул қилдириб олиши мумкин. Лекин у қолипга ёпишиб қанча уринса, қанча кучанса, ўзини шунчалик кўп фoш этади, кўпчиликнинг oқу қорани шунчалик тезроқ кўриб олишига олиб келади. Бунақаларга қарши энди сира тап тортмай олишиш керак. Кўп чигалларимизни олишувсиз ечиб бўлмайди ҳали!

Қодир бу гапларнинг маъзини чақиб олишга, ҳали бош бухгалтер айтган гаплар билан таққослашга интиларди. Унга ҳаммадан ҳам Асаднинг текширишдан ҳам, баҳс-тортишувдан ҳам қўрқмаганлиги, ҳақиқатга тик юз тутаётганлиги ёқарди.

— Тушундингми?

Картошкани туширишаётган пайтларда ҳам у талай мулоҳазаларни ўртага ташлади. Икки йигитни яна уруғлик олиб келиш учун жўнатди. Ўзи Қодирга, қани, юринг энди идорага, деди-ю, у ёқ-бу ёғини қоқиб йўлга тушди...

Уларнинг йўллари иккинчи молхона дарвозаси олдида ўтиши керак эди. Қодирнинг назарида ҳали яқинда молхонага қандайдир бир таниш қиз кириб кетганга ўхшади. Дарвоза олдида эса Одилнинг мотоцикли турарди...

Молхонанинг бир томонга қийшайган эски дарвозаси зулфинида дўппидек қулф осиглиқ турарди. Дарвоза биқинидаги бир табақали кичкина эшик ҳам ёпиқ. Тоҳира тўғри шу ерга келди. Олдин еттинчи бригада далаларига аланглади. Шудгор этагида юк машинасидан нимадир тушираётган икки-уч одамдан бошқа бу атрофда кимса кўринмасди. Уларнинг ҳеч бирини Қодир билан бош бухгалтерга ўхшатолмади. «Нима бало, етиб келолмадимми, кетиб қолишдимми, ораси ҳам анча йўл»,— деди ўзига-ўзи. Унинг сочлари тўзғиб, тер босган чаккаларига жингалак бўлиб ёпишган, юзлари бўриққанди. «Кетмагандир. Молхонада эмасмикин? Қодир акам бу томонга ўтса, молхонага, оғайниси Зоҳиднинг олдига кирмай ўтмайди-ю, ҳеч бўлмаса Зоҳид акам билар, уни топишга ёрдам берар, энди Қодир акамга учрашмай уйга қайтмайман». Шундай эди қизнинг қарори. Дарвоза олдидаги мотоциклга ҳам эътибор қилмади. Бориб, кичик эшикни итарди.

— Зоҳид ака! — ичкаридан жавоб бўлмади-ю, одам шарпаси келди. Қиз, Зоҳид акам шекилли, деб ўйлаб дадил кираверди. Емхонадан кимдир гурсиллаб чиқиб келарди. Қиз қараб турди. Эшикдан олдин кунжара тўла тоғора чиқди, кетидан... Тоҳира не кўз билан кўрсинки, Одилнинг от тумшуқ, узун башараси пайдо бўлди. Тоҳира жойида туриб қолди. Одилнинг кўзларида ҳам хижолатга, ҳам қувончга ўхшаган бир аломат ёниб ўчди. Лапанглаб бориб тоғорани буқачасининг охурига тўкди-ю, у ёқ-бу ёғини қоқиб, лаблари ёйилиб, Тоҳиранинг олдига яқинлаб кела бошлади...

Қиз эса шу бир нафаснинг ичида минг хил фикрга борганди. Унинг тоза юраги ундан барча алам-таҳқирларимнинг қасосини олайми, деб типирчилар, ақли эса, ўзингни бос, ўзингни бос, эсингни йиғ-чи, дерди.

Одил бу бахт қушини шундай пайтда қандай шамол учуриб олиб келиб, оёғи тагига ташлаганига ақли етмай, ҳаллослаб турарди. Ўзи излаб келди шекилли, бахтимдан ўргилай, дерди кўзлари ёниб.

— Ҳа, Тоҳирахон, келинг,— деди қизга яқинлаб. Яна кекирдаги кўтарилди... «Унаштирилган қиз, одатга кўра, кўчага ҳам чиқмай, пардада фариштадек ўтириш ўрнига, бу ёқда нима қилиб юрибди? Мени билиб келдими, ё билмай келдими? Ё бунда бошқа бирор гап борми?» Одил фотиҳа тўйи бўлиб ўтганидан бери бу қизга ўзини тўла маънодаги хўжайин ҳис қилар эди.

Ҳайрон бўлиб қолди. Қиз эса Қодирини излаб ҳаллослаб етиб келганида қисмат унга яна бу аблаҳни рўбарў қилганига ҳайрон эди. «Қодир акам қайтиб кетган эканми-а»,— дерди ўзича. Қайтиб чиқиб кетишини ҳам, Одилга у-бу дейишини ҳам билмасди. Ёмон одамни орқасидан эслаганингда ҳар нарса дегинг келади. Бехосдан дуч келганингда эса, юз амри ширинлигиданми, тил учиди кўп буралган қаҳрли сўкишлар қочади. Қиз ичдан титрарди.— Кўнглимдаги бўлиб, ўзимга худо етказди-да, сизни.— Тоҳира бу гапимга ҳозир жилмаяди, деб кутганди Одил.— А, Тоҳирахон, юлдузимизни қўшган худо ўзимизни ҳам қўшади!— у келиб Тоҳирага қўл чўзди.

— Нарн туринг!— деди Тоҳира бир санчиб тушиб. Унинг бутун вужуди сесканиб кетганди.— Худо берган одамингиз катта холасиникида!

— Нима? — оғзи қийшиқ очилди Одилнинг. У қизнинг ҳайкалдек қотиб, титраб туришини уялишга йўйиб турганди. Қизга ғазабли тикилганича чўнтақларини пайпаслай бошлади. «Қазбек» олиб, озига тикди. Аммо ҳамма ёғини қараб, гугурт тополмади.

— Ҳали шунақа денг! — унинг кўзи молхонанинг энг чекка, хавфсиз жойи — қоровулхона эшиги олдидаги кичик ўчоқчада буруқсаб ёниб турган оловга тушди. Молбоқар, овқатдан келиб, чой ичамиз, қайнаб

турсин деб, ўчоққа қумғон қўйиб, тагига уч-тўртта ғу-  
лача тикиб кетганди. Одил бориб ундан чўғ олди.

— Худди шунақа! — деди яна чатнаб Тоҳира. Одил  
чўғни папиросига босиб тутатганича Тоҳиранинг олди-  
га келаверди. У қизни бу ёқларда шундай вақтда ни-  
ма қилиб юрибсан, деб тергаб, бийрон тилларини бу-  
раб қўйишни ўз бурчи деб биларди.

— Сиз бу ёққа қайси катта холангизникига келган  
эдингиз?

— Қайси катта холамникига бўлганда ҳам, сендек  
бемаънининг олдига эмас! Ҳа, сен менинг қаерга, ни-  
мага келганимга хўжайин ҳам эмассан! Турқинг қур-  
син! — оғзига келган аччиқ сўзларни қайтармади қиз.  
Одилнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўзлари олайди.

— Нима? Нима деяпсан, манжалақи! — башараси  
бужмайди унинг. Ғазаб ичида қўлидаги учи чўғли чўп-  
ни чирпирак қилиб отиб юборди. Чўғли ёғоч пирпираб  
бориб Зоҳид аравада олиб келиб, молларга вақти-вақ-  
тда бериб туриш учун оғилхона ёнбошига уйиб қўй-  
ган беда ғарам ичига кириб кетди. Тоҳиранинг унга  
кўзи тушди. Аммо ўзи ҳам ёниб тургани учун, бунинг  
оқибати нима бўлиши мумкинлиги хаёлига келмади.

— Бетинг қурсин, йўқол! — деди бостириб келаёт-  
ган Одилдан орқага тисарилиб.

Худди шу пайт кичик эшик тарақлаб очилиб, осто-  
нада Қодир пайдо бўлди. Кўзларига Одил билан Тоҳи-  
ра ҳазиллашяётгандай бўлиб кўринди. «Қаердан, қачон  
етиб келди Тоҳира бу ерга! — Кўзига ишонмасди у. —  
Бу нимаси?»

Тоҳиранинг Қодирга кўзи тушди-ю, турган жойида  
бир нафас тараша бўлиб қотиб қолди. Тили калимага  
келмади. «Қодир акам энди бу билан туришимни нима  
деб тушунади. Сизни қидириб келган эдим, бу чиқиб  
қолди олдимдан дейманми, қандай қилиб шундай дей-  
ман?» У ўзининг аламига чидаёлмай, йиғлаганича Қо-  
дирнинг олдидан ҳам юлқиниб ўтиб кетди.

Бахтим ўзи шунақа тескари шекилли, доим ўнгдаги қадамим чапга кетади, дерди ўз-ўзича. У орқасидан — Тоҳирахон, нима гап, тўхтанг,— деб чақирган Қодирга ҳам, ундан орқада ҳеч нарсани тушунмаётган-дек, кўзлари олайиб қараб қолган Одилга ҳам қайрилиб боқмай, югуриб бориб қайси бир дугонасиникига кириб кетди. Ундан яна бошқасиникига ўтди. Орқасидан қидириб кирган Қодир уни тополмай, йўл четида, ўзи нима гап, деб қараб турган Асадга, билмадим, дегандек елкасини қисиб қўйди. Шунинг устига идора томондан:

— Қодир ака, қаёқда қолдингиз, сизни раис қачондан бери кутади,— деб велосипедда югурдак бола келиб қолди.

Асад билан Қодир дуч келган машинани тўхтатиб чиқишаётганида олдиларидан мотоциклини патиллатиб Одил ўтиб кетди.

## 2

Раис одатича тўрдаги думалоқ юмшоқ стул суянчигига ўзини ташлаб ўтирарди. Пешанасига яқин тутиб ўқиётган икки варақли катак дафтар қоғози юзини беркитганди.

Қодиржон:

— Мана,— деб таннарх ҳисоблари дафтарини унинг олдига қўйди. Раис юзини очди. Қодиржонга бир хўмрайиб, дафтарга қўл чўзди:

— Иккинчи молхонаники қайси бетида,— деди уни оча туриб.

— Мана, охирроғида.— Қодиржон унга иккинчи молхонада шу йилнинг ўтган уч ойида сарфланган озуқа, меҳнат кунни ва етиштирилган сут маҳсулотлари ҳамда умумий таннарх ҳисоблари аниқ ёзиб қўйилган саҳифани очиб берди.— Мана, мана, бу... молхонада



жами 96 сигир бор. Ундан қирқ биттаси соғилади. Йигирма учтаси бўғоз, қолганлари қисир. Кўпи туққанидан кейин олти ойча сут бериб, кейин сутдан чиқиб кетган. Мана, сигир бошига сарфланаётган ем-хашак рационни, мана бу таннарх...— бир четдан кўрсатиб берди Қодиржон.— Ҳамма сигирга барабар ем-хашак берилади: фақат қирқтача сигирдан сут олинади...

— Шунга қарамай, ҳамма сигирлар ориқ,— қўшиб қўйди раис. Дафтарни яна кўзига яқин тутди, худди шунинг устига партком кириб келди.— Келдингизми?— деди раиснинг унга дафтар тепасидан кўзи тушиб,— мана, кўринг бунини!— Асад дафтар муқовасидаги «З-ҳисоб» деган ёзувга кўзи тушиши биланоқ, гап нима хусусда эканини тушунди, Қодиржонга қараб қўйди.

Асад катак қоғозни олиб кўздан кечира бошлади. Унда иккинчи молхонада сигирларнинг яхши боқилмаслиги, ем-хашаклар тўкиб-сочиб исроф қилиниши, беда яхши қирқиб берилмагани учун сигирлар нишхўрд қилиб тагига олишию молбоқар ва сигир соғувчиларнинг ишга кечикиб чиқиши, икки молбоқарнинг ўз сигирларини ҳам молхонада колхоз сигирлари қатори боқиб уйига олиб бориб соғиши ҳамда кечаси беда ўғирлашлари ҳақида хунук хат билан эгри-бугри қилиб ёзиб, икки саҳифа тўлатилганди. Хат ёзган кишининг исми ёзилмаганди.

— Ким берди бунини? — деди Қодир.

— Униси важний эмас, ёзган фактлари важний,— деди раис ғазабнок. У, бунга нима дейсизлар, дегандек партком билан экономистга тикилиб турарди.

— Мана, таннарх, мана, ўғирлик,— деди у З-ҳисоб дафтарига, кейин катак қоғоздаги ёзувларга ишора қилиб, бу билан у экономисти ва парткомининг кўпдан бери типовой молхона қурайлик, деб кўтариб юрган ғалваларига ишора қилмоқда, аҳволни кўриб қўйинг олдин, ўғирлик, юлғичликни тугатинг, демоқчи эди. Бунини Қодир ҳам, Асад ҳам тушуниб туришарди.

— Бунга ҳам қолоқлигимиз сабабчи,— деди Асад.

— Э, ҳамма нарсага гап топиб гапиришни биласизда, Асаджон,— гардани тиришди раиснинг.— Аксинча, колхознинг қолоқлигига шу юлғичлик, ошна-оғайнигарчилик сабабчи!

— Рост,— деди Асад раиснинг кўзига тик қараб.— Билсаиғиз, шу ошна-оғайнигарчилик, кўпчиликнинг мулкани ҳурмат қилмаслик колхозимизнинг тутунини чиқаряпти, ҳатто ёндирияпти.

Асад нимага, кимга шама қилаётганини раис фаҳмлаб қолди, тумшуғи осилиб кетди. Қодир катак дафтарчадаги ёзувга кўз тикиб турганди. Худди шу пайт эшик тарақлаб очилди-ю, кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлиб бош бухгалтер Сулаймон отилиб кирди.

— Ҳой, нима қияпсизлар ўзи бу ерда? Иккинчи молхонага ўт тушиб кетибди,— ҳовлиқиб бақирарди у.— Ўт, ўт тушибди.

Учови ҳам бир-бирига қараб, ҳайрон бўлиб, бир нафас қотиб қолишди. Кўз қарашларидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Ташқарида эса машина устма-уст сигнал берар, кимдир ваҳима ичида бақириб-чақирарди. Ҳаммадан бурун ташқарига Асад отилди.

— Ўт қаердан чиқади? Бу аблаҳлар шу даражага етганмиди?— бош бухгалтернинг орқасидан чопди раис.

Қодир қандайдир кўнгли ғашлик билан Одил билан Тоҳирани эслар, ҳеч нарсани англай олмасди. «Қаердан чиқади ўт?»— дерди ҳаллослаб машинага чопаркан.

### 3

Қуруқ беда орасига тушган чўғ тутаб ётиб-ётиб тил чиқарди. Дам ўтмай у оч илондек у ёқ-бу ёққа аста толпиниб, янги ўлжалар излай бошлади. Хас-

хашаклардан ҳатлаб ўта-ўта охири бориб, оғилхона оралиғига тўкиб қўйилган қуруқ беда ғарамига туташди... Ундан икки ёнбошдаги катта-кичик оғилхонанинг гувалаклари қачонлардир нураб кетган синч деворларига ўрмалаб чиқди, қамиш бўғотларига ёпишди... Молхоналарнинг ичини ҳам, ҳовлини ҳам аччиқ тутун қоплади. Сигирлар, бузоқлар безовталана бошладилар...

Очиқ оғилхонада панжара орқасига қамаб қўйилган бузоқчалар ўйноқлаб сузишар, катта оғилхона тўрида, саройнинг ҳар қаер-ҳар қаерида чўзилиб ётган сигирлар бемалол кавш қайтарарди. Сарой ҳовлисига лайлак қилиб қўйилган қўқон арава гупчагига боғланган тарғил йўрға эса гоҳ тўрвасига тумшуғини суқиб ем куртиллатар, гоҳ думини ўйнатиб, устма-уст кишнаб қўярди.

Ёнғин молхонанинг четки бурчагидан бошланганлиги учун кўчадан аҳёнда бир ўтадиган йўловчилар пайқамай кетаверишларни мумкин эди. Ҳамма ёқни ғафлат босганга ўхшарди.

Бир вақт қийиқчасини елкасига ташлаганича, қаддини сургаб босиб ёрдамчи молбоқар Маллахон келиб қолди. Дарвоза қулф. Тирқишдан қараб, ҳовлида тутун кўрди. Қўрқиб кетди. Югуриб бориб доим калит қўйиб юришадиган белгили жойга қаради. Калит йўқ... Одил калитни хаёл-беҳаёл бошқа бир тешикка тиқиб кетганди. Довдираб қолди. Бориб деворга тармашди. Ўзи пакана эди. Икки-уч сапчиди, қўли етмади. Том устида буралаётган тутунга кўзи тушди, молларнинг безовталаниб бўкиргани, отнинг кишнаши қулоғига кирди. Шу орада кимдир келиб қолган эди.

— Уйимиз куйибди, молхонага ўт тушибди,— деб бақирди эсига келди холос, у киши дарвозадаги қулфни кўрди-ю, одамларга югурди...

Шум хабар кўршапалакдан ҳам тез учади, дейди-

лар, иккинчи молхонага ўт кетибди, деган совуқ хабар бирпасда оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа ўтди. Ҳамма ҳовлиқар, ҳамма шошар, нега чиқибди, нимадан чиқибди дер, молхонага қараб чопарди... Дам ўтмай молхона атрофида одамлар уймалашиб қолишди. Кимнинг қўлида челақ, кимнинг қўлида кетмон. Кимдир югуриб қўлдаги кетмони билан дарвоза бурнида осилиб турган қулф зулфинига қулочкашлаб туширди. Дарвоза шарақлаб очилиб кетди. Шамол бўлмагани учун сарой ҳовлисида сузиб юрган тутун ташқарига қараб оқди.

Раиснинг кўкиш «Москвич»и ҳам етиб келди. Ундан раис, Қодиржон, Асад ва яна аллаким отилиб чиқди. Асад уч-тўрт йигитни арава билан колхоз омборида кўпдан бери занг босиб ётган ўт ўчириш насосини опкелишга юборди. Молларни ташқарига чиқартира бошладилар. Қодир ҳам ўт-тутун ичида сигир-бузоқларни ечиб, қувиб чиқаётганлар ичига шўнгиганди.

— Район пожарнийларига телефон қилиш керак. Одам чоитир.— Энди эсига келиб қолди раиснинг. Ўзи эса у ёқдан-бу ёққа югурар, ҳаммани сўкар, қичқирарди.— Қани молбоқарлар, қаёққа кетишган ўзи?!

Пешинда дам олишга уйига бориб мизгиб, хиёл ҳаяллаб қолган Зоҳид раиснинг олдида пайдо бўлиб қолди.

— Қаёқда эдинг! Нима қилиб қўйдинг?! — унга ташланди раис. Зоҳид ўзи қаердан ўт чиққанига тушунолмай, гарангсиниб турган бўлса ҳам тик сўзлигидан қолмади:

— Мен йўғимда нуқул калитларимни қўйган жойимдан олиб буқачасига кунжара тикиш учун молхонага кирадиган зоотехнигингиздан сўранг буни! у Одилнинг бундан олдин ҳам икки-уч бор калитни қўйган жойдан олганини сезганди. Орқасидан раиснинг:

— Нима, нима? — деб бақирганига ҳам қулоқ солмай, молларни ташқарига ҳайдаётган одамлар орасига кириб кетди.

Шу орада чойхонада ўтирганида орқасидан иккинчи молхонага ўт кетганлиги ҳақидаги хабар етиб бориб, таҳликага тушиб қолган Одил келиб қолди. Мотоциклини бир четга қўйиб, одамларга бир нафас қўрқув ичра аланглаб турди. Кейин буқачаси боғланган кичик оғилхона сари чопди. Бу оғилхонага уч-тўрт ғунажин ва ўнга яқин бир ёшли бўрдоқи буқачалар боғланганди. Одил уларнинг орасига, холироқ жойга ўз буқачасини тиркаб қўйганди. Ўт бу оғилхонага эшик томондан ёпирилиб боргани учун ичкарига кириб бўлмасди. Одилхон югуриб бориб, кичик оғилхонанинг чап томондаги ярим нураган гувалакларидан беш-олтитасини таталаб туширди. Синчлар орасидан суқлиб ичкарига кирди.

— Яхши йўлини топдинг! Киролмай турган эдик.

— Тезроқ, тезроқ еч! — орқасидан бараварига бақиришди одамлар. Оғилхона ичи тутунга тўлганди, шифтида ўт ўрмалар, ғунажинлар бетоқат питирлар, ўтдан қочиб бир томонга тиқилар, бўкиришарди. Одил югуриб борди-ю, дастлаб ўз буқачасини ечди. Уни итариб ўтдан ўтказиб юбормоқчи эди, эшик яқинида гуриллаб ёнаётган алангадан ҳуркиб тисарилди. Уни четга қўйиб, ғунажинларни ечиш учун олдига борди, шу пайт тепадан гуриллаб олов билан тупроқ ёнига тушди, ўт ёлқини юзининг бир томонини ялаб ўтди. Йигит қўрқиб кетди. Ғунажиннинг қўлга олган арқонини икки-уч силтаб тортган эди, яна устига гуриллаб ўт тушди. Қочиб буқачасининг олдига борди. Жон талвасасида девор тешигини кенгайтирди, итариб буқачасини чиқарди. Кетидан ўзи қочиб чиқди.

— Падарига лаънат, ёниб кетишимга оз қолди, падарига лаънат, ёниб кетишимга оз қолди, — дерди ўтакаси ёрилгудек бўлиб.

— Бошқалари нима бўлди?

— Ҳа, бир тўда буқачалар бу ёқда ўт ичида қолиб кетди,— у ёқдан-бу ёққа югуриб бараварига бақира бошлашди одамлар. Ҳеч кимнинг ичкарига киришга юраги бетламасди.

Қодир икки йигитнинг қўлига, девор тешигини кенгайтиринг, дея кетмон берди-ю,ўзи атрофдагиларнинг: «Қирма, ўт остида қоласан!»— деганига ҳам қулоқ солмай, бир сапчиб ичкарига кириб кетди. Қодиржон бу кичик оғилхонада колхознинг сигир қилиш учун асраб боқаётган тўртта зотли ғунажини ҳам турпишни билар эди.

Қодиржон шифтда, ён деворларда ўрмалаб юрган олов куйдириб юборгудек бўлиб лопиллаганига қарамай, бетоқатланиб, уриниб бўкираётган ғунажинлар олдига борди. Тўр томонга ўтиб, ўзини ўтдан пана қилган бўлди. Ёнғин асосан оғилхонанинг қуйи эшик томонида эди. Йигит қўлидаги пичоқ билан ғунажинларнинг арқонларини бирин-кетин шартиллатиб уза бошлади. Баъзи ғунажинлар ўт ичида ўзини ташқарига отди, баъзиларини деворнинг бузугини кенгайтириб тортиб ола бошладилар...

Қодир ичкарида ғунажинларни бойловдан тез бўшатар, ташқаридагилар унга:

— Қоч, ғунажин қолса қола қолсин,— деб юрагини ҳовучлашарди. Бу орада сув тиғи келиб шифт бўғотларига урила бошлади.

Қодиржон шу алфозда тўрт ғунажин ва олти буқачани арқонини кесди. Ун биринчисини узиб ўн иккинчисига қўл узатганида эшик олдидаги ёғоч ва тўсин қарсиллаб синди. Ёнғиндан қочиб четга тортилиб турган ғунажинлар яна тисарилишди. Улар тиқилишиб бориб Қодирни ҳам охурга сиқиб қимирлатмай қўйган эди. Энг четдаги ғунажиннинг устига томнинг бир қисми босиб тушди. Қулаган тўсин учи Қодирнинг елкасига тегиб уни ҳам йиқитди. Ташқарида кимдир чин-

қириб юборди. Зоҳид жони борича бақириб, тупроқ устига отди ўзини. Том тупроғи ўтнинг кўп қисмини ҳам босиб тушиб ўчирганди.

Ҳамма атрофдан бараварига ёпирилиб, тупроқ устини оча кетди. Қимдир ходани кўтарар, қимдир Қодир қолган жойни мўлжаллаб тупроқни тортарди.

Қодирни тупроқ орасидан бир дамда тортиб олишди, у кўзини зўрға очиб, гандиракларди. Хари елкасини яхшигина эзганди, ёнган тўсин кийимларини жизгинак қилиб ўтиб, чап сонини куйдирган экан. Тутун нафасини қисганди. Тағин ҳам тўсинлар қиялама тушиб, охурнинг бурчагида анча жон сақлаб қолган экан. Унга сув сепишган эди, тетиклашди. Худди шунинг устига узоқ бргадада бедапоя қўриқлаб юрган тоға от елдириб етиб келиб қолди.

— Нима бўлди? Нима қилди? Қаердан чиқди ўт?— унинг кўзи ҳаммадан бурун жиянига тушди.— Нима қилди, жиян? Вой жияним! — бақириб ўзини унга ташлади. Унинг бақиригига тетикланган Қодир хиёл жилмайди. Тоғасининг кўзига тикилди. Унда қўрқувга ҳам, худди шунингдек, қувончга ҳам ўхшаб кетадиган бир нарсани сизди Қодир. Беихтиёр кейинги кунга белгиланган правление мажлисини эслади. Тоғаси Қодирнинг унга энди қатнашолмайдиган бўлганини билиб, ич-ичидан суюнжпни шекилли! Ичида, ажаб бўлди, дейпти... Қодир ўрнидан ўзи туришга уринди, лекин тупролмади.

— Ҳозир машина келади, қимирлама,— дейишди.

Атрофда одамлар гир-гир айланишар, Қодирнинг устида уймаланишар, энди анча пасайиб қолган ўтга гоҳ сув, гоҳ тупроқ сепишар, молларни ташқарига ҳайдашарди.

Кўпчилик фалокатдан устун чиқди. Раис чақиртирган район ўт ўчирувчилари ҳам ўт ўчгандан кейин етиб келиб, қолган-қутганларини ўчиришди.

Ярим-яланғоч далаларга, зумрад либосини кийиб улгурган боғларга тун ўрмалаб кирди. Деразаларда чироқлар ярақлади. Кечки шаббода майсаларни силаб ўтди, правление аъзолари идорага кириб кела бошладилар. Правление мажлиси тайинланган кун етиб келганди. Одамлар бу мажлисдан кўп нарса кутишарди. Колхоз раҳбарлари орасидаги келишмовчилик, айниқса, кун кеча иккинчи молхонадан чиққан ёнғин кўпларни ғалаёнга солиб қўйганди. Тоҳира ёнғин чиқиш сабаблари ҳақидаги билганларини райондан келган текширувчиларга айтгач, ҳамма ғазабга келди.

— Қодиржон шўрлик колхоз моллини қутқараман, деб ўзини ўтга отиб, куйиб ётибди у ёқда!

— Бу ёқда эса беш қўлини оғзига тыққанлар унинг бахтига чанг соляпти!

— Бечора Тоҳира!

— Қачон тугайди бундай бемазагарчиликлар!— аравакаш ҳам, шофер ҳам, сувчи ҳам, боғбон ҳам, молбоқар ҳам, кетмончи ҳам шуни такрорларди. Ёнғин гўё кўп ярамасликлар юзига тортилган пардани куйдириб ташлаганга, кўп яширин яралар юзини очиб қўйганга ўхшарди.

Яраш колхозга кейинги кунларда келмай қўйганди (келса ҳам балки кечаси келиб кетадими). Низом уйдан кўчага кам чиқар, чиққанида ҳам мушук юриш қилиб оёқ учида пастқамлардан писиб ўтиб кетарди. Фақат ҳали раис дўпписини ерга қўйиб ўйлаб кўрмаганди.

— Йўқ, буларнинг ҳаммасига илгариги раислардан мерос бўлиб қолган бебошликлар сабабчи, улар одамларни ўз ҳолига қўйиб, эркалаб жуда суйилтириб юборишган эди. Ёнғин ҳам шунинг касофати!— дерди у.

Яраш одамларнинг авзойини пайқаб:



— Бу аҳволда ҳозир растрат аризасини правление-га қўйиб бўлмайди, бир оз тура турайлик,— деганди бир куни кечқурун раиснинг уйига бориб. Раис депсиниб тушди.

— Мен айтганини қиладиган одамман, шуни биласиз-а? Бас! Тўрт-беш вайсақи қутургани билан осмон узилиб ерга тушгани йўқ,— деди.— Улар ҳали молхонага ўт тушишини бошқа нарсага йўйиб юришибди. Мен уларнинг эсини жойига тушириб, бу ниманинг оқибати эканини кўрсатиб қўяман. Ҳа, шундай қилмасам, ишини йўлга солиб бўлмайди ҳам!

— Худо ўзи қўлласин сизни! Пирлар мададкор бўлсин! — дуоғўйликка ўтди Яраш.

Правление мажлиси бошланишига саноқли дақиқалар қолди. Иш этикларига, ботинка ва калиш-маҳси-ларига шудгорда илашган лойни правление эшиги тагига келиб зина ва кесакиларга тарақа-туруқ қилиб суркашаётган бригадирлар, агрономлар бир-бирларига қаттиқ-қаттиқ ҳазил қилишарди.

— Хотиннинг индамайдими дейман, соқолни патак қилиб юборибсан?

— Соқолни эмас, бугун раисдан ейдиган даккингини ўйла!

Чойхона олдида Раҳмат қўлнинг қорнига қўйиб, идора томондан кўзини олмай айланиб юрарди. Низом орқа эшикдан бош бухгалтер Сулаймоннинг олди-га кириб-чиқиб турибди. «Пухта қилинг ҳаммасини, пухта қилинг, актининг аслини секин бир четга олиб қўйинг!»— гап ўргатарди у қошини учуриб. Кейинги кунларда ранги сўлинқираб, кўзининг тагида кўкиш халталар пайдо бўлган бош бухгалтер Низомга биров билиб қоладигандек кўз қирида имо қилди.

Ниҳоят, секретарь ҳаммани ичкарига таклиф қилди, мажлис бошланди. Раис тўрда ўтирган стулида қимир-лаб қўйди. Атрофини салобатли бир вазминлик қуршади.

Раҳмат ҳам идорага яқин келиб, бу атрофда маж-  
лисни сиртдан кузатиб айланиб юрганлар қатори гоҳ  
эшикдан мўралаб, гоҳ деразага бўйинини чўзиб, ичка-  
рида бўлаётган гапларни эшитишга ҳаракат қилди.  
Олдин деразадан раиснинг кўча томонга орқасини  
ўнгирганича ўтирганларга қўлини пахса қилиб гапираёт-  
ган гавдаси кўринди. У қўлини силтаб-силтаб қўяр,  
гоҳ алланималарга ишора қилиб ҳаракатга тушиб ке-  
тарди. Мажлис уни вазмин тингларди. Ундан кейин аг-  
рономнинг семиз гавдаси ўртага чиқди, кетма-кет ял-  
тироқ пешанасини кафти билан ишқаб бош бухгалтер  
ўрнидан турди.

Бош бухгалтер қўлидаги қоғозга қараб, алланпма-  
ларни ўқиб бериб бўлар-бўлмасиданоқ, ичкарини ғала-  
говур босиб кетди. Қимларнингдир, бу ёқда қилиб қўй-  
ган катта ишини ахир ҳисобга олмайсизми, Асад ахир  
ҳеч ким қилмаган ишни қилди, унинг қайроқисн тўрт  
баравар ҳосил тўкади, деган гаплари Раҳматнинг қу-  
лоғига узилиб-юлиниб кирди. Раиснинг: «Пландаги ер-  
нинг 12 гектарини ўзбошимчалик билан кузгига қол-  
дирганига нима дейсиз, районга биз нима деб сводка  
берамиз?»— деганини эшитди. Ичкарида яна ғала-го-  
вур кучайди. Раис уларни босиб:

— Ўзбошимча бўлиб кетибсизлар, далада эртаги  
экинларнинг сурғалиши ҳам, молхонага ўт кетиши ҳам  
ўзбошимчаликлар оқибати! Биз ўзбошимчаликни йўқот-  
мас эканмиз, колхозни тузатолмаймиз,— деди. Раис  
жойига ўтирмасданоқ баъзи бригадирлар олдин-кетин  
қўл кўтариб сўз сўраб, ўринларидан тура бошладилар.  
Раҳмат буларнинг кўпчилиги илгари йиғилишларда  
жимгина писиб ўтириб, кўнгилларига ёқмай қолган гап  
бўлса ҳам кўчага чиққанидан кейин ўзларича пўнғил-  
лашларини биларди. Ҳозир булар дадиллашиб қо-  
либди.

— Хўш, раис нккинчи молхонага бирор марта бош суққанмидилар?

— Нега камчиликларимиз ҳақида гапирсак, раисга ёқмаяпти? — бунга ўхшаган гапларни Раҳматгина эмас, эшикдан мўралаб турган бошқалар ҳам эшитдилар.

Кейин деразадан Асаднинг туриб гапиргани кўринди. Раис унинг сўзини уч-тўрт марта бўлди. Ариза-паризалар ва шу кабилар мажлиснинг охирида, кун тартибининг «бошқа масалалар» қисмида кўрилди-да.

Ниҳоят, раис мажлисни якунлашга ўтди. Ўрнидан туриб олиб, йўл қўйилган хатолар, вазифалар, топшириқларнинг аҳамияти ҳақида роса ваъз ўқиди. Кейинги мажлисгача ҳамма бригадалар ишини яхши йўлга қўйса қўйди, акс ҳолда, қатъий чора кўражagini айтди. Правление мажлиси дала ишларини янада яхшилаш, эртаги экинларни қисқа вақт ичида экиб бўлиш ҳақида қарор ҳам қабул қилди. Кўпчилик Асаднинг тарафи бўлгани учунми, раис охириги сўзида у ҳақда миқ этмади.

— Анави аризани овозга қўйинг,— деди раис юзлари, бўйинларини артиб, стулга ўзини ташлар экан, бош бухгалтерга. Дераза орқасида турган Раҳмат птитрлаб қолди.

— Қанақа ариза экан?— мажлис чўзилиб жонига теккан кимдир орқароқдан пўнгиллади.

— Раҳматнинг аризаси,— деди бош бухгалтер.— Қарзи бор эди. Қийналиб қолдим, тўлашга қурбим келмаяпти, деб сизлардан илтимос қиляпти.

Хонани бир дамда яна шивир-шивир босди.

— Низом правление аъзоси эмас-ку, нега келиб ўтирибди десам, шунга экан-да,— деди кимдир. Чарчаб қўлини энгагига тираб олган раис бошини кўтарди. Орада шунча гап бўлиб ўтган бўлса ҳам, у ҳали одамлар юрагида қандай ўтлар ёнаётганини сезмаган-

ди. Бош бухгалтер овозга қўяди, ҳамма қўлини кўта-  
ради, деб кутганди.

— Овозга қўйинг,— қистади у бош бухгалтерни.  
Бош бухгалтер эса одамлардан чўчиб қолган, имирси-  
ларди. У одамларда қариндош-уруғчилик ҳиссини уй-  
ғотиб, пешлаб олиш учун дастлаб, Раҳматни мақтади,  
қилган эски хизматлари ҳақида гапира кетди.

— Раҳматнинг қарзини биласизлар, бир вақтлар  
колхоз молини Сибирга олиб борганида кўпи ириб-чириб  
кетган, бу ҳақдаги актлари ҳам бор,— бошқа гапни ай-  
лантирмади бош бухгалтер.

Одатда бунақа масалалар кўрилганда кўпчилик  
бошлиқларга инонар, буни ўзлари роса текширишган,  
биз фақат расмийт учун қўл кўтаришимиз керак, деб  
ҳам биларди. Бу гал ҳам баъзилар шундай деб ўйла-  
ли, айримлар бош бухгалтер овозга қўймасидан қўл-  
ларини кўтаришга ҳозирландилар. Лекин қарз тарихи-  
дан хабардорлар кўп экан.

— Актларнинг сохталиги аниқланган эди-ку!

— Ҳали тўламагандими қарзини?

— Колхозникини туя қилишга жуда ўрганиб қолиш-  
ган-да,— деган овозлар эшитилди.

— Жим. Овозга қўйинг,— деди раис. Бошқалар  
менга эргашади деб ўйлади шекилли, биринчи бўлиб  
ўзи қўлини кўтарди. Шошиб қолган Раҳмат деразани  
қўйиб эшикдан югурди. Унинг юраги ҳаприқарди.

Эшикка етиб бориб, тирқишидан аранг мўралаган  
жойида у фақат раис, Низом, бош бухгалтер ва яна бир  
киши — жами тўрт кишининг қўл кўтарганини, бошқа-  
ларнинг қовоғи осилиб ўтирганини кўрди. Тиззалари  
қалтираб бўшашиб кетди. Раис ўрнидан жаҳл билан  
туриб: — Нега бундай қиласизлар? Ахир ҳаммаси кў-  
риниб турган нарсаси-ку,— деди бўшашган овозда. Шу  
пайт Асад ўрнидан туриб:

— Буни биз яхши биламиз, Саъди ака. Биз эски  
чархда айланишдан қутулайлик, дедим-ку! — деди. Ра-

иснинг кўзи пешанасига тортиб кетгандек бўлди, тагидаги стулни зарб билан ғийчиллатди...

Шу билан мажлис тугаганини пайқаган одамлар аста-аста туриб тарқала бошлашди. Низом бурчакка қисилиб кетганди... Рансинг бир Асадга, бир бошқаларга ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўйишларида, бу одамларни бузди, яна олдинги колхоздагидака бўлапти, бу билан ишлаб бўлмайди, деган маъно ҳам бор эди.

Одамлар чиқиб кетмоқда эдилар. Раҳмат деворга қапишиб турарди. Кўзлари олайиб, мўйловлари шалвираб осилиб қолган Низом одамлар орасида қимтиниб, бошини ҳам қилиб чиқди-ю, Раҳматга дуч келиб қолишдан қўрқиб, орқа эшикдан ўзини қоронғиликка урди. Бош бухгалтер кафти билан ялтироқ бошини силай-силаё зўрга чиқди-да, хонасига кириб, стулга ўзини ташлади... Ранс шу кун тунни билан ўз кабинетидан чиқмай, уйига ҳам кетмай қолиб кетди.

Бир вақт партком Асаднинг ичкаридан чиқиб келатганини кўрган Раҳмат уйқудан уйғонгандек чўчиб кетди. Икки сапчиб ўзини кўчага олди.

Мажлис жуда кеч тарқаганди. Баҳор ҳавоси айниб, кўкда ёмғир булутлари сузар, шамол эса аллақадан кўкдам гуллари ҳидини олиб келиб димоққа урарди. Тоза ҳаво оғир мажлисдан толиқиб чиққан танларга ором берарди. Аллақадарда хўроз қичқирар, яна қаёқлардандир булбул чаҳчаҳи эшитилар, ой булут кемтигидан мўралаб-мўралаб қўярди.

...КЕЙИН:

Кейин нима бўлди, дерсиз? Бу колхозга кейин бир борганимда эшитишимча, правление мажлиси Раҳматнинг қарзини ўчириш ҳақидаги илтимосни рад этганидан кейин, Қодирнинг пулини кечикиб бўлса ҳам олиб тўлашдан бошқа иложи қолмабди. У қарздан қутулиш-

га қутулибди-ю, лекин бари бир иши судгашибди. Чунки, Раҳматнинг ўзи айтишича, мажлис ими-жимида ҳал қилмагач, бутун ишни эл-халқ билиб, гап район марказига ҳам етиб борган экан-да! Яраш энди район-дагиларни қўлга олиш пайига тушганмиш...

Молхонага ўт тушишига сабабчи бўлган Одилхон эса чойхонада ароқхўрлик қилиб бировни уриб, қўлга тушишдан қўрқиб, қочиб кетганмиш.

Қодир билан Тоҳира нима қилишди, дерсиз? Қодир касалхонадан тезда тузалиб чиқибди. Правление мажлиси яхши натижа бергач, колхозда чинакамига кўкрак кериб ишлаш учун мана энди пайт келяпти, одамлар активлашяпти, дея янада ғайратга кириб кетибди. Аммо ҳамон у рансинг ишларига тоқат қилолмай, тажанг бўлиб юрар эмиш, ораси тез-тез бузилармиш...

Асадни раис, сиёсий-партиявий ишлар билан яхши шуғулланмаяпти, деб парткомлигидан бўшатирибди, у фақат бригадирлигида қолибди...

Бўлаётган воқеалардан қаттиқ изтиробга тушган Тоҳира кейинги вақтларда анча вақт бетоб бўлиб ётди, дейишади. Тузалиб, ўрнидан турганидан кейин у эл орасида кам кўринадиган бўлиб қолибди. Қодир совчи юбортирган экан, фотиҳа — худонинг муҳри, уни ахир бировга фотиҳа қилиб қўйганмиз-ку, деб қайтаришибди. Шунга қарамай, Тоҳира билан Қодир тез-тез учрашиб турармиш. Ахир икки пок қалб бир-бирига интилганда, уни ким тўхтатоларди?

Ҳозирча бор гап шу, кейин нималар бўлади, яна кўрамиз.

## ҚАЛБНИ УНДАДИ

Ҳури бундан ўн беш кунча бурун янги трасса бошига кўчиб келишаётганида Камолни илк бор кўрганди. Шунда қўшни аёллар абжир танк шатагида қум денгизи қаърига ўрмалаб кириб бораётган вагон-уй деразасидан машина олдида шоферга алланималар деб бақираётган қорачадан келган барваста йигитни кўрсатиб:

— Анави ўғрини кеча Тимофей Алимович бригадамизга ишга бошлаб келибди,— дейишганди.

— Ўғри?!— Ҳурининг юраги орқасига тортиб кетди. — Тўғри одам қуриган эканми?!

У жингала-жингала сочларига толбаргак тақиб юрган вақтлари отаси йўғида кечаси уйларига ўғри тушганди. Онаси билан уни кўрпага ўраб ташлаб, уйларидаги бор нарсаларини қоқиштириб олиб кетганди. Шундан бери Ҳури ўғри сўзини эшитса, юраги орқасига тортадиган бўлиб қолган.

Камолнинг бўртиб турган ёноқлари, ўйноқи кўзлари, оппоқ тишлари ҳам жувон қалбига ваҳима солар, ундан ўзини олиб қочиб юрарди. Лекин...

...Керакли машина ва битумларнинг ҳаммаси ҳали етиб келмагани учун бригада янги трассада иш бошлаган, бошқалар каби Ҳури ҳам майда-чуйда ишларни қилар, иш бўлмаса вагон-уйга кириб олиб ё китоб ўқир, ё уни-бунни тўқишга бошларди. Ҳозир ҳам бундан бир ҳафтача бурун қўлга олган дарпардасини ростлай бошлаганди, тахта зина гурсиллади-ю, эшик тарақлаб очи-

либ, олдин Васка, ундан кейин ўша — ўғри Камол рухсат сўрамасданоқ кириб келаверишди.

Гап шундаки, уста ўйинчи, гармонь чаладиган, лати-фағўй, қувноқ йигит — Восиқ (дўстлари уни суйиб Васка дейишарди) ўзининг шўхликлари билан жувонни мафтун қилган эди. Думалоқдан келган лўппи юзлари, доим завқ билан ёниб, кулиб турадиган зайғори кўзлари, келишган қадди-қомати унинг кўз олдидан кетмасди. Йигитдан анчадан бери жиддий ишқ изҳорини кутарди-ю, аммо кўпинча бунинг ўрнига қизиқ латифаларни, юракларни ҳовлиқтирувчи илмоқли ҳазилларни эшитар, қафас атрофида юрган қушчанинг қачон ичкарига киришини билолмай дил армонда эди. Ҳурини бахтиёр қилиш ўрнига олдиға ўғрини бошлаб келгани нимаси?! Жувон шошиб қолди. Ишларини апил-тапил йигиштириб четга қўйди-да, сапчиб ўридан турди.

— Бригадамизнинг янги аъзоси — Аъзамов Камол Аъзамович. Сиз билан танишиш шарафига муяссар бўлишни мендан илтимос қилдилар, — деб Васка қадимги киборларга хос ўхшовсиз қилиқлар қилиб, эгилиб-букилди. Камол унга эътибор қилмай:

— Ҳурихон биз билан танишгилари келмай қочиб юрибдилар, — деди.

— Вой, нега? Йўқ! — деди нима гаплигини тушуна олмай қолган Ҳури.

Кеча Камол ўртоқлари билан битум қозонларини қуришгаётганида Ҳури бригада аёллари билан уларнинг олдиға борганди, гаплашганди. Шунда Камол нима учундир унга тез-тез қараган, ҳатто гап ташлаб, яқинлаб кела бошлаганди. Ҳури ундан қўрққани, ўғри деб нафратлангани учун, гапини эшитмаган бўлиб тескари қараганди. Ҳури қизариб кетди. Васкага, бошлаб келган одамингни қара-ю, дегандек киши билмас хўмрайиб турганди, у яна ҳазил қилди:

— Ҳурихон йигитларни хафа қиладиганлардан эмаслар!



Васка бу гапни бошқа вақтда, ўз одамлари орасида айтса, Ҳури парво қилмас, ҳазилга ҳазил билан боплаб жавоб қилиб кетаверарди. Ҳозир ёқмаган бир одамини сўроқсиз бошлаб келиб, яна бундақа бемаъни гап қилиши устихонидан ўтиб кетди.

— Огзингизга қараб гапиринг, бўлмасам хафа қилишгина эмас, эсингизни тескари қилиб қўйишим мумкин.

— Вой-бў,— ясама қўрқув ичида кўзларининг пахасини чиқарди Васка.— Эсим тескари бўлмасдан бурун қочиб қолай, бўлмасам...— Ҳури менга кулиб, ялиниб қайтаради, деган умидда эшик томон уч-тўрт қадам ташлади. Ҳури қаҳрли кўзларини кўтармади, «кетсанг, ундан нарига ўтиб кет» дегандек, четга қараб тураверди. Лекин Камолнинг қабарик ёноқларида табасум ўйнаганини кўрди.

— Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳо.— Сув юқмас Васка эшикка борган жойидан қайтди-да, Ҳурининг ўрнига бориб лоп этиб ўзини ташлади.— Ўтакамни ёрай дединг-а. Майли, эсимни тескари қилсанг ҳам розиман... Мана, тескари қила қол,— бошини тутди у.

Васканинг қилиқлари Камолга оғир ботаётганини, ҳатто бу бетаъсир билан бу ерга бирга кириб қолганига ҳам пушаймон бўлаётганини кўзларининг бетоқат пирпирашиданоқ пайқади Ҳури.

— Вой, ўтиринг,— деди у қўрқа-писа жой кўрсатиб.

Камол каравот қиррасига суянди, чўнтагидан папирос олиб, уни эзди-да:

— Бўлганинг шуми ошнам?— деди қовоғини солиб Васкага.

— Ҳа, дарров нима гуноҳ ўтди биздан?— Васка кўзларини катта-катта очганча, ўзини орқага ташлаб ясама кулди.— Ваҳ-ҳаҳ-ҳо... Ошнамга қилиғим ёқмади шекилли, таъблари жуда нозикми дейман-а? Ваҳ-ҳаҳ-ҳо!.. Қаердан олгансиз бундақа таъбни-а?

— Нима?— Камол хунук чимирилди.

Васка уни эшитмаётгандек, қорнини лопиллатиб кулаверди.

— Таништиргин деб сургаб келдинг, мана таниш-майсанми бу жонон билан ахир! Мана...— Ҳурини итарди олдинга. Ҳури уни қаттиқ силтаб ташлади...

— Бўлди, ўчир овозингни!— бақириб юборди Қамол. Тишлари тақирлади.— Ҳали шунақамидинг сан?!

— Э, кўзингни олайтирма, қофияси келиб қолганда, гапингга гап қилдим-да.— Тўғри ўтириб, кепкасини тутатиб кийди Васка.— Жанобларига ҳазил ҳам қилиб бўлмайдими?

Қамол «шарлатон» деди ичида, кейин этагини силкиб чиқиб кетар экан:

— Кечирасиз, Ҳурихон, узр, мендан ўтибди,— деди, унинг «узр, мендан ўтибди»сида мунг бор эди. Жувон қалби уни тушуниб, уф тортди...

\* \* \*

Ҳури яхши онла ва бахт орзуси билан чин севги иштиёқида яшарди. Рости шуки, бундан беш-олти йил бурун онаси ва тоғалари эндигина йигирма баҳори кулган Ҳурига қариндошларидан бир йигитни топиб, таништиргандилар.

— Шу йигитдан совчи келяпти сенга, ўзи ҳам ақлли, яхши йигит. Ёшнинг ҳам етиб қолди, тегсанг шундай йигитга тегасан-да,— дейишганди.

Бўлажак келин-куёв икки марта кинога тушишди, ҳар икковида ҳам йигит Ҳурини таксида кузатиш ўрнига, хаснслик қилиб уйига трамвайда элиб қўйганди. Бу унинг кўнглига оғир ботган бўлса ҳам, «ҳа, пули йўқроқдир-да», деб ўзига тасалли берганди. Тўйдан кейин, ҳафта-ой ҳам ўтмаёқ у ўзгарди. Илгариги юмшоқ

сўз, сертавозе куёв дағал, баднафс ва қурумсоқ бўлди-қолди. Йўқ, пули йўқлигидан, ойлиги камлигидан эмас. (У қандайдир артелда бухгалтер бўлиб ишлар, яхшигина даромад қиларди.) Ўта зиқналигидан дамлаб ичадиган чойларини ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларини тўплаб, тугди. Емай-ичмай, тилла буюмлар, қимматбаҳо мол-ҳоллар йиғди. Ҳатто Ҳурига, «одамлар кўрса, артелдан ўғирлаб, бойиб кетишяпти, дейди» деб, тузукроқ кийим-бош ҳам қилиб бермади. Гарчанд ёлғиз онасининг қарамоғида бўлган бўлса ҳам Ҳури яхши кийган, яхши ўйпаганди. Илгари катта ишларда пшлаб келиб, бевақт вафот этган оталари учун олишадиган нафақалари она-болага етиб ортарди.

Ҳури эрига: «Бўлмасам ўзим ишлайман, ўзим топиб кияман, ейман, онамга ҳам қарашаман»,— деди. Эр кўнмади.

— Йўқ,— деди қапалаги учиб.— Тўғри келмайди...

У аёли ишласа, кўпчиликдан ақл ўрганиб, вақти келганида ўзимга ҳужум қила бошлаши мумкин, деб ўйларди. Хотинининг эри тўплаган бойликларини емай-ичмай она товўқдек беркитиб, янги моллар топиб келишини кутиб ўтиришинигина истарди. Хуллас, эр-хотин мурса қила олмадилар. Бир йилча зўр билан турмуш қилишгач, Ҳури ёлғиз қизчасини бағрига босиб, бу уйдан чиқиб кетди. Аммо кўп ўтмай, кўз очиб кўргани бу қарисифат, қурумсоқ йиғитни бутун зиқналиги, ғариблиги билан бирга севиб қолганини билди. У энди ўша ёмон эрни, менсиз ёлғиз нима қиялпти экан, қийналаётгандир, деб ўйлай бошлади. Ҳатто унинг ориқ қўллари қалтираб картошка артаётгани, ўчоққа ўзи ўтин қалаётганини кўз олдида келтириб, раҳми ҳам келиб кетди. Эрининг гарчи зиқна бўлса ҳам сира қўпол гапирмаслиги, доим ўзини сизсираб туриши каби яхши фазилатларини эслаб хўрсинди. Аммо уйдан ўзи чиқиб кетган, ўзи яна бош уриб боришга бети чидамасди...

Нафсонияти қаттиқ оғриган эр ҳам уни йўқлаб келмади.

Шу орада нима бўлди-ю, эринг кўлга бориб чўмлаётган экан (у сувда суза олмаслигини Ҳури биларди) чўкиб ўлибди, деган шум хабар келди. Ҳури дод солиб уйига борди. Эрининг кўкариб, моматалоқ бўлиб ётган ориқ гавдаси устига эгилиб йиғлади, лекин энди бефойда эди...

Қайнана эри йиққан молларни берkitиб улгурган экан.

Шундан кейин Ҳури ҳув деб, онасининг уйидан ҳам чиқиб кетди. Дастлаб икки-уч йилча заводда ишлади. Шу орада шаҳарга газ қувури ўтказувчилар колоннаси етиб бориб қолди-ю, у қизчасини онасига қолдириб, ўзи газчиларга қўшилди. Газчилар нўмайгина пул ишлашарди... Газ қувурлари изидан у ёғи Қозоғистонгача боришди, ундан қайтиб, мана Қизилқумни кесиб, Урал сари йўлга тушишди.

Меҳнат ва янги ҳамкасблар, йўллар ва манзилгоҳлар Ҳурининг қалбидаги эски оила ярасининг устини ёпди. Янгича ҳаётга, янги покиза муҳаббатга ундади. Ахир ёш жувон қалбини бутунича ром этолмаган бир одамнинг ҳасратида умрбод мунг билан ўта олмасди-да!

Мана тўрт томон саҳро, саҳро ва яна саҳро... Унда бунда саксовул чўкиртаклари тарвақайлаб ётибди. Уфқ этагида чўпонларнинг қароргоҳ — уйчаси. У гоҳ қум тепалари орасида кўздан йўқолиб кетади, гоҳ қалқиб яна пайдо бўлиб қолади. Газ қидирувчиларнинг темир найзачалари ҳам кунчиқар томонда қум сарҳадлари орқасига чўкиб кетди. Ана, қум устида бир тошбақа букри чолдек чағир бўйинини чўзиб ўрмалаб кетяпти. Ҳури вагон-уй деразасидан оч саҳронинг хомуш манзарасига ўйчан тикилиб туради-да, оғир уф тортади. Қалби худди шу саҳродек бўм-бўшга, на бир гул бўйини ҳидлангану, на севги майдан баҳра олганга ўхшайди. Шу

оч саҳрода келиб-келиб қаёқдаги бир ўғрининг ўзига олаяётганини ўйлаб хўрлиги келади... Одам деб юргани бу Васканинг, ўғри бошлаб келиб қилган бемаънилигини-чи! «Нима? У мени узилган гул деб ўйлайдими?»— жаҳли ҳам чиқа бошлади Ҳурининг. Ёшликни, илк севгини ўйлади, ҳа, у бир вақтлар чинакамига севганди... эҳ...

## ИҲК, ИҲК, ТҲХТАНГ...

Қамолнинг оғир-оғир қадам ташлашидан энсизгина зина гурсилларди. У ҳовлининг ўртасига борган жойида тўхтаб, орқасига қараб қўйди. Деразадан Васкани ҳам уриб-итариб чиқариб ташлаётган Ҳурининг қораси кўринди. Қамол ҳеч нарсани ўйламасликка уринарди. «Ҳурн ҳозир мени ўғри деб чўчиди», деган гапни хаёлига келтиришни сира истамасди. Саҳронинг зулмат тунида кўкда чақнаган юлдузлар гўё бу оч океан қумларидан ҳам кўпроққа ўхшаб кўринарди кўзларига...

Ҳа, у ҳали қароргоҳдаги одамлар ўзи ҳақида қандай фикрда эканлигидан бехабар эди... «...Қандай фикрда экан булар?» деб ўйлаб ҳам кўрмаганди.

У қум устига уйиб қўйилган қора чақич гўлалари орасидан ўтиб кетаётганида, қоплар орқасида ёнбошлашиб ётган қорамойчи Ҳасан ака билан изолировкачи Рафиқ тажангнинг ғалати гаплари қулоғига кирди. Қадами нима учундир кўнгилсиз бир нимани сезгандек, ўз-ўзидан кетга тортилди.

— Тимофейнинг ҳам эси йўқ-да,— дерди Рафиқ,— одамгарчилик қиламан деб, топган кимсасини қара?! Қаёқдаги одам ўлдириб, турмадан қочган каззобни-я!

— Қаёқдан биласан сен уни?— дерди Ҳасан.

— Э, мен уни яхши танийман.

Қамол ўзини четга тортиб, вагон-уй деворига қапишиб қолди...

— Унинг кеча қум орасига беркиниб, болалар билан карта ўйнаганини кўрмапсан-да,— деди бир вақт Ҳасан.

— Нима?— саничиб турди Рафиқ.— Карта ўйнаганини кўрдингму Тимофейга айтмадингми?!

Қамол кутилмаган бу гапларга ҳанг-манг бўлганича қолди. Ҳа, куни кеча бир тўда болалар қум орасига беркиниб карта ўйнашаётган экан, бехосдан устиларига бориб қолди. Нима учундир ўзини йўқотди-ю, картага қўл чўзди, уни болалардан юлқиб олиб турганди ҳамки, тепаларига Ҳасан етиб борди. Қамол картани ўзи ҳам билмай унга тутди. Болалар тез тарқаб кетганди.

«Рафиқ бу ерда эски ахлаттитар косов шекилли,— кўнглига тугиб қўйди Қамол, тун зулматига шўнғиркан,— уни секин бир чеккага тортиб, кўзини очиб қўйиш зарурга ўхшайди. Қамолнинг кимлигини билмайди шекилли, бу ҳали! Тимофей Алимовичга бориб ёмонламоқчи-я, Тимофей Алимовичга!» Қамолни тубсиз чоҳ тагидан тортиб олган, умр бўйи эсидан чиқмайдиган яхшилиқ қилган одамга-я! Шу одамга қаёқдаги ғийбатларни ташмалаб кўнглини хира қилмоқчилар! Буни сира-сира истамасди Қамол. Тимофей Алимовичдек одам-оқун кишини ранжитишадими ҳали!

— Йўқ, йўқ, тўхтанг...— деди-ю, яна нима учундир ўзини сездиришни истамай, ортига қайтди.

## ҚУТЛУҒ КУН

Тимофей Алимович кўпни кўрган, шалдир-шулдир, ўт-олов бир киши эди.

Ҳам ётоқхона, ҳам иш кабинети бўлган вагонга шошиб кириб, қандайдир қоғозларни титиб турганди, орқасидан Рафиқ билан Ҳасан оҳиста кириб, Қамол ҳақи-

да унга гап чайнашиб қолишди. Тимофей Алимович тиканакка ўтириб олгандек бирдан сапчиб кетди.

— Нима-нима?— деди кўзлари чарақлаб,— ушладиларингми уни ўғирликнинг устида?! Ушладиларингми?

— Ушлаганимиз йўқ-ку, лекин мана колоннага шу келганидан бери, болалар орасида ичкиликхўрлик, картабозлик кучайди. Йўқолди-йўқолдилар пайдо бўлди. Куни кеча бригадирнинг аёли Нурия уйдан қирқ сўм пулини йўқотибди.— Минғирлаб чўзиларди Рафиқ.

— Э, нафасингни ел олсин-е,— столига ўзини ташлади Тимофей Алимович.— Мен у ўғирлик-пўғирлик қилибдими, деб ҳовлиқиб кетибман-а!

— Жиноят устида қўлга тушгунича пойлаб юришимиз шартми?— Бурушқ бўйини ишқаб буралди Рафиқ. Тимофей Алимовичнинг ўсиқ қошлари бирдан силкиниб, лўппидан келган лунжлари қимирлаб кетди.

— Нима?— деди ирғиб. Икки қўлини белига қўйганича, энгашиб Рафиқнинг тепасига келди.— Нега бунақа деяпсан? Шу бола яна жиноят кўчасига киряпти, деб ишонасанми?

— Ишонмаганда ,ахир пешанасида қамалиб чиққан, деган тамғаси бор-ку!

Тимофей ялт этиб унга қаради. Қайтиб столининг орқасига ўтди. Ҳасан букчайиб ўтириб олган, миқ этмасди.

— Қамалиб чиққан одам ҳаммаси жиноятчи бўлаверади, яна жиноят қилаверади, деб ўйлайсанми,— деди Тимофей Алимович.

— Бўлмаса-чи! Қасал, бу ҳам.

— Йўқ,— деди Тимофей Алимович,— йўқ, йўқ, одам боласи ҳеч маҳал онасининг қорнидан ёмон бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик ҳам, ёмон феъл ҳам унга кейинчалик илашган доғ, холос. Ҳа, ювса, сидириб ташласа тушиб кетадиган доғ. Сен одам боласига ундақа туҳмат қилмагин, Рафиқ!

— Қамалиб чиққан бир каззобнинг бунча ёнини олмасанг!— тебранди ўтирган ерида Рафиқ.

— Мен учун Камол — қамалиб чиққан каззоб эмас, аввало инсон. Ҳа, ҳаётда қоқилган, адашган инсон. Мен бировга одамгарчилик қила олган, йиқилганни турғизиб қўя олган кунимни, умримнинг энг қутлуғ куни, деб биламан. Ҳа, Камол жиноят қилган, лекин у йўлга солиб юборса бўладиган инсон. Мен буни биринчи кўрган-нимдаёқ пайқаганман.

— Мен, уни, яхшилик билан йўлга солиб юбора олишингга ишонмайман.

— Нега?

— Ҳа, шунинг учун ҳам илиқ-иссиғида кавушнинг тўғрига деяман.

— Хўш,— деди икки қўлини биқинига тираб Тимофей.— Биз унинг кавушини секин тўғрилаб қўйсак, кейин нима қилади?

— Бизнинг нима ишимиз бор, унинг кейин нима қилиши билан?

— Бошқа ерга бориб, нима қилса қилаверсину, биз тинч бўлайлик. Бизга гард тегмасин. Шу экан-да, инсонгарчилик!— деди ғижиниб Тимофей Алимович.— Жўнатиб юборсак, у яна албатта жиноят кўчасига киради. Бу жиноятга мен ҳам, сен ҳам шерик бўлиб қолишимиз мумкинлигини ўйлайсанми, ахир!

— Унинг бошқа кўчада қилган жиноятига нега биз шерик бўлар эканмиз, нега гапга тушунмайсан?— бетоқатланиб туриб кетди Рафиқ.— Коллективимиз Коммунистик меҳнат бригадаси номини олган бўлса-ю, ундан ноқобил шахсни чиқариб ташласак, тозаланиш ўрнига, нега унинг кўчада қилган жиноятига шерик бўларканмиз?

Тимофей деворга суялиб қолди. Ҳа, Рафиқ билан икки йилчадан бери бирга ишлаётган бўлса ҳам, унинг қалбида бунақа кирни кўрмаганди.

— Коммунистик бригада кишиси сенингча қогозга



ўралган қанддек сип-силлиқ, доимо ширин таъм бериб турадиган бир нарса бўлиши керак экан-да,— деди тумшуғи осилиб.— Нотўғри ўйлайсан...

— Сен бунинг нима жиноят қилиб қамалганини биласанми? Дело-пелосини суриштириб кўрдингми?— Энди баланддан кела бошлади Рафиқ.— Одам ўлдириб қамалган-а, одам!

— Биламан, ҳаммасини. Лекин сен қаёқдан биласан?

Рафиқ, Тимофейнинг энг нозик жойидан ушладим, энди боплайман, деб ўйлаганди. Қараса, у бу найзасини ҳам қўлида турганидаёқ қоқиб ташлади. «Биламан-да», дегандек елкасини қисиб, деразадан ташқарига қаради. Тимофей ундан бошқа жавоб кутмади-ю, шошиб ён сумкасини ковлашга тушди.

— Мана, унинг айрим қоғозларини ёнимда ҳам олиб юрибман.— У эскигична бир қоғозни олиб, Рафиққа узатди. Унга Рафиқдан бурун, кирганидан бери гарданини ичига тортиб ўтирган Ҳасан қўл чўзиб қолди. Узоқ тикилиб, у ёқ-бу ёғини ағдариб кўриб:

— Ие, 17 сентябрь— Қамолнинг туғилган куни экан-ку,— деди манқаланиб.

— Нима?— унга бараварига ўгирилиб қарашди Рафиқ ҳам, Тимофей Алимович ҳам.

Гап шундаки, буларда, коллективнинг ҳар бир аъзоси туғилган кунини кўпчилик бўлиб, тантанали нишонлаш, унга коллектив номидан эсдалик совғалар тақдим қилиш одати бор эди. Ўн еттинчи сентябрь— Қамол туғилган кун бўлса, бу кунни ҳам ўтказиш лозимдир, деган гап иккаласининг ҳам кўнглига дарров келганди. Рафиқ Тимофей Алимович «Қамолнинг туғилган кунини ҳам нишонлаймиз», деб қўйишидан чўчигандек:

— Бунинг туғилган-пуғилган кунини нишонлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ундан кўра...— дея тўнгиллади.

— Нега?— деди Тимофей Алимович,— ўтказамиз,

албатта ўтказамиз. Ҳозир у одамларимизга яхши ара-  
лаша олмай, қимтиниброқ юрибди. Туғилган кунини ўр-  
тада нишонласак-чи?!— Ҳасанга юзланди.

— Ҳа, ҳа, ҳа, яхши бўлар,— шошиб бош силкиди-ю,  
яна,— ҳа, лекин...— деб Рафиққа қараб қолди Ҳасан.

Шунинг устига эшикдан радист бола югуриб кириб,  
Рафиқнинг гапи бўғзида қолди.

— Тимофей Алимович, шу ердасиз,— дерди ра-  
дист шошиб,— сизни Когондан рацияга чақиришяпти.

— Ҳозир,— Тимофей Алимович шошиб чиқиб кетди.  
Ҳасан, бу қандоқ бўлди, дегандек, Рафиққа қаради.  
— Улар ҳовлига чиқишган жойида устига бутга ўхшаш  
узун антенналар ўрнатилган рация вагончасидан ҳов-  
лиқчанича Тимофей Алимович қайтиб чиқди, у:

— Эртага эрталабдан ҳамма трассага. Ҳасан ака,  
битум қозонларга ҳозироқ олов қўйинг,— деди-да, эг-  
нидаги дағал плашини қалдиратганича, пилдираб ўтиб  
кетди.— Рафиқ, машиналарни бугуноқ трубага миндир.  
Жўра, Камол қаёқдасизлар, Ҳасан акага бориб, битум  
бурдалашинг! Восиқ, сен қоғоз кес!

Тимофей Алимович қароргоҳда у ёқдан-бу ёққа ша-  
молдек елиб, ҳаммага буйруқ берар, шошар, шошрар,  
тўлиб-тошарди. Чунки у Когондан ана шундай буйруқ  
олган эди.

— Тимофей Алимовичга ўзи бир нима бўлганга ўх-  
шайди,— дерди Рафиқ.— Ўзимиз пайтини топиб, чора-  
пора кўрмасак бўлмайди. Бу бола, донгдор колоннамиз-  
ни бир умр бош кўтара олмайдиган қилиб, бирор «ху-  
нар» кўрсатиб кетиши ҳеч гап эмас. Ҳа, мен уни яхши  
биламан!— Кейин Тимофейни койиди:— «Қутлуғ кун»  
эмиш-а?

Ҳасан унинг сўзини маъқуллаб, қозонлари томонга  
илдам жўнаб кетди.

Колоннада ҳамма нарса шу кун бадастир бўлганди.  
Эртасига тонгданоқ тозалагич машиналар, изоляциячи  
моторлар саҳро қаърига томон оҳиста йўлга тушди. Га-

зопроводчиларнинг Бухоро — Уралда биринчи иш бошлаган кунлари энг қутлуғ кун эди. Махсус қувур кўтаргич бульдозерлар қатор бўлиб узун хандақ ёнига чўзилган қувурларни кафтига олди. Тозалагич машина чувиллади, мумчаплағич чарх айланди, у қувурга қоғоз ўраб, хандаққа ётқизиб борарди. Васка олдинда кетаётган қувур кўтаргични вақтн-вақти билан одимлатар, Қамол мумчаплағич машина устасига қарашар, Ҳури бир дугонаси билан машина суюқ мум устидан ўраб бораётган қоғозини ростлаб, узилганини улаб, тўғрилаб борарди. Бригада ишга тушган пайтида ўнга яқин экскаватор баробарига гуриллар, қувурлар чувиллар, темирлар шарақлар, асрлар бўйи жазирама сукунат қўйнида ётган саҳро ларзага келиб, борлиқ наъра тортаётганга ўхшарди. Бригада эса ҳамма ёқни ларзага солиб, монтажчилар саҳро уфқлари қаърига етаклаб кириб кетган қувурлар устида гоҳ кунни бир километр, гоҳ кунни икки километр олға одимларди. Ҳури бу бўм-бўш саҳро ва ҳаётга аста-секин кўникди. Лекин шунда ҳам ўзини Қамолдан олиб қочиб юрарди, менга кўз қараши ёмон, бу саҳрода ёлғиз дуч келсам, бир ёмонлик қилишдан тоймайди, деб қўрқарди... Лекин қум зуғумидан қарерга ҳам қочиб қутуларди...

## КИТОБ ИЧИДАН ТУШГАН СУРАТ

Олдинда Ҳури, дугонаси, Васка, орқароқда эса Қамол Жўра билан бирга кетиб боришарди. Васка бир қўполлик қилганди, Ҳури ундан четлашмоқчи бўлиб тийганиб кетди-ю, машиналар баъзан тўхтаб қолганида ўқийман, деб олиб юрган китоби четга шалдираб учиб тушди. Ичидан иккитами-учта ҳар хил қоғоз, жажжи дастрўмолчалар билан бирга битта сурат ҳам ерга тушди. Васканинг шилқимлигига Қамолнинг гаши келиб борарди. Васка узр-пузр айтиб, Ҳурининг сочилган қо-

ғозларини олиб беришни ҳам хаёлига келтирмади. Хохолаб кулганича йўлида кетаверди. Қамол бориб Ҳурининг қоғозларини теришди.

— Бу дастрўмоллар кимга?— деди олиб бераркан ҳазиллашиб.

— Ўзимга,— деди Ҳури ҳам кулиб.

— Бу сурат?..— қараб қолди Қамол.— Танишга ўхшайди.

— Акалариники,— Ҳуридан бурун изоҳ берди дугонаси.— Суйган акалариники... эсларига солманг.

— Нега? Нимага ўзи?— Қамол суратдан кўзини олмасди.— Ростдан туғишган акангизми?

— Ҳа,— дея Ҳури бош чайқади.

Қамол ҳамон бир нарсанинг тагига етолмагандек дам суратга, дам Ҳурига қарарди.

— Ростини айтинг, ростини,— деди яна ишонмагандек.— Мен ҳам танияпман, шекилли...

Бу Ҳурига ёқинқирамай лабини буриб, елкасини қисди.

— Отлари Собиржон эмасми?— деди Қамол.

— Ҳа,— ҳушсизлик билан деди Ҳури.— Танийсизми?

— Ҳа, танийман, янглишмаётган бўлсам... танийман.

Ҳури суратни китоб ичига яширди-ю, нима учундир, Қамолдан, «қаёқдан танийсиз» деб ҳам сўрамай, ғалати елка қисганича дугонасининг ортидан чопди.

— Ҳурининг жонидан ҳам азиз кўрган бир акасининг сурати бу,— тушунтира бошлади Қамолга Жўра.— Ҳури унинг шу суратини доим ёнида олиб юради. Бу акасини жуда яхши кўрган, бунинг устига, акам дунёга келиб орзу кўрмай, ғаму ҳасратда ўлиб кетди, деб қаттиқ куйган шекилли-да...

Қамол бирдан ўзгариб, кўзлари катта-катта очилди, турган жойида гўё қотиб қолганди.

— Ўлганми, Собиржон-а? Наҳотки, наҳотки...— пичирлади у.

— Ҳурининг ўзидан шунақа деб эшитганман, сиз билармидингиз?

Қамолдаги ўзгаришга тушунолмаб борарди Жўра.

— Билганда қандоқ,— Ҳурининг орқасидан интилди Қамол. Тимофей Алимович уларнинг орқаларидан келиб «юра қолинглар» деб ўтиб кетди.

Қолонна ишга туша бошлаганди.

## ҚУМ ҚУТУРДИ

Бригада улкан қувурлар устида саҳро қаърига қанчалик ўрмалаб киргани сари, соқов табиат ўжарликлари ҳам шунчалик кучая бошлади. Ҳужумнинг тўртинчи кунимиди, эндигина иш тепасига бориб, машиналарга минишгандиямки, қовоғини уйиб турган барханлар бирдан лопиллай бошлади. Кунботар томондан дастлаб майингина эсиб келган шамол, аста-секин кучайди. Ҳозиргина кўз олдиларида бир ёнбоши ўпирилган тепадек серрайиб турган барханлар устида кичик гирдобчалар худди шайтон ўйинидек чир-чир айлана бошлади. Устки қум тўзонлар ёйилиб, тўлқинланиб келаётган улкан денгиз сувидек оҳиста-оҳиста лопиллаб, шувиллаб олдинга сурилаверди. Бульдозерлар траншеядан анча четга суриб ташлаб кетган қум барханлари устларига худди қайтиб босиб келаётгандек... Улардан бирига чап бериб, қувур устида машиналарни йўрттириб олға кетишса, ёнбошдан яна бошқаси хўмрайиб, тиккайиб сурилиб келаётганини кўришарди. Кўп ўтмай шамол кучайди. Энди қум барханлари гўё таг-туғи, бутун миллиард зарраси билан кўкка шопирилгандек, еру кўкни қизғиш қум тўзони босди. Машиналар моторининг ичи ҳам қум, қорамоёй кажаваси ҳам тўла қум, трубаларга чапланган қорамоёй устини ҳам қоғоз ўрашдан бурун қум қопларди. Оғзиларда ҳам қум ғижирларди, кўзларга ҳам қум тўларди. Нафас оламан де-

санг, ҳаво ҳам қум... Бу аҳволда ишлаш амримаҳол бўлиб, натижада иш таққа тўхтади. Сарғиш тўзон ичида еру кўкни ҳам, йўл тугул машинани ҳам кўрпб бўлмасди... Одамлар труба укладчиклар кабинасига аранг ўзларини олиб улгуришди. Кимдир кўзини ишқар, кимдир қум туфлар, яна биров ичига тўлиб қолган қумдан ғашни келиб кийимларини қоқар, кимдир сўкинарди... Қум ўйини кун бўйи тинмади... Тўзон ичида кун ботганини ҳам билишмади. Колонна яқин-ку, деб овқат ҳам, сув ҳам олишмаган эди. Уч-тўрт километрча орқада қолган колоннага бирор одам бора олмади ҳам, у ердан бирор одам келолмади ҳам. Одам очликка чидар экану, аммо саҳрода сувсизлик оғир... Тонг отгунча қуруқ шамолда томоқларп қуришиб, лаблари қақраб кетди.

Мана, саҳро таҳликаси унча-мунчадан кам эмас, қум буларнинг устидан абадий кўмиб кетиши ҳам мумкин. Лекин ҳамма тетик. Изолировкачи уста белига иккита нон тугиб олган экан, ҳаммалари бир бурдадан бўлиб ейишди. Қувур укладчикнинг генераторида бензин аралашган бўлса ҳам, озроқ илиқ сув бор экан, юзига қалққан бензинини тўкиб, қолганига оз-оздан томоқ ҳўллашди. Изолировкачи уста ёнбошлаб олиб ёшликда бошидан ўтганлари, қишлоқда битта сочига жажжи лентачалар боғлаб юрадиган қизчани яхши кўриб қолгани-ю, у қизчанинг кўп ноз билан куйдириб юриб, охири уруш бошланишидан бир йил олдин турмуш қилишга розилик бергани, лекин шум уруш олтин сочли сулувни ҳам, илк севинчи — гўдагини ҳам ямлагани, улар немислар босиб олган жойда қолгани, фашистлар она-болани хандақ тепасида отиб ташлаганларини гапириб берди.

— Шундан бери одамлар неча бор уйлан дейишди, қанчалаб гўзаллар ҳам дуч келди, лекин ҳеч қайсисини ёшликда қўнглимни олиб, мени қийнаган ўша жингала сочлига ўхшатолмадим,— дерди чол болаларча соддалик билан.

Баъзилар унга ачинишиб бош чайқашар, баъзилар : «Э, ота, одамга умр бир марта берилади, энди фашистни сўкиб ёлғиз ўтганингиз билан севганингиз қайтиб келармиди»,— дейишарди.

Улар дам-бадам Қамолга ҳам тегишиб қўйишарди. — Ошнамиз ҳам ҳали уйланмаган экан, унинг севган қизини ҳам битта-яримта олиб кетганми дейманда!— куларди Жўра.

— Келбатидан севган қизини битта-яримтага илдириб қўядиганга ўхшамайди-ку.

— Йўқ, колоннада бошқасини кўз остига олиб юрибди.

—У ҳали қармоғига илингани йўқ, шекилли.

— Қармоқни яхши ташламагандир-да!

— Қармоқсиз илинтиради.

Қамол ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб қиларди:

— Қармоқдаги чувалчаини бошқа нарса еб қочибди.

«Ташқарида қум қутуряпти-ю, оч саҳронинг қоқ бегида ётибмизу», деган ташвишни тариқча ҳам кўнгилларига келтирмай хандон уришарди йигитлар.

Ҳури орқароқдаги бошқа экскаватор кабинасида эди. Васка унинг олдига ўтаман деб, ўз кабинасидан чиққан экан, тўрт қадам ҳам босмай кўзларига қум тўлиб, ҳассасиз кўрдек довдирабди-қолибди. Икки мушти қовоғида, кўзи боғлоғлиқ одамдек, пайпасланб қум ичига кириб кетаётган экан, кўриб қолишибди. Рафиқ ака кўзига электр пайвандчилариникига ўхшаш кўзойнагини тутиб, аранг бориб қайтариб олиб келди. Унга ҳам роса кулишди...

Эрталабга бориб, шамол тиниб, қум ётгач, қароргоҳдан машина келиб, ҳаммани кузовига олиб изига қайтди... Бориб овқатланишди, дам олишди... Қайтиб келиб, яна саҳрога қарши ҳужумга киришишди.

Қувур ётқизувчилар шундай гала-ғовурлар билан олға ўрмалашарди...

Электродизелнинг бирдан кучли тебраниб, патиллашидан Камол уйғониб кетди. Бошини кўтариб деразадан қараса, саҳро эрта тонг нимқоронғилиги кучоғида. «Эҳ, галати бир тушнинг белига тепди-да...» — ғижиниб керишиб қўйди. Ҳозиргина тушида туғилиб ўсган қишлоғи, ўртоқлари билан ўйнаб-қувлашиб, қарқуноқ боласини олиш учун боришадигани ўша қалин қайрағочзорни, унга чирмашиб ўсган аймоқилару, юқориқоқдаги олмазорларни ҳам кўриб ётганди... Эҳ, аттанг! Болалик хотиралари қанчалар ширин эди-я! Дамда ундан узилиб яна нақ саҳро бағрида кўз очиб қолди-я!

Юқори қаватда ётган шериклари ҳам тахталарни ғижирлатиб, ўринларидан қўзғалиша бошлашди, кимдир пастга тўп этиб тушди...

Ташқарида бутун қароргоҳ аллақачоноқ оёққа турганди... Кимлардир у ёқдан-бу ёққа қум тепиниб югуриб, бадантарбия қилар, кимдир умивальникни чиқиллатиб юзини ювар, қаердадир мотор тарилларди. Ошхонага эса аллақачоноқ одам тўлиб бўлганди.

Қамол чиқиб қумтепалар устида бпр оз айланди. Оқшомда саҳро кўксида ғужғон ўйнаган миллион хил жониворларнинг қумда қолдирган изи тонгги шафақда тимдаланган юз чўтирига ўхшаб кўринарди...

Қамол олисроқдан Ҳурилар турадиган вагон-уй деразасига қараб қўйди. Кун ёришган бўлса ҳам, бу уйда чироқ ёниб турарди. У қайтиб бориб ювинди. Ошхонага қараб кетаётганида олдидан Тимофей Алимович чиқиб қолди.

— Салом, Камол,— деди узоқроқдан қўл узатиб. ҳам, одамлар менинг туғилган кунимни ўзлари билиб Олдига келиб, катта кафтини кафтига қўйди. У, Камол



табриклашар, деб кутиб юргандир, деган хаёлда: — Туғилган кунинг билан табриклайман!— деди тўғридан-тўғри.

— Туғилган куним?!— Камол аланглаб қолди. У туғилиб мана шунча ёшга борган бўлса ҳам, эс-эс билади, фақат болалигида отаси ўғилчам, туғилган кунингга, деб бир марта тўрт гилдиракли гейинг қўғирчоқ ётни совға қилганди. Шу куни ойиси, дадаси, тоғалари, дадасининг ва ойисининг яқинлари, колхоз бухгалтерлари (Камолнинг асраган отаси колхоз раиси эди) ва яна аллакимлар келиб, кечқурун уйларида анча вақтларгача хурсандчилик қилишди. Кимдир Камолга ўйинчоқ тўппонча, кимдир велосипед ва яна кимдир қўйлақлар совға қилди. Шундан кейин орадан кўп вақтлар ўтгани йўқ, тақдирнинг чархпалак гилдираги бошқа ёққа қараб айланиб ҳаммаси ўзгариб кетди, шундан бери Камол умрида бирор марта бўлсин, мен фалон куни туғилганман, деб эсламади ҳам. Ёки бирор одам, «сени туғилган кунинг билан», деб қутлаб, бирор марта бўлсин қўлни қисмаганди ҳам-да!

Шунинг учун бўлса керак, бошлиқ Тимофей Алимович «туғилган кунинг билан» дея вазмин келиб қўлни сиққанида дастлаб Камол чўчиб тушди. Унинг гапини англамагандек, оғзига ағрайди. Ҳа-я, болалигида онаси бир айтгани эсида — 17-сентябрь туғилган куни эди, шекилли! Туғилган куним қай число экан, деб ҳужжатларига қарамаган ҳам, бундай қарашга тўғри келмагандиям!

— Ўзинг, менинг туғилган куним фалон кун, деб олдинроқдан айтиб ҳам қўймайсан, ҳужжатларни титкилаб туриб кўриб қолдик,— жилмайди Тимофей ака. Унинг жилмайиши Камолнинг кўнглини ёритди. Ўзини ўнглаб олди. «Туғилган куним!» Шу дамда Камолнинг назарида неча йиллардан бери яшашни ҳам унутиб юборгану, ҳозир бирдан ўзининг ҳаётда борлиги, одам-

лар қаторида аралашиб-ўралашиб юрганлиги эсига тушиб қолгандек бўлди.

— Раҳмат,— деди кўзи пирпираб.

Ошхонага бурилган Тимофей Алимовичнинг кетидан эргашиди.

— Бугун трассада қайтганимиздан кейин дейман, Камол, сен баҳона бир хурсандчилик қилар эканмиз-да,— деди эшикдан кираётган жойида Тимофей Алимович.

— Ҳа, эрийман, бугун эрийман, албатта!— деди Камол шошиб.

— Йўқ, огайни, бугун сен эмас, биз эриймиз,— деди Тимофей Алимович.

— Раҳмат, раҳмат,— дерди нима дейишини билмай Камол.

Ошхонада нонушта қилаётган жойида Жўра билан кекса изолировкачи машинист келиб қўлини сиқиб кетишди. Уларни кўриб ошпаз ҳам келди.

— Ҳа, Камол, туғилган кунинг муборак, кеча Тимофей Алимович бугун кечга дастурхон тайёрла, деб тайинлаган эдилар,— дея бидирлаб кетди. Бу табрик ва қутловлар Камолга эриш туюлар, яна юрагининг аллақаери ачишиб, ўз-ўзидан кўнгли бўшаб, гоҳ-гоҳ йиглагиси ҳам келиб кетарди... Ташқарига чиқиб, машинага ўтираётган жойида Васка ҳам келиб табриклади.

— Ие, шунақами, бугун саҳронинг қулоғини очарканмиз-да,— дея қўлини сиқишди.

— Тимофей Алимович бунақа кечаларда қуруқ винодан бошқасини ичишга рухсат бермайди-ю, нимага хурсандчилик қиласан, орқароқда ўтирган бири гўнғиллаб қўйди.

Машинага кейинроқ чиққан Ҳури ҳам Камолга яқинлаб ўтиб, қуруқроқ бўлса ҳам, «туғилган кунингиз билан...» дея юмшоқ қўлини чўзди. Камол яна ғалати бўлиб кетди. Ҳозир бутун саҳрони бошига кўтариб ҳай-

қиргиси, ер тепиниб сакрагиси, одамларни қучоқлаб ўп-гиси, ўйноқлагиси келарди. Бир дамда юраги ичига сиғмай кетганди. Қўзларига ёш келгудек бўлиб ўзини аранг босиб ўтирарди. Ким айтди, буларнинг ҳаммасига меннинг тугилган кунимни? Қаёқдан билишди-а? Ёки ҳаммаси хурсандчиликнинг пайда бир-бирларининг тугилган кунларини орқаворатдан суриштириб, билиб юришадими? Ёки Тимофей Алимович айтдимми? Нега айтади? У негадир ўзидан-ўзи хижолат ҳам бўлиб қўярди...

У бугуноқ пайт топиб Рафиқни четга тортиб ҳисобни очиб қўймоқчи эди. Кечқурун трассада келаётганда, секин кетинга чақираман, гап билан алдаб, орқароқда олиб қолиб боқлайман, деб режа қилганди. Рафиқ тугилган купи билан қутлаб, қўлини сиққанда, башарасини буруштириб, ичида мунофиқ, деб сўкиб ҳам қўйди. Яна кун икки кеча кечқурун Тимофей Алимович худди бир нимани сезгандек, олдига келиб қилган муомаласини эслади. Бу одам қандай баҳосиз одам эканки, унинг гапини эшитса ҳамма кину кекни ҳам унутарди Камол. Кеча ҳам яқин ўртогидек узоқ гаплашиб ўтирди. Аҳволин сўради, ўзининг шаҳарда қолган ўғлини жуда-жуда соғинганлиги, баъзан қогозга унча-мунча ҳисоб ёки рапорт ёзса ҳам орасидан ўғли дикиллаб чиқиб «ада» деяётгандек, баъзан саҳро гувиллаши орасидан ҳам ўғлининг овози келаётгандек бўлишини айтиб, нолиди. Бошлиқнинг ўз ёнига яқин дардкашдек чўкка тушиб юрагини ёриши Камолнинг кўнглида алланечук туйғуларни уйғотиб юборди. У ахир бошлиқларни кўрмаган эмас, кўп бошлиқларни кўрганди. Деярлик ҳамма жойда ҳам бошлиқларни қуйидагилардан бир-икки поғона баланд турадиган мавжудотдек ҳис қилганди. Уларнинг кўпидан нафратланган, жирканганди. Буниси эса...

«Мана, бутун колоннадагилар ўзига яқин одамларидек самимий ва меҳрибон бир муносабатда бўлаёт-

ганларини, йигитлар уни ўз ёнларига тортиб чақча-лашганини, катталар ишда укаларидек ихлос билан маслаҳатлар беришганини кўрди. Қўнгли очилди, ўзини енгил сеза бошлади... Бугун эса бутун коллектив, ўзининг, ҳа, кўп умри турткиланишлар билан пастқамларда ўтган дағал бир кимсанинг туғилган кунини нишонлашмоқчи, ҳа, одам бўлиб ҳаётга қадам қўйган кунини, у кун ижамият учун фойдаси тега оладиган бир одам туғилган эди, дея нишонлаб ўтмоқчи». Қум тепалари оша тебрана-тебрана кетаётган машина кабинасидан чексиз саҳро бўшлиқларига кўз югуртириб ўйлаб борарди Қамол. Ҳамкасбларини эса кечқурун бўладиган дўстона кеча шодлиги ҳозирданоқ ўз заптига олгандек, ҳазиллашишади, кулшади, қийқиришади. Гап ўйиннамо бўлиб айланиб келиб, кимдир ол, оғайни, деган эди, дастлаб Васка ўтирган ўрнидан елкаларини учириб ўйнаб кетди, кейин Қамол ҳам қаддини гоз кўтарди. Бир вақтлар қишлоқда кечган шўх йигитлик даврида сапчиб даврага тушиб, чарх урнб ўйнаб кетарди. Яна ўшандақа завқ билан муқом қила кетди. Ҳамма қийқириб, кулар, уларга қўшилиб асрий хомуш саҳро ҳам очилиб келаётгандек бўларди. Иш бошига етиб келишган жойида ҳам кўпчилик қум устига давра қуриб қарсак урди. Қамол билан Васка бир чарх уриб ўйнаб олишди... Лекин шунинг орасида ҳам Қамол Рафиққа икки-уч ёмон боқиб қўйди. Унча-мунча гуноҳни кечириши қийин эди унинг.

Машиналар гулдуриси саҳрони одатдагидек яна ларзага солди...

## ОЛДИНДА ТОШ ҚОЯЛАР

Бугунги участка ҳар кунгидан анча хавфли эди. Шунча кундан бери қум, қоя, тош ва шағал туши очилиб, қувурчиларга кўксидан итоаткорлик билан йўл бе-

риб келган сахро тўсатдан оч аждардек «думини бур-ганди»: қумтепалар кесилиб, олдиндан катта жарлик-нинг ғадир-будир тош қояли кемтик қирғоқлари кесиб қўйганди. Монтажчилар улаб ўтган қувурлар бу жарлик ичига ҳам қуйилиб тушиб, унинг тошлоқ тўшидан сирпаниб нариги қирғоқда юзага чиққач, яна олға ўр-малаб кетаверганди. Энди уни бу тик тош ёнбағирлик-да қувур ётқизувчилар қандай қафтига олиб ўрмалай-ди-ю, тозаловчи ва мойловчи машиналар лапантлаган дор устида қалқигандек, унинг устида қандай сурилади...

Бу жарлик, қадим-қадим ўтмишларда океаннинг за-ҳарли ўлик мозори бўлганми, нима бало?! Упирилган қирғоқларида қават-қават чиғаноқлар, қандайдир сув ҳайвонларининг суякларига ўхшаган нарсалар туртиб, чиқиб ётибди.

— Қанчалар кўҳна-я, бу дунё!— деб қўйди уларга қараб Тимофей Алимович,— худди эртактагидай! Қа-чонлардир шу ерда ҳам ҳаёт қайнаган, кучли жонивор-лар кучсизларини талаган, қирган. Ғолиби тантана қил-ган! Бу худди кун кеча бўлгандек...

— Бу ердан тикка тушадиган бўлса бульдозерлар ағдарилиб кетади,— дея ваҳима қилди кимдир пастга қўрқиб қараркан.— Яхшиси, шу йигирма-ўттиз метрча-лик осилган қувур қолса, қола қолсин, биз машиналар-ни текисроқдан айлантириб олиб тушиб, қувурларга ўт-казайлик,— таклиф қилди у.— Қолгани бир гап бўлар, балки кейин қўлда қириб тозалаб, мой чаплаб қўя қо-лармиз.

Ҳамма жарлик тепасига тўпланди. Пастликка баъ-зилар бўйин чўзиб қараб, ёқа ушлашарди...

Орқада қувур устида йўрғалаб келаётган қувур то-залагич ва мойлагич машиналар олдинга силжиб оли-ши учун қувур кўтаргич худди шу, жар қиямалигида уч-тўрт минут тўхтаб туриши зарур. Бошқа қувур кў-таргичлар ҳам ўз навбатида шу ерда икки-уч минутдан тўхтаб, альпинистдек осилиб ўтиши лозим... Трубадан

тийганиб кетса ёки оғирлиги трубага тушиб, уни эзиб қўйса нима бўлади? Баъзилар, «шу ерни ташлаб ўта қолайлик, қўлда бир-бало қилинар» дея қистар, баъзилар эса, «ташлаб ўтиб бўлмайди», деб роса тортишишарди. Ҳеч кимнинг биринчи бўлиб машинасини олиб тушишга юраги бетламасди...

Колоннада Ҳасанга мум қайнатишга қарашиб юрадиган шаддодгина бир аёл бор эди. У бугун трассага қоғоз ростловчи бўлиб ишга келганди.

— Ҳа, Васка,— деди у.— Нега қараб турибсан? Қаҳрамонлигининг шунақа вақтда намойиш қилмасанг, қачон қиласан! Қани, бос машинангни!

— Ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик кўрсатадиган пайт келди-я!— аёлнинг кинояомуз ҳазилини тушуниб, такаббуруна гап қилди жар тепасида қўлларини қўлтиғига тикиб турган Васка.— Жардан машинам билан ўзимни отсаммикин? Хиҳ-хиҳ-ҳи... кейин тўнғиллаб қўйди:— Севгимга ўзимни кўрсатаман деб, жонини таҳликага қўядиган аҳмоқ бор экан-да! Севгимни бусиз ҳам кўрсатаман.— У четроқда турган Ҳурига тиржайиб қош учуриб қўйди. Унинг нима деганини эшитибми-беҳабарми Ҳури ҳам бадани жунжикишиб:

— Вуй, машина шув этиб тушиб кетса-чи?— деб қўйди.— Лекин юраги бор одам тиклаб тушаверса бўлар, ташлаб ўтиш уят бу ерни.

— Ҳа, тиклаб тушадн... Бу ерни чала ташлаб кета олмаймиз.— Шу гапни қувватларди жарликнинг у ёғидан-бу ёғига бетиним бориб келаётган Рафиқ:— Қани, ҳа, Васка, энди умид сендан,— деди яқин келиб. Васка ғайритабиий тиржайди. Индамай четроққа ўтди.— Ҳа, қўрқяпсанми?— одатича қошлари кўтарилиб кетди Рафиқнинг.

— Ҳа, қўрқаман,— совуққина қошларини чимирди Васка. У Рафиқнинг гапига эътибор қилмаётгандек, кулимсираб атрофга алангларди. Рост, кўпчилик унга кўз тикиб турарди. Унинг экскаватори доим олдинда

юрарди-да! Пастликка тушиб, машина қандай туша оларкин, деб чамалаб юрган Тимофей Алимович ҳам :

— Қани, Васка, секин сурил-чи,— дея қўл силкиди.

— Ким тушса тушсин зўр бўлса!— Васка қўл силтаб четлаб кетаверди.

— Нима, нима?— пастдан югуриб чиқди Тимофей Алимович. У Васкани энди кўраётгандек: — Йўқ, деяпсанми? Тентак, қўрқоқ,— деб бақирди. Кейин икки сапчиб ўзи машинанинг олдига борди. Кабина тутқичини ушлаганча, атрофдагиларга шитоб билан ўгирилиб қаради.— Қани, ким минади машинага?! Ким олдин тушадди? Ёки ҳеч кимнинг ҳам юраги бетламайдими?— У, ҳамманг шарманда бўлиб елкангни қисиб қараб тур, ўзим ҳайдаб тушаман, деган бир важоҳатда машинага интилиб турар эди. Бошқа йигитлар ҳам, Васка билан орамиз бузилиб қолмасин, деб ўйлабми, нима учундир бир-бирига қарашарди.— Ораларингда юрагида ёли бори борми ўзи?— ҳайқирди у.

— Менга рухсат берасизми?— Машина ёнбошироғида турган Камол олдинга ўтди.

— Сенга?!— Бошқа йигитларга яна бир-бир қараб олди Тимофей Алимович. У ҳамон Васкалардан нидо кутарди.— Чик!— алам билан силкиниб Камолни кабинага имлади. Камол бир сапчиб рулга ўтирди. Ёнига сакраб Тимофей Алимовичнинг ўзи чиқди.— Бос, газни,— буюрди Камолга у.— Ҳамма жой-жойига,— овози борича бақириб буйруқ берди у.— Қани, олга!..

Васка икки қўлини қўлтиғига тикиб олган, бир четда қум устига чиқиб олганича, ҳўмрайиб кузатарди.

Қувур укладчик силкиниб-силкиниб тик қиямалик тепасига келди. Ортидан тозалагич машина ҳам, изолировкачи ва бошқа бульдозерлар ҳам лапанглаб олға сурилишди. Камолнинг қўли руль дастағида, кўзлари пастликда, пешаналарига майда тер кепчиган, аста-аста машинани олға сурарди. Тимофей Алимович эса кабина тутқичини маҳкам ушлаб олган, гўё катта ҳужум-

га ташланаётгандек, толпиниб, мардона ҳаракатлар қилади.

— Қўрқма, олға бос, бўш келма. Дадил бўл. Балли,— дея команда берарди. Гоҳ қиямаликка томон бўйнини чўзиб, ўрнидан туриб кетар, гоҳ ўтирган ўрнида бураларди. Орқадагиларга қараб, қўлини ўйнатганча:— Бундақа тик қоялар ҳали олдимизда кўп учрайди, биринчи дуч келганидан қўрқиб ташлаб ўтсак, уят эмасми,— дерди.

Олд томонда— қиямаликда ястаниб ётган трубалар оҳиста кўтарилиб труба ётқизгич машинани гўё тутиб тура бошлади, машина олға ўрмалайверди. Олдин филдирагининг ярми қиямаликдан олдинга йўртиб чиқди. Кейин пастга энгашди. Яна икки силкинди-ю, машина тик қиямаликда тумшуғи пастга бўлиб тирмашиб қолди. Баъзилар қўрқиб юрагини ушлашди, баъзилар ҳозир Камол ҳам, Тимофей Алимович ҳам гумбурлаб пастга думалаб кетадигандек, юзларини беркитиб четга қарашди.

— Нега секинладингиз?! Бўлинг тез, тушиб келаверинг ортимиздан.— Шу турган жойида кабинадан бош чиқариб орқадагиларга яна бақирди Тимофей Алимович. Иккинчи машина — Жўранинг қувур ётқизгичи Камолнинг ортидан қиямалик қирғоғига келди. Тозалагич машина унинг ёнида эди. Камол қалтираб яна олға силжиди. Ҳа, у ҳар доим қилиб юрадиганидек, қайтган номард, дея таваккалига иш қилганди. Қўзларига қон тўлиб борар, кипригини кўтариб атрофга қарамасди ҳам... Ҳури ёки бошқа бирортасими, менинг бу матонатимни кўряптимикин, деган гап хаёлига ҳам келмасди. Тимофей Алимовичнинг: «Бос!»— деган командаси билан машинани яна олға силжитди. Қувур ётқизгич қиямаликда худди калтакесакдек ўрмалаб, пастга тушаверди. Энди Жўранинг машинаси ҳам қиямалик қирғоғидан пастга силжиб олганди. Тозалагич машина гувилаганча, тез тушиб келарди. Шу ерга келганда Камол-



нинг кўнглига, дорнинг киндигига ўтириб олган дор-  
бозлардек, энди аламини берсангиз, бу ёғига юра-  
ман деб ўтириб олайми, деган ўй келди. Ўзинча кулим-  
сиради.

— Ҳа, нега куласан! Кулма, кулма, эҳтиёт бўл.—  
Машина шовқинида Тимофей Алимовичнинг бақирishi  
аранг қулоғига чалинди.— Бос, секин бос...

Қувур укладчик яна икки-уч силкиниб ўрмалади-ю,  
секин сирғаниб бориб, олди тумшуги тўқ этиб, қияма-  
лик пастидаги тошга тақалди.

Кимдир: «Ура!»— деб қичқириб юборди. Тимофей  
Алимовичнинг ўзи сапчиб кабинадан чиқиб кетди. Ол-  
динга ўтиб: «Сур, сур!»— дея Қамолга қўлини силкий-  
верди. Қамол олга силжиб, текис жойга ўтди.

Тимофей Алимович югурганича орқада тушаётган-  
ларга юзланди.

— Бўл, бўла қол, Жўра, туш, балли, азамат!

Қамолнинг ортидан бутун колонна турнақатордек ти-  
зилиб, қоядан тушиб келарди. Асрлар бўйи тўшини  
қишда қору ёмғир ювиб, ёзда офтоб ялаб ётган тош  
машиналар занжирнинг зарбидан титрарди. Тозалаб,  
мум чаплаб — изолировка қилиб ётқизилган қувур ор-  
қада узун аждар думидек буралиб қоларди.

Қўп ўтмай, бутун колонна силлиқ қоя тўшини орқа-  
да қолдириб, жарликка тугал қўниб олди.

— Қойил, қойил,— у ёқдан-бу ёққа мамнун югурар  
эди Тимофей Алимович.

Олдинги қувур укладчик кабинасидан пешанасига  
ёпишиб кетган сочларини тўғрилай-тўғрилай Қамол чи-  
қиб келди.

— Қани! Қани, Васка қани?— Атрофга аланглаб  
қолди Тимофей Алимович. Васка кўринмасди. «Тентак,  
довдир, қаёққа қочдинг яна, келиб ахир Қамолнинг бе-  
лидан қучмайсанми? А! Тан бериш ҳам қўлингдан кел-  
майдими?! Қаёққа қочдинг? Ҳали йўлимизда бунақа  
қоялар кўп ахир! Қамол йўл бошлаб берди сенга!»

Васка қум-пум остига беркиниб олганми нима бало, қораси ҳам кўринмасди.

— Вой довдир-эй, ҳали шунақа одамми у?!

Атрофга тарқаб Васкани қидирганлар ҳам топиша олмади. Тимофей Алимович энди чинакамига хафа бўлди.

— Тентак,— деди,— қўрқоқнинг кетидан шармандалик қувлайверади шундақа!

Қатта-катта қадам ташлаб Камолнинг олдига борди. Камол, мен кўпчилик қойил қоладиган иш қилдиму, энди одамлар менга офарин ўқиру, деган гапни хаёлига ҳам келтирмай, соддагина қараб турарди. Тимофей Алимович унинг қўлини қаттиқ сиқди.

— Балли, йигит! Мен сенинг дадиллигингга, мардлигингга тан бердим. Шундай оғир пайти келганда, мен деб ўзини олга ота билган йигит, ҳеч ерда оросатда қолмайди,— деди унинг қўлини сиқиб, кейин завқи жўшиб кетиб қучиб ҳам олди. Кейин ёнларида энсаси қотиб турган Рафиққа:— Кўриб қўй буни Рафиқ,— деди.

— Арзимаёйди, арзимаёйди,— дерди Камол тортиниб, лекин ёмон кўзларини Рафиқдан олмасди. Кўриб, сезиб турибди, Тимофей Алимовичнинг Камолни мақташларини, Восиқни койишию кўпчиликнинг Камолга таҳсин ўқиётганини кўриб, Рафиқ гўё бир метр чўкиб, елкалари шалвираб осилиб боряпти. Ў ўлганининг кундан келиб Камолнинг қўлини зўрга олганди, Камол уни темир кафти орасида омбирдек сиқиб, мени кўриб қўй, дегандек силтаб юборди.

— Яша ука, яша ука!— дерди Рафиқ оғриқдан даҳанлари кўкариб кетган бўлса ҳам сир бой бермай.

Бу ғалаба Камолнинг кўнглига анчагина таскин берди. Рафиқни кечқурун, четга тортиб ҳисобни очишни ҳам эсидан чиқарди. Қалбига ғолибона сурур тўлди.

Трассадан одамлар кун ботарга яқин қайтиб келишди. Қуёш худди «буларнинг йиғилиши тезроқ бўла қолса мен ҳам қатнашардим», дегандек қумтепалар устида лангиллаб турди-турди-да, охири умидини узди шекилли, саҳро тўлқинлари қаърига оҳиста шўнғий бошлади. Жонларга ором бағишловчи кечки майин шабада эсди. Тунов кунги бўронда бўғотларга, палаткалар қатига тиқилиб қолган қум шитирлаб тўкилди. Бу чексиз қум океани қаърига чўккан яккаю ягона қароргоҳда унда-бунда чироқлар милтиллаб ёнди. Одамлар вагончалар атрофида ғимирлашиб, у ёқ-бу ёққа чиққан бўлиб, яна қайтиб кириб кетишди. Қорачақич дош қозонлари тагида кун бўйи буруқсаган олов пасайди. Ошхона бирпасда тала-тўполон бўлди-ю, кейин у ер ҳам тинчиди... Қўпчилик вагон-клубнинг зинасиниғижирлатиб чиқиб кела бошладилар.

Ўртада узун стол. Қароргоҳнинг бор-йўғи йигирмага борар-бормас аҳолиси шу стол атрофида ғуж бўлиб, қисилишиб ўтириб олишганди. Тўрда Тимофей Алимович, бир ёнида Ҳури...

Ўтиришни очиш учун Тимофей Алимович ўрнидан қўзғалди-ю, дастлаб даврадагиларни бирма-бир кўздан кечирди.

— Ҳамма шу ерда-ю, лекин Восиқ... Васка қани?— Орқа томондагиларга ҳам аланглади у.

— Васка? Восиқ?

— Боя трасса бошида ғойиб бўлганича қайтиб кўринмади,— деди кимдир.

— Нима?— Қовоқлари пирпираб кетди Тимофей Алимовичнинг.— Қаёққа кетди? Топиб келинглар, дарров!

Икки йигит чиқиб кетиб, дамда Васкани ёлдиларига солиб олиб келишди.

— Уйида ёлғиз ўзи бурчакка қисилиб ётибди,— дейишди йигитлар.

Васканинг юзлари сўлжинқираган, сочлари тўзғиган, ёқавалонгар эди. У индамай бориб бўш стулга лоп этиб ўзини ташлади.

Зангори кўзлари шодликдан чарақлаб, қизиқ гаплар айтиб ҳаммани кулдириб турган Тимофей Алимовичнинг дамда лунжлари осилди.

— Бу қанақаси, Васка!— деди.— Сен чўчиган ишни ўртоғинг қилди. Бунга таҳсин ўқиш, туғилган кунни билан қутлаш ўрнига, ишни ҳам ташлаб жўнаворибсан. Эртага ўрни келади, бу қилолмаган ишни сен қиласан. Ўртоқлик, коллективчилик шу-да!

Васка, мени сўроқ қилиш учун чақирдингизми бу ерга, дегандек, бошини кўтариб, совуқ қаради-ю, индамади.

— Ҳа, майли,— деди Тимофей Алимович шод ўтиришни совутмаслик учун,— ўтган ишга саловат, қайтиб бунақа қилманглар. Қани, виноларни қўйинглар...

Ҳамма бирдан жонланишиб шишаларни шақирлата кетишди. Восиқ тўрда — Камолга яқин жойда ўтирган Ҳурига ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўярди. Ҳури шерикларининг стаканига вино қуйиб бериш билан овора.

— Камол,— деди Тимофей Алимович қадаҳни кўлига олиб,— колоннамизга яқинда қўшилди. Ҳа, у колоннамизнинг энг кенжатой, энг кичкина, энг ёш аъзоси.— Мўйлов қўйган басавлат Камолга нисбатан қилинган бу ҳазил кўпларга ёқди.— Кичкиналиги шунчаликки, колоннада у ҳали бир ойлик бўлмасданоқ, туғилган кунни ўзидан олдин етиб келибди.— Ҳамма ечилиб кулиб олди.— Қани энди шу илк қадаҳни колоннамизнинг энг «ёш» аъзосининг туғилган кунни ва бугунги ажойиб қадми учун ичайлик...

Кўплар Камолнинг қўлини қисишди. Ўтириш шу билан қизиб кетди.

— Энди сўз Ҳурихонга,— деди тўсатдан Тимофей Алимович.

— Қолоннамиз аъзолари ўзлари пул тўплашиб,— деди Ҳури ўрнидан туриб.— Именинникка кичиккина совға олишганди.

Қамол коллектив менга бу даражада меҳру оқибат кўрсатади, деб кутмаганди. Қўзларига тирқираб ёш келиб кетди. Уни зўрға яширди. Ахир, уни бир умр кўрмаган, танимаган, кимлигини ҳам билмаган одамлар пул тўплашиб-а!..

Ҳури қўл соатни кўпчилик номидан Қамолга тутар экан, қўшиб қўйди:

— Қоллективимизнинг энг яхши аъзоси бўлиб қолишингиз учун!

Ҳамма қарсак чалиб юборди. Ҳури Қамолнинг қўлини сиқди. Шу юмшоқ, иссиқ қўллар... Ундан Қамолнинг юрагига алланима лип этиб ўтгандек бўлди. Кеча бошқача эди бу жувон, бугун бошқача...

— Раҳмат, раҳмат,— дерди Қамол нима қиларини билмай. Ҳаммага — олди қаторда ўтирган Рафиқ акага, Васкага, Жўра, Тимофей акага, орқароқда букчайиб турган Нурия аяга, лўппидан келган, оппоқ чиройли ошпаз жувонга ва бошқаларга ҳам бир-бир қараб қўйди. Ҳамма унинг ҳозир гўё минг йиллардан бери бирга яшаб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга тортишган яқин қадрдони, туғишгани, бир умр ажраллишмайдиган эзгу дўстларига ўхшарди, кўнгли бузиларди.

— Қуллуқ, қуллуқ,— дерди беихтиёр.

Стаканларга виноларни қуйишди. Ҳамма Қамол билан уриштириб ичишга интиларди. Шу билан ўтиришнинг расмий қисми охирлаб, Ҳури сакраб турди-ю, бориб радиолога пластинка қўйди. Қимларнингдир кўзлари сузилиб, елкалари ва оёқлари куй оҳангида оҳиста тебрана бошлади. Танца бошланди. Унга ашула уланди. Минг йиллар давомида қовоқ уйиб ётишдан бошқани билмаган саҳро деразадан келиб, бу тахта уйда бўла-

ётган шодликни томоша қилаётгандек эди. Тахта пол гурсиллайди, куйга куй уланади, шўх қаҳқаҳа янграйди. Камол давранинг тўрида жилмаяди.

Васка эса ҳамон ҳаммадан пастда, қовоқларини уйиб, заҳар босиб ўтирарди.

Тимофей Алимович ёшларни ўз ҳолига қўйиб, туриб кетгач, Ҳури Камол билан бир нафас ёнма-ён ўтириб қолди. Унга боядан бери ёмон ўқрайиб ўтирган Васка:

— Бу ёққа кел,— дея дудуғланди.

— Ҳа, нима бўлди сенга ўзи?— тепасига келди Ҳури.

— Сен ҳам шамол эсан томонга қараб букилаверадиганлардан экансан-а!— мастлик билан башарасини буруштирди Васка.

— Нималар деяпсан ўзи, қилгиликни қилиб қўйиб.

— Нима қилгилик.— Столга бир урди Васка.— Мен қоядан тушишга бекорга тихирлик қилаётганим йўқ эди, мўлжалим бор эди. Бунинг лип этиб, кабинага ўтириб олди.— Ўрнидан туриб бақира бошлади Васка.— Энди сен ҳам...

У Ҳурининг, қўй-қўйига ҳам қулоқ солмасди. Қараша бўлмайдиган. Иккита йигит Васкани қўлтиғидан олиб эшикка олиб чиқиб кетишди.

Орқасидан зинагача борган Ҳури унинг алжишига бирпас қулоқ солиб турди-да, кейин башарасини буруштириб, қайтиб келиб ўйинга қўшилди.

Камол хомуш тортиб қолганди. У сир бой бермаслик учун турди, Ҳурининг олдига борди...

Вақт алла-палла бўлиб қолганди. Танца тугаган, айрим вагон-уйчаларда чироқ ҳам ўчган, зим-зиё саҳро туни борлиқни босганди. Камол қум ичига ўтди... Нарироқда кимдир ихранди. Кейин биров гандираклаб келаверди.

— Ким бу?— деди Камол. У ёқдан:

— Заҳар-заққум,— деган хирқироқ овоз эшитилди.

Бу Васканинг овози эди. У яқинлаб келиб, Камолнинг пешанасига пешанасини тираб тикилди.

— Ким бу? Сенмисан?!— деди хириллаб.

— Ҳа, мен,— деди Камол. Васка ғижинди. Тебранди, ҳали ҳам унинг кайфи баланд эди.

— Менинг ишимни расво қилдинг-да, менинг ишимни,— деди тебраниб турган Васка.

— Нега расво қилар эканман?

— Мен жар тепасида бекорга оёқ тирамаган эдим.

Камол, нимага экан, дегандек тикилиб турарди.

— Биласанми, биз ёшларнинг ҳозир меҳнат, оғирчилик нималигини билмай ресторанма-ресторан қизлар билан ялло қиладиган вақтимиз. Унинг ўрнига мана кўзимизга қум тўлиб, вақти келганда бир қултум сувга зор бўлиб, сахро қўйнида азоб чекиб ётибмиз, на киноси бор, на бошқа нарсаси. Бу ерга олиб келиб ишлатганидан кейин яхшилаб таъминлаб қўйсин-да. Биз ахир дунёга ўн марта келамизми!— у қалқиб ўзини зўрга ўнглаб турарди.— Мен пайти келганда, бир оёғимни тираб, ҳеч бўлмаганда ул-буллик бўлиб оламан, деб турсам, сен лип этиб кабинага ўтирдинг-олдинг!

Камол ёнидан папирос олиб лабига қистирди-ю, қўлини қўлтпғига тикиб, сахро зулматига тикилиб қолди. Боя бу йигитнинг қиямаликдан тушишга қўрқоқлик қилганлигини ҳамма кўриб турарди. Энди топган гапиничи. Бир нимани ким бераркан унга?!

— Бор гапинг шумиди?— энсаси қотган Камол ортига қайтиб кетмоқчи бўлиб бурилганди, Васка:

— Э, тўхта,— дея силтаб қўлтигидан тортди.— Менинг сен билан гаплашиб қўядиган гапим бор.

— Менинг гапим йўқ,— деди Камол уни итариб юбориб.

— Нима! Колоннага кеча келган ўғривачча, каззобвачча, ҳали биз билан гаплашмайдиган ҳам бўлдингизми?!— у яна Камолга ёпишди.

— Шу орада вагон-уйлар орасида бир қора пайдо бўлди. У липиллаб турди-ю, яна шошиб изига қайтиб,

Тимофей Алимовичнинг хонасига ўзини урди. Дам ўтмай у ерда чироқ ёнди.

Қамолга Васканинг, айниқса, ўғри, каззоб, деган сўзи оғир ботиб кетганди. Ахир, бутун ёш умри шу ифлос ном билан заҳарланиб, энди ҳаётга кўз очай деб турганида, бир ўзини тутолмаган шундай ҳақорат қилади-ю, у чидаб тура олармиди. Восиқнинг ёқасидан хиппа бўғиб олди.

— Нима дединг? Нима дединг, ҳозир қайтариб ол айтган гапингни,— деди. Унинг эски жангарилиги тутиб кетганди.

— Қайтариб оладиган сўз гапирилмайди,— баттар бўғилиб, Қамолнинг ёқасига ёпишди Восиқ ҳам.— Мен сенга кўрсатиб қўяман кимлигимни, ўғривачча, каззоб...

Қамол ўзини йўқотганди. Мушти беихтиёр тўқмоққа айланди. Бир силкинганди, Васка бақириб юборди.

Шунинг устига Тимофей Алимович турадиган вагон уйнинг деразаси очилиб:

— Нима бу?— деган бақирёқ эшитилди. Дам ўтмай ҳовлиққан Рафиқ билан Тимофей Алимович эшикдан югургилашиб чиқиб келишди. Тимофей Алимовичнинг қоронғида пилдираб келаётган миқти гавдасига кўзи тушди-ю, Қамолнинг кўтарилган мушти шилқ этиб ёнига тушди, ўзининг жаҳл устида ёмон иш қилиб қўйганини пайқади. Энди Тимофей Алимовичнинг башарасига қандай қарайди. Бешбаттар оловланиб кетди.

— Бемаъни, махсумча,— деди тишлари такирлаб.

— Ана, ана, кўряпсанми?— Тимофей Алимовичнинг ёнида ҳовлиқиб келарди Рафиқ.— Қоронғида Восиқни четга тортиб уряпти.

Бу тухмат энди Қамолни тилка-пора қилар даражада эди. Ўзини қандай оқласин. Васка ҳам шаллақилик қилиб: «Мени уряпти»,— деди, худди Рафиқ билан келишиб қўйгандек. Қамол доғда эди.



Тимофей Алимович қўлидаги фонарча ёруғини дам Восиқнинг юзига туширар, дам Камолга қарар, ҳеч нарсага тушунолмасди.

— Нима гап? Нима аҳмоқлик бу? Кимдан чиқди?— дерди иккаласига ҳам баробар ўдагайлаб. Камол, Восиқ одам бўлса тўғрисиини айтар деб кутганди. Йўқ, у йиғи аралаш пиқиллади:

— Мени уряпти, бу ўғри, каззоб,— деди.

— Нима? Нима? Яна шу гапми?— яна ўзини йўқотди Камол.

Бошини кўтариб қараса, атрофларини одам ўраб келяпти. Улар орасида жемперини елкасига ташлаб олган Ҳури ҳам бор эди. Ўзининг одам бўлганига ҳам пушмон еб кетди Камол. Бошини шилқ этказиб кўксига ташлади-ю, одамлар орасидан ҳушсиздек гандираклаб ўтиб, вагонга қараб қалқиб чопиб кетди.

Ўзини ўрнига ташлаб, бошини кўрпага буркаб ётиб олди. Кўзига ёш келмасди. Думаланар, ёнар, кўкракларини юлқирди. Унинг изтиробли қисмати жуда-жуда оғир эди-да. Бир оғиз сўз ҳам, энди яралари би-та бошлаган қалбини бурдалаб, бутун аламли ўтмишини кўз олдига яна келтириб қўйганди. У ҳаммадан ҳам Ҳурилар, Тимофей акалар олдида, сира-сира ортига қарашни истамагани оғир аламлар лойи башарасига яна чапланганига чидамасди. Рафиқ пайт топиб қилди бу ишни!

У ўрнида ҳам ёта олмади. Бўзлаб саҳрога чиқиб кетди.

## ҚИСМАТ

Ҳа, Камол ўз вақтида она-қишлоғининг манман деган йигитларидан эди. Харсангга панжа солса, бир парча тошни юлиб олгудек вазоҳатли, бир кифтида бир тоғни кўтаргудек яғриндор эди. Кўзлари ёниб,

чақнаб турарди. Курашда ҳам, тўполончиликда ҳам ҳеч ким унинг олдига туша олмасди.

Уйлари ҳам мана шу поёнсиз қум океанининг тахминан кунчиқар томон соҳилларида эди. Ҳар кун саҳарлаб туриб, шўх болалар подаларни саксовулзорлар — жингилзорлар, янтоқ босган тепалар орасига ҳайдашар, саксовул илдизлари чандирдек ёпишиб ерга михланган қум тепалари орасида гоҳ от чоптириб, гоҳ хўтик миниб, у ёқдан-бу ёққа югуришар, ҳайқиришар, гоҳ олис қумларга ов излаб кетишарди. Чўпон отаси қачон оламдан ўтганини билмайди. Онаси дунёдан кўз юмар экан, қаршисида «онамга нима бўляпти?» дегандек, қотиб қараб турган мурғак ўғлига киирикларида титраган икки томчи ёш билан тикилганди. Шу ёшларда онанинг дилидан ўтган: «Олов бўляпсан, болам, олов, энди кунинг нима кечар экан? Ёмон одамлар жонгинангни қийнамасин-да, сенинг»,— дегандек бир дард, бир ўкинч ўйнаганини Камол энди-энди тушунди. Онани колхозчилар бор ҳурмат-эътибори билан ерга қўйишгач, Камолни тирноққа зор колхоз раиси «детдом-га бормаиди», деб ўзига ўғил қилиб олди.

— Энди дала-палага, подага чиқма, ўйнаб юравер,— деди янги она. Қўлига пул ҳам тутқазди.— Хоҳласанг, мана мактабингга қатна!

— Мактабга ҳам бораман, подага ҳам,— деган эди гайратли бола. Онанинг жаҳли чиқиб, уришиб берди... Шу-шу Камол хоҳласа мактабга бориб ўқиб, хоҳламаса кўчаларда тўполон қилиб қийқириб юраверди. Қишлоқ мактаби ўқитучилари, ахир, раис бобонинг ўғлидан баҳони аяшармиди. Раиснинг бир укаси бор эди. У Камолнинг полвонлиги билан мақтанишни яхши кўрарди. Майда болаларни йиғиб олиб, кураш туширар, жўжа-хўроз жангини томоша қилаётгандек, атрофларида завқ билан қийқириб айланар, Камолнинг елкаси ер кўрмагани сари, терисига сиғмай суюнар, ҳаммага мақтанарди... Шу амаки уйига меҳмонлар келганида оз-

оздан ичириб, унга оқни тоза кўтаришни ҳам, карта ўйнаётганда дастанинг тагида қолган тузни рақибларига сездирмай орадан суғуриб олишни ҳам ўргатди...

— Бу зўр йигит бўлади, шернинг ҳам белини букади,— дея мақтарди шунда уйларига тез-тез келиб-кетиб юрадиган Райим исмли бир дўкончи.— Бўш келма, оғаїни, торт, бунн йигитнинг гули ичади, йигитнинг марди картани ҳам чийламай гардкам отади,— дея гижгижларди Қамолни. Дўлвор бола унга сари «мен ана шунақа эканман», дея қизиқиб, ўзини ҳар ёққа урарди. Раис бува эса доим далада, иш билан овора. Қамолни аҳёнда бир кўрарди...

Ҳа, хуллас, балоғатга етган пайтида Қамол отиш-тутишда, гардкамга ютишда ҳам қишлоқда ҳеч кимни олдига туширмайдиган, олов бўлганди. Қўл тутган жойини зириллатар, ёнбошига келиб қолган ҳар қандай полвонни ҳам оёғини ерга тегизмай осмонга отарди. Жуда бахтли, омади келган дамлари эди, у даврлар Қамолнинг...

Ҳар булбулнинг ўз гули бўлади деганларпдек, Қамолнинг ҳам кўнгил соҳиби бор эди. Қошлари уч кунлик ҳилолдек қайрилмадан келган, кўзлари қум барханлари тепасида баҳор тонготарида порлайдиган ёруғ юлдуздек чарақлаб турадиган, юзлари ўн тўрт кунлик ойдек тўлишган, учрашганда ҳуркагич саҳро жайрони-дек жаланглаб сакраб турадиган, сарвқад бу қизни Қамол болалигида, подага эргашиб юрганларидаёқ кўриб, гўдак қалби беғуборлиги билан севган, ўзига яқин ўртоқ, дўст билиб ўсганди. Қизнинг оти Тўхтасулув эди. У Қамолнинг назарида чунон сулув қиз бўлиб етишдики... Қамол даврада очиқ кураш тушганида, кўпчилик орасида — мажлис-йиғинда юрганида, тўй-ҳашамда кўкрак кериб тўрга ўтганида ҳам у қизнинг нигоҳи ўзига қаердандир боқиб турганини дарров билар, қидирмаёқ уни тез топар, узоқдан қилган табассумларни ўғирларди.

Уйдагиларнинг «сенга раисларнинг, райкомларнинг қизини олиб берамиз» дея қилган хархашаларини қўлоғига илмасди. «...олсам ҳам Тўхтасулувни оламан, олмасам ҳам...»— деб икки оёғини бир этикка тикиб туриб олди охири у. Зарбини ҳам ўтказди. Тўхтасулув Қамолга унаштирилди... Тўй кунлари ҳам яқинлаб қолганди... Лекин, афсус, минг афсус бўлсинки, қўйнига кириб келаётган тўлин ойга калхат човут солди: улфатинг қарға бўлса, чўқиганинг гўнг бўлади, деганларидек, очиқ кўкрак, мард Қамол кейинги вақтларда уч-тўрт картабоз-қиморбозларга эш бўлиб қолганди. Улар раиснинг ўғли ёнида жарақ-жарақ пул, «ол, тикдим», деб ёнғиб берса, орага ўн минглаб пулу машиналарни ҳам тиқиши мумкинлигини билиб, давраларига тортгандилар, танасини қиздириш учун олдин уни гоҳ хиёл ютган, гоҳ жарақлаб пул санаб туриб ютқазган бўлиб юрдилар... Бу соҳада ғўр Қамолни роса оби-тобига келтирдик, совиб тайёр бўлди, деб билган кунлари саҳро ичидаги ғорлардан бирига катта ўйин белгиланди... Қамол олдин бир оз ютди, кейин тўсатдан шериклари уни қоқлашга тушдилар... Аста-аста қўлидаги ҳамма пуллари қоқлаб олдилар. Кейин уст-бошини ҳам бир-бир ечдилар... Ёнларидан қарз бериб, қарзга ботириб, у пулни ҳам ютиб олдилар. Шу кун қизишиб, қандай қилиб бўлса ҳам ютиш, ҳеч бўлмаганда бу ердан гарданни кўтариб чиқиб кетадиган бўлиш учун жонини ҳам аямай картага тикарди. У «ё жамшид, ё пир», деб карта отиб отасининг тағидаги колхоз «Победа»сини ҳам, ҳатто ҳали онасининг уйида ўтирган ўша унаштириқлик қаллиғи Тўхтасулувни ҳам қиморга бой бериб юборганини билмай қолди... Шундан кейингина эси ўзига келди. Қалқиб бошни кўтарса, бор буд-шудидан ҳам, ҳатто жонини жонига бағишлаш ўтида ёнган ўша серноз Тўхтасулувдан ҳам маҳрум бўлибди. Олақарга карта чир этиб, қўлдан қўлга ўтибди-ю, Қамолни ҳамма-ҳамма нарсадан — дўстларидан, ота-онадан, ору

номусдан, севгилисидан ҳам маҳрум қилиб қўйибди...

Алам қилиб кетганидан Камол ўзини тута олмай ўйин бошида уккидек чўққайиб ўтириб ҳамма нарсасини қоқлаб олган Қора чандирга қўлида пичоқ билан ташланди. Буни бошқа шериги орқадан пойлаб турган экан, Камолнинг газаб ичида ўрнидан пўкакдек учган вужудни Қора чандир тепасига етмасданоқ кўтарилган қўлини орқадан шиппа ушлади. «Номард, ҳолинг шу экан-ку, нега карта ўйнайсан»,— деб кўплашиб савалашди... Шу ерда, совуқ қум ичида калтак зарбидан чўғилиб ётиб, саҳарга борганда ўзига келди... Қумларга йиқилиб, думаланиб, минг азобда аранг уйларига яқинлаб боргандагина Камолнинг эси ўзига келди. Уйга шу аҳволда кирса, онанинг бешбаттар юраги чиқиб кетиши мумкинлигини билиб, олдин ошнаспникига кирди. У ердан кийим-пийим топиб кийди.

Камол бундай алангалар орасида ёниб, ўзини қўярга жой тополмай юрган кунларининг бирида кечқуруп эшикдан Қора чандир чақириб келди.

— Қани, йигит, бориб келинни уйидан ўз қўлингиз билан етаклаб олиб чиқиб беринг энди. Шунча кун пойладим, олиб бормадингиз. Шартимиз шунақа эди,— деди.

Камолнинг назарида, гўё шу онда еру осмон остинустун бўлиб кетди. Қоранинг устига ўзини қандай отганини ҳам, қовургаларигача уриб синдириб, чалажон қилиб ағдариб ташлаганини ҳам билмай қолди.

Севги ҳам, Тўхтасулув ҳам қолди. Камол узоқ муддатга кесилиб кетди... Ота-онаси унинг доғи-фироқида куйиб адо бўлганини, Камолга ароқ ичириб, карта ўйнатиб ўргатган кичик амаки эса, ҳамон ўша кўкнорисифатлиги билан аллақаерларда дайдиб юрганини йигит яқинда эшитиб-билди.

Яна ўтмишини ўйлади Камол :

Мана, қамоқхона йиллари афсусу надоматлар билан

Ўтди. Қамоқдан соч-соқолига оқ ўрмаб, пешаналарига қат-қат ажин тушиб, букчайиб чиқди. Қишлоққа борса унга қарайдиган кимса йўқ. Тўхтасулув Камол қамалгач, бирор кун ҳам тўхтаб турмаган, ҳафта ўтмаёқ отган ўқдек бошқа куёвга узатилган-кетган... Энди бу қишлоқда кўпчилик Камолга, илгаригидек «раиснинг ўғли, колхознинг манман деган йигити», деб қараш ўрнига, саломига зўрға алик олади. У яқинлаб борган жойдан одам тарқаб кетади.

Кўп вақтгача бу ерда Камол Тўхтасулувни бир кўриш орзусида яшади: балки у севгисини унутмагандир, балки Камолни ҳамон кутиб юрар...

Бир кун у беҳосда кўчада икки боласини етаклаб келаётган Тўхтасулувга рўбарў келиб қолди. Сулув илгаригидан ҳам тўлишган, икки чаккасида гажақ, эғнида тоза хонатлас кўйлак, почаси гилам жиякли қарғашойи лозим. Кўк духоба нимчасини бошига қия ташлаб олган, дўмбоқ қизчасини эркалаб нималарнидир гапириб келяпти. Камолни, афтидан, пайқамади.

— Тўхтасулув,— деб ўзини тутолмай чақирди Камол. Жувон бир нафас унга тикилиб қотиб қолди.

— Камол?— деди ўзини йўқотиб.

— Ҳа, мен...

Сулув кўзларида ҳам ўкинч, ҳам қўрқув, ҳам илтижога ўхшаб кетадиган бир нарса йилтираб қалтирар, ортга тисарилар, болаларини четга тортарди.

Камол ҳозир у йиғлаб, ўзини бағримга отади, деб ўйлаганди. Қайтага у чўчиб ўзини кетга тортди. Камол беҳол тортиб кетди. Шу жойда ерга ярим метрча чўкандек бўлди. Сулув ўзини бир оз ўнглаб, Камолдан ҳол-аҳвол сўраган бўлди-ю, биров кўрмасдан тезроқ қочиб қолиш пайига тушди. Ўзидан узоқлашаётган пайтида унинг кўзларида икки томчи ёш ҳалқаланганини, унда: «Камол ака, нима қилиб қўйдингиз, ишқимизни, бахтимизни хароб қилдингиз, энди ҳаммаси тамом, тамом»,— деганга ўхшаш маъно борлигини билди, зўрға

жойидан жилди... Шундан кейин Қамол бошини икки қўли орасига олганича, ҳувиллаган уйида бир ўзи бир ҳафта ўйга ботиб ўтирди, емади ҳам, ичмади ҳам... юракда ёнган аланга оламини куйдиргудек эди. Она-қишлоғида энди унга жой йўқ...

Узини ўтга ёки сувга отай деса жон ширин... Куз елларида ўйнаб ерга тўкилаётган япроқлар ҳам, ҳатто олис саҳро томонда қовоғи уюқ чолдек совуқ қорайиб турган барханлар ҳам: «Йўқ, йўқ, тўхта, ўзингни бос, ҳаётда ҳали ҳаққинг кўп», деяётгандек. Ахир, инсоннинг ўт, олишув, азоб, алангалар ичида бўлса ҳам яшашга бўлган меҳру муҳаббати бир нафас сўнадими? Ахир, бутун ҳаёт гўзаллиги, латофати яшашда, шу азобларда-ку!

### КЎНГЛИНГ ТОЗА БЎЛГАЧ

Қамол янгидан йўлга кираётган гўдакдек ҳар хил ёишт, қум, тахта уюмлари орасидан қоқила-қоқила ўтиб бир қурилишга кириб борди. Аранг ишга жойлашди. У ерда икки ойча ҳам ойлик олгани йўқ.

Тўсатдан бу ерда катта бир юлғичлик борлиги сезилиб қолди. Жиноят қидирув идоралари Қамолни қамалиб чиққанлиги учун ҳаммадан кўпроқ сиқув остига ола бошлади. Қурилиш бошлиғи ҳам уни ўз хонасига чақириб олиб, тилла тишларини ялтиратиб, жилма-яр ва «оғайни, энди иш зўрайиб кетмасдан ҳа, деб қўя қол, кейин бу ёгини ўзимиз терговчи билан секин енг ичида гаплашиб тинчитамиз, ўзинг биласан-ку... одамларимиз орасида сендан бошқа... ҳа...» дея авварди.

Қамолнинг ичи буралиб борарди.

— Машинада тахта олиб кетаётганингни кўрган одам ҳам бор экан... Ҳа, майли, уни ҳам ўзимиз оғзига уриб юборамиз. Сен ҳам қуруқ қолмассан.— Қармоқни ёғлиқроқ қилиб ташларди бошлиқ.

— Нима?— ўтирган стули ёнаётгандек туриб кетди

Камол.— Бўрининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам қилмоқчимисан? Ҳамма ўғирликни ўзинг қилиб...

— Тисс, тисс, тисс,— ўз оғзини икки қўли билан бекитиб питирлади бошлиқ. — Қаёқдан ўрганияпсан бунақа туҳматни.

— Сендап,— Камол ғазаб билан стол устида турган кулдонни чангаллаб синдирди-ю, яна ўзини босиб жойига қўйди. Бошлиқни боплаб сўкканича чиқиб кетди бу ердан...

Ушандан кейин бир оз вақт санқиб ҳам юрди. Шундай сарсон бўлиб охири шаҳар истироҳат паркига кибриб, скамейкада бошини чангаллаб ўтирганида беҳосдан Тимофей Алимовичга дуч келиб қолди. Шаҳарга зангори олов дарёсини етказиб келингапчилигига бағишланган митингга сўзга чиқиб, гулларга кўмилган Тимофей Алимович ўзида йўқ хурсанд бўлиб ўғли билан паркка кирганди. Ўгилчаси билан аргимчоқда учди, отўйинга тушди, қийқирди. Болаларнинг ёнига қўшилиб, болаларча шўхлик қилди, кулди, чопди. Кейин ҳаллослаб келиб, Камолнинг ёнида скамейкага ўтирди. «О боласи тушмагур, о боласи тушмагур,— дерди отўйинда айланаётган ўғлига қўл силкиб,— ўйнайвер, ўғлим, ўйнайвер».

Худди шунинг устига Камолнинг олдидан собиқ қурилишда бирга ишлашган бемазалардан бири ўтиб қолди.

— Сен яхши одам эмас экансан,— деди у ёнига ўтириб.— Ўз фойдангни ҳам, бошқаларнинг фойдасини ҳам билмас экансан. Ҳа, ўшанда, «мен қилганман бу ишни», деб бошлиқларнинг ҳам катта пулини олмайсанми, бошқаларни ҳам қутқармайсанми бу фалокатдан. Сенга ахир бари бир эмасми, кўчада бунақа сарсон бўлиб юрдинг нима-ю, у ерга бориб ўтирдинг нима. Қамоқ ҳам ахир ўз уйингдек бўлиб қолган бўлса. Бари бир қурилишдагилар у ишни сенсиз ҳам тўғрилашди-ю...



Қамол ўзини тутиб тура олмади.

— Сенларга ўхшаган махлуқ эмасман, инсонман, инсонман мен,— қўлларини боши устида мушт қилганича бақриб туриб кетди у,— ким деб ўйлаяпсанлар мени, ким деб. «Тўғриладим» эмиш, мен ҳаммасини очиб ташлайман у ўғриликни. Сен ярамасларни.

Жанжал чиқди. Орага Тимофей Алимович аралашди. Собиқ «ҳамкасаба» ура қочиб қолди. Қамол хўрлиги келиб, бўзлагудек эди. Тимофей Алимович тинчитди. Яна ёнига ўтказди. Сув олиб келиб берди, юпатди. Кейин: «Ўзи нима гап? Нима деб алжияпти»,— деб сўради. Қамол бутун бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди.

— О, ярамаслар, о, ифлослар!— ғазабдан ўзини тутолмай ирғиб туриб кетди Тимофей Алимович.— Қачон йўқолади бунақа пастлик, аблаҳлик! Сен ҳам ҳамма ишни кўриб туриб, қўрқиб ўзингни четга олиб юрибсанми?

— Мен ўз кўчамни тополмай юрган одам бўлсам... Лекин энди, унинг шу бугунги деганига...

— Нега кўчангни тополмас экансан? Мен оламан ишга сени, мен!

Қамолнинг шунда ёш боладек ўзини тутолмай, кўзларидан ёш тирқираб кетганини кўрсангиз эди.

Шаҳарда эканларида Қамол тегишли жойларга бориб, қурилишда кўрган-билгани ҳамма ўғирликларни очиб ташлади. Машина-машина тахта, пишиқ гишт ва ромлар ким орқали ошириб «сув» қилинганигача айтиб берди. Ҳамма юлғичлар тегишли жазосини олди...

Буни кўриб Тимофей Алимович Қамолнинг елкасига қоқди.

— Шундай бўлиши керак, оғайни,— деди,— қадминг тўғри, қалбинг покиза бўлса, ҳеч нарсадан тап тортма. Ҳеч кимни аяма. Дадил бўл! Ярамасликка қарши нафрат бўлмаган жойда яхшилик бўлиши гумон.

Тимофей Алимович Камол илк бор учратганида билганидан ҳам ажойibroқ одам экан. Мана, бу коллективга ишга ўтганидан бери уни ўз отасидан ҳам аъло кўриб қолди.

Бухоро — Урал йўлига чиқишганда бошидан ўтган бунақа тақдир раҳмсизликларини Тимофей Алимовичга айтиб берганди, у ҳам нафасини ичига ютганича ёқасини ушлаб қолганди.

— Шуларнинг ҳаммасидан одамликни йўқотмай ўтибсан, бу ғолиблигинг,— деганди. Кейин Камолнинг кўнглини кўтариш учунми, ўзининг ҳам болаликда бошидан ўтган бир воқеани кула-кула ҳикоя қилиб берганди.— Ёшлигимда ҳам бир ғалати бола эканман-да ўзим,— деганди у.— Қўшнимизнинг елинлари тўшига сиғмайдиган бир олатарғил сигири бўларди. Унинг тагига кириб миққа-миққа эмишни ўрганиб олибман. Сигир жонивор ҳам оёқларини кериб, ҳузур қилгандек кўзини сузиб, кавш қайтариб тураверарди. Бир кун келиб қарасам, сигир очиқ яйловда юрибди. Бора, эмаверишга бўлмади. Одамлар кўриб қоладиган. Секин арқонидан ушладиму, пастқамроқ жарга қараб етакладим. Сигир жонивор ҳам индамай бораверди... Буни кимдир кўриб югура солиб қўшнимизга бориб хабар қилибди: «Нима дейсан, олтарғилингни биттаси етаклаб кетяпти». Жарга етмасимданоқ, ҳаллослаб орқамдан бориб қолиб, мени олатасир савалашган. Ўзимни оқлаб олгунча, нақ нари бориб, бери келдим... Шунга ўхшаб ёшлик кўчаси сени ҳам...

Шундай қалби очик, олижаноб одамга ёқмайдиган хунук иш қилиб қўйганлиги учун Камол ўз-ўзини оқлай олмас, ичдан койинар, туталарди. Ҳурини айтмай-сизми, шундай тўполон устига чиқиб келганини-чи! Нима қилдим? Нега ўзимни тута олмайман-а, асабларим жуда-жуда толиққанми? Одамман-ку, ўзимни тутишим керак Ҳури... Ҳури... Собиржоннинг синглиси?!

Шаҳарда туришган пайтида у Ҳурини кўрмаган эди. Саҳро ўртасида бригада учун илгаридан тайёрлаб қўйилган қароргоҳга келган кунги бехосдан кўрдп-ю, нима учундир болалигини, илк бор севгисини ўғирлаган ўша Тўхтасулунни эслади. Ҳурининг кўзлари ҳам Тўхтасулуннинг кўзларига ўшаркан. Қалбнинг шафақ ойнаси-дек тиниқ, беғубор бир мулоқимлик билан боқадиги одамга. Бунинг ҳатто, жилмайишлари, оҳиста қадам босиб юришлари ҳам Тўхтасулуннинг ўзи. Одам одамга шунчалик ўшар экан-а! Еки ҳаётни янгидан бошлаётган қалб уни шундай ўшатишини истаяптими? Камол ўзининг хунук ўтмишини ҳам, бу ердагилар ўзи ҳақида қандай фикрда бўлиши мумкинлигини ҳам хаёлига келтирмай Ҳурига интиларди. Колоннага келаётганида газчилар шаҳарчасида тўсатдан учрашиб, «оқ»нинг устида иноқлашиб қолган оғайнисини Васкани шу важдан «Бу ҳурилиқога яқинсан шекилли, мен ҳам таништириб қўй»,— деганди. Васка: «Хў, келмасингдан қизларга томоқ тақиллатяпсанми?»— дея пичинг қилиб, уни Ҳурининг ётоғига бошлаб ҳам борганди...

Газопроводчилар ҳаёти Камол учун шубҳасиз янги бир олам эди. У гудиринатор машина етказиб келган қайноқ, суюқ мумни шоша-пиша қозонга қуйиб олади. Кейин машинист команда беради, колонна ишга тушиб кетади... Камол машинага кўз-қулоқ бўлиб боради. Ундан шундоқ ўч-тўрт қадамгина орқада Ҳури машина мум устидан ёпиштириб бораётган қоғозни ростлайди. У Камол худди шундай ёнгинасида терга пишиб, мойга беланиб елиб-югураётганини ҳам кўрмаётгандек юради доим. Камолга ҳатто қарамасликка, нигоҳлари бехосдан тўқнашиб қолганида кўзларини ундан олиб қочишга интилади.

Ўзаллар ўзи шунақа мағрур бўлади, деб ўйлайди Камол. Ўрни келганда гап отиб қўяди.

Ҳури бунга гоҳ жавоб қилади, гоҳ ўзини чалғиганга олади.

Қамоқда юрганида Камол бир йигитни учратганди. Урта бўйликдан келган, қотма, оқ сариқ бу йигит Камол ўздан кучспзроқ бир йигитни ғазабига олганида ҳақиқатчи бўлиб орага тушганди. Камолга:

«Сиз ноҳақсиз?»— деди. Қўзлари ёниб кетган Камол муштини ишга солиб, унга ўзининг «қанақа ҳақсиз» эканини кўрсатиб қўйди. Бечора чўзнлиб тушди. Камол жазоланди.

Шундан кейин орадан бир ойча ҳам ўтгани йўқ эдики, картабоз, қиморбозлар тўдаси Камолни нагадир яниб юрган экан, бир четга олиб ўласи қилиб калтакладилар. Бир ҳафтада аранг ўзига келган Камол тепасида бошига латта босиб, лабига сув тегизиб ўтирган шу оқ сариқ одамга илк бор кўзи тушди. У:

— Кўзингни очдингми, оғайни, хайрият, хайрият,— деб енгил хўрсиниб турарди.

Кейинчалик врачларнинг айтишича, шу одам бўлмаганда Камол дунёдан умидини узаверса ҳам бўларкан. Кейин тузалиб оёққа туриб кетгунгача ҳам у доимо хабар олиб, қараб турди. Бу одамнинг меҳрибончиликларини ҳазм қилолмаган Камол бошда лаганбардорликка йўйиб, олдидан ҳайдаб юбормоқчи ҳам бўлди.

— Кет олдимдан, нима қиласан, тепамда ўралишавериб,— деди дағаллик билан.

— Ие, оғайни, ҳали шошма,— деди кулиб у йигит,— сен мени ўзингдан ўшанда қўрқиб қолганим учун бошимда айланиб юрибди, деб ўйлаяпсан, шекилли! Йўқ, йўқ, ука! Одамни куч билан ҳақоратлаб ўзига таъзим қилдираман дейиш, янглишишдир. Одам одамдан қўрқмайди. Мен сендан қўрқганим учун эмас, йўқ, оғайни, аҳволинг оғирлигини кўриб, юрагим эзилганидан қарапман.

Қамол шунда енгилиб бошини қуйи солганди. Иккинчиси, мана, ҳамма ёқдан мосуво бўлиб, кўчада бошини чангаллаб ўтирганида Тимофей Алимовичнинг дардига малҳам бўлиши. Бу ҳам, бригадага олиб борсам кўпчилик нима дейди, кети нима бўлади?— деб бошини қашиб ўтирмаёқ дастлаб уни одам деб билди, одам оғир аҳволда қолганида, унинг кимлиги, ўтмиши қандақалигидан кўз юмиб, инсонлик қўлини чўзиш одамлик бурчи эканини билиб шундай қилди. Қамол туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамма ғалвалар, кўнгилсизликларни ҳам бўйнига олди.

Буларни ўйлаб Қамол кўпинча бошини ушлаб қолар, худди оғир уйқудан уйғонаётган одамдек, уҳ тортиб қўярди.

Ҳа, Ҳурининг қўлида кўрган сурат ўша одамнинг сурати эди!.. Наҳотки, наҳотки, шу одам Ҳурининг акаси эди. Бугун трассада ҳам, кечқурун ҳам Ҳуридан бу ҳақда сўраш учун икки-уч чоғланди-ю, лекин ҳар гал ҳам иш, олаговур одамлар халақит берди. Собиржон... Ўша Собиржон... Кўзларининг одамга мулоим боқиб туриши ҳам, қотмагина юз ёноқлари, пешанасига тушган қоп-қора сочлари ҳам худди ўзи, суратга ҳам бир туки ўзгармай тушган...

Тузалиб касалхонадан чиққан кун Собиржон, соқолларини олдирган, кийимлари текис, қўлида чамадон олдига келганди.

— Бизга оқ қоғоз тегди, оғайни,— деганди қулиб...

— Насиб қилса, мен ҳам тезда қутулиб чиқиб бориб қоламан. Сизни қидириб топаман, албатта,— деганди Қамол. Адресларини олганди. Суриштириб топа олмаганди ҳали... Тасодиф мутлақо ақлини шошириб қўйганди Қамолнинг. «Собиржон Ҳурининг акаси? Ростданми? Йўғ-э?»— девонадек ўз-ўзига савол берар, Ҳурига эски дағаллигимдан қилиб, кўнглини огритиб қўйганим йўқмиди, дея ўйланарди ҳам...

Оғир қора кунларни эслашга ҳам юраги дов бермасди Қамолнинг. Нима қилсин, уни эслашга, уят-изтиробда ёнишга мажбур қилишяпти. Аламдан лабини қони чиққудек қаттиқ тишлар, тайтангланиб қоронғида қум ичига кириб борарди.

У саксовул тагига ётиб олиб ер тепинар, думаланар, ўзини-ўзи урар, жиннилардек бошини қумга эзарди-ю, бари бир алаmidан тарқай олмасди. Илгаригича иш тутганда-ку, ҳозир Васкани коптокдек тепкилаб хуморидан чиқарди, атрофдагиларнинг ўзига нафрат билан тикилиб турган кўзларини ҳам писанд қилмай орадан чиқиб кетарди... «Эҳ, сен, сен...» тишлари такирларди унинг... Шу кунни Қамол саҳрода қолиб кетди. Ёни-верисида бўрилар улиди, калтакесаклар бошидан сурғалиб ўтди. «Майли, саҳро жондорлари мени бурдалаб кета қолсин»,— деди. Саҳарга яқин шамол туриб, қум кўча бошлади, ўзини бархан тагига ташлади. Қум тагидида қолиб кетишига ҳам рози эди. Йўқ, шамол ҳам кўп ўтмай тўхтабди. Кўчма қум аранг Қамолнинг ярмини кўмибди. Барханлар оралиғидан тонготарга яқин гандираклаб чиқиб келди. Унинг боши эгик, кўзлари ичига ботган, кийимлари йиртилган, девонага ўхшарди. Одамларга бошини кўтариб қарамасди ҳам. Вагон-уйига кирди-ю, ғужанак бўлиб ётиб олди...

## МЕН ТАНИЙМАН СИЗНИ

Тимофей Алимович Восиқ билан Қамолнинг уришганларини эслаб эртасига роса кулди.

— Иккита кап-катта-кап-катта йигит жўжахўрозларга ўхшаб, мўйлашиб тевалашаверса жуда қизиқ кўринар экан одамнинг кўзига,— деди у, Қамол билан Восиқнинг кечаги жанжали хусусида жиддийроқ гаплашиб олиш учун саҳарлаб туриб олдиға кириб келган Рафиқ-

қа.— Одам-ку ахир улар! Ҳар қанча гапи, ҳар қанча жанжали бўлса ҳам бемалол ўтириб гаплашаверса бўлади-ку! Бир-бирига мушт кўтариши нимаси-я?!— дерди елкалари силкиниб кулганча.

— Сен ўзинг шунақасан-да. Унча-бунча яхши-ёмонни фарқ қилмайсан, паст-баландни эламайсан. Сенинг учун бари бир. Бошқалар ундақа эмас. Айниқса, Қамолга ўхшаб минг тўйнуқка кириб чиққанларга,— бошини сарак-сарак қила кетди Рафиқ.— Улар тариқдай нарсани юрагига муштдай қилиб тугиб олади. Ғалва чиқариш учун пайт пойлайди. Касали шу, шунинг учун ҳам сенга Қамолнинг кўзи ёмон, ўзи қамалиб чиққан экан, ахир, илиқ-иссиқда кавушини тўғрилаб қўя қолайлик дедим, сен бўлсанг, қулоқ солмадинг. Мана оқи-бати! Бу ҳам ҳолва!

Тимофей Алимович тез-тез кийинар экан: «Шунинг ҳам юрагида бир кек-пеки бор шекил-да, ҳадеса Қамолни гапиргани-гапирган,— дея ўзича каравот четига чўнқайган Рафиққа зимдан қараб қўйди.— Ҳа, кеча яхшигина жанжал бўлди, бутун қароргоҳ уйғониб чиқди.— Бу жанжал сабаблари ҳам кечаёқ ойдин бўлганди Тимофей Алимовичга.— Ҳаммасига Васканинг аҳмоқлиги-ю, Қамолнинг қизиққонлиги сабаб. Энди албатта уни бўлар иш бўлибди, деб ташлаб қўйиб бўлмайди. Уларни бақамти қилиб қўйиб, ўртада яхшилаб гаплашиб олиш керак. Ахир, бир қароргоҳда яшаб, бир бригадада ака-укадек ишлаб юриши керак бўлган йигитлар, арзир-арзимас нарсага жўжахўрозга ўхшаб тевалашаверса, уят-да! Иккаласи ҳам кичкина бола бўлмаса!»— Режа тузганди Тимофей Алимович. Қараса, яқин ўнг қўл ёрдамчиси гапни жиддий оляпти.

— Бақамти қилиб, иккаласини уришиб қўяйлик,— деган эди, Рафиқ кўнмади.

— О, Қамолни уришган билан одам қилиб бўлмайди. У ўзи бошида бузилган,— деб туриб олди.— Қаттиқроқ чора кўриш керак. Коллектив ўртасида муҳока-

ма қилиш лозим. Айбларини бўйнига олиб, тузаламан деса, деди, бўлмасам, ҳайдаш керак.

— Бунақа қилиб бўлмайди.— Бирдан туриб кетди Тимофей Алимович. У дилига ўтирмайдиган гапни эшитган ониди сакраб кетарди.— Қамол ахир кеча қоядан тушишда ҳазилакам мардлик кўрсатмади. Емон ишлаётгани йўқ. Буларни ҳисобга олмай, арзпр-арзимас жанжални деб, унинг ишда қолиш-қолмаслик масаласини ўртага қўйсақ, тупна-тузук йўлга тушиб бораётган одамни пачақ қилиб қўямиз.— Хонада у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб, қўлини силтай кетди Тимофей Алимович.

— Унга сен нотўғри ён босяпсан, бўш қараяпсан.— Қайтмади Рафиқ.

— Одам боласини сиқишни, одам боласини эзишни бунча яхши кўрасан-а, Рафиқ,— унга тушунмай узоқдан қарарди Тимофей Алимович.— Одам боласи ахир дунёга сенга, менга ўхшаган кимсаларнинг сиқув ҳамда терговиди тахтакачга тортилгандек қотиб юриш учун келмаганку-а! Олам ўзи кенг, ёруғ, бемалол қилиб яратилган. Сен бунча уни бўғишга ишқибозсан! Қўй, бунақа одатни ташла, оғайни! Ахир, Қамолнинг кимлигини, юрагида нима борлигини қилаётган ишларидан, ҳаракатларидан билмаяпсанми?

Рафиқ бетоқат питирчиланди.

— Одам боласига тилидагига, сиртидагига қараб баҳо берасан, билмайсан...— Рафиқ гапни тугата олмади. Эшикдан ранглари синиқиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган Қамол кириб келиб қолди. Рафиқнинг бу ердалигидан беҳабар, Тимофей Алимовичга юракдаги аламларини тўкиш учун келган шекилли, базўр саломлашди. Рафиққа оғир қараб, уф тортиб қўйди.

— Ҳа, гапинг бормиди,— деди Рафиқ.— Гапир! Биз ҳам ҳозир сенинг қилгиликларингни ўйлашиб тургандик,— лабини жийириб ютинди у,— қанақа жойда ишлаётганингни биласанми ўзи!



Рафиқнинг силташлари Қамолга оғир ботди. Қўзлар тортилди. Рафиққа жуда ғалати тикилиб қолди.

— Мен сизни бу ерда биринчи марта кўрганимдан бери, илгари қаерда учратган эканман, деб ўйлаб юргандим. Ҳа, энди эсладим... Энди...— деди.— Ўшанда ҳам сизнинг биринчи гапингиз, «қанақа вақтда яшаётганингни биласанми ўзи», дейиш бўлган эди... Ҳа, энди танидим.

— Нималар деб валдираяпсан ўзи. Чолни кўрсанг, бувам деяверар экансан-да,— ранги оқарди Рафиқнинг.

— Йўқ, қўрқманг, мен сизни у одам деяётганим йўқ, ўша одамга ўхшатдим,— ўтирди Қамол.— Ҳа, бир вақтлар сизга ўхшаб кетадиган бир кимса тақдиримни чаппа айлантириб кетган эди-да.

— Мен сенинг тақдир-пақдирингни сўраётганим йўқ. Ҳазил-мазах ҳам ўйнамаяпман. Кеча қилган қилмишингни гапиряпман,— ҳуриб туриб кетди Рафиқ.

— Ҳа, кечаги қилмишим ҳам ўшандан бошланган. Ўзимни ҳам, Васкани ҳам рости худо бир асради.

— Ана, эшитяпсанми?— Тимофей Алимовичга ташланди Рафиқ.— Яна ул-бул десам, бунинг ёнини оласан. Васкани ўлдириб қўйсам, нима бўлар эди. Ўзинг ким деган одам бўлар эдинг. Мен биладан, бундақа одамларни, мен биладан! Ҳайда буни десам, ҳайдамайсан! Эҳтиёт бўл, десам, қарамайсан! Ҳайда, ҳайда ҳали ҳам буни, ҳайда...

Қамол Рафиқни бу даража лўлилик қилади, деб кутмаган экан. Ранги ўчиб ўрнидан туриб кетди. Тимофей Алимовичдан ҳимоя кутгандек қалт-қалт титрар, нима қиларини билмай бир унга, бир Рафиққа қарар, қулоқларини ушларди. У Тимофей Алимовичнинг олдида Рафиққа энди қаттиқроқ ул-бул дейишни ўзига эп билмасди.

Тимофей Алимович эса, «бунинг ўзида бир гап бор шекилли», дея Рафиққа таажжубланиб қараб қолганди.

— Қўйиб берса ўзинг, Васка бошлагандан ҳам кўра

каттароқ тўполонни қиласану,— деди ярим ҳазил араваш кулиб.— Бўлди, бўлди, қўй ҳозир бунақа тутатишингни. Трассага кечга қоламиз. Ташқарида одамлар кутиб қолишди. Кейин кечқурун бафуржа гаплашамиз. Мен ҳам Қогонга боришим керак.— Рафиқни босиб тинчишиб эшикка қараб юра берди. Таъби бешбаттар олинган Камол ташқарига чиқаркан, Рафиққа ёмон тикилиб :

— Қўрамиз, бу гал ким кимнинг тагига сув қуяр экан!— деди гижиниб.

Рафиқ уни орқасидан сўкиб қолди, кейин Тимофей Алимовични четга тортиб шипшиди :

— Мен бунинг илгари ким бўлганини, нима қилиб қамалганини яхши биламан. Хўп десанг, кўпчилик олдада ҳаммасини очиб ташлайман.

— Керак эмас, мен ҳам унинг ким бўлгани, нима қилганларини яхши биламан. Ҳатто уни жиноят кўчасига итарганларни ҳам.— Тимофей Алимович Рафиққа синовчан қаради. У ўзини орқага тортди.

— Шундай бўлса ҳам-да, шундай бўлса ҳам-да,— деди ғулдираб Рафиқ.

Тимофей Алимович машинаси сари ошиқаркан:

— Ташла, ташла, оғайни, одамга бунақа бир вақтлар қилган гуноҳларининг тирик қони деб қарашни,— деди.

Рафиқ бурнини тортиб олиб, ўз йўлига бурилди. «Бари бир уни ўртада авра-астарини ағдармай қўймайман, Тимофей калта ўйлаяпти. Ким кимнинг тагига сув қуяркин, ҳали кўрамиз, Тимофей Қогонга жўнасинчи»,— дерди.

## САҲРО ҲАЗИЛИ

Ҳа, кунлар кўчки қумлардек оқиб ўтиб борарди. Колонна асрий мудроқ саҳро кўксини қиличдек ёриб ол-

га одимларди. Ҳури гоҳ изолировкачилар олдига югуриб борар, гоҳ экскаваторчига тегишиб тош отар, гоҳ ақлли машина ўзи қувурга қарамай устидан ўраб бо-раётган қалин қоғозни ростлаб туриб, олдинда кетаётган Васкага қичқириб қўярди :

— Шапкангни тўғрилаб ол, бола, оёқ остида қола-сан бўлмасам!

Пешинда қароргоҳга бориб, овқатланиб келишганидан кейин негадир қорамой ташувчи машина келмай қолди. Эркаклар бульдозерларни тўхтатдилару қумга ёнбошлаб валақлашинга тушишди. Камол, нима учун-дир трассада пешиндан кейин кўринмади, уни ҳеч ким сўрамади ҳам.

Бугун Ҳуриннинг ёрдамчи дугонаси ишга чиқмаганди. Ёлғиз қолган жувоннинг кўзига қумтепа устида попушак гулидек таралиб турган қатор соябонгуллар пояси яшнаб кўринди. Уларни теришга киришиб кетди. Бит-тасини юлди, иккинчисини қидирди. Бир вақт қараса, трасса анча орқада қолибди. Қорамой машинадан эса дарак йўқ. «Кеч бўлиб қолди, энди келмайди»,— кўнглидан ўтказди Ҳури. Қўшни 2-колонна қароргоҳи шу қумтепалар орқасида эди. Унда жонажон бир дугона-си бор. Яхшиси, шунинг олдига бориб бир ҳасратлашиб ўтириб келмайдими?.. Шерикларига, узоқдан «Мен 2-га кетдим» дея бақирди-ю, ўзича ғинғиллаб ашула айтиб, кетаверди. Колонна яқин-ку, ахир! Жувон ҳали саҳро шумлигини билмасди. Қандайдир гулларни топди. Ўзи-ча санқиб барханлар ичида узоқ тентиди. Бир вақт анча юргани эсига тушди. Нега колонна учрамаяпти, ҳар ёнга боқди. Юрагига гулғула тушди. Ортига қайтди. Аммо, икки бархандан ошди, учинчи қумтепага ҳам тармашди. На колонна ва на трасса шарпаси кўринар, на тракторлар овози эшитиларди. Ҳури хавотирга тушиб қолди. «Ўзим қаёқдан келган эдим», деб атрофга аланглади. Тўрт томонда ҳам бир хил саксовул чўкир-таклари-ю, қум уюмлари. Қўрқиб кетиб овозининг бо-

рича бақирди. Овози қумга акс-садоснз сингди. Ҳури олдинга қараб, жони борича чопди. Лекин қум дўнгидан ошмай нафасн оғзига тпқилди, ўзининг саҳро ичига кириб кетаётганини билди. Орқасига қайтди... Лекин яна хпёл юрмай, йўлини йўқотди. Қаёққа боришини билмай қолди... «Вой шўрим, вой шўрим», дерди зўр бериб. Чпройли соябонгул дасталарини бағрига маҳкам босиб олганди.

Дастлаб у, ҳозир ҳеч бўлмаса колонна ёки трасса қорасини топиб оламан, деб умид қилганди. Аммо икки соатча беҳуда югуриб, қора-пора учратиш ўрнига саҳронинг янада ичкарасига кириб кетиб қолганини пайқади.

## ҚУМГА ТУШГАН ГУЛ

Пешинги дам олиш пайтида овқатланиш учун кўпчилик қатори қароргоҳга келган Камол ошхона эшиги олдига ёпиштириб қўйилган ғалати бир эълонга кўзи тушиб қолди. Унда бугун кечқурун клубда бригада изолировкачи ёрдамчиси Камол Халиловнинг ахлоқи муҳокама қилинажиги маълум қилинганди. У эълон олдида Камол дастлаб бир нафас суратдек қотиб турди. Кейин, ошхонага ҳам қирмай, шартта бурилганича ётоғига кириб кетди. «Қўясанми, мени ўз ҳолимга макруҳ одам? Қўясанми, йўқми?—деб бўғиларди.—Ҳа, Рафиқнинг иши бу! У қилган! У чиқарган бун!» Тимофей Алимович, эрта биланоқ трассадан қайтиб, олдинда хандақ қазиётган бульдозерчилар контораси билан гаплашиб келиш учун кетди. У кетиши биланоқ, дамда ниш чиқарипти-да Рафиқ. Камол ошхона олдида турган икки аёлнинг: «Кеча именинасини қилиб, бугун ахлоқни муҳокама қилиш нимаси? Қимдан чиққан беъманилик»,—деяётганларини ҳам эшитди. Мен, мен, кетмасам, бу Рафиқ тинчимайди шекилли-да. Уни тин-

читиш учун ҳам кетайми-а, бу ердан? Яна жаҳл устида бир нима қилиб қўйсам-а! Ҳури-чи...» Шу куни чошгоҳдан кейин трассага ҳам чиқмади.

Қуёш кўк гардишидан иниб, эндигина қум океани тўлқинлари эгарига минганди. У ётоғидан чиқди, этигини кийиб олган, чопони елкасида, бир қўлида чамадон.

— Ҳа, ўз нима гап?— Қорамой қозони олдида куйманаётган Ҳасан ака ўсмоқчилади.

Камол : «Қўйсанг-чи юмшоқ супургиликни»,— дея уни силтаб ташлади-ю, индамай, қувур машинаси ўтадиган йўлга қараб кетаверди.

— Рафиққа ҳали учрашамиз яна, деб айтди, деб қўй,— деди анча наридан. Йўл ёқасига чиқди-ю, кунботар томонга аланглаб, қувур ташийдиган машина келиб қолармикин, деган хаёлда узоқларга қарай бошлади... Трасса ёқалаб бир машина чўзилиб келарди. Камол унинг олдидан тўсиш учун йўлга ўтди. Машина эса тўғри ўтиб кетавермай, қароргоҳга бурилди... Бу ўз колонналарининг ишга одам ташийдиган машинаси экан. Қорамой бўлмагани учун бўлса керак, одамлар ншдан вақтлироқ қайта қолишганди. Камол тескари қараб тураверди.

— Ҳури келдимиз?— Рафиқнинг машинадан тушмасдан буруноқ кимгадир қўрқиб сўз қотгани қулоғига чалинди.

— Йўқ,— деди унга Ҳасан,— эрталабдан бери шу ердан, келмади.

— 2-колоннадан машина-пашина ҳам келмадими?

— Йўқ.

Шундан кейингина Камол орқасига қайрилиб қаради.

— Машина-пашина бўлмагандир-да, келиб қолар,— бепарво уйига кириб кетди Васка. Рафиқ эса кўзлари чақчайганича, саҳро қаърига тикиларди.

— Борма, деб қайтармабди ҳеч ким, ўзи ёлғиз ке-

тиб қолибди,— дерди у.— Қумда адашмай борган бўл-  
са гўрга-я!

Бу гапга Камолнинг қулоқларин диккайди. Шунинг  
устига трасса ёқалаб яна бир машина қораси ўрмалаб  
келаверди.

— Анави турган ким?— деди тўсатдан Рафиқнинг  
Камолга кўзи тушиб.

— Бирорта машина пойлаб турган йўловчидир-да,—  
деди кимдир. Ҳасан бориб Рафиққа аллаҳима деди.

Рафиқ, Камолга бир қаради-ю, бошқа ёққа кетди.  
Шунинг устига қумдан чиқиб келаётган машина Камол-  
нинг олдига етиб келди. Камол қўл кўтарган эди, тўх-  
тади, унга иргиб чиқиб олди. Машина яна йўлга су-  
рилганди, Рафиқ қўлини силкитиб, қичқириб келаверди:

— Тўхта, тўхта, 2-дан келянсан шекилли, тўхта, тўх-  
та, ҳой...— Шоферга юзланди Рафиқ.— Бизнинг колон-  
надан бир жувон бормадами?

— Ҳеч ким боргани йўқ.

— Ҳури, Ҳури Алимова-чи?

— Ҳурихонми? Танийман. Эрталабдан бери ўша ер-  
даман. Қораси ҳам кўрингани йўқ.

Рафиқ бўзариб кетди :

— Йўғ-е, йўғ-е,— дерди зўрга. У кузовда турган  
Камолга ул-бул дейишни ҳам эсидан чиқариб, қарор-  
гоҳ сари қайтиб чопди. Камол ҳайрон бўлиб қолди.  
«Наҳотки, наҳотки, Ҳури қумда адашган... Йўғ-е,  
йўғ-е», дерди у ҳам. Машина жилди. Икки юз-уч юз  
метр юрмасиданоқ, Камол чамадонини олиб, учиб ке-  
таётган машина кузовидан сакраб тушди. Қароргоҳга  
қараб чопди. Бу ерда ҳамма ташвишга тушиб қол-  
ганди:

— 2-га бормаган бўлса, у албатта қумда адашган.

— Вой, бечора Ҳури...

— Вой, тентак, нега ёлғиз кетади.

Рафиқ бир шоферни машинага ўтқазиб, трасса бўй-  
лаб жўнатди.

— Балки трасса ён-верига чиқиб қолгандир, қара, қара, юзинчи километргача бор,— деб тайинлади. Ўзи, яна нима қилиш керак, деб алангларди.

Ўрининг қумда адашганлиги аниқ бўлганди. Сахро феълини Қамол яхши билади. Домига тушган одамни осонликча қайтариб бериши қийин.

Аксига олиб, трактор-танкнинг машинисти ҳам бугун Газлида турадиган болаларини кўриб келиш учун кетган экан.

— Васка, танкка мин,— ҳовли ўртасида белини ушлаб турган Васкага буюрди Рафиқ.— Трассага чиқиб қолар деб кутиб турмай, изидан қум ичига кириш керак.

Васка эса қўлини белидан олмасди.

— Қанақа аҳмоқ аёл экан-да, йўлига қараб юрса ўладими, ҳаммани шу вақтда безовта қилиб, ахир унга, сахро билан ўйнашма, деб ўн марталаб тушунтиришган-ку!— бошлиқнинг буйруғи огир ботиб, гарданини қашиганича яна вагонга бурилди Васка. Бунни кўриб, чамадонни бир четга қўйганича, ҳуши бошидан учиб турган Қамол безовталаниб қолди. Сахрода ахир илгари юрмаган кимса қандай қилиб йўқолган одамни топади. Қайтага, ўзи адашади.

— Мен, мен боришим керак,— дедди. Рафиқ унга ялт этиб ўгирилиб қаради. Қамол ўзини худди ҳозир қумга отгудек бир забтда эди. Рафиқнинг жавобини ҳам кутмай, ётоқхона орқасида турган трактор сари қадам ташлади.

— А, яна сен? Восиқ, Васка, ўлдингми ўзи? Одам-мисан, тўнкамисан?— бақириб юборди Рафиқ.

Бунгача Қамол кучли машинани турган ерида бир-икки дебсинтирди-ю, кейин силкина-силкина қум ичига шўнғиди-кетди...

Олдин кетган шофер колонна труба ётқизиб етиб келган жойгача келгану, ичкарига киришга юраги бетламай қумтепалар устига чиқиб: «Ўур-е, Ўурилаб!»—

бақирмоқда эди. У дадиллик қилиб, машинасини тош-лоқроқ ердан ичкарига ҳайдаган экан, икки барханнынг ёнбошидан ўтибди-ю, учинчисига борган жойида қумга текилиб ўтирибди-қолибди.

Қамол илгари қум ичида яшаган йигит. Бу ерда катта карвон йўқотсангиз ҳам учратиб топиб қоларман, деб у ёққа-бу ёққа югуравериш бефойда. Қайтага ўзинг адашиб, саҳро гирдобига тушиб қолишинг ҳеч гап эмас. Энг муҳими, кун ботмай из топиш, Ҳурининг изини топиш керак. У Ҳурининг трассада катта кесиб ўтмоқчи бўлган жойини мўлжаллаб из қидира бошлади. У ёққа чопди, бу ёққа чопди. Кечки шамол қумтепалар устидаги изларни аллақачоноқ кўмиб бўлганди. Буни биларди Қамол. У пастликроқ жойларга тушди. Ёнбағирлардан айланиб из қидираверди. Ўқтин-ўқтин машинани тўхтатиб, кабинадан сакраб чиқар, у ёқдан-бу ёққа чопиб, из қидирарди. Трактор рули ҳам унга харашасиз бўйсунарди. Уч-тўрт қумтепа атрофини нафсиз айланди. Бир-икки жойда жайроннинг қўшоёқлаб сакраган изини кўриб, топдим, дея юрагини ҳовучлади ҳам. Тополмади. Қуёшнинг сўнги олов кўзи муштдек чўғ бўлиб, саҳро уфқи этагига милтираб чўкиб борарди. Қамол эса, бетиним у ёқдан-бу ёққа югуриб, ўзига қиё боққиси келмай юрган ўша сулувнинг изини қидирар, майли, уни ўғри, дея билиб, умр бўйи бир назар солмай, яқинига йўлатмай ўтса ҳам, азиз жонини ҳозир қум чапғалидан қутқаришни, қутқаришни, қутқаришни истарди. Юрагини ёндирган аланга шунга ундарди.

Излаб-излаб Қамол бир қумтепа ёнбағрида ётган иккита саҳро гулига кўзи тушиб қолди. У одам қўли билан юлинганди.

— Шу атрофдан ўтган,— умид учқуни ёнди қалбида. Ён-верини авайлаб текширишга тушди. Қумдан одам юрганга ўхшарди. Қамол пастроққа тушиб, аниқ оёқ изларини кўриб қолди. Излар унда-бунда тушганди.— Бу ўшанинг изи. Унинг бўтисининг изи,— қичқариб



юбордп Камол. Шу атрофда бўлса керак. Югура қумтепа устига чиқди, қўлини карнай қилиб: — Ҳури, Ҳури!— дея чақира бошлади. Овози бўм-бўш саҳрога сингарди. Борлиқ оҳиста қора либосини кийиб борарди.

Камол яна сапчиб рулга минди. Белгини йўқотмаслик учун чироқни ёқди, уни изга тўғрилаб, олға силжийверди. Из гоҳ қумтепа устига чиқиб йўқолар, гоҳ яна пастроқда пайдо бўлиб қоларди. Баъзи жойларда Камол изни йўқотиб қўймаслик учун қумтепа атрофини эмаклагудек бўлиб айланиб топар, яна унинг ортидан машинасини аста йўргалатиб кетарди. Кун совуқ бўлса ҳам йигитнинг борлиғи жиққа терга ботган, юраги эса, ишқилиб, изни йўқотмай, шундан бир амаллаб топиб олай-да, узоқлаб кетган бўлса, тополмасам, шу билан Ҳури шўрлик қум қаърида бир ёқлик бўлади, дерди... Издан қувгани сари ўзи ҳам тинмай саҳро ичига кириб борар, ҳали ўзим ҳам йўлни адаштирмасам эли, дер, лекин ҳозир ўз жони кўзнга кўринмасди.

## ЮЛДУЗЛАР ЙЎЛ КЎРСАТАДИ

Газопроводчиларга, саҳро билан ўйнашманг, қадимингизни эҳтиёт бўлиб босинг, колоннадан асло олисламанг, деб қайта-қайта уқтиришарди. Шўх ва дадил қувур ётқизувчилар, бу таъкидларнинг барини: «Бошига ортиқча галва тушишидан ўлимдан қўрққандек қўрқадиган, ўз шарпасидан ҳам эҳтиёт бўлаверадиган баъзи бошлиқларнинг ўта расмиятчилик ҳадиклари, биз кичкина боламидик», дея кўпда менсишмаганди. Ҳури, қайси ўз жонидан тўйган саҳро билан ҳазиллашар экану саҳрога кирган кимсани нима ютиб қўяркан, деб қўя қолганди. Шундай беписандлик билан бемалол кезиб, саҳро исканжасига тушиб қолганидан кейингина хиёл ўзига келганди. Ҳеч маҳал, у минг ёққа чопсанг ҳам

йўл тополмай қоласан, саҳро дамда чир айланиб, сени нариги бошига элтиб ташлагандек, қумтепа орасида кўриниб турган вагон-уйлар ҳам саҳро «тўлқинлари» тагига чўкиб кетгандек, йўқолади-қолади, деб ўйлаганди. Бир жойни қоралаб чиқиб борсанг, топасан-қўясан, деб тушунганди. Трассада узилиб қум ичига кираётганида ҳам олисдан кўриб олганди: иккинчи колонна вагонлари анави қумтепа ёнбағрида туриб эди. Уша қумтепани мўлжаллаб бориб қараса, колонна тугул унинг ном-нишони ҳам йўқ. Ундан наригисига ўтди, у ерда ҳам йўқ, ҳаммаёқ бўм-бўш. «Шу атрофдайди шекилли», дея гир айланиб қидирди, йўқ. У саҳрода чамани тиклаб олиб, қўлда худди компас ушлагандек тиклаб юриш лозимлигини, тўғри чизиқдан қиттак тойиш ҳам йўлни бошқа ёққа буриб юборишини, бу ердаги ҳамма қум барханлар, ҳамма саксовулзорлар бир-бирига жуда-жуда ўхшашини билмасди. Трассада узилаётганида Рафиқ:

— Эҳтиёт бўл, мўлжалнингдан кўзинг чалгиса, адашиб кетишинг ҳеч гап эмас-а, у вагонларинг қурғур ҳам, ками икки-уч чақирим-да,— деганди. Ҳури эса саҳрода соябонгул териб тентиди...

Қуёш ҳам Ҳурига, мана энди саҳронинг нималигини билиб қўясан, дегандек, қум барханлари устида ўқрайиб турди-турди-да, ботди-кетди. Ҳури у ёқдан-бу ёққа югуравериб толганди. Ўтириб қолган жойида қум орасидан калтаоёқлар чиқиб қочар, гоҳ узоқдан ўзига нима учундир қараб турган жайрон кўриниб қолар, қумда сургалиб ўтган илон излари кўзга ташланарди. Ҳаммасидан ҳам Ҳури қорақурт чақиб олмаса эди, деб қўрқа бошлади, кейин уни ҳам ўйлашга имкони қолмади.

У қумтепалар устига чиқиб олиб, жони борича овоз қиларди. Зора, мени излаб юришган бўлса, зора, қидириб шу атрофга келиб қолишган бўлса, дерди. Кейин, менинг бу ердалигимни қаёқдан билишади, улар ҳам

бошқа ёққа адашиб кетишса-я, деб таҳликага тушарди. Тун қоп-қора тўрини ёзиб, тез босиб келарди. Олдиндаги тепадан нимадир липиллаб ўтгандек бўлди, «бўри-ми» деб баттар қўрқди Ҳури.

Ҳури энди бир қумтепадан иккинчисига эмаклаб чиқа бошлади. Олдин Камолдан қўрқиб, қочиб юрарди, ҳозир Камол бўлмайдиган ундан бағтарроғини кўрса, у буни саҳро қаҳридан қутқаришга қўмаклашса бас, бас... Эмаклар, овози борича қичқирар, қўлга учраган саксовулларга тармашарди. Тоғон эса худди ўт тушгандек ёнарди... Қўрқув зўридан дастлаб буни сезмаганди. Улимни бўйнига олган одамдек, хиёл дадиллашиб, ҳатто саҳро ҳазилидан ғазабга ҳам миниб, қумларин чангаллашга тушганди, оёқдан қолар даражада сувоққанди. Ахир беҳуда уриниб, озмунча терлаб-пишдим... У эмаклаб борарди...

Шу пайт қаёқдандир бирдан мотор товуши эшитилиб қолди. Йўл-пўлга яқинлаб қолдимми ёки мени излаб келаётган тракторнинг овозими бу, деб Ҳури дам у ёққа югурди, дам бу ёққа, ўнгга юурса мотор овози чапдан келаётганга ўхшар, чапга юурса, орқадан эшитиларди. У қум бархани устига тирмашиб, жим қулоқ сола бошлади. Мотор овози узоқлашаётганга ўхшадди. Жони борича ҳайқирди. Худди шу пайт ёнбошдаги тепа этагидан қум тўзитиб гуриллаб ўтаётган трактор қорасига кўзи тушди. Қўлини кўтариб бақирганича, унга қараб югурди. Трактор машинисти уни кўрди шекилли, таққа тўхтади. Кейин қаттиқ бурилиб тиклаб келаверди. У билмай қайтиб кетадигандек, Ҳури зўр бериб, қўлини силкитарди...

Машина қумтепа ёнига келиб тўхтади. Чироқ шуъласи Ҳурига тўппа-тўғри тушиб турарди. Кабинадан машинист сакраб тушиб, қумда тийғона-тийғона чопиб кела бошлади.

— Ҳурихон, сизмисиз! Хайрият, хайрият,— нафаси оғзига тикиларди Камолнинг. Ҳозир Ҳурининг, олдинги

ким келганини ўйлашга ҳам мажоли йўқ эди. Хиёл енгил нафас олди-ю, аранг қаддини кўтариб, ўзини Камолнинг қўлига ташлади.

Камол уни суяб, кабинага етаклаб борар, қўллари аёл кишининг юмшоқ баданига ботганини ҳис қиларди. Ҳурига шу пайт нима учундир йиғи келди... «Энди суякларим қум тагида қолиб чирийдиган бўлди», дея аёлларча руҳсизлик билан ўзидан умидини узган жойида яна кўзларига ҳаёт, яшаш муждаси барқ уриб боққанидан суюнибми ёки ёмон, ўғри, каззоб, деб ҳазар қилгани, қора ерга қориб юрган одами, унга ҳеч ким қилмаган яхшиликни қилиб, ўзини қутқаргани учун ўкинига келибми, ҳўнг-ҳўнг йиғлар, кўз ёшлари билан Камолнинг елкаларини ҳўл қиларди. Балки, аёл боши билан қум тўзони қаърида шундай азобларга қолгани учун ўз-ўзига хўрлиги келармиди, уялмай ўкириб йиғларди. Камол бу йиғини тушунар:

— Қўйинг, Ҳурихон, йиғламанг, қўйинг, шунчалик омон қолдингиз-ку, биз жуда қўрқиб кетган эдик,— дерди.

Базўр кабинага чиқиб ўтиришди. Яна адашиб қолмаслик учун Камол танкни эски келган изидан авайлаб ҳайдай бошлади. Из қум орасига сингиб кетадигандек ундан кўзини узмасди. Тўрт томонга тун — саҳро туни қора кўрпасини ёпган, тўрт томонда ҳам юлдуз тўла осмоннинг қумга қадалган чети гўё катта пасти баланд устига тўнкарилган тоғара зиҳидек қизғиш товланиб турарди. Камол тўғри кетаётганлигини билиш учун дам-бадам юлдузларга қараб оларди.

Ҳури овуниб, хиёл ўзини босиб олди. Фақат дам-бадам ҳиқиллаб қўярди.

— Сув, сувингиз борми?— деди Ҳури ҳиқичоқ аралаш қуриб қақраган лабини чапиллатиб. Ҳовлиқиб қолгани учунми, Ҳури чанқаб бўлганича бўлганди, унга сув берай, деб боядан бери хаёлига келмаганига Камол ўзидан хижолат чекди.

— Сув, сувми?— худди бирор жойнда сув бордек ён-верини пайпаслади. Шошқичда сув-пув олиш хаёлига ҳам келмаганди. Жаҳл устида машинани ҳам ҳайдаб ёлғиз жўнаганди. Ушанда бир фикр, Ҳурини топа оламанми, деган ўй унинг миёсида ҳукмрон бўлганди. Тракторни тариллатиб қўлидан келганича, у ёқ-бу ёққа бургану моторни ўчирмай қўйиб берганди... Энди сувни қайдан топсин!— Генератордан оберақолай,— деди машинани апил-тапил тўхтатиб.— Исиб қолган-да, майлими?— У саҳрода сувсаб қолган одамнинг аҳволи нима кечишини яхши биларди. Буни бир неча бор бошидан кечирганди ҳам. Ҳури унга, қаердан бўлса ҳам топиб беринг, дегандек кўзларини жавдиратиб турарди. Тушиб, генераторни очиб қаради. Суви қайнайвериб яримлаб қолибди. Запас сув-пув, бензин-пензини қаерида бу машинанинг, бўладими, бўлмайдами, бплмасдн.

Генераторнинг тагидан пачоқ пақирчага озроқ сув оқизиб олди. Уни яна беркитаман дегунча, талай сув оқиб ҳам кетди. Ҳали йўл олмс-ку? Суви қайнаб қуриб, қароргоҳга етмай қолса-я! Уфқда чироқ-пироқ ҳам кўринмайди ҳали.

Ҳури пақирнинг ифлослигига ҳам, сувнинг бензин ҳидилигига ҳам қарамади. Ҳўлқиллатиб ичди-олди. Шундан кейин бир оз ўзига келгандек бўлди, танини кўтариб, тўзиб кўксига тушган сочини орқасига ташлади.

— Тузукмисиз энди?— Ҳурини чанқоқлик азобидан қутқара олганидан, ҳа, шу дилига азоб бериб юрган жувоннинг жонига ором кирита олганлигидан шодон бўлиб, мамнун боқди унга Қамол.

— Раҳмат!— йнгитга уялинқирагандек илк табассумини ҳадя қилди жувон.— Раҳмат! Сизга... Раҳмат.

Қуришиб-қақраган ҳалқумлари бўшашиб, чанқоқдан ўт таталагандек бўлиб ёниб турган ичи ором олгач, Ҳурининг эс-ҳуши ўзига келди. Лабларидан оққан сув аралаш кирни артиб, Қамолга бир нафас кўзи илғама-

ётгандек боқди. У кўнглида: «Менинг ҳамма орзу-умидларим Васкада эди, мени қутқариш учун ҳеч ким жонини тикиб келишга юрак бетламаса ҳам, Васка келади, Воспқ қум кўксини аждардек ёриб ўтиб менга интилади, ҳеч ким бўлмаса ҳам у мени қутқаради, чинакам севгисини кўрсатади. «У енгил, унинг севгиси бир дамлик кўнгли очишга урингандек бир нарсаси...» деб юрганлар бармоғини тишлаб қолади», дея ўйлаганди Ҳури. Қараса, олдида севгиси-тантиси Васка эмас, Камол турибди. Ҳури севиб умид қилган одами эмас, қўрқиб, «шу калоннадан тезроқ даф бўла қолса эди...»—дея ҳатто нафратланиб юрган одами уни қутқариш учун қум дўзахи қаърига ўзини отибди. Жувон ўз кўнглида шу кунгача бу йигитга нисбатан ёмон фикрда бўлиб юрганидан, ҳатто икки-уч бор олдида келганида рўйхуш бермай, терс қилиқлар қилганини эслаб хижолат тортиб кетди. Назарида Камол, «мени ёмон одам деб билардингиз, мен унақа эмасман, одам учун жонимни тикишдан қайтмайдиганларданман мен ҳам», деяётгандек...

## МЕН СИЗНИ БИЛАМАН

Машина зарб билан силкиниб, бир нафас орқага қум тўзонини шопириб отди-ю, олға ўрмалаб кетди. У гоҳ қумтепалар устига чиқиб кетар, гоҳ мияси билан шўнғиб пастга — жарликларга тушар, гоҳ орадан чиққан ялтироқ тақир устида асфальтда юргандек текис ўрмаларди. Ана тақир ер ўртасида, қум аралаш тушган ҳовузча четида бир туп ёвшан ҳурпайиб турибди. Камол уни тиклаб бораётганди, тагидан иккита тошбақа ўрмалаб чиқди-ю, иккаласи ҳам бўйинини шовқиндан қўрқиб ичига тортганича гужанак бўлиб олди. Камолнинг кўзи тушган экан, босиб олмаслик учун бирдан машинани четга бурди. Силкиниб Ҳурининг боши каби на четида тегди.

— Ие, нима қилди? Ёмон тегдими?— ташвишланиб рулни шошиб ўнгламоқчи бўлди Қамол.

Ўри жилмайиб чаккасини аста силаганича, ҳеч нарса қилгани йўқ, дегандек бош лиқиллатди. Қамол ҳам «мени қарангу...» дея хижолатомуз кулиб қўйди... Кучли машина тақирдан ўтиб, қумтепа устига қараб ўрмалай бошлади. Тўзиган қум кабинагача ёпирилиб кирди. Ўри кабина бурчагига суяниб олган, кун бўйи тортган азобларига, ҳозир Қамол ўзини қутқариб олганига ҳам ишонқирамай, булар ўзи тушимда бўляптими, ўнгимдами, тугадими шу билан, тугадими, деганича суратдек қотиб кетиб борарди... Тушими бу, ростдан ҳам Қамол келдими...

Йўқ, туши эмас, бугун бошидан ўтган даҳшатлар ҳаммаси ҳақиқат... Ҳаммаси ўзининг саҳро кўксига беписандлик билан қўйган қадами оқибати, олдида ўтирган кимса ҳам бошқа одам эмас, мутлақо кутмаган одами, Қамол! У бунинг ўлган жонини тирилтирди, қақраган ҳалқумига сув қуйди, саҳро қўрқувини юрагидан қувиб, шамчироқдек олдида пайдо бўлди...

Ана босиб боришаётгани тепа устида саҳрони қучган тунги ғира-ширада нимадир ғимирлаб кўринди. Эчки-эмарми ёки илонмикин-а? Кун бўйи қум тагларига кириб иссиқдан жон сақлаган саҳро жонзотлари ҳам кечки салқинда ўрмалашиб чиқиб келяпти, шекилли. Илон экан, машиналари ғилдираги билан уни босиб ўтди. Саҳронинг олис-олис қаърларига санчилиб, тун зулматини шамширдек кесиб, биланглаб кетаётган машина шуъласига олисдан такага ўхшаб сакраб кетаётган жонзот қораси илинди.

— Вуй анавини қаранг! Кийикми?— деди ҳовлиқиб Ўри.

— Жайрон,— овози борича қичқириб тушунтирди Қамол. Ўри жилмайди.

Машиналари янги бир жарликка тушиб яна қумтепага кўтарилаётган пайтида мотор бирдан тариллаб

қолди. Кучли машина иккi-уч чираниб, аранг ўзини юқорига олди-ю, таққа тўхтади.

Кабинадан сакраб чиққан Камол, дам ўтмай ҳолсиз қайтиб келди. Ҳури кабина бурчагига суқилиб, хпёл кўзи уйқуга кетган экан. Камол эшик олдида ҳолсиз қўлини шалвиратиб пайдо бўлиши биланоқ қандайдир кўнгилсизликини сезди, ирғиб турди.

— Ҳайдамайсизми?— деди.

Камол, иложсизман, дея чайқалди. Ҳурининг «нега» дейишга ҳам тили бормасди... Камол : «Генераторда сув қурибди, энди юрсам ярим чақиримча бормаи моторлар қизиб эриб тушади», дея олмади.

— Бензин тугабди,— деди.

— Йўғ-е.

— Шошганда бензин запасига ҳам қарамаган эканман,— кабинага чиқиб ўтирди.

— Энди нима қиламиз?

—Трассага чиқиб қолган бўлсак керак. Бизни қидириб келиб қолишади.

Камолнинг овозидаги руҳсиз лоқайдлик Ҳурпни қўрқитиб қўйди. «Ростдан соп бўлдимикан-а? Ёки...» Боядан бери қалбида Камолга нисбатан туғилиб келаётган қанчадан-қанча миннатдорлик, меҳру оқибат ҳислари бир дамда ҳавога тўзиди. Аёл кўзи олдида яна ўша қўрқинчли ўғри, каззоб пайдо бўлди. Хавотирланиб кетга тисарилди ҳам. «Атай тўхтатди, бу ёмон ниятда...» Йўқ, ўғри бамайлихотир уфққа қараб ўтирарди. У ёнидан папирос олиб чека бошлади.

— Ишимиз чатоқ бўлди-ку, Ҳурихон,— деди Камол кабинадан қўзғалиб, сўнг оҳиста ташқарига чиқди. Машинанинг устига чиқиб, у ерда тик турганича атрофга қарай бошлади. Кабина томини тарақлатиб айланди. «Боя келган изимдан четламаган эдим шекилли,— деди ўзича.— Трассага етиб қолган бўлишим керак эди. Ёки йўлда бошқа изга тушиб қолдимми? Яқин атрофда трассанинг шарпаси ҳам кўринмайди...»



— Чироқ-пироқ кўринадими?— пастдан бақирди Ҳури.

— Ҳеч нарса... Саҳронинг қоқ белига қадалганга ўхшаймиз.

Қамолнинг овозидаги хотиржамлик унга бир оз далда бўлди. «Бирор нарсага умид қиялпти шекилли, тинч гапиряпти», деб ўйлади. Кабинадан чиқди у ҳам. Ҳаммаёқ зим-зиё... Оёқ тагида нимадир ёмирлайди. Ҳури қўрқиб, кабинага яна кириб олди...

Қамол ҳам тушиб келиб жойига ўтирди. Яна чекди. Гугурт шуъласида унинг башараси янада тундроқ кўринди Ҳурига.. Томоғи қақраб борарди... Кечки салқин тушгани учунгина кундуздагидек қийналмасди...

— Пиёда кетавера қолайлик... Трассага чиқиб олармиз,— деди ташвиш аралаш Ҳури.

— Ҳозир пиёда кетавергандан шу кабинада тонгни кутган маъқул, Ҳурихон,— деди Қамол осмонга қараб.— Бу зим-зиёда ҳассасиз кўрдек туртиниб, қанча жойгача ҳам борардик... Трасса кўриниб турса ҳам бошқа гап эди...

Қамолнинг гапига ишонмагандек, Ҳурининг ўзи кабинанинг устига чиқди, атрофга узоқ тикилди.

Осмонда сонсиз юлдузлар чарақлаб борарди. Ой чиқмаганди ҳали. Мана ўша болаликдан таниш Сомон йўли юлдузлари. Бош устида тескари осилган арғамчидек уфқнинг у бошидан-бу бошига чўзилиб ётибди. Ҳурилар ёшликда уйдан кўчага айлангани чиқишганида ҳам бу юлдузлар шундай милтиллаб турарди. Ой ҳам гоҳ эрта, гоҳ кеч чиқиб, уларнинг йўллариини кузатарди. Ҳозир ҳам юлдузларнинг ўша милтиллаши милтиллаш... Ана Чўмич юлдуз — Етти қароқчи уфқдан кўтариляпти. Ёруғ юлдуз эрталаб чиқса керак... Ой-чи, ой олди томондан чиқади. Ёки ёнбошдан чиқармикин. Ой қаёқдан чиқса трасса ҳам шу томонда бўлади. Шу фикрини Ҳури шошиб Қамолга айтганди, у ҳам тасдиқлади.

— Ҳа, ой чиққан томонга қараб тиклаб юрсак, трас-

сага кесиб чиқишимиз мумкин,— деди. Камол нима учундир тинимсиз чекар, индамай осмонга қараб ётарди.

— Нега гапирмайсиз, Камол ака, гапирсангиз-чи, қўрқиб кетяпман,— деб юборди ўз изтиробини яширолмай Ҳури.— Бизни қидириб келишармикин?!

— Қидириб келишади,— деди Камол ишонч билан.— Лекин сиз нимадан қўрқаётибсиз? Саҳроданми, тунданми, менданми?

— Йўқ-йўқ, нима деяпсиз ўзи! Вой ўлай, мен сиздан нега қўрқай энди... Сиз келмаганингизда, вой, эслагани ҳам қўрқаман-а...— Яна ҳолсизланди Ҳури. Камол унга ҳамон ғалати тикилиб турарди. У жувон билан суҳбатлашишнн, ҳа, юрагида борини тўкиб-солиб, алам-ситамларинн ҳам очиб-ёриб суҳбатлашишни истарди.

— Мен сизни биламан. Ҳа, энди ёшликда одамдан ҳар хил хато ўтади, турмушда ҳамма нарса ҳам бўлади,— ўзича Камолнинг кўнглини тинчитишга уринарди Ҳури. У Камолнинг бир оғиз сўзиданоқ, қалби тўла изтироб ва пшаймон эканлигини англаганди...

Камол юлдуз тўла осмон билан саҳро ўпишган қизғиш қум уфқига узоқ тикилиб турди-да:

— Олдин бизнинг уйимиз шу саҳронинг ҳов кунчи-қар томонларида эди,— деди.

— Қай томонида эди? Бухоро томонидамиди?— кўнгил учунми қайтариб сўради Ҳури.

— Ҳа, ўша томонда.

— Ота-онангиз борми?

— Йўқ, ҳеч кимим йўқ.

— Балки у ерда яхши кўрганингиз бордир!— гапни атайлаб ҳазилга бурмоқчи бўлди-ю, лекин йигитнинг кўнглига... «бу атайлаб сўраяпти», деган гап келади, деб ўйламади.

— Ҳа, бор эди,— деди кулиб Камол.— Кўзлари ҳам худди сизнинг кўзларингизга ўхшаганди, қадди-қомати ҳам худди сизга ўхшаганди. Қир лоласининг ўзи эди у, қир лоласи.

Юраги шиф этиб кетди Хурунинг. Ҳа, бу йигит ахир ўзига нега бунча тикилаверишининг боиси бу ёқда экан-да! «Мен ўша севганига ўхшармишман?!» Хури ҳали бу гапга хурсанд бўлишини ҳам, хавотирланишини ҳам билмасди.

— Сизнинг акангиз менинг ҳаётимни ўлим чангалидан олиб қолиб, иккинчи бор қайтарганларида у севгимни рад қилди...— юлдузлардан кўзини олмай деди охири Камол. Ҳа, кўпдан айтмоқ истаган гапининг тугунини ечди у.

— Нима? Нима? Менинг акам?— қўзғалиб кетди жойпдан Хури.

— Ҳа, ҳа, сизнинг акангиз. Собиржон Алиев сизнинг акангиз. Анави куни қўлингизда суратларини кўриб эдим, шу киши.

Хури, бу йигит ўзи нима деяпти дегандек, бақрайиб қолди. Камол гапни узоқроқдан бошлади. Собиржон билан у ерда илк бор учрашганларидан тортиб, ҳаммасини гапириб берди. Хури дамда ўзгариб, жонланиб кетганди. Камолнинг гапига гоҳ ишонар, гоҳ яна ишонгиси келмай, «бу ўзи нега бунақа уйдирма тўқияпти-а», деб ўйларди. Йўқ, ҳамма гаплари аниқ... Бу тасодифга ҳайратланиб қолди Хури. У акасини бениҳоя яхши кўрарди. Дўмбоққина қизчалигида шу акаси синглим қувонсин, деб турли-туман ўйинчоқлар олиб келганлари, доим суйиб эркалаганлари эсида.

Кейин Хури гапнинг қизиғига тушиб қолиб, Камолнинг олдин ким бўлгани-ю, қамалиш боисларидан тортиб, сўраб-суриштириб кетди... Қараса, у илгари ўзи қўрқиб юрганидек каззоб, ўғри эмас, тақдирнинг оғир ҳазили вужудни эзиб ўтган оддийгина бир қишлоқи йигит бўлган экан... Кўз қарашлари ҳам мулойим, юзларидаги қалин ажинларда ҳам ваҳима излари эмас, содда, очиқ қалбнинг адашиб чеккан аламлар ёзуви чўзилиб ётгандек... Илгари ундан қўрқиб қилган баъзи

қилиқларини эслаб, уялиб ҳам кетди. Олдида бу йи-  
гитнинг қалб дунёси очилди-қолди.

Қамол билан анча вақтгача акаси ҳақида гаплашиб  
ўтирди. Сахро қўйнида адашиб, машиналари бузилиб  
ётганини ҳам унутишди. Чанқоқлик, очлик ҳам эсдан  
чиққанди. Кўкни тутган ғуж-ғуж юлдузларга термилиш-  
ганича, талай вақтни ўтказишди улар. Охири ҳорғин-  
лик, уйқу ўз сиқувига олди. Кабинанинг икки бурчаги-  
га суқилишганича уйқуга кетдилар...

## ТОНГ ОТДИ

Ҳури эрта билан кўзини очса, Қамол ҳам, ўзи ҳам  
совуқда ғужанак бўлишганича, бир-бирларига орқала-  
рини тираб ётишибди. Ҳури ҳар аҳтимолга қарши доим  
белига ўраб юрадиган шолрўмолини олиб, Қамолнинг  
елкасига ташлади. Ана қуёш, кеча кечқурун Ҳурини  
қўрқитиб, тун билан қисматинг нима кечаркин, ти-  
рик қоласанми-йўқми, дея кўз қисганича, сахрога бо-  
тиб кетаётган пайтидагидек, қум бархани устида бир  
кўзини қисиб кўтарилиб келарди, чеҳраси ҳам очиқ.  
Ҳури енгил нафас олди.

Кабинадан сирғалиб пастга тушди. Атрофга аланг-  
лай бошлади. Қум тўла из. Лекин бирорта жонзот шар-  
паси йўқ. Уфқларга тикилди, на қора, на бирор белги  
кўринади. Очлик, чанқоқликни яна азоб билан ҳис қил-  
ди... «Турса... кетақолсак,— дер, лекин яна,— ҳориган,  
пича бўлса ҳам дам олсин», деб Қамолнинг уйқусини  
кўзи қиймас, қараб-қараб қўярди. Ўз юрагида бу забар-  
даст йигитга нисбатан энди қандайдир илиқ яқинлик  
ҳис қиларди...

Бир вақт Қамол кабинадан илдам чиқиб келди. Сак-  
раб кабина устига чиқиб қараб:

— Хув, хув, уфқда қорайиб чўзилиб кўриняпти, трасса, трасса,— деди бирдан жонланиб.— Кетаверамиз, кетаверсак бўлади... Юринг, юринг, машина кейин келиб олиб кетилади. Трассани ёнлаб кетиб қолган эканмиз. Етамиз, етиб олсак бас трассага...

Хури ҳам қувониб кетди.

—Юринг, юрақолинг,— дерди йўлга тушиб.

Машина қумтепа устига қўйилган ҳайкалдек қорайиб қолди. Икков ўн қадам юришар, унга қарашар, йнгирма қадам юришар, яна қайрилиб қарашарди.

Машиналари орқада қутнчадек бўлиб, қорайиб қолганди, олдиларидан чўл белини аждардек кесиб ётган улкан трасса трубалари уфқлардан уфқларгача чўзилиб, қорайиб кўринди. Икки вужуд унга қараб тинмай интиларди. Кўп ўтмай Хури оёғида мадор қолмай, сурғалиб кела бошлади. Аммо Камолдан бир қадам ортда қолишни истамас, олға интиларди. Икки-уч бор дам ҳам олди... Бўлмади. Қуёш юксакка кўтарилгани сари сахро қизир, Хури ҳолсизланиб борарди. Камол ҳам оёғини сургаб босарди... Улар олға интилганлари сари трасса ҳам худди кетга сурилаётгандек, гоҳ олислаб кичрайиб кетар, гоҳ лопиллаб яқинлаб қоларди. Пешингача юрдилар... Хурининг мадори қурнди.

— Агар кўнглингизга олмасангиз кўтариб оламан,— деди Камол.

— Ўзингиз чарчаб келяпсизу.

— Йўқ, мен чарчаганмча йўқ ҳали.

Хурининг обдан ҳориган кўзлари, майли, дегандек мўлтиллаб турарди. Камол уни даст кўтариб олди. Яна трассани қоралаб, гоҳ барханга тирмашиб чиқиб, гоҳ пастга сирпаниб тушиб, олға кетишаверди...

Кўп ўтмай тўсатдан икки-уч томондан кучли мотор шовқини эшитилиб қолди. Кутилмаганда олдиларидан, бир қумтепа ёнбошидан лапанглаб машина чиқиб келди. У яқинлаб келмасиданоқ кабинасидан икки-уч одам сакраб тушди.

— Тирикмиснзлар? Бормисизлар?— тили калимага аранг келарди уларнинг.

Ҳури ҳўнграб йиглаб юборди. Камол уни ерга оҳиста қўйди. Машинадан Рафиқ ҳам сакраб тушди.

— Саҳрода одам шунақа бебош санқийдимми?— дея дарров Ҳурини койиди. Камол оёғида аранг турарди.

Иккаласини машинага ўтказишди. Пешинга яқин қароргоҳга қайтиб кириб боришди..

Худди шунинг устига Газли томондан машинада Тимофей Алимович етиб келиб қолди.

— Оббо сизлар-ей,— дерди у бошипи сарак-сарак қилиб.— Мен йўғимда Ҳурини йўқотдинглар ҳам, топдинглар ҳам. Вой, сизлар-ей.

— Камол ўзини саҳрога бундақа урмаганида топиш қийин эди,— деди Жўра.

— Бу гал ҳам яхши ишни Камол қилди-ю, яна муҳокама қиламиз, деб эълон ёпиштирибсизлар?— орқасига ўгирилиб клуб эшигига ёпиштирилган эълонга ишора қилди Тимофей Алимович. Уни Рафиқ шоша-пиша йиртмоқда эди.

— Ҳа,— деди Тимофей Алимович.— Нега йиртяпсан? Утказмайсанми?

— Кеча ўтиши керак эди. Энди кечикди,— деди четга қараб Рафиқ. Ҳа, кўп нарсга аён бўла бошлаганди. Кечаги, қўймайман уни, қўймайман, ҳайдатаман деган Рафиқ қани-ю, бугунгиси қани?..

Бунга Камол ҳам кузатиб турганди. Дўпписини пешанасига суриб, гарданини қашиб қўйди-ю, ётоғига кириб кетди.

Атрофдагилар, аёллару болалар — ҳаммаси бир ўлимдан қолган Ҳурининг боши устида парвона бўлиб, елиб-югуришар, ҳовлиқишар, бутун қароргоҳ ҳам шодлик, ҳам ҳайратда жўшар-тошарди.

Ҳурининг хонасига бир вақт Васка кириб борди.

— Тирикмисан ўзи?— деди олдин қўпол тикилиб,— одам ҳам шунақа бепарво санқийдимми. Неча марталаб

ахир сахро билан ўйнашманглар, узоққа кетманглар деб тайинлашган бўлса, кичкина бола эмассан-ку!— дея койишга тушди. «Хўжайинга энди тил битиб қолгани-ни-чи,— деди Ҳури ўз-ўзига.— Қаердан менга бу ўзи каттаконлик қиладиган бўлиб қолди?— бир нафас индамай унинг гапига қулоқ солиб турди. Ҳозир юрагидаги бутун аламини тўкиб солиши ҳам мумкин эди-ю, яна ўз-ўзига,— дардни тушунадиган одам бўлса шунақанги қиладими», деди.

— Йўқол!— деди беихтиёр.

— Э-э,— тебраниб қолди Васка.

— Йўқол, мунофиқ!— баттар ўшқирди Ҳури. Васка эшикка тисарила туриб:

— Нима, сахрода бир гап бўлдим дейман!— деди.

Ҳури бешбаттар ёниб кетди. Бун пайқаган Васка ясама қулиб ҳиҳилади-ю, дуркун гавдасига ярашмаган қилпанглаш билан орқасига қараб-қараб қочиб қолди. Қўшни вагондагилар нима гап, дегандек эшикларидан бошларини чиқариб мўралаб туришарди...

## ҚУЁШ ДОИМ КУЛИБ БОҚАДИ

Қун пешиндан оғиб қолганди. Гудирнатор яна кечикиб қолгани учун қорамой чаплагич машина қозони бўшаб, тўхтаб қолди.

— Ишнинг қизигида белига тепди-ку,— деди Жўра экскаватори кабинасидан сакраб туриб.

— Ҳали қора-пораси ҳам кўринмайди,— сахро уфқи-га — машина келадиган йўлга узоқ тикилди Ҳури.

— Қозонини вақтида қайнатмай ялпайиб ўтирган-да, у Ҳасан,— деди яна кимдир.

Рафиқ ҳам тепача устига ёнбошлаб папирос тутатишга тушди. Қамол эса изоляциячи машина атрофида айланар, у ер-бу ерига қарарди. Васка ҳали экскаватори кабинасидан чиқмаганди.

— Ие, қуён!— кўзлари саксовулзорда, қўлида милтиқ сапчиб чиққан Васка (у эҳтиётдан доим ёнида ов милтиғи олиб юарди. Бир гал учқур жайронни отиб олишига ҳам оз қолганди) югура саксовулзор ичига кириб кетди. У ёқдан устма-уст варанглатиб милтиқ отгани эшитилди. Орқасидан югуриб, тепачага чиқиб турганлар унинг бир оқиш оқсоқ қуён ортидан қувлаб кетётганини кўрдилар.

Шу орада пишқириб, қорамой машинаси етиб келди. Қозон тўлди. Колонна яна ҳаракатга тушиб кетди. «Васка, қаёққа кетдинг»,— дея аланглашар, ундан дарак йўқ эди...

Васканинг мумчапловчи машина олдида одимлайдиган экскаваторини олға суришга одам йўқ, тозаллагич машина қувиб борганди.

Шунда Камол бир сакраб рулга чиқди. Мумчаплагич машина қувур қорнида осилиб, ерга тегиб қолай деганди. Шоша-пиша экскаваторни олға сурди. Кейин яна тушиб, югура устасининг ёнига ўтди... ўн беш-йигирма метр жойга бормай колонна мувозанати яна бузилди. Камол яна экскаваторга чопди. Тозалагич машинани тўхтатиб, куттириб туришга имкон йўқ эди. Бригада бусиз ҳам бугун анчагина вақтни бой берганди. Васкадан эса дарак йўқ... Камол гоҳ рулга, гоҳ қорамой чаплагич олдига чопаверганидап, терлаб, сочлари тўзиб кетди. Ҳаллослаб ҳам қолди, кимдир бепарво Васкани орқасидан боплаб сўкди ҳам.

Бир вақт у белнга сарғиш бир қуённи боғлаб олганича саксовуллар орасидан саланглаб чиқиб келиб қолди.

— Қаёқларда юрибсан?— деди унинг экскаваторини олға жилдириб тушаётган Камол.

— Сен хўжайинмисан!— миннатдорчилик билдириш ўрнига бетига чопди Васка.— Бор, ишингни қил.

Камол ер бўлиб кетди. Кўпчиликнинг олдида ҳатто ер ёрилмади-ю, унга кирмади.



— Бу ҳали сенинг менга билдирган миннатдорчилигинми?— тисарилди.

— Нима, машинани икки-уч бор суриб қўйганингга ҳам, э, минг раҳмат, деб қўлимни кўксимга қўяйми, сенга,— Васка безбетликка ўтди,— йўқол!

Жанжал, ёмон жанжал чиқишини кўриб, сезиб турган Ҳури орага тушди, бошқалар унга қўшилишди.

— Ҳамма ярамаслик, қитмирлик сенда, Рафиқда..

— Сенлардан тозалаш керак колоннани.

Худди шу тўполоннинг устига ремонт машинасида қароргоҳ томондан Тимофей Алимович келди. Ҳар доим ҳамма билан ҳазиллашиб, кулишиб, одамларнинг кўнглини кўтарадиган гапларни гапириб юрадиган колонна бошлигининг кайфи бузуқ, қовоқлари осилиб турарди.

— Нима тўполон яна?— Восиқ билан Камолнинг устига бориб қолди,— иккалангнинг жўжаҳўрозликларинг қолмас экан-да, сира ҳам.— Уларни баробарига қойий бошлаганди, Ҳури орага тушди. Бор гапни тушунтириб берди.— Яхши йигит эмас экансан, Васка,— деди Тимофей Алимович қаттиқ қойиб.— Сен шу дақиқадан бошлаб Камолнинг ўрнида ишла. Сен Камол, бунинг рулига чиқ,— дея буюрди.

— Нима? Бу қанақа ҳақиқат,— шаллақилик қила бошлади Васка. Унинг ёнига Рафиқ югуриб келди.

— Нима қиялсан ўзи? Нега?— деди у ҳам.

— Сен билган мана бу ҳақиқатни бурдалаяпман.— Тимофей Алимович чўнтагидан ғижимланган бир қоғозни олиб Рафиққа ниқтади,— «қамалиб чиққан одамга эҳтиёт бўлиш ўрнига уни кўтаряпти», деб конторага ёзибсан-а, уялмасдан. Яна ҳақиқат дейди. Олдимизда минг километрлаб оч саҳро, юзлаб ўр-жарлар, ўртада Амударё, ундан у ёқда даҳшатли Қорақум. Борса-келмас, Устюрт ястаниб ётибди! Улар одамларнинг йигирма йил бурун нима гуноҳ қилган, қай тирноғининг тагида қанақа кири бор, деб, искаб турганмикин?!

— Ўзи нима деб бўғилялсан?— кейинги кунларда

анча бўшашиб қолган Рафиқ Тимофей Алимовичга яқин келди. Қўлидаги қоғозни олиб қаради. Кўзларини пир-пиратди. Қоғозни ўзи индамай бурдалай бошлади.

— Ҳа, бурдала, майда-майда қилиб ташла уни!— дерди Тимофей Алимович Рафиқнинг қилиғи тагига ета олмай,— шунақа бемаъниликни йўқот деяпман сенга.

Рафиқ яна индамай иш жойига қайтиб кетди. Кўпчилик, ҳатто Восиқ ҳам унга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

Камол Ҳурига қараб мийиғида кулиб қўйди. Қалби эса, «четга тортиб, тевалагандан кўра, тўғрилиқ, инсонлик зарбаларинг қаттиқроқ тегди бунга», дерди. Кейинчалик булар ҳақида Ҳурига гапириб берар экан: «Акангизнинг усуллари бу, ҳа, ишимизда Собиржон акамларнинг ҳам ҳиссалари бор»,— деб қўйди.

Ҳури акасини эслаб ҳўрсиди.

— Бу умрингизнинг энг яхши, энг қутлуғ кунни бўлиб қолса керак,— деди майин жилмайиб.

— Ҳа,— деди кўкрагини кериб Камол.

Газопроводчилар яна саҳрони ларзага солиб олға йўртинишда давом этишди.

## ОХИРИ

Газопроводчилар ҳузурида бўлганимда Камол ва Ҳури ҳақидаги қиссани гапириб беришганди.

Қаршимиздаги ясси бир қумтепага чиқиб, атрофини кўздан кечприб кетаётгандик, орқа томондан бирдан ҳазин бир қўшиқ оҳанглари оҳиста кўкка ўрлай бошлади.

— Ҳай ёрингман, ҳой, жонимой, ей хо,о-оо асирингман ҳай жоним, ей.— Куй худди барханлар устида кенг қанот ёзган бургутдек баланд, босиқ оҳангларда кўкка учар, атрофда ҳўмрайиб турган бепоеъ саҳро уфқларига томон енгил қанот қоқиб кетарди. У ҳасрат тўла ошиқ қалбининг дардларини, қиё боқмас ёр ситамларини

ни ёйиб, тўлғаниб куйлар, тилларни, дилларни ҳам ўзига оҳиста жазб қилиб борар эди.

— Ким экан бу, мунча ёнган бечора?— деди шеригим бир нафас йўл устида тўхтаб. Ҳурилар ҳам биздан олдинроқда кетиб боришарди. Қўшиқнинг майин оҳанги, айниқса, ундаги мунгли дард, изтироб тўлқинлари юрагини тўлдириб юбордими, Ҳури ҳам ашулачига қулоқ солиб, йўл устида бир нафасгина тўхтади.

Бир вақт қумтепа орқасидан ишдан қайтаётган уч йигит: Жўра, Камол ва яна бири кўтарилиб келиб қолдилар. Уларнинг ўртасида келаётган Камол тебраниб куйлаб келарди. Бунни кўрган Ҳури куй оҳангига мафтун бўлганича, йигитлардан олдинроқда оҳиста-оҳиста қадам босаверди. Енида кетаётган дугонаси зўр бериб :

— Камол шунақа ашула айтяптими, а? Шунақа овози бор эканми, уни-а? Ё тавба, ё тавба!— дерди.

Бу куй, бу қўшиқ Ҳурининг хаёлига ишққа ташна шўх қизлик дамларини, қачонлардир қишлоққа бир қариндошлариникига борганида учратиб севиб қолгани, оқшомлари ишқи билан яшаб, хаёлан унга севги саломларини, юрак изҳорларини юборгани, йигитни туширган экан. Биринчи учрашганларида ширин-ширин суҳбатлар, ўтли кўз қарашлардан бошқа нарса бўлмаганди. Орадан ўн кунча ўтгач, Ҳури яна атай шу йигитни кўриш, учратиш учун ўша қишлоққа борганди. Лекин қараса, бу орада у йигит армияга кетиб қолган экан. Хомуш қайтди. Ишқини икки йилча пинҳон сақлади. У йигит ўтли боқишлар инъом қилгани билан қалбига тушмаган эканми, армиядан сочи жингалак, қақажонгина бир рус қизига уйланиб келди... У йигитни Ҳури узоқ вақт унута олмай юрди. Кейин, кейин-чи, кейин уни тоғалари зўрлаб узатишди. У қишлоқлик йигитнинг ҳам бир куни кечқурун даладан қайта туриб Ҳуриларнинг қариндошлари эшигидан худди шу — ҳозир Камол айтаётган ашулани айтиб ўтгани эсида. Ҳа, тоза қалбдан айтилган куй жозибали бўлади.

Тоза ҳаво . . . . .	3
Қутлуғ кун . . . . .	135

На узбекском языке

*Шатурсун Гулямов*

ЧИСТЫЙ ВОЗДУХ

Новелли

Редактор *Ҳ. Маҳмудова*  
Расм С. *Латипов*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *Е. Попова*  
Корректор *М. Аҳмедова*

ИБ № 530

Босмахонага берилди 21. 02. 78. Босишга рухсат этилди 21. 11. 78.  
Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 6,625. Шартли босма л. 9,27. Нашр  
л. 9,58. Тиражи 30,000. Р 01470. Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 7-78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқа-  
риш бирлашмасининг 1-босмахонасида 1-қоғозга босилди. Тошкент,  
Ҳамза кўчаси, 21. 1978 йил. Заказ № 1115. Баҳоси 75 т.